

ЭРКИН САМАНДАР

**ЖАЛОМАДИН  
МАНГУБЕРДИ**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999



ЭРКИН САМАНДАР

# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

НАСР ВА НАЗМ

*Тарихий фожеалар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999

С 28

**Самандар, Э.**

Жалолиддин Мангуберди: Наср ва назм: Тарихий  
фожеалар. — Т.: «Шарқ», 1999. — 272б.

Үз2

## М у а л л и ф: ҲАЙРАТЛИ ДУНЁ..

Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш орзуси олтмишинчи йилларда юрагимга чўт ташлаган. Аввал байтлар битдим, шеърлар ёздим. «Хива» шеъридаги «Жалолиддин булиб тулорда дарёни кечиб ёхуд» мисрали банд, «Хоразм фарзандиман» шеъридаги:

Мен у кунлар ҳасратига ўртаниб ёнмай нечун,  
Ҳали ҳам вайроналарда изғиса аччик тутун,  
Марғ Жалолиддин йиқилди жангда шу тупроқ учун,  
Мен шу тупроқ ворисиман, мен шу эл фарзандиман

каби мисралар илк изланишларимдан туғилган.

Сунгра Алоуиддин Хоразмшоҳнинг ўз ўғли Жалолиддин билан сўнгти учрашуви ҳақида «Олис ниодлар» балладаси ёзилди.

Шундан кейин Мангуберди ўз онаси, хотинларини Чингизнинг қўлига тушакўрмасин деб ноилож дарёга оқизгани тұғрисидаги «Она ва ўғил» балладаси дунёга кеди.

Кейин... етмишинчи йилларда уч юз олтмиш авлиё маскани — Кўхна Урганчга зиёратга борганимда Жалолиддин боғининг вайроналарини кўриб юрагим ҳаприққан, анчагача ҳаяжонимни босолмай маҳзунлар бўлганман. Ўша ернинг ўзида «Темир қозиқ боғи» шеъри яратилган.

Аёнки, Жалолиддиннинг Урганчдаги Темир қозиқ боғи ўз вақтида жуда машҳур бўлган. Унинг гулу гулзорлари, чаманлари, ширин-шакар боғлари, қасру кошоналари таъриф-тавсифи узоқдарга кетган.

Бизнинг кунларимизга келиб эса... унинг сахни қамишзор-янтоқзорга айланиб қолган. Шундай бўлса-да мен унинг ёнидан жиломмадим.

Қанча турганимни билмайман, бир пайт... қулоғимга булбул овози чалинди. Бу яқин атрофда боғ-роғ йўқ, булбул қайда сайдради экан, деб ўнг-сўлимгага бокдим. Булбул қўниши мумкин бўлган битта адл шоха

ҳам күзга ташланмас эди. Булбул яна сайдади. Товуши нақ рұбарудан — Темир қозықнинг ўзидан келди. Топдим. Курдим. У... янтоқ шохчасида туриб олиб, чаҳ-чаҳ сайдамокда эди. Ана шунда шеър туғилди...

Шеър катта эмас, тулиқ, келтираман.

## ТЕМИР ҚОЗИҚ БОҒИ

Адашдик шекилли, бу уша боғмас,  
Қани раънолари, бинафшалари.  
Нега оққан дарё қайтадан оқмас,  
Айланиб турар-ку қадим ер шари.  
Бу ерда янтоқдан йўқ ўзга вақо,  
Нима бор бу ерда юлғундан бўлак.  
Орзу чечагига наҳот йўқ бақо,  
Наҳот дунё ҳиссиз, эсиз чархпалак?  
Насавий қалами кун каби ҳақдир,  
Темир қозиқ бофин жаннат атамиш.  
Урганж бўйнидаги нодир жавоҳир,  
Турони заминга зийнат атамиш.  
Бунда Жалолиддин берганда гурунг,  
Дунёни жам этган шоҳона чодир.  
Унинг қаршисида учирив ҳушин,  
Таҳсин ўқигандир не-не жаҳонгир.  
Адашдик шекилли, бу уша боғмас,  
Қани таровати, олий шукуҳи.  
Қайрилиб кетарда гўё берди сас  
Ненингдир шарпаси, не хилқат руҳи.  
Сунг... булбул сайдади кўп ошуфтаҳол,  
Воажаб, не қилсин булбул юлғунда.  
Булбулнинг ошёни гулзор-ку азал,  
Ёқутлаб фунчалар не қилсин бунда.  
Аммо сайдайверди булбул бетиним,  
Пинҳон гулларни у кўрмоқда гўё.  
Қушчаки шу жойда топибди қўним,  
Аҳли одамзодда қўним йўқ, аммо.  
Мен сажда қиласман сенга, булбулжон,  
Жон садқа минг йилни кўрган ёшингга.  
Бунда сайдаб турсанг, бир куни инсон  
Ўз изин сўроқлаб келар қошингга.

Саксонинчи йилга келиб кўнглимда Жалолиддин ҳақида роман ёзиш истаги туғилди. Ан-Насавийнинг З. Бунёдов томонидан нашр этирилган сulton Жалолиддин тарихи асарини ўқиётвебиб ёд олиб юбордим

десам муболаға бўлмайди. Бундан ташқари Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» китоби, М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмаси, Озарбайжон ёзувчиси М. Ўрдубодийнинг «Қилич ва қалам», грузин ёзувчиси Г. Абашидзенинг «Ялдо кечаси» романларини ўқидим, олимларнинг қатор илмий ишлари билан танишиб чиқдим.

Мўғул босқини вақтидаги фожъе нуқталардан бири — Алоуддин Хоразмшоҳнинг қочиш воқеаси бўлгани сабаб мен романни шу мудҳиш хато асосига қурмоқчи бўлдим. Хоразмшоҳ дарбадар ўтган йўллар — Хоразмдан то Абескун оролигача бўлган масофа харитасини чиздим. Бу йўллар билан Жалолиддин ўтган йўллар орасига ўзимча туташтирувчи чизик тортиб, бу гун воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонларнинг тақдирларини шу нуқталардан ўтказишни хаёл қилдим.

Энди уни иссигида қоғозга тушириш керак эди, ёзувчиларнинг Грузиядаги (Жалолиддин ўтган йўл) иҳод боғига йўлланма олиб, бутун бир баҳор фаслинни шунга бағишиладим.

Ўша йилги баҳор у томонларда серёғин келди. Ўтиз-қирқ кун давомида на қора булувлар осмонни тарк этди, на Қора денгиз бир дам осойиш тонди. Тўлқинлар қирғоқча ҳар урилганида бутун шаҳар чайқалиб кетгандай бўларди. Менинг қалб тўлқинларим ҳам айнан шундай — борлиғимни ларзага солган эди.

Хоразмшоҳ энди йўл ярмини ўтиб, Жалолиддин Мангуберди энди мўғулларга зарба устига зарба бериш тафсилотлари қоғозга тушган пайтда вақт тугаб, Хоразмга қайтдиму кундалик ишларга берилиб («Хоразм ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири эдим) яримта роман яримталигича токчада туриб қолди.

Бунинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Ўша пайтда Огаҳий театри билан ҳамкорлигим кучайган, пьесаларим кетма-кет саҳнага қўйилаётган эди, Жалолиддин ҳақида драма ёзишга театр аҳли мени қаттиқ ундади. Роман узоқча мўлжалланган иш деб ўйлаб, драма ёзишга кундим. Шу тариқа 1986 йилда Огаҳий театрида «Аждодлар қиличи» тарихий фожеаси саҳнага қўйилди ва шу тариқа... роман боблари токчада турганича туриб қолаверди.

Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бўларкан, мана энди, уни қўлга оляпман. Гап қуруқ бўлмаслиги учун романдан парча келтираман.

## ШОХ КЕЧИККАНДА...

Яқындағина қасри олийда азим ва енгилмас таҳт соҳиби, салтанат ҳудудларини арабу ажамгача кенгайтириб, ўзини Искандари соний маснадида кўрган буюк тождор Алоуддин Хоразмшоҳнинг таваллуд кунлари кўз куриб қулоқ эшиитмаган дабдабаю асьаса билан нишонланган эди.

Ҳиндистону Чинмочин, Юнонистону Бағдод, Эрону Жазирадан, дунёнинг турли-туман буржларидан ташриф буорган элчилар ўз подшоҳларининг бебаҳо совфа-саломларини таҳт пойига тўкиб, шаханшоҳ номини кўкларга кўтариб мақтаган эдилар. Олам паноҳи, Искандар иккинчи, Оллоҳнинг ердаги сояси...

Энди... водариғо, ўша элчиларнинг кўплари бошқача сайрашга утдиilar. Кеча ўз қобиғида үралашиб, қабила-уруғлар билан таҳт талашиб юрган Тимучин энди Хитойни эгаллаб, буюк Хоразмга чанг солаёттирир.

Нетмоқ керак? Қасри олийдаги бугунги машварат ана шу ҳақда. Сарой аҳли, саркардалар жамул-жам. Аммо вақт етганига қарамай олий ҳазратдан дарак йўқ...

Хоразмшоҳ бу пайтда ўзининг хос ҳужрасида хаёлга ботганча маҳзун ўлтирас, машваратга шошилмас, сарой ахлининг бемалол чўқишиб олишига имкон бермоқчими, ёки хаёлларини жамлаб, бир қарорда тўхташ учун ўзига вақт керак бўлиб қолдими, четдан қараганда билиб бўлмасди.

Аслида униси ҳам, буниси ҳам тўғри эди. Жанг услуби борасида сарой аҳли фикрининг бир хил эмаслиги шоҳга аён эди. (Майли, машварат олдидан истаганча тортишиб олсинлар). Шунинг баробарида ўзи ҳам кечадан бери ҳарчанд бош қотирмасин, бир аниқ қарорга келолгани йўқ. Шу сабаб чувалган ипнинг учини топиш мақсадида воқеа-ҳодисаларни бир бошдан (нечанчи марта) хотиридан утказмоқда эди.

Чингизхондан келган элчилар, Хоқон ўз мактубида Хоразмшоҳни ўғлим деб атаб камситмоқчи бўлгани, элчи Маҳмуд Ялавоч билан бўлган сухбат, шоҳ уни ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлгани, лекин элчи Мўгулистонга қайтиб боргач, буни ошкор этгани, шундан сўнг 400 дан ортиқ мўғул савдогари Утрорга келиб тушгани, уларнинг қатл этилганию урушнинг бошланиб кетгани — ҳамма-ҳаммаси хаёл кўзгуси-

дан бир-бир ўтди. Маҳмуд Ялавочни ўзига ишлатмоқчи бўлганидан бошқа барча ҳаракатлари ҳақ, бўлиб кўринди.

Чингизхон лашкар тортиб Ўтрорга келган ҳозирги шароитда унга қарши курашни қайта тахлит олиб бормоқ, керак, катта қўшин тортиб Ўтрор сари юрмоқ, зарурми (унда Жалолиддинга жанг инон-ихтиёрини топширишга тўғри келади, бунинг оқибатида шаҳзоданинг нуфузи ошиб, таҳтни эгалламаганида ҳам салтантга таҳдид солиши турган гап), ёки ҳар битта қалъя ёғий билан ўзи олишгани тузукми?

Иккинчи йўл ҳар ҳолда қалтис, 450 қалъанинг ҳаммаси ҳам ёғийга бас келолади деб бўлмайди, лекин магарам саваш отининг жилови бутунича Жалолиддинга топширилгудай бўлса... Магар Чингизга бас келадиган ундан бошқа бир саркарда бўлганида эди...

Не қилмоқ даркор? Минг уйлагани билан шоҳ бир қарорга келолгани йўқ. Урнидан маҳзун туриб иккиланган ҳолда қасри олий томон йўналди ва маъюс қиёфада кириб машваратни бошлади.

## ОТ БИЛАН... МАСЖИДГА

Неча кундир изғирин юзларга игна санчади, қор зарраларини чархпалақ қилганча пастак кулбаларнинг томларию баланд гумбазларга, дов-дараҳтларга сачратиб, тинимсиз увиллайди. Бухорои шариф аччиқ-аччиқ, инграйди, тўлғанади, юрак-бағри қон бўлади.

У бундай аччиқ, изғиринга биринчи марта дуч келлаётгани йўқ, бунданда даҳшатлироқ қаҳратонларни кўрган, бошидан кечирган, аммоки ёғий чангалига тушшиб ҳеч қачон бугунгидек садпора бўлган эмас, дил яро бўлган эмас.

Қалъа ҳоким ва сардорларидан Илончхону Ихтиёриддинлар қамални ёриб чиқиб, мӯғуллар билан икки карра олишдилар, аммо уқ ёмғири остида қиличлар, найзалар деворига урилиб, бошлари ёрилди, қонлари қонларига қорилди.

Қалъа дарвозасидан узоқ бўлмаган жойда Чингизхон ўзига чодир қурдирган, шу ердан туриб шаҳарни таъқиб этмоқда эди. Бухоронинг жони халқумига келгач, уламолар бориб ундан авф сўрадилар. Хоқон киприк қоқмай уламоларни эшилди. Дарвозалар очилса, қалъа аҳлига омонлик беражагини айтди.

Уламолар Хоқонни бир сўзли одам деб ўйладилар.

Эркак-ку, ваъдасидан тонмас дедилар. Дарвозани очдилар.

Водариф, Чингизхон сўзида турмади. Мардман деб номарднинг ишини қилди. Қалъага чигирткадек ёпирилиб киришди. Қуёндек отилиб киришди. Йўлларида не учраса йиқишиди, бузишиди, киришди.

Чингизхон жомъе масжиди олдига келганида отининг жиловини тортиб, бу кимнинг қасри деб сўради уламодан. Ул деди: Бу бирорнинг қасри эрмас, Жомъе мажидидур, Оллоҳнинг уйидур.

Шу сўздан кейин Хоқон отдан тушса керак деб ўйлади уламо. Ахир, унинг ҳам эътиқоди бордур, ул нобакор ҳам бир нимага сифинар деган ўй кечди кўнглидан.

Бироқ Чингизхон узангидан оёғини олмади. Масжидга... тўппа-тўғри отда кириб борди. Аҳли уламо ҳайратдан ёқа ушлади. Худодан қўрқмайдиган каззобга дарвозани очиб, тузалмас хато қилганидан дили тифланди. Хоқон минбар олдига бориб отидан тушди. Минбарга кўтарилиб, чордона қуриб ултириди-да, шаҳарнинг нуфузли кишиларини олиб келишни буюрди. Улар келтирилгач, жами бойликларини тортиб олди.

Масжиiddаги сандиқларни кўриб имомга деди: Оч сандиқларни. Очдилар. Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар сақланётган экан, Хоқон ул сандиқларни отеми сақлашга боп идиш деб топди. Ем солиб уларни отларнинг олдига қўйдилар.

Буни кўргандан улишни афзал билган фидойилар, улар тўрт юз кишидан ортиқ эди, Аркка кириб олиб, ўн икки кун мобайнида ёв билан олишдилар. Мўгуллар Аркни эгаллаб, барчасини ўлдиридилар. Уламолар қатл этилди. Шаҳарга ўт қўйилди.

Бухорои шариф бурқсиб-бурқсиб ёнди, қора тутурнлари қора булутларга қоришиди.

## ОНА ВА ДАРЁ

Жалолиддиннинг онаси Ойчечан биби ўз келинлари ва невараларини тинчлантиришга уринар, аммо улар қатори ўзининг кўнглини ҳам ваҳм босган, ҳийлакор Чингизнинг қули устун келганлиги, ўғлининг ҳоли танг эканлигини куриб турар эди.

Тўғри, олдинлари оғир шароитлардан ўғли бир неча марта омон-эсон чиқиб кетган. Ёвларни кўп бора доғда қолдирган, одат бўйича жанг майдонидан чекка-

да, чодирда үлтириб ҳаммасини биби ўз кўзи билан кўрган, лекин Жалолиддиннинг бугунгидек тузоқقا тушиб аросатда қолганини асло кўрмаган эди.

Ёйий қўшини уни уч томондан ҳалқадек ўради, ҳозирча очиқ битта томон қолди, у ҳам бўлса кенг ва тезоқар дарё, ана пастда гирдоблар аждаҳодек ютмоқ-қа тайёр.

Қўшиннинг бундай ҳалокатли аҳволга тушишига аввало Чингиз ҳийла ишлаттани, пистирмадан ҳамла ўтиргани, қоловерса, жанг олдидан арзимаган ўлжа устида талашиб сultonнинг қаноти ҳисобланмиш икки саркарданинг аразлаб черигини бошлаб кетгани, Жалолиддиннинг ёлғизланиб қолгани сабаб. Аммо ҳозир сабаб устида бош қотириб ўтирадиган пайт эмас. Ҳаётлари қил устида турган ҳозирги дақиқаларда нима қилиш кераклигини аниқ билмоқ, билиб тез этакни ёпмоқлик даркор...

Ойчечан бибининг фикрича йўл битта — ўзни гирдоблар қаърига ташламоқдик... Чингизга асир тушгандан кўра балиқларга ем бўлган афзал!

Келинларининг ваҳмли чехралари, нолали товушлари, болаларнинг жонсарак қий-чувлари ўелининг танг аҳволидан ларзага тушган она қалбини бадтар эзабошлиди. Ўзининг ёнгинасида турган кенжা келини Ойқундуз бегимнинг кузларидан тирқираб ёш оқар, уч ойлиқ ўғилчасини қанизақдан олиб бағрига маҳкам босганд, ўлсак бирга ўламиз дегандек қайнонасига илтижо ва хавотир ила қараబ-қарааб қўярди.

Ўлсак албатта бирга ўламиз, дерди ичида Ойчечан биби гўё келини ҳам ўзини дарёга ташлашга аҳд этганини билгандек, бирга даврон сурдик, энди бирга ўлурмиз!

Шамол кучайиб, отларнинг кишинашлари, қиличларнинг, найзаларнинг шарақ-шуруқлари, ҳаёт билан видолашаётган сарбозларнинг нидолари ичидан Жалолиддиннинг ҳайқиригини она қулоқлари аниқ эшилди.

Ўслининг ҳайқиригини мўгулларнинг қийқириқлари босиб кетди. Пастда эса дарё айқириб ётар эди...

\* \* \*

Кўхна қалъаларимизда мўгул босқини излари ҳали ҳамон кўзга ташланиб туради. Кўхна Урганчга галдаги борганимда археологлар менга ўзлари ер остидан топиб олган катта, дум-думалоқ қора тошни курсатишди. Аниқланишича, у мўгуллар отган манжанақ ўқи

бўлиб, худди жангчи жисмидаги осколка каби замин бағрини яралаб ётаверган. У ҳали ҳам тушган жойида турибди, у энди очик осмон тагидаги экспонат, келган-кетгандарга қирғин йилларидан маҳзун-маҳзун ҳикоятлар сўйлади гўё.

Театр рассомлари ўша ўқдан нусха олиб, «Аждодлар қиличи»да уни саҳнада намойиш этишди.

Ўз вақтида «Аждодлар қиличи» «Шарқ юлдузи» журналининг бир неча сонида тўлиқ босилиб чиқди. У китоб ҳолида биринчি марта нашр қилинмоқда.

Бу асар Жалолиддининг Синд дарёсидан ўтишга-ча бўлган даврини ўз ичига олган. Унинг шундан кейинги ўн йилдан ортиқроқ умри давомидаги силсилаар, бешафқат олишувлар, қаҳрамон ҳаётининг янги қиралари ҳақида 1993 йилда янги асар — «Ёт ҳужра» тарихий фожеасини ёзганман. Жалолиддин ҳаёти тўликроқ кўринсин деб уни ҳам шу китобга киритдим.

Сўзни шу ерда вақтинча тўхтатиб, Сизни, мухтарам китобхон, «Аждодлар қиличи» мутолаасига таклиф этаман, шундан сўнг, иншооллоҳ, мулоқотимиз давом қиласажак.

# АЖДОДЛАР ҚИЛИЧИ

*Шеърий тарихий драма*



## **ҚАТНАШУВЧИЛАР**

**ЖАЛОЛИДДИН**

ОЙЧЕЧАН — унинг онаси

ОНА — волидә қиёфасидаги замин

ЁВҚОЧ БОТИР — халқ қаҳрамони

ЗАНКИЖА — унинг севгилиси

МУЗАФФАР МАЛИК — халқ қаҳрамони

ИБН УМАР — аллома

ХОРАЗМШОҲ — Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ

ТУРКОН-ХОТУН — унинг онаси

ҚУТБИДДИН ҮЗЛОҲШОҲ — валиаҳд шаҳзода

НИЗОМУЛМУЛК — вазир

ХЎЖА БАДРИДДИН — девонбеги

ЧИНГИЗХОН

ЖЎЖИ — унинг ўғли,

ТЎЛИХОН — унинг ўғли

ЧАПА-НҮЁН —

ҚАРИ-НҮЁН — Чингиз қушини сарҳанглари

ИХТИЁРИДДИН — халқ қаҳрамони

ЭЛЧИ

ШАХОБИДДИН УСТОЗДОР —

ҚАВОМИДДИН ШАШТДОР — сарой мулозимлари

КОМРОН — Хоразмшоҳнинг кенжা ўғли

ҲУР ҚИЗЛАР, САРБОЗЛАР, ЯСОВУЛЛАР, ҲУНАР-МАНДЛАР, ДЕҲҚОНЛАР

*Воқеа 1220 йилларда Моварауннаҳр ва  
Хуросонга бўлиб ўтади.*

## **М У К А Д Д И М А**

Узоқ давом этган шафқатсиз жанг тақдирни душман фойдасига ҳал бўлаётган машъум дамлар. Ерда қиличлар, дубулғалар ва қалқонларнинг синиқлари, кўкга ҳамон бурқсиб турган қора тутуналар. Ёндирилган уйлар, яксон этилган истеҳкомлар. Отларнинг зорли кишинашлари, ярадорларнинг оғир инграшлари, хотинлар, болаларнинг фарёслари. Сўнгти олишув лавҳалари. Дафёда қон оқмоқда, соҳилга ёнғин борлиқни ўз қаърига тортмоқда. Тўрга тушган шердай ўқириб Жалолиддин киради. Қўлида қилич, чап елкаси ва қўлидан тирқираб қон оқмоқда. Үнинг бошига ўйнаётган қиличлар дамини Музaffer Малик, бошқа паҳлавонлар қайтариб, қутурган ёвни ер тишлатиб турган бўлсага, қўшин иложсиз дарёга чекинмоқда.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Эй, Сиз, баланд қояларда ўстган бургутлар,  
Бўронларнинг зурёдлари — алп навкарлар,  
Чавандозлар! Эгилтирманг шамширингизни,  
Қайрилмасин, яраланган қанотларингиз.  
Тисарилиб бораётган отларингизнинг  
Бошларини олға буринг, амр этурмен!

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Амрингиз жон ато айлар чавандозларга,  
Аргумоқлар қанотланур овозингиздан.  
Амрингизни вожиб билиб найзабозлар-да  
Иблисларни тоғдай босиб қулатмоқдалар.  
Локин ёғий бесаноқдир чигирткалардек,  
Тўп-тўп этиб устимизга ташлар шамоллар.  
Чингиз бўлса етти бошли аждарга ухшар,  
Битта бошин кесссанг заҳар сочар бошқаси.  
Алалхусус, Жалолиддин, чекинмоқ даркор.

*Жалолиддин бир тұп бұлиб ёпирилган мұғуллар үстіга ташланады. Бир құли билан қылыш сирмаб, күпчилигини яқсон этады. Сарбозлар ёрдамға келиб, ёв ҳалқасини ёриб ташлайдылар. Музаффар Malik иккінчи томонда наиза жангига кирады, ажал домидан фавқулодда омон чиқады.*

## САРБОЗ

*(Душманни бурчакка тираб)*

Ха-ха, сариқ иблис, энди түшдинг илгимга,  
Энди қовоқ калланғ билан видолашақұр.  
Сенинг ҳаром тукларингдан фақат күзиммас,  
Ханжарим-да этур ҳазар. Аммо на илож,  
Уни сассиқ қонинг ила бўймай бўлмас.

*Бир зарб билан рақибининг бошини кесиб ташлайды.  
Сўнг Музаффар Malikка юзланиб:*

Изң этинг, Оға, ҳожат эрмас чекинмак,  
Жонимизда гурлаёттган қасосли ўтлар  
Тутун аро кўзимизни равшан этмакка,  
Фовни ёриб йўл очмакка эрурлар қодир.

У қиличини ҳавода ўйнатиб, ёв тұғасига ўзини ураги. Момогулдурак, чақмоқлар остида соҳилдан болаларнинг, хотинларнинг қий-чуви эшишилады. Саросимага Ойчечан киради.

## ОЙЧЕЧАН

Жалолиддин, ўғлим, кўзим оқу қораси,  
Ёвуз итлар қоптиларми елқаларингдан?!  
Кел, қўлингни бойлаб қўяй рўмолим ила.

## ЖАЛОЛИДДИН

Ҳожат эрмас, куюнмангиз асло, онажон,  
Сўзларнингиз дилга ёвар, ярамга малҳам.  
Ҳоли нечук ночорларнинг, норасталарнинг?

## ОЙЧЕЧАН

Улар дили булутлардан ваҳимададир,  
Гўдакларни чўчитмоқда момогулдурак.  
Улар васеъ<sup>1</sup> ва музайян<sup>2</sup>, мусаффо кўкни,  
Ой, қуёшни балки энди кўра олмаслар.  
Аёл қалби мойил бўлур талвасга, ўғлим,  
Бундан асло синиқмасин кўнглинг ва руҳинг.  
Сенинг ўтқир нигоҳингни куриб урганган  
Лашкарингнинг юрагига тушмасин фулу.  
Шуни билки, инқизозга юз туттан юртнинг  
Сен суюнчи ва охирги нажоткорисен.

## ЖАЛОЛИДДИН

Бегуноҳ ва мурғак диллар тасаллига зор,  
Уларни Сиз яхши сўзлар ила юпатинг.  
Айтингизким, булутларнинг ортида қуёш  
Эрк қушидек қанотларин силкитиб турар.  
Заррин-заррин шуълалари йиртиб булутни  
Бизга етиб келажаклар саболар ила.  
Ҳозирча дош бермоқ даркор, она, тақдирга,  
Болаларни тез кемага олсинлар, айтинг.  
Йўл олурмиз шоядкарим нари қирғоқда,  
Тўлқинларнинг шиддатлари бизга эш бўлур.  
Худди аждар ҳамласидан полапонларни  
Асрагувчи балогардон она қуш каби  
Болаларни қанотингиз остига олинг.

## ОЙЧЕЧАН

Ўғлим, сени паноҳида ўзи арасин,  
Бошинг омон чиқсин ўтдан Самандар мисол.


Ўғлининг пешонасидан ўтиб, Ойчечан чиқади. Оғир  
мусиқа садолари эшишилади. Жалолиддин танг қотиб  
тинглайди.

## ЖАЛОЛИДДИН

Она! Ундан ҳокисорроқ бир жон бормикин,  
Ундан ортиқ ғамхор борми фарзандлар учун.

<sup>1</sup> Васеъ — кенг.

<sup>2</sup> Музайян — зийнатали.



Ҳозиргина писанд этмай ўлимларни ҳам  
Онам келиб юпаттувчи сұзлар айтдилар.  
Сұнг кетдилар неваралар боши устида  
Чарх урган оқ калхатларни ҳайдаш қасдида.  
Оқ сут бериб оқ шуылага жисмим йүғирган  
Онам меҳри қалқон эрур жангда күксимга.  
Аммо бордур ҳаммамизга тенг волида — Ер,  
Яралғанмиз асли Она-Ернинг ишқидан.  
Дилимизга у сочған күп уруглар униб,  
Умримизга фараҳ ато айлар беҳисоб.  
Ҳаётимиз дор остида ё жар ёқаси,  
Ё гирдобнинг чангалида нидо берганда  
Пайдо булар қошимизда волидаи зор,  
Рұхимизга нурлар сепар ҳовуч-ҳовучлаб.  
Махрум бұлса ким гар уни туймоқ баҳтидан,  
Фарқ этмагай умри асло хору хаслардан.  
Ана, ташриф айламоқда мушфиқ волида,  
Бу гал шуыла күрінмайди ҳовучларида,  
Юзларыда, эвоҳ, мунгнинг сояси қуюқ,  
Аввалидек осойишта аммо күзлари.

*Жалолиддин жароҳатини яширмоқчи бұлиб үзини  
панага олади. Құшлар қичқириғи эшишилади. Бора-бо-  
ра турли-туман құшлар ноласи борлиқни чулғаб олади.  
Оқ-хұлла кийимда Она киради. Тенден туриб ҳур қиз-  
лар унга ҳамроҳлик қиласылар.*

## ОНА

Фарзандлардир оналарнинг нури дийдаси,  
Она күзи равшан бұлса, билингки, унинг  
Фарзандлари ёруғликка эрурлар ошно.  
Аммо менинг күзим хира тортар кун-кундан,  
Ожиз бўлиб қолмасам деб ваҳм этурмен.

## БИРИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Гуфтори ўксик-ўксик.

## ИККИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Рафтори ўксик-ўксик.

## УЧИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Толелари талх-талх.

## ТҮРТИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Оҳи бисёр, ваҳ-ваҳ.

## ОНА

Нидо қилар юқорида, ана, ҳур қизлар,  
Шудир забун толеимнинг акс-садоси.  
Улар менинг күп мубарро<sup>1</sup> қизларим, ахир,  
Там-там ӯйнаб оҳу каби чобук<sup>2</sup> эрдилар.  
Энди гулга кирган эрди думбул фунчалар,  
Дудоқлари пайғом топғанмасди бұсадан.  
Нурнинг ӯзи каби тоза эди танлари,  
Юраклари билмас эрди не эрур журум<sup>3</sup>.  
Гулзорга чанг солди ногоҳ яъжуж-маъжужлар.  
Гулга кирган фунчаларни этдилар пайхон.  
Шабнам билан ювилган оқ күйлакларини  
Йиртиб, қаро айладилар күкракларини.  
Етти буржни тутса ҳамки менинг оҳларим,  
Юрагимдан дарё бўлиб оқса ҳам қонлар,  
Қолаверди юм-юм ийғлаб очун афсурда<sup>4</sup>,  
Тураверди сарафканда<sup>5</sup> бўлиб гитийлар<sup>6</sup>.  
Сўнгра самум<sup>7</sup> ҳур қизларни тортиб домига  
Кўкка олиб чиқиб кетди худди калхатдек.  
Шундан бери кўкда изғиб юрар ҳур қизлар,  
Нигоҳлари ҳоли қўймас мени бир нафас.  
Қаранг, улар менга меҳр йўлламоқдалар  
Юрагимга оғу тушган ушбу дамда ҳам.

## ҲУР ҚИЗЛАР

Волида зорнинг  
Кўзлари хира-хира.

<sup>1</sup> Мубарро — пок.

<sup>2</sup> Чобук — шўх, ӯйноки.

<sup>3</sup> Журум — гуноҳ.

<sup>4</sup> Афсурда — тушкун.

<sup>5</sup> Сарафканда — хижолатманд.

<sup>6</sup> Самум — ҳалокатли иссиқ шамол.

<sup>7</sup> Гитий — олам

Худуд билмас охлари,  
Зорлари сира-сира.  
Волидаи зорнинг  
Юзлари сариқ-сариқ.

## ОНА

Ҳар не бўлган афзал эркан она бўлгандин,  
Фарзандларга омад ато айла, эй, фалак!

*Жалолиддин оҳиста Онага яқинлашади.*

## ЖАЛОЛИДДИН

Изн айла, Она, дариф тутма лутфингни,  
Аввал шуки, сенга қалқон бўла олмаган  
Бизни — ношуд фарзандларни авф этгайсен.  
Пешонага битган чоғи мудҳиш ҳазимат<sup>1</sup>,  
Балки бордур ноком битик тақдиримизда.  
Йўқса жонин сенга тиккан алп чериклар<sup>2</sup>  
Маглубият иснодига бўлмасди маҳкум.  
Энди менинг истагимни бажар, Она-ер,  
Энди менга ўлим афзал иштиноблиқдин<sup>3</sup>.  
Сени ёғий чангалига ташлаб кетолмам,  
Рұксат айла, қучогингда жон бермоқликка.

## ОНА

Неча кундир давом этар таваҳҳум қирғин,  
Қонларга ғарқ тўлғанмоқда, ана, баҳри Синд<sup>4</sup>.  
Неча тундир қиличлардан чиққан чақинлар  
Куйдирмоқда ерда майса, кўкда юлдузни.  
Мен розимен, Жалолиддин, сендан тоабад,  
Сен Чингизнинг шамширига сололдинг раҳна.  
Ўзим курдим кеча унинг мустар бўлганин,  
Оқ отинг-ла уни суриб майдон ичинда,  
Худди шердек орқасидан қувлаганингда  
Терга ботган тиззаларин қалтироғидан  
Узангиси унинг чил-чил узилай деди.  
Мен орқангдан тўхта, қувма, дея қичқирдим,

<sup>1</sup> Ҳазимат — чекиниш.

<sup>2</sup> Черик — қўшин.

<sup>3</sup> Иштиноб — узоқлашиш.

<sup>4</sup> Баҳри Синд — Синд дарёси.

Сўзларимни ёки шамол учириб кетди,  
Ё эшитиб қулогингта пандим олмадинг.  
Қува-қува бориб қолдинг жарнинг оғзига  
Ва отингнинг оёқлари тушди тузоқقا.  
Шундай қилиб қари тулки сендан олди уч,  
Бошинг узра ўйнатмоқда энди қиличин,  
Тилларимдан энди менинг учмоқда оҳлар.

### ЖАЛОЛИДДИН

Менинг малул<sup>1</sup> қўнглим сендан ўтинч истайдир,  
Юрагингга еткурганим сўнгсиз ранж ҳақи  
Мени хокка айлантириб ташла, Она-ер.

### ОНА

Сенинг сўзон умринг бугун тушмиш гирдобга,  
У тортмоқда ўз қаърига бебок ва густоҳ.  
Лекин сенга қўлин чўзиб турар бир масих<sup>2</sup>,  
Балки у бир қудрат эрур энган самодин.  
Балки у ҳур қизлар айтган қўшиқ, сеҳридири,  
Эҳтимол у менинг сенга бола меҳримдир,  
Эҳтимол у сенга анис<sup>3</sup> издиҳом<sup>4</sup> майли!  
Сен қалбингни иттисол<sup>5</sup> эт ўша масиҳга,  
Иккиланмай қўлларига бергил қўлингни,  
Олиб чиққай албат масиҳ, сени гирдобдан.  
Менинг эса масиҳим сен, ўғлим, дилбандим.

### ҲУР ҚИЗЛАР

Волидаи зорнинг  
Дийдасидан ёш оқар.  
Волидаи зорга  
Ёвуз рақиб тош отар.  
Тошдан қўрқмас волида,  
Чин ўғли бор қошида.  
Волидаи зорнинг  
Кўзлари ўткир-ўткир.

<sup>1</sup> Малул — озорланган.

<sup>2</sup> Масиҳ — тирилтирмок истовчи.

<sup>3</sup> Анис — дўст.

<sup>4</sup> Издиҳом — омма.

<sup>5</sup> Иттисол — пайвандаш.

## ОНА

### (Үз-үзига)

Менинг баҳтим шуъла янглиғ мужалло<sup>1</sup> эрди,  
Қорайтирмок бўлди уни маҳзур<sup>2</sup> довуллар.  
Искандарнинг қӯшинилари ёруғ кўнглимни  
Зимистонга айлантирмоқ бўлдилар буткул.  
Кундай равшан қўзларимга куялар сепиб,  
Сочларимнинг қораларин юлиб олдилар.  
Спитамен нафасидан тирилдим қайта,  
Томиримга ҳаёт энди унинг меҳридан.  
Доро менинг гулларимга урганида чанг  
Тўмариснинг юрагида уйфонди наъра.  
Қўзларимни кўр этмоқлик қасдида қолган  
Ёғийларни кўр айлади Широқ сахрода.  
Қутайбанинг панжалари бағрим эзганда,  
Юрагимни кул этганда маҳобат босқин,  
Муқанна үз қули ила бир пиёла сув  
Ичирди-да, муин<sup>3</sup> булиб бошим силади.  
Бугун Чингиз юрагимга ўқталганда тиф  
Жалолиддин пайдо бўлди қошимда, шукур.

### (Жалолиддинга)

Нуридийдам Жалолиддин! Тўш ур қайновга,  
Юрагингда тулқинларнинг шаҳдин айла жам.  
Дустларингни қанотларинг остига олгили,  
Эрк деганин бирлаштири ва айлагил яқдил.

## ХУР ҚИЗЛАР

Эрк деганин бирлаштири  
Ва айлагил яқдил.

*Она ва хур қизлар кетади. Жалолиддин ёлғиз, хаёлтга чўмганча қолади.*

## ЖАЛОЛИДДИН

Эрк деганин бирлаштири ва айлагил яқдил...  
Кўп нуфузли саркардалар, аъёнлар, шоҳлар

<sup>1</sup> Мужалло — ярқироқ.

<sup>2</sup> Маҳзур — кўрқинчали.

<sup>3</sup> Муин — кўмакчи.

Ва ақтаблар<sup>1</sup> якка чопган отга үхшарлар.  
Якка отдин чанг чиқур, донг асло чиққайму?  
Эх, падари бузрукворим, эх, отам, отам,  
Тааззум<sup>2</sup> бир салтанатни яқдил айламоқ,  
Эл-элатни бирлаштиromoқ қурбидан маҳрум,

Фуж-фуж ҳадик қушларига уя бўлган жон...

### ҲУР ҚИЗЛАР ОВОЗИ

Эсла, эсла, саркарда,  
Ўйларингни айла жам.  
Харобатни эсласанг  
Унутмагил бизни ҳам.  
Эсла, эсла, саркарда,  
Хаёлингга изн бер.  
Бирлашмаган тўзадир,  
Бўлинганни бўри ер.  
Волидаи зорнинг  
Сўзлари ўткир-ўткир.

*Ҳур қизлар қўшиғи қий-чувга, мудҳиш фалокатни англатувчи фарёғга айланади. Жалолиддин хаёлга чўм-ганча ёлғиз қолади.*

### БИРИНЧИ ФАСЛ

#### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ саройида машварат олдиаги баҳс-мунозара.*

#### ХЎЖА БАДРИДДИН

Рост айтадур Низомулмулк — вазири аъзам,  
Қил устида турар гўё Доруссалтана.  
Нажот истаб инграб ётар Ўтрор қамалда,  
Бухоронинг ҳалқумига келибдур жони.  
Бир хубобдек чайқалмоқда шаҳри Самарқанд,  
Шафөв<sup>3</sup> йўқдур яъжуж-маъжуж қотағонийдан.

<sup>1</sup> Ақтаб — гуруҳ пешвоси.

<sup>2</sup> Тааззум — улкан.

<sup>3</sup> Шафөв — ҳимоя.

## ЖАЛОЛИДДИН

Шафеъ бордур... Ватан ҳам бир вужуддири назих<sup>1</sup>,  
Бордур унинг қалби, кўзи, илги<sup>2</sup>, қулоғи.  
Бир-бираидан улар айри яшай олмаслар.  
Магар жудо айласангиз кўзни юракдан  
Кўр бўлмасму, тўкилмасму нурлари дув-дув.  
Хурганж унинг қалби бўлса, Бухоро кўзи,  
Икки илги эрур унинг Шош ва Самарқанд.  
Биз ватанни бир вужуддек асрой олмасак,  
Бизга берган оқ сутлари бўлмасму увол.  
Тугал бўлса беш мучали магар вужуднинг  
Танасидан яъжуҷ-маъжуҷ битдай тўкилур.  
Сиз, Мавлоно Бадриддин, илик ила оёқни,  
Кўз ва қалбни бир-бираидан айирмоқчисиз.

## НИЗОМУЛМУЛК

Ҳақ, сўзларни айтди чоғи Хўжа Бадриддин,  
Яксон бўлган шаҳарларнинг инграшларидаң  
Безовтадур мажруҳ, қушдек юракларимиз.  
Қамалдаги шаҳарларга имдод тилаймиз,  
Тилимга бир сўз келмайдур, дуодин бўлак.

## ИБН УМАР

Хифзул Ватан — мин ал-имон! Яъни Ватанни  
Муҳофаза айламоқлик имон нишони.  
Ўз кўксини қалқон этса ҳар ким Ватанга  
Имонлидур, ёруғ бўлгай икки дунёси.  
Ватанли ҳар кимса зеро имонли эрмас,  
Жойиз бўлур имонлини ватанли демоқ.  
Имонсизда Ватан бўлмас. Дарвоқе, бизнинг  
Бу кунларда имонсизлар кўпайиб кетган.  
Ёв устига лашкар тортиб бормоқ ўрнига  
Писиб ётмоқликнинг ўзи имонсизлиқдур.

## ХЎЖА БАДРИДДИН

Астағфурулло, бу менинг ўнгимми эркан,  
Ёхуд мудҳиш қора тунда кўряпманми туш.  
Ибн Умар янглиғ улуғ сиймо тилидан  
Бундоқ бад сўз эшитмоқни хаёл этмасмен.

<sup>1</sup> Назих — пок.

<sup>2</sup> Илик — кўл.

Олий насаб, имони бут аҳли тижорат,  
Аҳли тожга шундай кунда имдод этмасдан  
Тош отмоқлик бадкирдорлик эрмасму, ахир.  
Шаҳаншоҳни имонсиз деб айтди-я, товба!

### ИБН УМАР

Сиз устасиз сўзни олиб қочмоққа, Хўжа,  
Фақаттина сўзни эмас, балки ўзни ҳам  
Судлироқ<sup>1</sup> бир жойга олиб қочмоқ корингиз.  
Сиз уҳшайсиз ниқоб кийиб олган кимсага,  
Гуё сизнинг бошиқа-бошиқа юз ва қалбингиз.  
Қанчалик кўп уринсангиз яшиromoқликка  
Шунчалик кўп аён бўулур сиздаги зиллат<sup>2</sup>.

### ТУРКОН — ХОТУН

Эрк бермангиз тилга кўп ҳам азиз мавлоно,  
Муддаимас<sup>3</sup> муин эрур бизга Бадридин.  
Бундай зотга сиз айтган ул бебоклик ётдур,  
У Чингиздан жабр кўриб, бизга ён босиб,  
Биздан паноҳ истаб келган малул бир мўмин.

### НИЗОМУЛМУЛК

Олампаноҳ, унга меҳр оғоз этдилар,  
Кутардилар Девонбеги мартабасига.  
Девонбеги Бадридинга ишончизиликни  
Ишончизилик демоқ жоиз олампаноҳга.

### ТУРКОН — ХОТУН

Кўп сирлардан огоҳ, этди бизни Бадридин,  
Чингиз макри, черик сони, қурол-аслаҳа,  
От-улови — борисини билдик биз ундан.  
Чексиз эрур Бадридинга марҳаматимиз.

### ЖАЛОЛИДДИН

Девонбеги ўзини эл фарзанди санар,  
Шараф эрур буюк элга бўлмоқлик фарзанд.

<sup>1</sup> Судли — фойдали.

<sup>2</sup> Зиллат — пастлик.

<sup>3</sup> Муддат — ракиб.

Киндиқ қони түкилган шу ватанни дея  
Жангохдарда жон олиб жон берур ўғлонлар.  
Сир эмасдур, жангта кирмоқ гали келганды  
Бадридин ёв сари ўтди-кетди... Таажжуб!  
Меҳру вафо изҳор айлаб Чингизга беҳад,  
Заррин тұнлар кийиб қат-қат ёғий илгидан,  
Бугун энди уни айблаб, бизга садоқат,  
Меҳру вафо изҳор айлар яна тұн кийиб.

### **НИЗОМУЛМУЛК**

Девонбеги хоин эрса жазога лойик,  
Локин онинг исботига далил ҳожатдур.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Юртимизни таламоқда ёгий түрт ёндан,  
Истеҳкомлар, қалъаларга қўймоқдадур ўт.  
Дарёларда сув үрнида оқмоқда қонлар,  
Оналарнинг, гудакларнинг кўз ёшларидан  
Пайдо бўлган дарёларнинг йўқдир ҳисоби.  
Нечун ёрдам қўлин чўзмас қалъа қалъага,  
Салтанатнинг лашкарлари яққадам бўлиб  
Нечун наъра тортиб бормас душман устига.  
Қўрқармилар? Йўқ. Бу ҳалққа қўрқув бегона,  
Шундай буюқ салтанатни бунёд этган ҳалқ  
Қурбли эрур ҳар қандайин ёвни янчмоққа.  
Фақат уни бирлаштироқ, ягона бир саф,  
Бир оқимга айлантироқ даркор. Сиз эса  
Қалъаларни бир-биридан буткул ажратиб,  
Бўлак-бўлак қилиб юртни ёвнинг олдига  
Хоҳлаганча ғажи дея ташлатмоқдасиз.  
Бундан ортиқ хоинлигу хиёнат бўлмас.

*Алоуддин Хоразмшоҳ киради. Машварат бошланади.*

### **ХОРАЗМШОҲ**

Мен бунёд айлаган улуғ маъвони  
Домига тортмоқда шафқатсиз ўпқон.  
Уни даф айламоқ чораси недур,  
Не тадбир айтурсиз, вазири аъзам?

## НИЗОМУЛМУЛК

Ақл ва тафаккур, шуур ва мукнат<sup>1</sup>,  
Бориси жамулжам Сизда, шоҳаншоҳ,  
Тонгдек мунавардур қалбу зеҳнингиз,  
Оlam ёруғ бўлур нигоҳинтиздан.  
Бизларга қоронғу бўлган кўп сирлар  
Сизга худ офтобнинг ўзидаи равшан.  
Кунчиқар, кунботар, қиблаю орқа  
Ёвнинг хуружидан симобдай титрар.  
Гоҳи ул қалъага, гоҳ бул қалъага  
Хужум айламоқда хос қўшиллари.  
Бир жойга жам бўлса Чингиз лашкари  
Онинг қудратига топилмас тараф.  
Ҳар қалъа ўзини этсин ҳимоя,  
Шаштини синдирисин бало-офатнинг.  
Охир ҳолдин тойиб Чингиз нобакор  
Ўзи қазган чоҳга йиқилгай ўзи.

## ХЎЖА БАДРИДИН

Мен ёғий ичинда бўлғон одаммен,  
Билурмен, уларнинг не эрур феъли.  
Улар худ қўнғизнинг ўзидаир, шоҳим,  
Тошни ҳам кемирар йиртқич тишлари.  
Одам гўштини хуш кўурлар, тавба,  
Шаробдай ичурлар инсон қонини.  
Аммо уларнинг бир заиф жойи бор.  
Аҳду паймонда кўп собит эрмаслар.  
Бирор нимарсага этсалар қарор  
Хулди қуруқ ўтин янглиғ гуриллаб,  
Учкун сачратарлар еру осмонга.  
Қандай тез ёнсалар шундай тез ўчиб,  
Такрор куч йиғарлар ёнмоқ-ёқмоққа.  
Чидаб берса Ўтрор қамалга бироз,  
Устида ловуллаб ёнган уша ут  
Шояд булатларга қўшилиб буткул  
Бу олам соридин йўқ бўлиб кеттай.

## ТУРКОН — ХОТУН

Бале, ҳолдин тойиб ёғий шу янглиғ,  
Метин қалъаларга тиши ўтмагач,

<sup>1</sup> Мукнат — иктидор.

Оч қорни ғамида ўзга юртларга  
Йұл олур, бошқа бир иложи қолмас.  
Шунда биз ҳориган, тұзғиган қүшин  
Устига қуюндей босиб борурмиз.  
Бошига адашган ит күнин солиб,  
Чингизнинг додини берурмиз шаксиз.

### **ХОРАЗМШОХ**

Хирадманд аллома, сиз нима дерсиз?

### **ИБН УМАР**

Ишонгим келмайдур қулоқларимга,  
Қани эшитганим ёлғон чиқса-ю  
Халос бұлса күнглем сұнгсиз оғриқдан.  
Қаю эл босқинчи ёғийга бундоқ  
Марҳамат күрсатур, шафқат күрсатур?  
Ұлим-ла баробар бизга бул услугуб.

### **ХОРАЗМШОХ**

Таклифингиз недур?

### **ИБН УМАР**

Бирлик, онқазрат,  
Тұрт юз әллик қалъа, Доруссалтана  
Құтлуғ туғ остида — измингиздадур.  
Бизнинг поён билмас заминда улар  
Худди соққалардай сочилиб ётар.  
Бори қалъаларнинг лашкарларини  
Бир жойда жам этмоқ — худди бир муштдай  
Бирлаштироқ даркор, бирлашган ўзар.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Самарқанд ёнида, Катвон даштида  
Құшин жам этилса, тузилса бир саф,  
Худди бир отанинг фарзандлариңек  
Анис-иноқ булиб ташлансан ёвга  
Үлаксахұр Чингиз бера олмас дош  
Бизнинг ҳамламизга, бизнинг ҳужумга.  
Катвонда янчилур боши аждарнинг.

## **НИЗОМУЛМУЛК**

Битта бўлса кошки аждарнинг боши...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Юз бўлса юзтасин кесурмиз бир-бир,  
Мингта бўлса ҳамки танидан жудо  
Айлагай борисин қасоскор тиғлар.  
Падари бузруквор, изн бергайсиз,  
Фармон кутадурмиз қўшин йифмоққа.

## **ТУРКОН — ХОТУН**

Ҳар бурж — ҳар бурждаги қалъалардан то  
Лашкар тўплангунча ўтган аросат,  
Гарокандა кунар, афсурда ойлар  
Бизни ҳалоката айлагай маҳқум.

## **НИЗОМУЛМУЛК**

Кучимиз сарф бўлур куч тўпламоққа,  
Вақтни бой бериб сўнг дермиз аттанг.

## **ХЎЖА БАДРИДДИН**

Утрор қаёқда-ю, Катвон қаёқда,  
Хужанд қаёқда-ю, Ҳурганж қаёқда?  
Чопар қачон борур, хат қачон борур,  
Қачон лашкар келур у ён-бу ёндин?  
Унгача ёв бизни мажақдамасму,  
Юртни хароб этур хом иш, хом хаёл.

## **ХОРАЗМШОҲ**

*(Ибн Умарга)*

Мавлоно, тафаккур чироги ила  
Ёрита олмассиз тақдир йўлларин.  
Бу йўллар шул қадар чалкашки, ҳатто  
Ёритмоққа ожиз қуёш ўзи ҳам.  
Вазирнинг фикрига қарши тош отмоқ  
Тафаккур меваси эрмас, билъакс.

## **ИБН УМАР**

Тафаккур бир нурким, уни кўрмоққа  
 Кўз даркор, афсуски, кўпларда кўз иўқ,  
 Кўзи бўлса эрди вазирнинг магар  
 Бизга тўғри ийлни кўрсатур эрди.

## **НИЗОМУЛМУЛК**

Сизга эътиқодим ҳақи, шоҳаншох,  
 Бизни маломатдин шафеъ этгайсиз.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Салтанат қаломи — фармони олий,  
 Икки қулоғингиз ила эшигинг.  
 Тўрт юз эллик қалъя — тўрт юз эллик тоғ,  
 Минг-минг чўққилари бордур баҳайбат.  
 Улар устунлари салтанатимнинг,  
 Умрлари пойдор, оламдай боқий.  
 Ҳар бири ёв дамин кесмоққа ханжар,  
 Даф эта оладур ҳар қандай ғовии.  
 Амр этадурмэн: ҳар қайси қалъя  
 Ҳимоя айласун ўзи-ўзини.

*Момоқалдироқ түриллаиди, чақмоқ чақади. Она ва  
 ҳур қизлар пайдо бўладилар.*

## **ОНА**

Мен сўйласам наърам олис самога етар,  
 Акс-садо келар қўкнинг қучоқларидан.  
 Оҳларимни бир доғ каби ювмоқ кўйида  
 Ёмғирлари — кўз ёшлирин юборар гоҳи.

## **ҲУР ҚИЗЛАР**

Ёмғирлари — кўз ёшлирин  
 Юборар осмон.

## **ОНА**

Мен сўйласам қулоқ солар наърамга эллар,  
 Акс-садо берар нотинч, ўткинчи шамол.  
 Оҳларимни бир ҳас каби учирмоқ бўлиб,  
 Дувалангга айланади сокин ел гоҳи.

## **ХУР ҚИЗЛАР**

Дувалангга айланади  
Сокин еллар ҳам.

## **ОНА**

Мен сўйласам аммо наърам одамга етмас,  
Акс-садо келмас одам юракларидан.

## **ХУР ҚИЗЛАР**

Акс-садо келмас  
Одам юракларидан.

## **ОНА**

Вужудимдан яралган ўз фарзандларимнинг  
Қулоқлари эшитмаслар нолаларимни.  
Кўзларимдан оқсан қонли ёшни кўрмаслар,  
Илғамаслар юрагимнинг титроқларини.  
Токайгача мен самога дардим айтурмен,  
Акс-садо келур токай кўкнинг қаъридан.  
Токайгача шамолларга розимни айтиб,  
Сокин еллар юрагига оташ солурмен.  
Истарменким, одамларга етсин сўзларим,  
Юраклари менга акс-садо берсинглар.  
Ёмғир бўлиб ювмасинлар майли, оҳимни,  
Шамол бўлиб майли, дардим учирмасинлар,  
Аммо мени эшитсинлар, эшитсинлар, ҳа,  
Сузларимни жо этсинлар қулоқларига.  
Мен Онамен одамзодга, Онамен, Она,  
Дил заррамдан яратганман одам зотини.  
Қандай даҳшат, ўз онаси айтган сўзларни  
Қулоқ бериб фарзандлар ҳеч эшитмасалар.  
Одамларга етмас экан токи сўзларим,  
Мен Онамас, тупроқдурмен, оддий бир тупроқ,  
Бугун яна оҳдаримни эшитмадилар,  
Йўқса қанча дод айладим, фифон айладим.  
Ё эшитиб ўзларини эшитмасликка  
Олдиларму? Ундай бўлса тағин-да ёмон.  
Бугун нолам поён билмас, чегара билмас,  
Бугун дилим оловлари кўкка етажак.  
Таназзулга дебочадур бугунги фармон,  
Шу фармондан анқиб турар қора қон ҳиди.

Сўзларимни, ана осмон эшилди, тингланг,  
Акс-садо берар, ана, самонинг ўзи!

### ХУР ҚИЗЛАР

Акс-садо бераётир  
Самонинг ўзи.

Уст-устига чақмоқ чақади, гулдурак авжга чиқади.  
Она ва ҳур қизлар ғойиб бўладилар.

### ЖАЛОЛИДДИН

Водариг! Бир йўла икки хатога  
Изн берилурким, гувоҳдир тарих.  
Унинг биринчиси: бирлашмоқ аҳдин  
Барбод этилуви — парокандалик.  
Унинг иккинчиси: устоз мавлоно  
Бошлиқ уламою фузало аҳдин  
Таҳқир этилуви — сойил жаҳолат.  
Бу икки саҳвни башар кечирмас,  
Неки алам кўрса замин — замона  
Шу икки хатодин деб билур, иллоҳ.  
Кудрат ва тафаккур икки қаноти  
Эрур одамзоднинг, тахт ила тожнинг.  
Кудрат, тафаккурдан айри тожу тахт  
Юзтубан йиқилур, чилпарчин бўлур.

### ТУРКОН — ХОТУН

Бундай шаккок ўғил жазога лойик,  
Сузин эшилмоққа тоқат йўқ бўлак.

### ЖАЛОЛИДДИН

Шаккок денг? Воажаб! Шаккоклар бошқа,  
Уларда на фуур бордир, на иснод.

(сукуш)

Биз учун фаҳрдур аждодлар шаъни,  
Уларнинг шуҳрати тушмас тиллардан.  
Улуг Отсиз бобом яратган маъво  
Бул юртнинг курашга қодирлигини,

Бул юртнинг яшашга қодирлигини,  
Бул юртнинг ҳар ишга қодирлигини  
Жумлаи жаҳонга аён айлади.  
Ибн эл-Арслон, Муҳаммад Тақаш

**(Жойлари тоабад жаннатда бўлғай)**

Туғлари остида фозий, якқадам,  
Шону шавкат қучган элнинг доврури  
То башар бор экан, ўчмоқни билмас.  
Мен фахр этардим ўз қиблагоҳим,  
Падари бузруквор, падари қутлуғ,  
Султон Алоуддин Муҳаммад номи,  
Унинг журъати-ю шиддати ила,  
Ха, фахр этардим! Аммо энди-чи?  
Энди мен номусдан бошлари эгик,  
Отасин хатоси учун кўзларга  
Тик қарашиб баҳтидан маҳрум,

фурури,

Шаъни топталган бир инсон шаклида  
Юрмоғим керакми? Йўқ, йўқ!! Бу қисмат  
Менга ёт, ҳа, буткул менга бегона.  
Мен ўз қиличим-ла ўз онам, элим,  
Беғубор шаънимни этгум ҳимоя.

**(Туркон-хотунга)**

Сиз эрса... Учишга чоғланган қушлар  
Қанотин қирқишидан ҳали ҳеч кимса  
Шараф топмаганин ёддан чиқарманг.  
Бургутга қафас ёт, у саъва эмас.

**ТУРКОН — ХОГУН**

Нечун жим эрурсиз, адолатли шоҳ?  
Мен сизга онамен, буни унутманг.

**ХОРАЗМШОҲ**

Бувингдан авф сўра.

**ЖАЛОЛИДДИН**

Не айбим учун?

## ИБН УМАР

Не гуноҳ, қилибдур авф сўрайдурган?

## ЖАЛОЛИДДИН

Авф эрмас, сўровим бордур, изн этинг,  
Она-еримизни кемириб итлар  
Бағрин тилка пора этмоқдадурлар.  
Унинг инграшлари, нолишларини  
Темир дарвозалар ичида туриб  
Эшитмоқ азоби, қийноқларидан  
Озод этинг мени, падари бузрук.  
Интиқом истайдур юрагим маним,  
Ёғий-ла юзма-юз келиб майдонда  
Қонини тўқмоқни истар ханжарим.  
Қозикқа боғлоғлик, бедов кўзида  
Курдим ҳалқа-ҳалқа ёшларни кечга.  
У менинг юрагим кўзларидағи  
Ёшларга уҳшарди — қонли, аламли.  
Менга ўқсик-ўқсик тикилди бедов,  
Мунгли қарашида курдим таъналар.  
У майдон истайдур, у жанг истайдур,  
Силкитиб ёлини, кишинаб, ҳайқириб,  
Чанг солмоқ, истайдир ёғий кўксига.  
Олий нуфузларга даъвойим йўқдур.  
Оддий сарбоз бўлиб жангта кирмоққа  
Ижозат сўрайман, ижозат, ота!

## ХОРАЗМШОҲ

Мени ота дединг бугун илк бора,  
Меҳринг тошганидан эрмас, аёндири.  
Сен қанча улғайсанг орамиз шунча  
Совуқлашиб борур худ музга ухшаб.  
Сенинг юрагингда заррача бўлсин  
Отага меҳр ва ёварлик<sup>1</sup> нишони,  
Илтифот, илинжу даъбу<sup>2</sup> вола<sup>3</sup> йўқ.

## ЖАЛОЛИДДИН

Меҳр истаюрсиз, идрок этурмен,  
Нетай, менинг қалбим қаҳрга тўлуғ.

<sup>1</sup> Ёвар — мададкор.

<sup>2</sup> Даъб — одоб.

<sup>3</sup> Вола — берилиш.

Қаҳр бир тизгисиз алантадурким,  
Бошдин то оёфим ёқиб борадур.  
Сизга қаттиқ сұзлар еткурса тилим,  
Бу үшал үт — тутун аччиқлари дур.  
Заҳар-заққум ҳидга тұлуғдир ҳаво,  
Тутунлари дур бу куйган заминнинг.  
Саройда димикиб ұлтироқ етар,  
Сиз менинг дилимда ёнган үтнимас,  
Заминни қоплаган үтни үчириң.

### **ХОРАЗМШОХ**

Овозингни үчир!

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Сизнинг кучингиз  
Овоз үчиримоққа сарф бўлиб келур.  
Эркин овозларни үчирган давлат  
Ўзи ўчмай қолмас, оддий ҳикмат бу.  
Овозни бўғганлар бўғилмай қолмас.

### **ХОРАЗМШОХ**

Бас! Мени айблашга журъят этдингму?  
Отани айбларму ўғил, ё раббий.  
Сени оқ қилмоғу қатл айламоқ  
Хуружи кўксимни ёриб чиқажак.  
Аммо бу хуружни ичимга ютиб,  
Амр этадурман, ҳозирлан йўлга.  
Махзул бедовингни сафарга шай эт,  
Қалъаи Вамиянга ҳокимлиғ айла,  
Уни ёғийлардан ҳимоя қилғил.

Туркон-хотун, Низомулмulk ва Хўжа Бадриуддин бир-  
бирларига зидан маъноли қарашибди. Ибн Умар ҳай-  
рат ва изтиробда, у бир нима демоқчи бўлади, лекин  
шоҳ гапишишга йўл бермайди.

Гарчи ўғилларим аро тўнгичсен,  
Гарчи зуккодурсен, гарчи порсосен<sup>1</sup>,  
Махрум этдим сени валиаҳдлиқдин.  
Валиаҳдликка мос ўғилларим бор.

<sup>1</sup> Порсо — ёмон ишлардан ўзини сақлагувчи.

## **ТУРКОН — ХОТУН**

Қутбиддин Үзлоҳшоҳ — оқил ўғлингиз  
Илҳақ ва мунтазир хизматингизга.  
Сизга меҳри беҳад...

## **ХОРАЗМШОҲ**

Чақиринг.

*Каловланиб Қутбиғдин Үзлоҳшоҳ киради.*

## **ҚУТБИДДИН**

Падари бузруквор, шоҳдарнинг шоҳи,  
Бутун ер юзининг паноҳи, отам,  
Ҳозирмен амрингиз эшитмоқликка,  
Сўзингиз бағишлар жонимга роҳат.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Рақам этинг сўзим — фармони олий,

*Хўжа Бадриғдин ёза бошлиайди.*

Доруссалтананинг умид юлдузи  
Қутбиддин Үзлоҳшоҳ — боодоб ўғлим  
Тож-тахтнинг навқирон валиаҳдиур.  
Амрим етти буржга, етти иқлимга,  
Етти минг оламга этилсун оғоз.

## **ИБН УМАР**

Сен ўзинг рақам эт, мукаррам тарих,  
Султон Алоуддин ибн ал-Такаш —  
Ёвларни титратган гитистоний  
Мунавварлик рукнин тарқ этиб бугун  
Разолат домига нузул этмишдур.  
Тахту тож, иззу жоҳ адамга восил,  
Узлатга доҳилдур, эвоҳ, оқ, нурлар.  
Эл-юртнинг зулматда не кечур ҳоли?!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Эл шоҳ илгидадур, шоҳ амри вожиб,  
Магар эл илгода бўлса ихтиёр,

Эл ўзи бошларди шоҳларни йулга.  
Биз бошлаган йўлнинг интиҳосидан  
Сўйлашга ожиздур менинг тилларим.  
Кўзлар кўриб турад, уфқда ёнган  
Кирмиз шафак эрмас, ернинг хунидур.  
Дарёда оққан ул қондир, сув эрмас,  
Элнинг кўзларидан томган аччиқ, ёш.  
Бошимиз устида чарх урган булат  
Ёмғирмас, заҳарлар сочажак сўнгсиз.  
Тоғларни емириб келаётган ул  
Сел эрмас, ажалнинг қўллари эрур.  
Майли, сиз бекитинг дарвозаларни.  
Қапуларга пўлат қулфларни осинг.  
Мен эрса борурмен она халқимга,  
Унинг ярасига излармен малҳам.  
Бағримга босурмен куйган майсалар,  
Түёқлар остида қолган гулларни.  
Менинг ҳимоямга муҳтождур улар!

*Кетади. Мулозим киради.*

## МУЛОЗИМ

Ёвқоч ботир ила Музaffer Malik  
Ўтрордан келибдур.

## ХОРАЗМШОҲ

Ўтрор ... Кирсинлар.

*Ёвқоч ботир, Музaffer Malik киради.*

## МУЗАФФАР МАЛИК

*(Қаттиқ ҳаяжонда)*

Ўтрор таслим бўлди.

## ХОРАЗМШОҲ

*(бўшашиб)*

Таслим бўлди де.  
Лашкари кўп эрди, девори маҳкам.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Сотқинлик айлади Қорача Ҳожиб,  
Құшқұллаб қалъяни сотди ёғийга.

## **ХОРАЗМШОХ**

Қорача Ҳожиб-а? На янглиф содиқ,  
Собит қулим эрди... Хоин, Қорача хоин.  
Шаҳарнинг ҳокими Инохон тұра  
Нечун ул сотқиннинг бошин янчмади?

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Инохон үлдірилди.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Қулоқларига  
Құрғошин құймишлар, күзин үймишлар.

## **ХОРАЗМШОХ**

*(тальасага тушиб)*

Құрғошин дедингму? Қулоғига-я...

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Хоинлар оёқдан олдилар, шоҳим,  
Ақчага сотилди Қорача Ҳожиб.

## **ХОРАЗМШОХ**

Құлымга түшсайди сотқин Қорача...

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Құлингиз остида ҳам бор хоинлар.

## **ХОРАЗМШОХ**

Не дединг, такрорла.

## ЁВҚОЧ БОТИР

Хўжа Бадриддин  
Энг яқин кишиси эрур Ҳожибнинг.  
Ҳурганжда ўтириб Хўжа Бадриддин  
Ҳожиб қўли или ўтрорни сотган.  
Мана бу мактубни кўринг, онҳазрат.

*Хоразмшоҳ мактубни олиб, шошилинч қўз югурти-  
риб чиқади. Дарғазаб бўлиб Бадриддинга юзланади.*

## ХОРАЗМШОҲ

Ҳожибга хат битиб, кўрсатмишсен йўл,  
Ошно айламишсен Чифатой или.  
Кўйнимда экан-да илон.

## ХЎЖА БАДРИДДИН

Онҳазрат,  
Ўлимдин хабарим бор, аммо ушбу  
Мактубдан хабарим йўқдур.

## ХОРАЗМШОҲ

Ма, ўқи.

*Хўжа Бадриддин хатни қўзига яқин олиб боради.*

## ХЎЖА БАДРИДДИН

Шоҳаншоҳ, мактубдин хабарим йўқдур,  
Дастхат менинг эрмас, бу менга тухмат.

## МУЗАФФАР МАЛИК

Нечук тухмат этур сизга Қорача,  
Хатни тасдик, этмиш ўз қўли или.

## ЁВҚОЧ БОТИР

*(Чўнтағидан иккинчи хатни чиқариб)*

Бу мактуб Қорача Ҳожибнидиур,  
Хўжа Бадриддинга ўзи йўллаган.

Чопар қўлимизга тушди сахрода.  
Сенга кўп умидлар боғламиш Ҳожиб,  
Сен унга соябон эркансан, билдук.

### **ХЎЖА БАДРИДДИН**

Туҳмат тошларига тұла чұнтаги,  
Бирин қўйиб отар бирини баттол.  
Онҳазрат, маломат тошбуронидан  
Мени қутқазгайсиз, гуноҳим йўқдур.

### **ХОРАЗМШОҲ**

*(Мактубларни кўздан кечириб)*

Вазир Низомулмулк.

### **НИЗОМУЛМУЛК**

Қулоғим Сизда.

### **ХОРАЗМШОҲ**

Саройдан макрнинг ҳиди келадур,  
Илон вишиллайдур гўё теграмда.  
Ёвуз шарпаларнинг найрангларидан  
Қалбимга санчилур сонсиз игналар.  
Бу мактуб озори билмайдур худуда,  
Сиз они текширинг, айлангиз ажрим.  
Неки гуноҳи бор, бўйнига қўйиб,  
Хўжа Бадриддинни осурмиз дорга.

### **ХЎЖА БАДРИДДИН**

Айбим йўқ, шоҳаншоҳ, дилим қордай оқ,  
Алдасам тил тортмай үлай.

### **ХОРАЗМШОҲ**

Мунофик...  
Олиб чиқинг уни, зиндонга ташланг.

### **ХЎЖА БАДРИДДИН**

Қаломулло урсин хат ёзган эрсам,  
Қорача Ҳожибга доҳил жойим йўқ.

*Мулозимлар уни олиб чиқадилар.*

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Адолат чироғи бордур азалий,  
Гоҳ уни ёқдилар, ўчирдилар гоҳ.  
Ул чироқ ёнганда диллар ва эллар  
Оппоқ шуълаларга чўмдилар масур.  
Ул чироқ ўчганда еру самони  
Зулумот қоплади, офат емирди.  
Мен ҳозир шул чироқ тафтини туйдим,  
Унинг шуъласида макр ва фириб,  
Кин ила муртадлик фош этди ўзни.

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Қорача Ҳожибни даф айлаб энди  
Озод этмоғимиз даркор Ўтрорни.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Ўтрор менинг юртим, кўзим қораси,  
Банди зиндан бўлган ҳокисор ўлка.  
Қонларга беланган ҳар заррасида  
Парчаланган умид, армонлар ётар.  
Онамни ёйилар чопиб ўлдирмиш,  
Кулбамни, боғимни этмишлар хароб.  
Онам ҳақи, куйган оналар ҳақи,  
Чингизни бўғизлаб ўлдургум ўзим.  
Менга лашкар беринг, лашкар, онҳазрат.

### **ХОРАЗМШОҲ**

Лашкарму?

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Ҳурганждан берилса мадад  
Ўтрорни қайтариб олурмиз ёвдан.

### **ИБН УМАР**

Сайхун ёқасида абгор қалъамиз  
Фигой айлар эркан, уни қутқармок  
Ҳар бир ҳурганжликнинг бурчи эмасму?

Ул ҳам үз еримиз, рухсат этилса,  
Сарбозлар дарёдай оқар Үтрорга.

### **НИЗОМУЛМУЛК**

Хурганжнинг қүшини үзига даркор,  
Ҳа демай бостириб келади Жўжи.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Жўжи келади деб, бўжи келар деб,  
Тақа-тақ ёпиб бор эшик-қопуни,  
Офатни кун санаб кутгандан кўра  
Лашқарни ёғийнинг устига ташлаб,  
Уни таппа босган маъқул эрмасму?

### **ХОРАЗМШОҲ**

Сенинг тилинг ботир, аммо үзинг-чи?  
Ўтрорни бермасдинг ёвга мард бўлсанг...

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Ёвқоч ботир отим, билур ҳалойиқ,  
Сизга садоқатим, меҳрим чексиздур.  
Мен буни мана шул қиличим ила  
Жангларда неча бор этганимен исбот.

### **ХОРАЗМШОҲ**

Оддий сарбоз эрдинг, беном, бенишон,  
Кўриб қиличингнинг кескирлигини  
Мен сенга йўл бердим ва жоҳ, мартаба,  
Таги паст сарбозни саркарда айлаб,  
Саҳв қилганимга энди иқрормен.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Черикка саркарда бўлмоқлик шараф,  
Сарбоз қони оқар аммо танимда.  
Сарбозлик шаънини саркардалиқдин  
Кам деб билмагаймен зинҳор-базинҳор.  
Менга қиличу от үзи кифоя.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Дош берди қамалга неча ой Үтрор,  
Сүнмади құзыда умид учқуни.  
Үнга қалқон бұлды Ёвқоч худ қоя,  
Меҳрин малҳам этди яраларига.  
У таҳқир, шубхага, жазога эрмас,  
Таҳсинга, шарафға лойиқдур, шоҳим.  
Гар уни бадарға этар бұлсангиз,  
Мени ҳам жазодан тутмангиз дариғ,  
Мен-да сарбоз бўлиб кетай у билан.

## **ИБН УМАР**

Магар уч саркарда — Жалолиддину  
Ёвқочу Музаффар бадарға бұлса,  
Мұхаққақ бадарға бўлур элдин баҳт.  
Учта устунидин жудо бўлур тахт.  
Водариф!

## **ХОРАЗМШОҲ**

Надомат, ўқинч беҳисоб,  
Гумонлар бошимда худди аридек  
Физиллаб ётарлар қундуз ва кеча.  
Уларга қўшилиб сарой аҳли ҳам  
Физиллар, физиллар... Жоннинг заволи.  
Мени холи қўйинг, сизларга рухсат.

*Сарой аҳли чиқади.*

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Узр, олампаноҳ, қонимдан кечиб,  
Сўзим тугатмоққа рухсат берингиз.

*Шоҳ «бас қил» ишорасини беради. Ёвқоч ботир ўз-  
ўзига:*

Йўқ, мен тинчимасмен, кезиб шаҳарлар,  
Қишлоқларни, ўзим тўплармен қўшин.  
Ерда қолдирмагай сўзимни шояд  
Эркка ташна жонлар, орли йигитлар.  
Ўтрордан ва бошқа қалъалардан-да  
Қувиб чиқарармиз босқинчи ёвни.

*Кетади. Коронғулик چұқаги. Мұлозим кириб шамларни ёқади.*

### **ХОРАЗМШОХ**

Ваҳм тоги босиб келар... Қариғдим чоғи,  
Йұқса нечун үйимда бир шарпа ҳукмрон.  
У вужудим мажрух айлар, умримни муте,  
Қай сорига юрар бұлсам йұлимни кесар.  
Юрагимда лахча-лахча ёнган чұғларни  
Сувлар сепиб үчиримоқда, забун этмоқда.  
Яъжуж-маъжуж босди элни, замон охирлар,  
Яқин қолди қиёмат күн, яқиндур машҳар.  
Қайга құяй беш күнлик бу зорли жонимни.

*Коронғулик ичида Она ва ҳур қызлар пайдо бұлади.*

### **ОНА**

Эй, Сиз, менинг оқ, кийинган офоқ қызларим,  
Шу ёшгина умрингизда қанча ғам құриб,  
Кўзингиздан дарё-дарё ёшлар тўкканси.  
Лекин ҳозир нам юқтириманг кипригингизга,  
Тошга дўнсин кўксингизда қотган юраклар.  
Мен тоғдор фарзандим-ла сухбат қурганда  
Сизлар йиглаб юрагимга ханжар урманглар.

### **ХОРАЗМШОХ**

Юрагимнинг чунг армони, яна келдингму,  
Сени кўрсам ёйилади дилда тугулар.  
Бир нафасга унут бўлар ўтли оҳларим,  
Қайта бошдан сўнг ўтларим ўрлайди кўкка.

### **ОНА**

Юрагимнинг тўрида таҳт қуриб, тож кийдинг,  
Очилирдинг не-не гура фунчаларимни.  
Не-не қонхур ёвларни тиз чўктирган эрдинг,  
Энди ўзинг ёв олдида чўкасанму тиз?!

### **ҲУР ҚИЗЛАР**

Энди ўзинг ёв олдида  
Чўкасанму тиз?!

## **ХОРАЗМШОХ**

Она-замин, юрагимга қулоғингни бер,  
Гуп-гуп утар, садоларин эшитмайсанму?

## **ОНА**

Юрак берган эрдим сенга қор каби тоза,  
Хаёт ато эттан эрдим томирларига.  
Сен үз илгинг ила уни булғамоқдасан,  
Юрагингдан чиқаётган нимжон садолар  
Құрқув саси, жон йифиси эрур, алхазар.

## **ХҮР ҚИЗЛАР**

Құрқув саси келур сендан,  
Хазар, алхазар!

## **ХОРАЗМШОХ**

Күп койинманг, толе сизу менга тобемас,  
Аллақачон бизларни тарқ айлаган толе.

## **БИРИНЧИ ҚИЗ**

Сұзим эшит, шоҳаншох,  
Мен бир майса-гул эрдим.  
Мени ёғий ханжари  
Очилмасдан сұлдириди,  
Шунда сен қайда эрдинг?

## **ҚИЗЛАР**

Шунда сен қайда эрдинг?

## **ИККИНЧИ ҚИЗ**

Сұзим эшит, шоҳаншох,  
Мен сув эрдим шарқирок,  
Бойладилар йўлимни,  
Чўқдирдилар сахрога,  
Шунда сен қайда эрдинг?

## **ҚИЗЛАР**

Шунда сен қайда эрдинг?

### **УЧИНЧИ ҚИЗ**

Мен бир аланга эрдим,  
Тизгин билмас, чек билмас.  
Кулфат қуйиб бошимдан  
Ёғий мени сұндириди.  
Шунда сен қайда эрдинг?

## **ҚИЗЛАР**

Шунда сен қайда эрдинг?

### **ОНА**

Эй, Сиз, менинг оқ кийинган оғоқ қизларим,  
Худди нурнинг үзидек пок само ҳурлари.  
Кўкка ёйинг ўтли-ўтли оҳдарингизни,  
Нолангизни эшитарлар олис юлдузлар.  
Мана, менинг қучоқларим сизларга очик,  
Юрагимнинг энг тўрида қурингиз ошён.  
Кўкни босиб келаётган қора булатдан  
Асрар Сизни бу ошиён — қалбга киринглар.

*Момоқалдироқ овози эшитилади, чақмоқ чақади. Она ва ҳур қизлар ғойиб бўладилар.*

### **ХОРАЗМШОҲ**

Деворлари қалин, қулфи маҳкам Ҳурганжнинг,  
Унга пўлат қалқон эрур неча дарвоза.  
Қалъя ичра ҳужумга шай лак-лак хос қўшин,  
Бели маҳкам эрур бошқа қалъаларнинг-да.  
Тошга тушган тепки янглиғ синиб хуружи  
Қўшиналари пароканда бўлур Чингизнинг.  
О, қалъалар, қоялардай собит бўлинглар!

### **ИККИНЧИ КЎРИНИШ**

*Самарқанд қамали. Мўгуллар қалъя олдиға истех-  
ком қурдирмоқдалар. Босиб олинган шаҳарлардан кел-  
тирилган асиirlар девор курилишида ишлатилмоқда.  
Замбилларда лой-тупроқ ташиётганлар, ёғоч кесиб ке-*

*лаётганлар, тош-харсанг күтәрганлар охи тинмайды. Бүйсүнмаганларни тириклай пахса-девор орасыга күмиб юбориш, осиши, чопиш, сүйиш даҳшатларидан дарғазаб бўлган халқ қасос ўтида ёнади. «Ёғийларга ўлим юбор, само», «Босқинчиларга ўлим», «Ваҳшийлар, оҳ, мадорим қолмади, сув беринглар» деган нолалар, нўёнларнинг одам тушунмайдиган дўй-дағғағалари эшитилиб туради.*

*Мутулача танманавор куй янграйди. Нўёнлар сергак тортадилар, ўйлакка апил-тапил поёндоз тўшалади. Сарбозлар қуршовига Чингизхон, Жўжи, Чапа-нўён кираади. Асиirlарга ишбоши — Қари-нўён уларни қарши олади.*

### **ҚАРИ-НЎЁН**

Таъзим сенга улуғ ҳоқон, шоҳларнинг шоҳи,  
Халқлар жони йўлларингта бўлсин поёндоз.

### **ЧИНГИЗХОН**

Ўз жонингдан гапир Қари-нўён аввали,  
Тайёрмидур сенинг жонинг поёндозликка?

### **ҚАРИ-НЎЁН**

Юзта бўлса жоним агар ҳоқон йўлига,  
Барин тўшар эрдим ўзим қўлларим ила.

### **ЧИНГИЗХОН**

Қари-нўён, сен чиндан ҳам қариб қолибсан,  
Лаганбардор эрмас эрди тилларинг аввал.  
Истайменким, менинг сарбоз ва нўёнларим  
Шамшод каби тик бўлсинлар, мағрур бўлсинлар.  
Мажнунтолга уҳшаб эгилемасин қадлари,  
Бирортаси тўтиқушга уҳшаб қолмасин.  
Ўз сўзини айта олсин ўз тили билан,  
Менга маддоҳ даркор эрмас, чин аскар даркор.  
Хўш, гапир-чи, Қари-нўён, ишларинг қалай?

### **ҚАРИ-НЎЁН**

Тез орада истеҳком қад ростлайди, ҳоқон,  
Тош-метиндай маҳкам бўлар пахса-девори,  
Йуғон-йуғон оғочлари пулатдан қаттиқ.

## ЧИНГИЗХОН

Йўғон-йўғон оғочларни қайдан олдинглар?

### ҚАРИ-НҮЁН

Бу ўлканинг нимаси кўп, боғ, ўрмони кўп,  
Танлаб-танлаб кесабердик дараҳтларни.

## ЧИНГИЗХОН

Кесмоқ даркор дараҳтни кесган қўлингни,  
Қай ўлкада, қай заминда бўлмасин бизга  
Душман эрмас, дўстдир дараҳт, ҳар терақ, ҳар тол.  
Бундай иссиқ мамлакатда дараҳтсиз қолмоқ  
Баробардур қолмоқ, ила қўшинсиз, ўқсиз.  
Биз шоҳларни қулатмиз, боғларни эрмас,  
Қулоғингда, Қари-нүён, шуни маҳкам тутт.  
Чапа-нүён, черикларинг тайёрми жангга?

### ЧАПА-НҮЁН

Саваш бўлса жони кирап черикларимнинг,  
Қанот пайдо қиласидилар тулпорлари ҳам.  
Неча кундир шамширларин қайраб лашкарлар  
Жанг бўлишин кутмоқдалар, тоқатлари тоқ.

## ЧИНГИЗХОН

Уруш — ўлим демак. Шундай эрқан, не учун  
Шошадилар лашкарларинг ўлим домига?  
Икки-уч кун ортиқ ҳаёт лаззатларини  
Тотган афзал эрмасмидур, жавоб бер, нўён?

### ЧАПА-НҮЁН

Тинч ҳаётда эрмас ёлғиз ҳаёт лаззати,  
Қиличларнинг жарангидан лаззат олгувчи  
Қулоқлару найзалардан томган қонларнинг  
Рангларидан завқлангувчи кўзлар беҳисоб.  
Улар, хоқон, қонга ташна, жангга ташнадур.

## ЧИНГИЗХОН

Сен не дерсан, Қари-нүён, фақат чин сўйла.

## ҚАРИ-НҮЁН

Чин гап шулки, хоқон, сенга садоқат изҳор  
Айлаш учун жангга кирав бори лашкаринг.

## ЧИНГИЗХОН

Ёлғон, Қари-нүён, құрққил ёлғон сүйлашдан,  
Сенга үхшаш маддоҳларнинг мақтов сұзларин  
Чин деб үздин кетадилар ахмоқ подшолар.  
Подшоларга тұғри сұзни айтмоқлик даркор,  
Сув ва ҳаво янглиғ зарур подшога чин сұз.  
Сен не дерсан, үғлим Жұжи, нечун аскарлар  
Жангта — ажал домонига шошаяптилар?

## ЖҰЖИ

Уруш — үлім, дединг, отей, бу ҳақ ва лекин  
Уруш — бойлик, ақча, олтін-күмуш ҳам демак.  
Сарбоз уруш истадими, демак билингки,  
Ҳамёнида қолған эрмас унинг ҳеч вақо.  
Овқат ва от, май ва аёл, пул ва саруоп,  
Уруш деса сарбоз ана шуларни үйлар.

## ЧИНГИЗХОН

Зеро, жангда неки үлжы олинса құлға  
Борин черик ўргасида бұлинг теппа-тениг.  
Бирөвга күп, бирөвга оз тегдими үлжы,  
Билинг, зоҳир бўлар дарҳол қўшинда низо.  
Айри сийланг полвонларни, баҳодирларни,  
Зориқтирманг уларни ҳеч нарсага ҳеч вақт.  
Хос қўшинни, сарбозларни асранг үлимдан,  
Мусулмонга мусулмонни айланг рӯбару.  
Улар ғажиб бир-бирини этсиналар адo,  
Сунгра сара, алп черикни бошлиланг ҳужумга.  
Ҳарб — бу санъат, үлимларни енгмоқ санъати,  
Дарвоқе, тахт этилдими қўргич-қаратқи?

## ЧАПА-НҮЁН

Тайёр, хоқон.

## ЧИНГИЗХОН

Олиб келинг.

## ЧАПА НҮЁН

Хүп бүлгэй, хоқон.

Чиқади. Мүгүл сарбозига айнан үхшатиб ясалган қаратқини олиб киради. Хоқон уни синчилаб күздан кечирэдигүй.

## ЧИНГИЗХОН

Юзларида акс этсин күпроқ шижаат,  
Балқиб турсин зүр иштиҳом<sup>1</sup> важоҳатида.  
Кўзларида ёнсин оловдан-да кучли ўт,  
Елкалари ҳарсангтошдай ўқ ўтмас бўлсин.  
Худди жонли суворийдай отни елдирсин.  
Минг-минг шундай қаратқини ўтқазинг отга,  
Жойланг қатор-қатор борин лашкар ортида.  
Минг мӯғулни ўн минг қилиб кўрсатинг ёвга,  
Жанг олдидан рақибларнинг кўзин ванд<sup>2</sup> айланг.  
Ўтакасин ёринг аввал бошдан адувнинг<sup>3</sup>.  
Чавандозлар қилич сирмаб қийқирсинар-да  
Ташлансинлар ёв устига худди лочиндай.  
Чингизхонда куч ҳам бисёр, усул ҳам бисёр.

## ЖЎЖИ

Кучи бору усули йўқ Хоразмшоҳнинг.

## ЧИНГИЗХОН

Нима дединг? Йигирма йил у таҳтда событ,  
Не-не васте<sup>4</sup> маъволарни айлади мамлук<sup>5</sup>,  
Хуросону Мозандарон, Ироқу Фазна,  
Яъни араб, ажам борин этди мусаллат<sup>6</sup>.  
Сайхун, Жайхун бўйларидан Ҳиндистон қадар  
Ястанган чўнг салтанатни бунёд этган шоҳ,  
Қўшининга панжа урмоқ эрур кўп душвор.  
Қайрилишни билмайдиган бургут қанотин  
Қайирмоққа юрагингда туйсанг қодирлик

<sup>1</sup> Иштиҳом — савлат.

<sup>2</sup> Ванд — кўрқитиш.

<sup>3</sup> Агув — ёв.

<sup>4</sup> Васте — кенг.

<sup>5</sup> Мамлук — кул.

<sup>6</sup> Мусаллат — забт этмоқ.

Сен метинга мангза оддий панжаларингни,  
Кўксингга жо айла баланд тоғлар бардошин.  
Ўша қанот ҳайбатини қочирма куздан,  
Ёдингда тут, соҳибибур унинг Самандар,  
Ва унутма сен ўзингнинг шерлигингни ҳам.

*Мулозим киради.*

### **МУЛОЗИМ**

Ҳурқалъадан келмиш саркор Ихтиёриддин.

### **ЧИНГИЗХОН**

Кирсин.

*Ёнига икки ҳамроҳи билан Ихтиёриддин киради.*

Чиқсин мулозимлар, даркор эрмаслар.

### **ИХТИЁРИДДИН**

Тўхтанг! Менинг жондан ортиқ кўрган дўстларим,  
Ҳурқалъанинг қўрқув билмас мардлари буласар.

### **ЧИНГИЗХОН**

Мақтамоққа келган бўлсанг хато қилибсен,  
Маглуб бўлиб келган эрсанг бошинг эгиб тур.

### **ИХТИЁРИДДИН**

Эгилмоққа ўрганмаган бизнинг бошимиз,  
Мени бунда бошлиб келган сенинг мактубинг.  
Менинг бошим эвазига Ҳурқалъага сен  
Ҳурлик ваъда айлагансан, мана ўша хат.

### **ЧИНГИЗХОН**

Тўхта, тўхта, сенинг фақат тилингда эрмас,  
Дилингда ҳам борга ўхшар журъат тўлқини.  
Сенга ўхшаш ботирларни ёқтирас жиним,  
Шундай қилиб, ўлим истаб келдингму бунда?

## **ИХТИЁРИДДИН**

Юртимни Ҳурқаңда дерлар, ҳурлик бизга жон,  
Ҳурлик бизга ҳаво эрур, усиз йүқ ҳаёт.  
Неча ойки, қамал айлаб ҳуррам қалъани  
Чапа-нүён бўғаяпти аждарга ўхшаб.

## **ЧАПА-НҮЁН**

Хоқон, рухсат этгил, бошин мажақлаб ташлай.

## **ЧИНГИЗХОН**

Қани, айт-чи, менга, саркор Ихтиёриддин,  
Қай асно сен шафеъ бўлдинг музтар қалъага,  
Уни қўлда сақдай олдинг қай имдод ила,  
Шунча кучни қайдан олдинг? Ростингни сўйла.

## **ИХТИЁРИДДИН**

Кўргандирсан, бизда гужум дарахти кўп,  
Шоҳалари бараваста-ю барглари кўм-кўк.  
Писанд эрмас уларга сел, тӯфон, кўчгилар,  
Офатларга кўкрак кериб минг йил яшарлар.  
Қайдин олдинг кучни дея сўрсанг гужумдан  
У кўрсатур катта-кичик илдизларини.  
Илдизлардан сўрсанг, улар мамнунлик ила  
Курсатурлар ерни, оддий тупроқ — заминни.  
Бизнинг умр гужумлардан олмиш андоза.

## **ЧИНГИЗХОН**

Гужум, гужум... Чапа-нүён минг-минг гужумни  
Кестириби чой ичгулик фурсат ичинда.  
Қайда қолди гужумнинг сен айтган қудрати?

## **ИХТИЁРИДДИН**

Илдизлари ҳали ерда тирик уларнинг,  
Қулоқ тутсанг эшитасан нафасларини.  
Уларнинг ҳар нафасидан ниҳоллар униб,  
Шовуллайди ўлкамизда яна гужумлар.

## **ЧИНГИЗХОН**

Яна кесиб ташланади.

## **ИХТИЁРИДДИН**

Яна ўсади.

## **ЧИНГИЗХОН**

Яна кесиб ташланади.

## **ИХТИЁРИДДИН**

Яна ўсади,  
Ўсиб-ўсиб шал этади кесган құлларни.

## **ЧИНГИЗХОН**

Демак сенинг күч-қудратинг ишончингдадур.  
Энди гапир, ўз оёфинг ила келгансен,  
Ўз оёфинг ила бундин чиқиб кетмоққа,  
Сени озод этмоғимга ишонурмисен?

## **ИХТИЁРИДДИН**

Мен келганмен ўлимимни бўйнимга олиб,  
Билурменким, энди менинг паймонам тўлган.  
Сен сўзингда турсанг агар менинг ўлимим  
Ҳурқалъага эрк келтирур. Эрк учун ўлмак  
Ҳамюртларнинг юрагида яшаш демакдур.  
Мен келмасам улар буткүл қирилар эрди,  
Чунки ўлмай туриб бермас ерини бу эл.  
Элим ўлиб кетмасин деб ўлмакка келдим,  
Мана, менинг бошим олу халқимга эрк бер.

## **ЧИНГИЗХОН**

Ҳа, мен бошинг эвазига сенинг шаҳрингга  
Эркин ҳаёт ваъда этдим, сўзим чин эрур.  
Аммо сенинг жўмардлигинг кўргач, калламда  
Қалдирғочдай чарх урмоқда бир фалат хаёл.  
Сени гўё ёвим эрмас, дўстим сингари  
Ўз кунглимга яқин туттим келяпти, ишон.  
Сенинг калланг келтирганга калладай олтин  
Ҳадя этмоқ истагини мен ошкор қилгач,  
Қайда ашта, қайда саёқ бўлса, бориси  
Ҳурқалъага ёпирилди чигиртқа каби.

Аммо сенинг калланг, мана, елкангда ҳануз,  
Сен күтариб келдинг уни ўзинг олдимга.  
Бундай бошни чопиб ташлаш инсофдан бўлмас,  
Шундай бир йўл тутайликки, сен ҳам омон қол,  
Хурқалъа ҳам озод ҳаёт қалитини олсин.

### ИХТИЁРИДДИН

Ниятларинг қора худди юрагинг каби,  
Ўлдиравер, шумлик сенга бу гал наф бермас.

### ЧИНГИЗХОН

Нафасингни учир! Девдай чархлаб болтасин  
Ишорамни кутиб турар жаллод қон дея.  
Аммо менинг юрагимда қонинг тўкмоқлик  
Майли чуғдай аста-аста бормоқда учеб.  
Бунга сабаб балки сенинг жўмардлигингдур.  
Балки само шафқат нурин солмиш кўнглимга.  
Балки менга сендай қалби саркаш, сўзи рост  
Ва ўзи рост йигитларнинг даркорлигидур.  
Алкисса, сен менинг бўл-у хизматимга ут.  
Тагингга бир от берайин шамолдай учқур.  
Кўлингга минг сарбоз берай ўзингдай жасур,  
Олгил кўнглинг тусаганча пул, сарпо, хотин.  
Нўёнларим қаторида менга қанот бўл.  
Магар шунга рози эрсанг, шахрингни ҳозир  
Бўшатурмен қамалдан ва озод этурмен.

### ИХТИЁРИДДИН

Ёвузлигинг, маккорлигинг элда овоза,  
Жаллодлигинг, қонхўрлигинг турқингдан аён.  
Мен ўйлардим аммо сени эркак одам деб,  
Келган эрдим бир эркакча сўзлашмоқ учун.  
Сен бўлсанг гоҳ нозик имо-ишора ила,  
Гоҳи бебок сўзлар ила кўзимни бойлаб,  
Илинтирмоқ бўляйсан мени қармоқقا,  
Сен ўйлаган балиқ балки сузар кўлларда.

### ЧИНГИЗХОН

Йўқ! У менинг тузофимда. Истасам уни  
Ўтга ташлаб куйдирамен, кабоб этамен.  
Истасам гар от думига бойлаб-судратиб,  
Минг дўзахнинг азобини солгум бошига.

## **ИХТИЁРИДДИН**

Бер менга не азобларинг бўлса, эй, хунхор,  
 Не офатинг, макринг бўлса, ёғдир бошимга.  
 Ўтга ёқиб майли кулим шамолга совур,  
 Аммо ваъданг бажо айла — шаҳрим бўғизидан  
 Кўлингни торт, халқим учун бўғизла мени.

## **ЧИНГИЗХОН**

Йуқ, қурғошин куйдираман сенинг оғзингга,  
 Тилларингни юлиб бўриларга берамен.  
 Чапа!

## **ЧАПА-НҮЁН**

Бош устига, хоқон.

## **ЧИНГИЗХОН**

Шаҳри олдига  
 Бир дор қурдир, баланд бўлсин бўйи девордан,  
 Ичкарида туриб қалъя аҳли саркорин  
 Ўлигини дорда куриб ув-ув йиғласин,  
 Тинглаб-тинглаб қулоқларим олсинлар ором.

## **ИХТИЁРИДДИН**

Менинг қоним ўз еримга тўкилажақдур,  
 Дорда танам таъзим айлаб турар шаҳримга.  
 Аммо сенинг жасадингчи, юртингдан йироқ  
 Итларга ем бўлар бир кун, қасос минал ҳақ.

## **ЧИНГИЗХОН**

Қасос? Хо-хо-хо! Мен уйинг, элатинг, элинг  
 Кунпая-кун айлаюмен, вайрон этурмен.  
 Ер юзидан супуртириб мисоли бир хас,  
 Йўқотурмен ҳатто йиқиқ харобасин ҳам,  
 Сунг урнига унинг арпа эктирадурмен.

## **ИХТИЁРИДДИН**

Қора булут орқасида бордир шуълалар,  
 Улар ёвуз шарпаларни таъқиб этурлар.

Нур сачратиб отларининг туёқларидан,  
Қон қақшаган тунлар бағрин тонгдай ёритиб,  
Жалолиддин келур, келур жалолиддинлар.

### ЧИНГИЗХОН

Жаллод! Жонин жаҳаннамга жунат бунинг тез.

*Жаллод Ихтиёридиннинг құлларини қайириб, таш-  
қарига судрайди.*

### ИХТИЁРИДДИН

Жалолиддин келур... Қасос олажак, қасос.

*Чақмоқ чақади. Она пайдо бұлади. Чироқ унинг фа-  
қат юз-күзини ёртади. Ҳур қызлар фифони эшишила-  
гу.*

### ОНА

Йиғламанглар, жон қызларим, бағрим эзмангалар,  
Юрагимдан битта томир узилди, нетай.  
Қурбон бұлды бағримдаги битта шунқорим,  
Қанотларин қайирди ёв парвоз чоғида.  
Мен яраттан эрдим уни қалбим құридан,  
Күзларига нур бергандым, белига қувват.  
Юрар йұли доим бұлсın мунаввар дея  
Унга ато эттан әдім шуълаи шуур.  
Бугун ечиб оппоқ, ҳарир күйлагингизни  
Мотам лиbosларин кийинг, жоним қызларим.  
Юлдузларнинг құзларидан оққан қонли ёш  
Ёмғир бұлиб урилажак тогу тошларга.  
Күк ниdosи, менинг охим оламни тутар,  
Тулпорларни, шунқорларни чорлайди сафга.  
Ёғийларга омон йүқдір, интиқом яқин,  
Ана отга минмоқдалар, паҳлавонларим.

### ҲУР ҚИЗЛАР ОВОЗИ

Ана, отга минмоқдалар  
Ботир ыигитлар.

*Гулдурак гуримлайди. Она ғойиб бұлади. Мулозим  
киради.*

## **МУЛОЗИМ**

Келмиш Хұжа Бадриддин қалъаи Ҳурганждан.

### **ЧИНГИЗХОН**

Ҳурқалъаю Ҳурганж, ҳурлик, ҳур... Орзу ёлғиз,  
Халқ ҳеч қачон хур бўлмаган, бўлмас...

Айт, кирсин.

*Хұжа Бадриддин киради.*

### **ХҰЖА БАДРИДДИН**

Ассалому алайкум, баҳт ёр бўлғай мудом,  
Ер юзига шуъла сочгай туғинг тоабад.

### **ЧИНГИЗХОН**

Ҳамду сано ҳожат эрмас, айт хабар бўлса.

### **ХҰЖА БАДРИДДИН**

Ҳабарнинг энг каттасини олиб келганимен,  
Хоразмшоҳ салтанати — муҳташам бино  
Дарз кетди, ҳа, ич-ичидан нурай бошлади.  
Шоҳга қарши гиж-гижлатдик саркардаларни,  
Отасига ёв айладик шаҳзодаларни,  
Она-ӯғил, ақа-ука, уруғ-аймоқдар  
Орасига нифоқ солдик. Бир-бирини еб  
Адо эта бошладилар бойлар, аъёнлар.  
Сал қолди сир-асроримнинг очилишига,  
Шубҳа ила бандизиндан этди мени шоҳ.  
Ҳомийларим аммо оро кирди жонимга.  
Шундан кейин ишга солдим бор ҳунаримни,  
Хоразмшоҳ юрагида туғдирдим ваҳм.  
На фақат у сарой аҳли, балки ўзига  
Шубҳа кўзи ила қарай бошлади қўрқиб.  
Ўпирилиб қулайвергач умид тоғлари  
Хоразмшоҳ қочиб кетди.

### **ЧИНГИЗХОН**

А? Қочиб кетди?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Қирқ туяга ортиб олтин-кумушларини  
Бир кечада өйиб бүлди.

## **ЧИНГИЗХОН**

Қай сори кетмиш?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Билолмадик шуни, хоқон, фафлатда қолдик.

## **ЧИНГИЗХОН**

Шоҳни куздан қочирганинг қусрингдур, густоҳ,  
Эргашмогинг даркор эрди унга соядай.  
Бу айбингни энди сенинг үзинг ювасен.  
Ҳали саркор менга ёвуз қисмат тилади,  
Ўлармишмен ўз юртимдан йироқда сарсон.  
Бехабардур ўз шоҳининг қочоқлигидин,  
Сарсонлиқда унинг итдай дайдишин билмас.  
Чапа!

## **ЧАПА-НҮЁН**

Бош устига, хоқон.

## **ЧИНГИЗХОН**

Эгарла отинг,  
Ўзинг Хўжа Бадриддинга ҳамроҳлик айла.  
Ҳам Субутой баҳодир, ҳам чобук нүёнлар,  
Ҳам сарбозлар, баринг бирдай отланинг йўлга.  
Кўкка учган бўлса тортиб оёқдаридин,  
Ерга кирган бўлса тортиб қулоқдаридин  
Шоҳни олиб келасанлар олдимга тирик.

## **ЧАПА-НҮЁН**

Хўп бўлғай, хоқон.

## **ЧИНГИЗХОН**

*(Хўжа Бадриддинга)*

Сен нечун жимсен?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Сенинг учун аямасман жонимни, хоқон,  
Ер юзини одим-одим кезмоқقا мен шай.  
Аммо ҳозир бандилгоҳда турган мусофири  
Янглиғ қайга юрмоқликни билмасмен.

## **ЧИНГИЗХОН**

Нонкүр.  
Қорнинг тўйиб кўзларингни босган бўлса ёғ,  
Кўрмай қолган бўлсанг агар юрар йўлингни,  
Кўзларингни мошдек очиб, сўнг тўппа-тўғри  
Жўнатамен ўзим сени дўзах қаърига.

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Йўқ, ұлдирма мени, кеч бир қошиқ қонимдан,  
Топиб берай шоҳни қайси гурдан бўлса ҳам.

## **ЧИНГИЗХОН**

Шоҳнинг қайга қочганини балки билурсен,  
Балким уни сенлар атай яширгансенлар.  
Ким мўмайроқ ақча берса сен шунинг қули,  
Гапир, сотқин, қайдадур шоҳ?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Билмасмен, хоқон,  
Тил тортмайин ұлай агар ёлғон гапирсам.

## **ЖЎЖИ**

Отей, бизга содик эрур Хўжа Бадриддин,  
Неча йилки, ҳалол хизмат этур.

## **ЧИНГИЗХОН**

Билмассен,  
Бу тоифа одамларда бўлмас эътимод,  
Имонини сотар булар сариқ чақага.

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Майли, мени үлдир, хоқон, не қилдим, қисмат,  
Бир хабарни айтайammo, ижозат бергил.

## **ЧИНГИЗХОН**

Яна қандай фасодни қашф айлар шум бошинг?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Бошим энди кетар бўлди, умид йўқ ундан,  
Хавф остида қолди лекин боши мўғулнинг.  
Жалолиддин катта қўшин тўплаб Парвонда  
Шайланмоқда жангга.

## **ЧИНГИЗХОН**

Аҳ-ҳа. Қанча лашкари?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Йигирма минг. Лекин ирмоқ каби ҳар ёндан  
Унга оқиб келаяпти ботир маликлар,  
Суворийси эртанг унинг ошар юз мингдан.  
Сўзим тамом, энди бошим ихтиёрингда,  
Шафқат этсанг, икки-уч кун умрим чўз яна.

## **ЧИНГИЗХОН**

Керак бўлса ҳаётинг, хўп, шоҳни топ, шоҳни,  
Олиб келгил туя-туя жавоҳирларин.  
Гар бурнингга тиқиб келар бўлсанг қўлингни,  
Умидингни уз жонингдан, қирқилур бошинг.  
Чапа!

## **ЧАЛА НҮЁН**

Бош устига, хоқон.

## **ЧИНГИЗХОН**

Сизларга рухсат.

## **ЧАПА-НҮЁН**

Ишон, хоқон, Хоразмшоҳ, пойингда бўлур.

*Улар чиқадилар. Аламнок қиёфага Тўлихон киради.*

## **ТЎЛИХОН**

Отей, содир бўлди ҳаётимда кўргилик,  
Тисариди чопаётган отим орқага.  
Ташланмади ёвга қанча қамчи урсам-да,  
Қиличимнинг шашти қайтди.

## **ЧИНГИЗХОН**

Таслим бўлдингму?

## **ТЎЛИХОН**

Тоғ тошидан бунёд бўлган экан Кордарон,  
Бундай маҳкам қалъа йўқдур очунда бошқа.  
Тўқнаш келдик Ёвқоч ботир қўшини билан,  
Бизни улар ҳалқа бўлиб ӯраб одилар.  
Тўрт томонда қиличлардан тикланди девор,  
Биз тузоққа тушиб қолдик.

## **ЧИНГИЗХОН**

Бас, оғзингни юм,  
Менинг буюк черигимга мағлубият ёт.  
Кордаронни мана бундай чертиб ташлашга,  
Кулин кўкка совурушга лаёқатлидур.  
Кимсан, Чингиз ўғли Тўли, мақтовли сарҳанг,  
Худди қўрқоқ хотинлардай адувдан қочиб,  
Қўзёш тукиб ўлтирса-я... Иснод, бадномлик.  
Йўқ, сен менинг ўлниммассан, Тўли эмассан,  
Ўлмай туриб қайтармас у отин орқага.

## **ТЎЛИХОН**

Биринчи бор от ҳайиқди душман уқидан,  
Биринчи бор қўлдан тушиб кетди шамиширим.  
Биринчи бор, отей!

## **ЧИНГИЗХОН**

Мағлубикка йүқ саноқ,  
Битта бўлур мағлубият, бир бўлур ўлим.  
Қўрқув отга эрмас, тушган сенинг қалбингга,  
Қўзларингга уя қурган қўрқув — кўр чумчук.  
Қўлдан бехос тушиб кетган пиёла каби  
Руҳинг синган, синиб кеттан чил-парчин бўлиб.  
Бу билан сен черигингнинг ишонч торини  
Синдиргансен, синдиргансен шамширларини.  
Сен менинг-да юрагимда ўстган зўр дараҳт  
Илдизини синдиридинг, ҳа, синдиридинг.

## **ТЎЛИХОН**

Отей!

## **ЧИНГИЗХОН**

Мен сенларни оловларга ташлаб тобладим,  
Зувалангни сутга эрмас, чайдим қонларга.  
Текис иўлга эрмас, балки жарлар, упқонлар,  
Гирдобрларга дуч айладим кўзи пишсин деб.  
Истардимки, шердай жасур бўлсин ҳар ўғлим,  
Юзта, мингта аждарга бас келсин бир ўзи.  
Сен бўлсанг... О, кет, кўринма қўзларимга, кет.

## **ТЎЛИХОН**

Кечир, отей, қоним билан ювай айбимни.

## **ЧИНГИЗХОН**

Ўғил деган қалқон бўлур ота кўксига,  
Үнга келган зарбаларни үзига олур.  
Шоҳнинг ўғли Жалолиддин ҳақида юрган  
Афсоналар чалингандур кар қулоғингга.  
У Парвонда чексиз қўшин тўпламиш.

## **ТЎЛИХОН**

Авф эт,  
Авф эт мени, қўзимга боқ яна ишонч-ла,  
Аввалгилик ўпқонларнинг қаърига ташла.  
Тегирмонга ташласанг-да чиқармен бутун.

Рұхсат айла, черик тортыб Парвонга борай,  
Тирик ушлаб келай үша Жалолиддинни.  
Бош күтариб юрмоқлигим йүқса мушкулдир.

## ЖҰЖИ

Эмиш Жалолиддин сувдай ичган жанг илмин,  
Шамол қаби елоғону селдай босағон.  
Аммо менинг черикларим тоғдай бардошли,  
Писанд этмас шамолнию селни қоялар.  
Рұхсат бергил, үз құлым-ла Парвонни янчыб,  
Мажағини чиқарайин Жалолиддиннинг.

## ТҰЛИХОН

Жұжи, уни мажақлашта мен-да қодирмен,  
Қиличимнинг құдратига гувоҳ жангоҳдар.  
Кордаронда оёғимнинг тойиб кеттани  
Асос бұлмас таҳқиrlаша шағнимни маним.  
Отей, ёки юбор мени Парвон жангига,  
Ёки буюр, жаллод ҳозир бошимни олсин.

## ЖҰЖИ

(үз-үзига)

Хозир отей үлдиришга буюрап уни,  
Түққан үғлим дея аяб үлтиrmас асло.  
Қаҳри унинг ҳамма учун бирдек қаттиқдур,  
Қайтmas ҳатто үз-үзига пичоқ уришдан.  
Жангдан чүчиб ким орқага қайтса бир қадам,  
Құриб қолса кимда агар зиғирча ҳадик,  
Қатл айлар уни черик құзи олдида,  
Бундан унинг үз үғли ҳам әмас мустасно.  
Тұлихонни сақлаб қолмоқ даркор үлемдән,  
Яхши бұлмас үғлин қатл этди деган гап.

(Чингизхонга)

Отей, уни үлдірмоқлик лозим, билурмен,  
Фолиб қүшин шарафига келтирди иснод.  
Аммо қатл айламоқлик қочмас ҳеч қайга.  
Тұлихонни ёвдан құрқди деган гапга мен  
Ишонмасмен, құрқұв ётдір унинг қалбига.  
Сарбозлардан сұрсанг, жұмардигин айттурлар,  
Буни исбот айлар үзи гар берсанг имкон.

## ТУЛИХОН

Исбот этай қоним ила, урушга юбор,  
Мағлуб бўлиб қайтар бўлсан, отга судратиб,  
Биёбонда жасадимни едир қушларга.  
Ёки улоқтириб юбор жарга, дузахга,  
Минг бўлакка бўлиб ташла сўнгакларимни.  
Лекин ҳозир жангта юбор, урушга юбор.

## ЧИНГИЗХОН

(бўшашиб)

Урушни сен бир-бировга қилич урмоқлик,  
Бир-бировни үлдирмоқлик дея тушунма.  
Уруш бу ҳарб уйинидур, ким оқил бўлса,  
Кучли бўлса, иродали бўлса ютадур.  
Кўп қурбонсиз ёвни таслим этмоқ санъати  
Бор бўлса қай саркардада билки, у ғолиб.  
Хоразмшоҳ қочиб кетди, аммо қўшини  
Қочгани йўқ, ўғиллари кетмади қочиб.  
Шоҳ қочуви бирлаштириди улар бошини,  
Сўнаётган ўтни қайта ёқди гурлатиб.  
Ўша ўтни учирмоққа етса гар кучинг,  
Адув жисмин кул этмоққа бўлса ишончинг.  
Майли, сенга рухсат этдим, отлан Парвонга.  
Жўжи, сен ўз черигингни Ҳурганж сори сур,  
Йилдиримдай учеб бору тиз чўктириб уни.  
Бу қалъани эрса ўзим ишғол этурмен.  
Қора қонга ботиурмен минорларини.  
Каллалардан шаҳар ичра шундай баланд  
Бир минора қурайинки, унинг устидан  
Етти иқдим мана мен деб куриниб турсин.  
Кузларга ва дилларга у солсин қўрқувлар,  
Бўйсунмаган элнинг аччиқ қисматини у  
Заминларга, замонларга этсин ҳикоя!

## УЧИНЧИ КУРИНИШ

Парвон. Жалолиддин қўшини жангта ҳозирлик кўрмоқда. Темирчилар, дурагторлар қурол-яроғ, жанг аслажалари ясаш билан банд. Тўплар жанговар ҳолатга келтирилмоқда. Ёвқоч ботир билан Занкижа киради. Занкижа ҳарир тўй либосида.

## ЁВҚОЧ БОТИР

О, қандайин ярашибди сенга бу күйлак,  
Худ парининг ўзи бўлиб кетибсан, жоним.  
Аммо ердан, ҳаводан қон сачраб тургандә  
Бундайин оқ кийинмоқлик боиси недур?  
Тўйхонага кийиб борсанг буни арзиди,  
Бошқачадир кийим-боши жангнинг, жангоҳнинг.

## ЗАНКИЖА

Сузингиз ҳақ, тўй кўйлаги жангда қийилмас,  
Тиктиргандим буни яхши ниятлар билан.  
Тўйим бўлса киярман деб орзулагандим,  
Бир талпиниши бугун тонгда мени уйфотди,  
Тўй кўйлагинг кийиб чиқ деб этди ташвиқот.  
Юрагимда ёқди орзу юлдузларини  
Ва йўллади мени Сизнинг ҳузурингизга.  
Ошиқ юрак ҳукмин инобатга олгайсиз.

## ЁВҚОЧ БОТИР

Занкижа, ой малагим, кўз нурим, оқилам,  
Ер юзида қанча гуллар бўлса, оқ, қизил,  
Борин териб йўлларингга поёндоz этсам,  
Булоқларнинг шилдираши, қушлар навоси,  
Ой, юлдузлар жилосини жамул-жам айлаб,  
Неки бойлик бўлса сенга баҳшида этсам,  
Юрагимни икки қўллаб илгинга тутсам,  
Камлик қилур сенинг менга ҳадя айлаган  
Муҳаббатинг қаршисида, ҳуснинг олдида.  
Бироқ ҳозир ёнаяпти ўтда ул гуллар,  
Булоқларнинг шилдираши дўнмиш фифонга.  
Ой, юлдузлар жило эрмас, андуҳ, ғамларнинг  
Тундай қора ёғинларин тўкмоқда ерга.  
Лекин туннинг орқасидан кун келар бешак,  
Яна гуллар, булоқларда тирилар нурлар.  
Ана шунда катта қозон осиб, тўй қилиб,  
Оқ кўйлаклар кийдираман сенга, Занкижам.

## ЗАНКИЖА

Утинамен, поймол этманг илтижоларим,  
Билурменки, кутаяпти эртанг бизни жанг.  
Жанг олдидан шабнам бизга ўқисин никоҳ,  
Ҳали тирик кўк майсалар бизни олқасин.

## ЁВҚОЧ БОТИР

Гарчи күзинг кулиб туар, сұzlаринг тушкун,  
Нимадур ул юрагингта фулфула соглан?  
Ё дилингда дарз кетдими зафарга ишонч,  
Ё сездингми бало-қазо шарпаларини.  
Худди видолашаёттан одамга үхшаб,  
Пинҳон-пинҳон титрамоқда нечун лабларинг?

## ЗАНКИЖА

Сизга шундай туюлғандур, дилим оқ нурлар —  
Ишқ totлари билан тұла, фақат орзуим  
Севгимизни никоҳ или мұхрламоқдур.  
Дилда тошган бу орзунинг нимаси ёмон?  
Ана, бунда келмоққадир Ойчечан ая,  
Хозир ундан оқ фотиҳа сұраймиз.

## ЁВҚОЧ БОТИР

Йүқ-йүқ,  
Хамма жангни үйлаёттан мудҳиш аснода  
Никоҳдан сүз очиб мени уятга қўйма.

*Ойчечан киради.*

## ОЙЧЕЧАН

Кўпдан сени бу алфозда кўрмаган эрдим,  
Янги гулдай оғатижон бўлиб кетибсен.

## ЗАНКИЖА

Гул баҳорнинг, ёзу кузнинг зийнати, ая,  
Айни қищда гул очилса туюлар ғалат.  
Боғу рофни бурон босиб келаётганда,  
Қаҳратонда сабза урган беор гул каби  
Кўзингизга ҳайрат солиб турганим аниқ.  
Фақатгина Жалолиддин оғанинг эмас,  
Ҳаммамизнинг онамиз деб билурмиз Сизни.  
Онасидан сир сақдамас ишқин фарзандлар,  
Дилим очсан маъзур тутинг, Ойчечан ая.

## **ОЙЧЕЧАН**

Иккингизнинг севгингизни олам билади,  
Ёшу қари сизга ҳавас кўзи-ла боқур.

## **ЗАНКИЖА**

Оре, аммо сизга айтар истагим булак,  
Ая, бизни, бизга, нима десам экан...

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Занкижа!!!

## **ЗАНКИЖА**

Бизни олқанг, икки умр ирмоқларини  
Бир-бирига қўшинг, ундан туғилсин дарё.  
Оқ фотиха беринг бизга, ая!

## **ОЙЧЕЧАН**

Ҳозир-а?

## **ЗАНКИЖА**

Ҳа-ҳа, ҳозир, ҳозир, ая.

## **ОЙЧЕЧАН**

Ҳеч кимсиз, шундоқ  
Қўша қаринг, қутлуғ бўлсин демоқ ҳар нечук  
Қовушмайроқ тушар бизнинг ўдумлар билан.  
Ҳеч бўлмаган бунақаси... Яна билмадим.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Жалолиддин келаяпти, авзойи бузук,  
Занкижа, жон Занкижа...

*Жалолиддин киради.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бу нечук ҳол, ботир,  
Сарбозларинг жангга ҳозирланмоқ ўрнига  
Гулхан ёқиб, атрофида ўйин тушарлар.

Гүё эртанд саваш эмас, бошланажак түй,  
Фақат карнай-сурнай чалиш қолган.

### **ЗАНКИЖА**

Авф этинг,  
Балки менинг күнглимдаги ёруғ ҳисларим  
Еру күкка шуъла каби сачраб оҳиста  
Гиёхлару ой, юлдузлар орқали оқиб,  
Киргандирлар сарбозларнинг юракларига.  
Яхши ҳислар одамга тез юқар эмишлар.

### **ОЙЧЕЧАН**

Занкижанинг дили ҳозир мисли нозик тор,  
Енгилгина шамолдан ҳам чертилиб кетар.  
Ниятлари турага тили учида.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Ая,  
Уэр, уша гапни бошқа пайтга қўяйлик.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Демак гапнинг белига мен тепибман келиб,  
Энди уни қандай улаш мумкин, эх, аттанг.

### **ОЙЧЕЧАН**

Дўстларингнинг сендан пинҳон сақлар гапи йўқ,  
Оқ фотиха сўраб турган эди Занкижа.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

*(Енгил тортисб қувноқлик билан)*

Фотиҳа?! О, қандай яхши... Қай бардош ила  
Кўл кўттармай турмоқдасиз, билмам, онажон.  
Икки юрак бир бўламан десаю унга  
Тўхтаб турғил демоқ ўзи гуноҳи азим.

### **ОЙЧЕЧАН**

Ҳозир қандоқ бўлур экан...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Жұда соз бұлур,  
Икки дилга ёқилади бир равшан чироқ,  
Бир чироққа күпаяди нури құшиннинг,  
Бир пайсанга чекинади зулмат, ҳойнақой.

## **ОЙЧЕЧАН**

Үндай бұлса, болаларим, юринглар, сизга  
Оқ фотиха берай.

## **ЗАНКИЖА**

Оға, Сизга минг қуллуқ,  
Энди менинг юрагимда қолмас армоним.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Тақдирга минг шукуркі, бор сендей оғамиз.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бор, боравер, ботир, иссиқ чаманга шошил,  
Аммо ухлаб қола күрмә, шүринг қурийди.

*Ойчечан ошиқ-маъшуқни бошлаб чиқади.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Занкижанинг шошилиши ненинг белгиси?  
Ё юраги фалокатни турарми сезиб.  
Шу дамгача Ёвқочга ён бермаган қизнинг  
Жанг олдидан худди қанддай эриб кетиши  
Күп турфадур, хуллас сүнгти бахайр бұлсин.

*Куюндаи отилиб чопар-соқчи киради.*

## **СОҚЧИ**

Фавқулодда пайдо бұлды шаҳзода, ёғий,  
Замориқдай ердан чиқиб қолди бир пасда.  
Пұлат қалпоқ, човут кийган соңсиз отлиқлар  
Келишмоқда қиличларин яланғочлаб.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

А?

*(ұз-ұзига)*

Биз әртага ёв устига юриш қилмоққа  
Жазм этганда уларнинг бу құққис ҳамласи  
Далолатдур яна Чингиз маккорлигидан.

## **СОҚЧИ**

Үт сачратиб келмоқда ёв оғзидан...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Жим, тентак,  
Ёвни күриб ёрилибди үтаканг паққос,  
Хүшиңг учеби, косасидан чиқибди құзинг.  
Сени күрган ҳар қандайин одам күнглида  
Пайдо бұлмай қолмас гумон, шубда, таҳдика.  
Ёғийдан ҳам сен хавфлисан қүшиним учун.  
Ұзим сени ұлдирамен, ножинс.

## **СОҚЧИ**

Авф этинг,  
Раҳм қилинг ёш жонимга, мен ростин айтдим,  
Улар сонсиз-саноқсиздир.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қайдасан, навкар?

*Навкарлар кирағы.*

Сарғанларга хабар беринг, келсинлар тезроқ,  
Бу соқчининг тилин кесиб, зиндонга ташланг.  
Токи бир сүз демоқликка қурби етмасин.

## **СОҚЧИ**

Тавба қилдим, тилим кесманг, үзим лол бұлай.

*Навкарлар соқчини олиб чиқадылар. Чақмоқ чақады.  
Она ва ҳур қыздар пайдо бұлады.*

## **ОНА**

Кўксингни кер, туманларни қувсин нафасинг,  
 Мен аминмен, тарқаб кетар гарду фуборлар,  
 Булутлардан ҳоли бўлар ҳали осмоним.  
 Сенинг каби фарзандларим бор экан токи,  
 Озод бўлмай қолмас маним бошим хорлиқдан.  
 Аммо ёғий кўп фосиқдур ва кўп ботилдур,  
 Панд еб қолмасмикансан деб қўрқарман.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Менга  
 Ўзинг хирад бердинг, юрак бердинг, онг бердинг,  
 Инъомларинг ишга солмас эрсам, ул ҷоғда  
 Мен не ўғил бўлдим, не кас, не йигит бўлдим.  
 Менга ишон, Она-замин.

## **ОНА**

Ишончим комил,  
 Лекин гоҳи тоза қалбинг тошга айланиб,  
 Меҳр, шафқат юрагингни айлаганда тарқ,  
 Мен илтижо этамен кўк сори қўл чўзиб,  
 Ёлворамен офтобга бор меҳримни бериб,  
 Нур сўрайман ундан сенинг юракларингга.  
 Гоҳи етиб бормас кўкка илтижоларим.  
 Ҳозиргина шундай бўлди — бегуноҳ соқчи  
 Фазабингга учраб тушди жаллод илгига.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Унинг тили сочар ваҳм уруғларини,  
 Ундей тилни кесмай бўлмас.

## **ОНА**

Ақл ва идрок  
 Шамширини этган эдим сенга баҳшида,  
 Сехрлари унинг олам янглиғ поёнсиз.  
 У йўқота олур ваҳм уруғларин ҳам,  
 Кўпроқ уни ишга солгил. Сенинг қиличинг  
 Ақл-идрок шамширига доим бўйсунсин.

## **ХҮР ҚИЗЛАР**

Сенинг қиличинг  
Ақл-идрок шамширига  
Бүйсунсин доим.

*Гулдурак остида Она ва ҳур қизлар ғойиб бұладилар.*

## **ЖАЛОЛИДИН**

Мен-ку ақл chaшмасидан баҳралар олиб,  
Ибн Умар булоғидан сипқордим маъни.  
Киличимни ўтқирладим унинг чархида,  
Ҳам пешладим ақлимни, ҳам жиссим тобладим.  
Шууримга нурлар ато этди Она-ер,  
Шамширимга қувват ҳадя айлади сұнгсиз.  
Шу қуввату шу маънилар нури бирлашиб,  
Тиргак бұлолмаса агар мажрух әлимга,  
Мен дунёга келмадим деб билгайман үзни,  
Рұхим армон ила изғиб — чирқираб юргай.  
Аммо қилич ушлаганнинг күпі на ақл  
Булоғидан сипқоргану на шуъла эмган,  
На қалбида жой ажраттан ёруғ үйларга.  
Юраклари яланғочидир қиличларидек.  
Беақднинг қулидаги қуролдан күра  
Хавфлироқ бир нарса борми одамзод учун?  
Оқыл құлда қилич элнинг посбони эзур,  
Вайрон этур элни беақднинг құлида.  
Үзи шуур берсин қилич туттган башарга.

*Музаффар Малик билан Ёвқоч ботир кирадилар. Нав-карлар манжаниқдан отылған тошни келтирадилар.*

## **ЖАЛОЛИДИН**

Бошимизга ёв ёғдирған манжаниқ тоши...

*(Даст күтариб)*

Зилдай оғир. Вайрон этур теккан жойини.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Учиб келиб бир нечаси ҳув ерга тушди,  
Кулбаларни яқсон қилди, әл ваҳм этур.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Элга айтинг, ваҳимага тушакўрмасин,  
Бу тошдан минг чандон хавфли эрур ваҳима.  
Гар кўнглига кирса умидларин емирап,  
Портлатади ич-ичидан ишонч тоғларин.  
Ёвга эса шу керақдур, фақат шу даркор.  
Аммо бизнинг тўп олдида, унинг тош-уқи  
Қаршисида бунинг кучи нима деган гап.  
Элизимзинг дилидаги ғазаб тошларин  
Ўлчамоққа қодир бўлган тарозу борми.  
Беваларнинг, етимларнинг қалбида ётган  
Қасос тошларининг ўзи етти иқлимни  
Ағдар-тўнтар қилмоқликка етиб ортмасми.  
Иблислар кўп дунёда, ўқ-ярок, ҳам кўпдир,  
Бундан юз бор оғирроқ тўп тошлари бисёр.  
Аммо шунга амин бўлинг дўстларим, бари  
Ўқ-яроғдан қудратлидур ҳалқ жасорати,  
Ҳалқ қалбидан отилган уч-нафрат тошлари  
Ҳар қандайин иблисни ҳам мажақлай олур.  
Бул тош тугул Кўхи Коғдан олиб ҳарсанглар  
Бошимизга ёғдирганда ҳамки Тимучин<sup>1</sup>  
Ўша қасос тошларига тегиб, ҳаммаси  
Парча-парча синиб кетур, тўкилиб кетур.  
Ҳалқ, қалбида ётар аммо ҳали бу тошлар,  
Уни бизлар ҳаракатга келтира олсақ,  
Зафар бизга ёр булажак, йўқ, эрса бизнинг  
Орзуимиз сароб бўлиб қолур, ҳа, сароб!

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Дерларки, баҳт қўша-қўша, ғам қўша-қўша,  
Бошимизни баҳт қўшлари тарқ айлаган он  
Ғам ва андуҳ илонлари келур жуфтма-жуфт.  
Мен-да олиб келдим сенга бир совуқ хабар,  
Укаларинг таклифингни айладилар рад.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Рад айлаган бўлса улар менинг сўзимни,  
Ёлғизлатиб қўймоқчилар демак ўзимни.  
Мени ёвга талатмоқни истарлар, ёраб,  
Пичоқ урса кўксимга ёв уларга не наф?

<sup>1</sup> Тимучин — Чингизхон

Наф бўлурди қўшилсалар агар жилғалар,  
Бирлашсалар, айлансалар Баҳруннажотга<sup>1</sup>.  
Унда бизга тенг келар куч топилмас эрди.  
Унда Она-замин қўкси топталмас эрди.  
Гар Қутбиддин Ўзлоҳшоҳ, ул валиаҳд султон  
Қўшин тортиб келар бўлса агар бир ёндан,  
Бир тарафдан Пиршоҳ агар келса от суриб,  
Битта қўймай қираар эрдик манфурларни.  
Эҳ,  
Қай тил ила иним дейин уларни энди.

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Умид йўқдир Қутбиддиндан, у бошқа олам,  
Йўл бермайдур унга сохта хайу орият.  
Ахир, у тож-тахт вориси, валиаҳд султон,  
Сен эрсанг бор-йўғи битта саркардадурсан...

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Тұғри, менда тож йўқдурур, аммоқи менда  
Оға деган бир мавқе бор, ёш катталик бор.  
Бир-иккита кўйлакни мен улардан олдин  
Тўздирганмен, туз тотганмен эрта ҳар нечук.  
Қаламни ҳам, қилични ҳам менинг қўлларим  
Эрта тутган, эрта ҳосил этган қадоқлар.  
Болалиқда мен уларга этдим оғалик,  
Ўйинларда қонун эрди оғалик сўзим.  
Оға, оға дея оғзим пойлашар эрди,  
Қўл остимда югуришар, уйнашар эрди.  
Оға эрдим мен уларга усмириликда ҳам,  
Отим олда елар эрди муҳорабада.  
Осойишта кунлар ўтиб, юртни ёв босган,  
Поймол этган бу аснода бирданига мен  
Улар учун оға бўлмай қолдимми энди.  
Жондан севган укаларим, ўтирганча юз  
Ташлаб-ташлаб кетдиларми мени, ё раббий?!

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Сен укасиз эмассен, қўй, ўксима, оға,  
Буюр, уканг ўрнида мен қанотинг булагай.

<sup>1</sup> *Баҳруннажот* — эрк дарёси.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Ёвқоч ботир бир қанотинг бўлса қайрилмас,  
Мен иккинчи қанотингман, тан бекаму кўст.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қуллуқ сизга, жигарларим. Қанотимки бут,  
Писанд эрмас менга селлар, дўллар, довуллар.  
Мактуб йўллаб Ҳурганжга гар раъйим синибдур,  
Аммо синмас қанотларим, ўкинч дилга ёт.  
Менинг кучим, устунларим — менинг дўстларим,  
Дўст бор экан, ёлғизлик ёт, мадад дилга ёр.  
Битта дўсти бўлган одам ўнта иним бор  
Ва ўн оғам бор деб айтса бўлур бемалол.  
Битта эмас, икки дўстим камарбастандур,  
Биз қирқ оға-ини демак, қирқ қондош полвон,  
Қирқ минг сарбоз дили пайванд юрагимизга.  
Бизга тенг куч йўқдир энди, энди биз жангда  
Албат ғолиб бўлажакмиз, ғалаба ҳақдур.

*(Қиличини даст кўтариб)*

Эшитинглар, дашт, саҳролар, боғлар, ўрмонлар,  
Пахта, буғдой, олтин кони — саҳий даралар.  
Кўксингизга оёқ босган ёғий бошини  
Кесмагунча, сизни озод этмагунча то  
Қиличимга тиним йўқдир, тиним йўқ, асло.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Эшит, Жайхун, она дарё, муazzзам оқим,  
Сени қонга фарқ айлаган ёғий кўзларин  
Ўймагунча, қонларини тўқмагунча то  
Қиличимга тиним йўқдир, тиним йўқ, асло!

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Тингла, замин, юрак-бағри топталган Она,  
Менга берган иссиқ меҳринг, оқ сутинг ҳақи,  
Ёвни янчиб, қора гўрга тиқмагунча то  
Қиличимга тиним йўқдир, тиним йўқ, асло.

Улар қиличларини бирлаштирадилар.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Пұлатдантур бизнинг жисм, бизнинг танимиз,  
Оловдантур қасос тұла юракларимиз.  
Рұхимиизда ғалаёнли чақынлар чақар,  
Отларимиз кишинаб турар талпиниб жангта.  
Ёвқоч ботир, үңг қанотдан ёғийга ташлан,  
Сен чап ёқдан ҳужумга кир, Музаффар Малик.  
Мен үртадан сафни бұлгум икки бұлакка,  
Иншоолло, зафар бизга ёр бұлғай, олға!

*Кетадилар. Отлар кишинаб, тұллар уст-устига оти-  
лади. Сарбозлар наъраси, жанг сурони борлықни тута-  
ди. Ойчечан билан Занкижа кирағи. Занкижа жанг ли-  
босиға, құлиға қилич.*

## **ОЙЧЕЧАН**

Жанг беаёв, эҳтиёт қыл ўзингни, қизим,  
Үн гулингдан бир гулинг ҳам очилгани йүк.  
Сенинг учун, бизнинг учун Ёвқоч ботирлар  
Ёвнинг додин беражаклар.

## **ЗАНКИЖА**

Ойчечан ая,  
Хали бизни олқаб инжа сұзлар айтдингиз,  
Оқ, йүл тилаб мұхаббатнинг оқ, кемасига  
Пешонамиз силадингиз уммон қаърида.  
Бир оқшомни аммо бизга күп күрди тақдир,  
Құлымдаги гулим тушиб кетди тұлқинга.  
Энди уни ўз құлым-ла құтқазмоғим шарт,  
Қиличимга омад тилаңг энди аяжон.

*Кета бошлайди.*

## **ОЙЧЕЧАН**

Қайт орқангта, кирма жангта, тұхта, Занкижа!

*Улар кетадилар. Ёвқоч ботир уч-тұрт мұғулни  
олдига солиб қувганча кириб келағи.*

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Аҳа, жонинг ширинмидир иблиц, оч маҳдук,  
Жаҳаннамда тўяр энди қўзинг тупроққа.  
Босқинчига ўлим, ўлим... Олға, йигитлар!

*Кетади. Кўкси қонга белангандча Музаффар Малик  
киради. Уни душман ҳалқаси ўраб олган.*

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Йўқ-йўқ, сенга тиз чўкмайди хоразмийлар,  
Кунинг битган, сени сўйиб чавақлаб ташлай.  
Эркин нафас ололмайди дунё сен бўлсанг,  
То сен борсен, жонга кун йўқ, қисматинг — ўлим!

*Музаффар Малик қуршовдан чиқолмайди.  
Наъра тортиб Жалолиддин киради.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бошларин уз олчоқларнинг, Музаффар Малик,  
Музаффарсен, музаффарлик пеша айлагил.  
Мен буларга кўрсатурмен қиличим кучин,  
О, сен аҳли ҳаромзода... Нокас, ҳароми!

У шундай шиғдат билан қиличини сирмайдики, чор-  
атроф ларзага келади. Музаффар Малик икков қуршов-  
ни ёриб, ёвни улоқтириб, тошқин куч билан жанг майдо-  
нинг кириб кетишади. Дарахтларнинг сингани, отлар-  
нинг йиқилгани, ярагорларнинг чинқиргани эшишилади.  
Ёнғин кучаяди. Тури-туман товушлар ичидан гоҳ-гоҳ  
Жалолиддиннинг мағрур овози келиб туради: «Эй, сар-  
бозлар, қўрқув билмас мард паҳлавонлар, битта қўймай  
малъюнларнинг бошин янчинглар», «Она-замин ҳақи,  
уринг, янчинг ёғийни». Бора-бора ёнғин пасаяди. Сурон  
тинағи. Чироқ ёшишганида Жалолиддиннинг оёғи ости-  
га Тўлихоннинг типирчилаб ётгани кўринағи. Жало-  
лиддиннинг ёнида Музаффар Малик, сарбозлар тури-  
шибди.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бу ўлқага ким бостириб келса ҳоли шу —  
Асал емоқ, хаёл этиб ичади оғу.

Шум ниятда оёқ босса ким бу заминга,  
Майса, гуллар тикан булиб санчилар унга.  
Сен келгандинг қул этаман дея бу элни,  
Майиб бўлдинг охир ўзинг, синдиридинг белни.  
Гар мажолинг қолган бўлса жисмингда андак,  
Рухсат бердим, ўрнингдан тур, бўйингни кўрсат.

### ТУЛИХОН

Буй-бастимни билмоқ бўлсанг қўзингни очу  
Ўтрор ила Бухоронинг кўчаларин кўр.  
Бошинг эгиб ерга қара, шунда кўзларинг  
Илғаб олур ўрмон шоҳи — шернинг изларин.  
Бу отамдан, бу бизлардан учмас эсадлик.

### МУЗАФФАР МАЛИК

Ўтрор ила Бухорода шер изи эмас,  
Илон-чаён, калтакесак излари бисёр.

### ЖАЛОЛИДДИН

Сен отангнинг изларини бизга эслатдинг,  
Унинг ифлос панжалари теккан ерларда  
Қон ва кўзёш қотишмаси — доғлар беҳисоб.  
Унинг сассиқ нафасидан одамлар тутул  
Дараҳтлар, гул-гиёҳлар қон қусмоқдалар.  
Танасига сув тегмаган маҳлуқ ҳидини  
Ҳазм этолмай тоғу тошлар дарз кетмоқдалар.  
Туришингни қара, шумшук, мунча бадбўйсан,  
Лаънат сенга, падарингта сенинг минг лаънат.  
Тфу!

### ТУЛИХОН

Тезроқ ӯлдир, лекин устимдан кулма,  
Кулиш лозим бўлса агар унда сен эмас,  
Мен кулишим керак, ҳа, мен, сенинг устингдан.  
Хо-ҳо-ҳо-ҳо! Жудо булиб тож ила тахтдан,  
Дайди итдай ундан-бунга елганинг-елган.  
Асли шудир шармандалик, шудир кулгули.

### ЖАЛОЛИДДИН

Ўчир овозингни! Сенга, сенинг юртингта  
Биз тажовуз айламадик, этмадик ҳужум.

Қароқчилик қылган сенлар, үз уйи қолиб,  
Үзга элга күз тикканлар сенлар, ҳа, сенлар.  
Сенлар хароб айладинглар бүстонларимни,  
Булғадинглар ерларимни, осмонларимни,  
Янграётган шүх созларнинг торин уздинглар,  
Не йўлиқса йўлларингда йиқиб-буздинглар.  
Маҳлуқ қилмас ишларни-да қилиб оламда  
Гапирасан рўпарамда туриб одамдай.  
Одам зоти ҳазар қилас сендан эй қотил,  
Нокаслигинг тан олгилу ножинслигинг бил.  
Қуртсен ҳаёт дараҳтини еган-кемирган,  
Сен маразсен инсон вужудини емирган.  
Ҳозир сени ўдирамен, аммо билиб кет,  
Юртимизни кишанлардан озод этурмиз,  
Фамдан ҳалос бўлур яна қишлоқ, работ, кент.  
Элизимизни аввалгидек обод этурмиз.  
Шуни икки қулофинг-ла эшишиб ол-да  
Ҳозирлигин кўр нариги дунёning.

### ТЎЛИХОН

Э, йўқ,  
Биз чандиган қўллар ҳали-бери ёзилмас,  
Биз қул этган эллар қадди тиклангунича  
Қуёш ўзи қариб қолар, ой ҳам мункаяр.  
Абадийдур ер юзида салтанатимиз.

### МУЗАФФАР МАЛИК

Фотиҳлар кўп келиб-кетган, тарих гувоҳдир,  
Тавқи лаънат буйнингдадур, руҳинг шармисор.

### ТЎЛИХОН

Ортиқ бир сўз эшиитмоққа йўқдир тоқатим,  
Тезроқ, ўлдир, кўзим йўқдир сени кўрмоққа.  
Не қилсанг қил, не азобинг бўлса беравер,  
Аммо билки, бари қайтиб келур ўзингга,  
Хоразмни харобага айлантиарлар.

### ЖАЛОЛИДДИН

Хоразмни сен билмайсен, билсанг бул сўзни  
Демоқлиқдин тияр эрдинг тилингни, малъун.

Қуритмоққа жазм этгандар уни күп бўлган,  
Дарёни ҳам тўсганлар, ҳа, она дарёни.  
Ҳарсангтошлар ила тўсиб тўлқинлар йўлин  
Сувдан маҳрум айлаганлар илдиз, япроқни.  
Аммо ёфий билмаганким, бизнинг иккинчи  
Манбаимиз — адо бўлмас булогимиз бор.  
Бу — жасорат булогидур, кўнгил булоғи.  
Қуриб қолган қақроқ ерни ундан сугориб,  
Боғ-роғларни асраган эл хазонрезлиқдан.  
Шу булоқнинг сувларидан тўлқинлар ясад,  
Фарқ айлаган не-не фотих, босқинчиларни.  
Сенларни ҳам шундай қисмат кутаяпти, бил,  
Ўз ерини бериб қўймас ўзгага бу эл.

### ТЎЛИХОН

Тилинг зоҳир айламоқда хом хаёлларни,  
Бу ер энди бизнинг бўлур, буткул бизники.  
Бизнинг бўлур олтиналари, жавоҳирлари,  
Бизнинг бўлур пахта, дони, қизу жувони.

### МУЗАФФАР МАЛИК

*(урмоқчи бўлиб)*

Мана сенга пахта, ма дон, мана қиз-жувон...

### ЖАЛОЛИДДИН

Бас қил, уни урма, қўй-қўй, Музатфар Малик,  
Ҳаром айламагил ҳалол қамчингни сен.  
Уни бошқа жазо кутар.

*(мўғул қаратқисини қўлига олиб)*

Ушбу қаратқи  
Бошин олиб ўрнатурмиз унинг ўрнига  
Сенинг бу хом, бадбашара, қовоқ, каллангни.  
Ўз отингга миндирганча ёвуз отангга  
Совфа айлаб юборурмиз уни шу бутун.  
Олиб чиқинг, амримни тез бажо айлангиз.

*Навкарлар уни олиб чиқадилар. Алам билан  
Ёвқоч ботир куради.*

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

О, фалак, айт, чек бормидур афсунларингга,  
Токай күнглим бўстонига тошлар отарсан.  
Қайга отдинг қўлимдаги гулимни олиб,  
Тошиングни от менга, ўлдир, ҳаёт керакмас.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Нечун, ботир, оҳ уарсен тутқин йўлбарсдек,  
Ё Занкижа...

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Жалолиддин, ундан айрилдик,  
Қанча айтдим, Занкижа, қўй, жангта кирма деб.  
Асир этиб олиб кетмиш уни шум ёғий.  
Уни қайдан излай энди, қайга бош урай.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Тирик экан Занкижа, қўй, афсурда бўлма,  
Уни озод этурмиз ёв илгидан, ишон.  
Мана, бугун таслим бўлди Тўли чериги,  
Чингизхонга қарши энди бошлармиш юриш.  
Гулинг яна ўз бағрингта қайтур.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Юраги  
Бир нимани сезган экан, мен бўлсам... Ёраб!  
Нечун севги кишварини этмадим обод,  
Нечун тағофулда қолдим... Нечун олдинроқ,  
Тўй куйлагин кийдирмадим... Бокира келин  
Тарк этмасди балки севги кошонасини.  
Ёғий жудо этди мени аввал онамдан,  
Энди эрса гул ёримдан айирди, эвоҳ.  
Жалолиддин, рухсат айла, йўлга чиқайин,  
Занкижамни озод этай аждар домидан.  
Онам ҳақи, ёрим ҳақи Чингиз бошини  
Кесиб бунда олиб келмоқ менга фарз. Фарз, фарз!

*Мусиқа чалинади. Она ва ҳур қизлар пайдо булади-  
лар.*

## ОНА

Она сүзин, ёр номини олганда тилга  
Аҳли ботир ниносини олам эшитгай.  
Мен-да сенинг юрагингдан учган оҳларнинг  
Ховурида куйганимча келдим қошингга.  
Юрагингда тошаётир қасос тұлқини,  
Алам тұла қалбинг ёғий қонига ташна.  
Лек унұтма, сен гүё бир тошқын жилғасен,  
Шовқын солиб чор-атрофға олға чопурсен.  
Қанча шошқын, қанча тошқын бұлса-да жилға  
Ёғийни ғарқ айламоққа етмагай қурби.  
Бор жилғалар бир-бирига құшилсалар гар,  
Айлансалар як баҳрга, нахрул-уммонга,  
Тұлқинларга дош беролмас на дев, на аждар.  
Дарё бўлинг болаларим, дengiz bўлинглар.

## ҲУР ҚИЗЛАР

Дарё бўлинг,  
Денгиз бўлинг,  
Уммон бўлинглар!

## ЖАЛОЛИДДИН

Шаоматга<sup>1</sup> тұла эрур фалак, чархи дун,  
Даввор илги йўл бермагай фитрат хаёлга.  
Жилғаларни бирлаштиromoқ орзуси или  
Чеккан бори захматларим совруди елга.  
Табиатда ўз-ӯзидан яралур дарё,  
Жилғалардан пайдо бўлур чексиз уммонлар.  
Жамоатдан аммо дарё, дengiz яратмоқ  
Мушкул экан, мушкул экан, авф эт, Она-ер.

## ОНА

Үкинч сенинг кўзларингта бегона эрди,  
Умид нури порлар эрди қароғларингда.  
Тўлихонни яксон этган кунингда нечун  
Юзларингга соя солди шубҳа, надомат?  
Мен гувоҳмен, сен томонга оқур жилғалар,  
Муҳаззаб<sup>2</sup> мавж товушлари келмоқда, ана.  
Тұлқинларга қучоғинг оч, қучоғингни оч!

<sup>1</sup> Шаомат — шумлик.

<sup>2</sup> Муҳаззаб — пок.

## **ХҮР ҚИЗЛАР**

Халойиққа қучоқ очинг,  
Қучоқ очинглар.

*Бел, кетмөн, болға, чүқмор күттарган ҳунарманглар,  
декхөнлар, қариялар, ёшлар кирағилар.*

## **ДУРАДГОР**

Салом, азиз Жалолиддин, алп-паҳлавон,  
Тұлихоннинг додин берган жасур саркарда.  
Миннатдор эл раҳматини қабул айлагил,  
Күттармоққа тайёр бу эл сени бошига.  
Мен бир одий дурадгорман, хат-саводим йўқ,  
Билагимда аммо кучим, ғайратим йўқмас.  
Қўшинингга олгил мени хулласи қалом.

## **МАСХАРАБОЗ**

Тобут ясайвериб бунинг қули чарчади,  
Қўшинингга олсанг борми, қулинг ўргилсин  
Чимиликлар ясаб берар сарбозларингга.  
(кулги)

## **ДУРАДГОР**

Тилингни тий, масхарабоз, ҳазилингни қўй,  
Ҳазил деган тўйда яхши, миясиз хумпар.  
(кулги)

## **ЗАРГАР**

Элатимда яхши-ёмон заргарлик қилдим,  
Отнинг қашқасидек ҳар ўбада маълуммен.  
Топган-тутганимни йиғиб сенга келтиридим,  
Мана, олгил, сарф этарсен қўшин харжига.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(қўлини қайтариб)*

Миннатдормен, лекин қўшин муҳтоjemас зарга,  
Урушдан сўнг ишлатарсиз гузал қизларга.  
(кулги)

## **МАСХАРАБОЗ**

Касалингни саркарда ҳам билар эканлар,  
Фақатгина гүр тузатар сенинг букрингни.  
*(кулги)*

## **ЗАРГАР**

Бу сенга, ма ол, дурадгор, бугунми-эрта  
Масхарабоз буйига тенг тобут ясарсан.  
*(кулги)*

## **ОТБОҚАР**

Умр буйи от боққанман, отда юрганман,  
Лекин энди отим йүқдир, отларим йүқдир.  
Ҳаммасини ёғий талаб кетди бир тунда,  
Менга от бер саркарда ва савашга бошла.

## **ХАЛОЙИҚ**

Бизга от бер саркарда ва савашга бошла.

## **ТЕМИРЧИ**

*(улкан қиличини авайлаб тұтғанча)*

Жалолиддин, бу қилич-ла Чингиз бошини  
Шартта кесиб ташлашынга имоним комил.  
Бу қиличга дош беролмас яъжуж-маъжуж ҳам.

## **ОНА**

Аждодларнинг қиличиidir бу қилич, үғлим,  
Манфур ёвлар қалқонида бордир излари.  
Босқинчилар човутига санчилганида  
Учқунлари тунни машъял каби ёритган.  
Нече йилки, филофида ухларди сокин,  
Унугтанди қон исини, сүяк исини.  
Энди уни темирчилар үйғотдилар-да,  
Үтта солиб, обдан чархлаб ярақлатдилар.  
Күлдә маҳкам ушла, энди сеникидир бу,  
Энди сенинг құлларингда учқун сачратсин.

## **ЖАЛОЛИДДИН** **(қилични ўпіб)**

Аждодларнинг қиличини тутаркан құлым,  
Бир чобук үт оқди дилим, томирларимда.  
Қулогимда жаранглади бир олис наво,  
Бора-бора вужудимни олди у қамраб.  
Бахш айлади гүё менинг күзимга қувват.  
Туман босған уфқларни равшанлаштириб,  
Фош айлади ҳалқа-ҳалқа қора доғларни.  
Улар сенинг юрагингни кемирмоқдалар,  
Юзларингга солмоқдалар ғам күланкасин.  
Аждодлардан мерос қолган шу қилич ҳәқи,  
Бошиңг ҳалос айлагаймиз маъшум босқындан.  
Ишон, Она-замин, албат шундай бұлажак.  
АЗизларим, элдошларим, қуллуқ сизларга,  
Қуллуқ мадақ қулин құзған үғил-қизларға.  
Пұлат бир сағ бўлиб агар бизлар тизисак,  
Ҳамма бирдек бўлиб ёғий устига юрсак,  
Күксимишни Она-ерга айласак қалқон,  
Юртни озод этажакмиз, ёвларни яксон.

### **ХҮР ҚИЗЛАР**

Юртни озод этажаксиз,  
Ёвларни яксон.

### **ОНА**

Ұғилларим, ой қизларим, суюнч тоғларим,  
Отланинглар, чанг солинглар аждаҳоларга.  
Бир ёқадан бош чиқариб, қалқинг оёққа,  
Сариқ иблис бошин янчинг, чил-пора айланг.

### **ХҮР ҚИЗЛАР**

Сариқ иблис бошин янчинг,  
Чил-пора айланг.

### **ҲАММА** **(қасамёд)**

Не кунларни солмади оч бўрилар бошга,  
Қон сачратди ердан ойга, момо қуёшга.

Ёйиларни итдек ҳайдаб, қириб ташлашга  
Онт ичамиз, онт ичамиз,  
Онт ичамиз, онт!

Она-замин, сенинг меҳринг дилимизда жо,  
Йулимизни ёритгувчи машъала-зиё,  
Ёвни янчиб, сени озод этмоқقا борҳо<sup>1</sup>  
Онт ичамиз, онт ичамиз,  
Онт ичамиз, онт!

*Мулозим киради.*

### **МУЛОЗИМ**

Хабар келди, саркарда, ул олис оролдан,  
Ўз қошига чорламишлар сизни отангиз.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Яна хабар, тағин чорлов... Ота пайғоми  
Кўтарарди бир вақтлар кўксимни тоғдай.  
Бир умрга хизматларин қилмоққа шай дил  
Муждалардан баҳор каби кетарди яшнаб.  
Энди эрса...

### **ОЙЧЕЧАН**

Чорлабдики, бор айтар сўзи,  
Ота сўзин синдирмоқлик гуноҳдир, ўғлим.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Ўғил сўзин синдирмоқ-чи? Фарзанд сўзи ҳам  
Худди ота сўзи каби кўнгил раъийидур.  
Фарзанд раъийин ота эъзоз этмоғи даркор.  
Мен машварат чоғи кўнглим туби-тубидан  
Энг ардоқли сўзларимни этгандим зухур.  
Сўзларимга қулоқ солиш, лашкарни тўплаш,  
Бор кучларни бирлаштириш ўрнига отам  
Қўшинларни бўлиб пароканда этдилар.  
Мени бўлса бир душмандек саройдан қувиб,  
Олис, чекка вилоятга этдилар сургун.

### **ОЙЧЕЧАН**

Отанг кўнгли сенга мойил эрди, сезардим,  
Фаним сўзи уни бузди, сўз ёмон, болам.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Онажон, сүз ёмон эмас, сүзда нима айб,  
Ёмон эрур ёлғон сүзга ишонган одам.  
Үзгаларнинг сүзи ила иш туттган ҳоким  
Душмандан ҳам хавфлироқдур ўз эли учун.

## **ОЙЧЕЧАН**

Сұзларинг ҳақ, не қылса ҳам аммо падаринг,  
Не қылса ҳам сен үғилсен, боришиңг даркор.

## **ОНА**

Рост айтадур, қулогингта ол онанг пандин,  
Шоҳ ҳам банда, у ҳам гоҳи ақл чирогин  
Рақибиға билиб-бilmай олдириб құяр.  
Ана шунда қоронғуда қолар-да ўзи  
Ұнғу сұлин, юрап йүлін йүқотиб құяр.  
Демакки, эл йұлсиз қолур зулмат қаърида.  
Оқил фарзаңд отасин ҳам, элу юрттан ҳам  
Халос айлар зулматдан ва сұқмоқ, йүл топиб,  
Халойиқни олиб чиқар бахту иқболга.

## **ХҮР ҚИЗЛАР**

Йұлға отлан,  
Йұлға отлан,  
Отлан оролға!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Күз олдимда ястанмоқда сирли уфқлар,  
Шафақлардан қон ислари уфурап гүё.  
Оловларга үхшаб ёнар уфқлар бағри,  
Ана, күкка үрлаб борар қип-қизил булат.  
Уфқлардан нари олис оролда отам  
Балким нажот истар, балким битта илиқ сүз.  
Хувиллаган ул саҳрода, құмлар саҳнида  
Сұқмоқ, борми нажот сари олиб чиққувчи.  
Менинг совуқ қоттан қалбим отамга даңда  
Бергувчи бир илиқ, сүзни қәёқдан олсин.  
Менға ўзинг мадад бергил, зукко Она-ер,  
Нағасингни сездириб тур чиқариб овоз.  
Олис орол товушингдан тилга кирсинг-да  
Акс-садо берсинг бағри тулиб умидга.

## **ОНА**

Оқ, йўл, ўғлим.

## **ҲАММА**

Ой бориб, омон қайт.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Минг қуллуқ!

## **ИККИНЧИ ФАСЛ**

### **ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ**

*Денгиз соҳилида ҳувиллаб ётган орол. Омонат чайла-да Алоуддин Хоразмшоҳ, унинг ёнида сарой емакхонаси ва ҳарам назоратчиси Шаҳобиддин устоззор ва сарой мулозими, қўлга сув қуювчи Қавомиддин шаштдор бедор тонг оттиришмоқда. Шам ёниб адо бўлаёзган.*

### **ХОРАЗМШОХ**

Учаётган ушбу шамга ўхшайди умрим,  
Унинг сўнгти шуълалари ўксик-ўксикдур.  
Фақат маним умрим эмас, борлиқ салтанат  
Шамдек адо бўлиб борар, ёниб борадур.  
Қани уни кул бўлмоқдин асраб қолгучи,  
Қайта бошдин гуллатгучи самовий қудрат.  
О, шам, о сен тугаётган аламли қўшиқ,  
Билмасмусен қанча қолди нур интиҳоси.  
Ҳали замон сўнгсиз зулмат қоплар борлиқни,  
Қора чилвир сиртмоқ бўлур оёқ-қўлларга.  
Юлдузларнинг юзларига қора тортарлар,  
Оқ гулларнинг фарқи қолмас қора куядан.

*(Алангалаб атрофни кузатади)*

Шаҳобиддин, ўрнингдан тур, қара, ҳув ана,  
Тишларини фижирлатиб келмоқда бўри.  
Жимиirlашиб кетди этим, қув, ҳайда тезроқ.

## **ШАХОБИДДИН**

*(Атрофни кўздан кечириб)*

Ҳеч қанақа бури йўқдир, хотиржам бўлинг,  
Ҳув қумтепа сизга бури бўлиб кўринган.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Йўқ, сен менга таскин берма, қумтепа эрмас,  
У бўридир, мени ғажиш пайида юрган.  
Йўл бўйи у таъқиб этиб келди карвонни,  
Бир дам бўлсин, кўзларини узмади мендан.  
Кундузлари соя каби эргашиб келди,  
Бош учимда чўққайганча ўлтирди тунлар.  
Кипригимнинг илинишин кутди кўз юммай,  
Ухлар бўлсан еб кетарди мени ялмоғиз.  
Ана, кўзин олайтириб турмоқда ҳамон,  
Шундай бўлгач, қандоқ ётай, қандоқ ухлайн.

*(Гулхан ёнига пишиллаб ухлаб ётган  
Қавомигдиннинг тепасига бораги)*

Маза қилиб ухлаётир мана бу одам,  
Тўйиб-тўйиб нафас олар эркин, бекўркув.  
У қулимга сув қуяди — вазифаси шу,  
На бўридан ҳайиқади, на инсу жинсдан.  
О, дунёга келган бўлсан бир шаштдор бўлиб,  
Қўлларга сув қуйиб ўтсан умрим розийдим.  
Мен ҳам мана бунга ўхшаб ухлардим тўйиб,  
Булоқлардан ҳовуч-ҳовуч сувлар ичардим.  
Эркин қушлар наъмасига тутардим қулоқ,  
Қайғу нима, алам нима, билмасди кўнглим.

*(Белидаги шоҳлик камарини ечиб)*

Қандай оғир салосил бу шоҳлик камари,  
Бу на камар, эговлади маҳзун умримни.  
Менинг белим эмди буни кўтара олмас,  
Оёғимда дармон йўқдур, танимда қувват.

## **ШАҲОБИДДИН**

Тонг оқариб қолди, ҳазрат, бироз дам олинг,  
Мен уйқумни қочираман ўт ҳоври билан.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Уйқунг келаётган бўлса, майли, мизғиб ол,  
Мен ухласам бўри келиб қолар бостириб.  
Уйғоқ бўлсан журъат эта олмас ҳамлага.  
...Кирмоқдалар юлдузлар ўз кўрпаларига,  
Келар вақти бўлиб қолди Жалолиддиннинг.  
Йўлин тўсмасалар бўлди унинг моховлар.

## **ШАҲОБИДДИН**

Жалолиддин моховлардан тап тортармиди,  
Келиб қолар ҳали замон муждалар билан.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Билмасмусен моховларнинг шилқимлигини,  
Ёпишарлар оёқларга худди лой каби.

## **ШАҲОБИДДИН**

Мени маъзур тутинг, ҳазрат, аслида улар  
Бу оролга ташланмаса бўларкан...

## **ХОРАЗМШОҲ**

Бошқа  
Узокроқ бир жой бормиди бу ердан овлоқ,  
Моховларни элдин йироқ ҳайдаган эрдим,  
Эвоҳ, келиб тушдим улар ичига ўзим.

## **ШАҲОБИДДИН**

Тунов куни келиб мендан сўрашди таом,  
Жоним ҳалак бўлди қувиб ҳайдагунимча.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Сен уларни қувма ҳаргиз, улар ҳам жонзот,  
Касалликни сўраб олган эмаслар, ахир.  
Мен уларни сургун этиб қусур иш қилдим,  
Ва оқибат тушдим ўзим мохов кунига.

## **ШАҲОБИДДИН**

Ундай деманг, онҳазрат...

## **ХОРАЗМШОХ**

Ха, фарқим йүқ менинг  
 Шу оролда дайдиб юрган моховлардан ҳеч.  
 Улар янглиғ мен-да элдан узок яшаймен,  
 Мендан-да эл ирғанади... Моховлик шу-да.

### **(Қаттиқ үйталағы)**

Куним битиб борар... Мени күп маҳтал қилмай  
 Жалолиддин тезроқ етиб келәколсайды.

### **(От кишинагани әшиналады)**

## **ШАҲОБИДДИН**

Ана, келди Жалолиддин.

### **(Қавомиддинни турткилаіды)**

Тур, ҳей, ландовур,  
 Тонг оқарди, Жалолиддин келди, күзинг оч.

Қавомиддин эринибгина турады, үйлга күз ташлаб,  
 аввал жонланады, сұнгра маъюс тортады.

## **ҚАВОМИДДИН**

Ҳей, баччағар, тонг уйқусин ҳаром айладинг,  
 Кошқи эрди севиништа бұлса бир боис.  
 Жалолиддин қайда... Яна келмиш Қутбииддин,  
 Хира пашша каби жонга тегди шаҳзода.

Қутбииддин Ұзлоҳшоҳ кирады.

## **ҚУТБИДДИН**

Ассалому алайкум, о, бормисиз, падар,  
 Минг шукурким, қайта бошдик күришдик дийдор.  
 Неча қундир отта қамчи босганим-босган,  
 Тер оқмоқда отнинг ҳатто қора ёлидан.

## **ХОРАЗМШОХ**

Нечун даркор эрди отни ниқтаб қийнамоқ,  
 Үз жонингга жабр қилмоқ не ҳожат эрди.  
 Келган билан енгиллатсанг кошқи дардимни,  
 Кошқи олиб қола олсанг ёруғ дунёда.

## **ҚУТБИДДИН**

Пушти камарингиз эрсам, валиаҳд эрсам.

## **ХОРАЗМШОХ**

Мен умримда кўп хатолар қилдум, тан олгум,  
Тўғри йўл деб гоҳи юрдим эгри сўқмоқдан.  
Ношуудларнинг сўзларига изн бердим гоҳи,  
Валиаҳд деб эълон этдим сени, не қилай...

*(Узоқ ўталади)*

## **ҚУТБИДДИН**

Пушаймонсиз демак аҳду паймонингиздан?

## **ХОРАЗМШОХ**

Чин сўз айтгум даркор сўнгти нафас олдидан,  
Султонликка лойик ўғил эмас эрдинг, йўқ.  
Мен саҳв этдим сени тожга даъвогар айлаб,  
Хафа қилдим Жалолиддин Мангубердини.  
Не қилайки, кўп қимматга тушди бу хато...  
Энди сени маҳрум этдим валиаҳдликдин.

*(Йўталади, тобора дармонсизланади)*

## **ҚУТБИДДИН**

Гуноҳим не, қусрим бўлса айтингиз, падар,  
Сўзингизни сирға қиласай қулоқларимга.

## **ХОРАЗМШОХ**

Сирға эмиш... Неча марта сўзим рад этдинг,  
Қўшин сўраб сенга йўлдан чопар юбордим,  
Қўшин қайдা, ҳаттоқи бир илиқ сўз ҳам йўқ.  
Ким айбдор? Мен. Айб менинг ўзимда эрур,  
Не хатолик ўтган эрса сўзимдан эрур.  
Бувинг ила сен икковинг...

*(Йўталади)*

Хайр, рози бўл.

## **ҚУТБИДДИН**

Йўқ, кетмасмен, ҳайдаб мени овора бўлманг,  
Талабим не, айтган эрдим, яхши билурсиз.  
Кирқ туялик мол-дунёни олиб кетгансиз,  
Қайдा ўша олтин, кумуш, дуру жавоҳир?

## **ХОРАЗМШОХ**

Ношуд ўғил, яна шунинг учун келдингми,  
Олтин, кумуш излаб сарсон-саргардонмисен?  
Эл кўзида отанг излаб юрибсан гүё,  
Излаганинг аммо бойлик... Бу не ҳол, ёраб?  
Йигирма йил тожу тахтга соҳиблик айлаб,  
Не юртларни забт этмоқни уйлабмен, аммо  
Ўз ўғлимнинг юрагига сололмабман қўл.  
Билганимда юрагингни сенинг сууриб,  
Зар устига ташлар эдим тўйиб е, дея.

## **ҚУТБИДДИН**

Юрагимни қўятуринг, сизда борми у?  
Сизда агар юрак бўлса... Ҳай, майли, майли.  
Сиз яширган сандиқларни илон-чаёнлар  
Ошён этиб, атрофида қургандир базм.  
Давлат илон-чаёнларга буюрган экан.

## **ХОРАЗМШОХ**

Ўз қўйнимда экан менинг илон-чаёнлар,  
Мен уларни тўйдирибмен, кало<sup>1</sup> этибмен,  
Улар менинг қонларимни сўриб ўсмишлар,  
Юрак-бағрим чўқиб-чўқиб этмишлар адо.  
Бугун мана битта чаён келиб қон сўрар,  
Менда қон йўқ, на қон, балки менда жон ҳам йўқ.

## **ШАҲОБИДДИН**

Чин айтадур падарингиз, йўлда ногаҳон  
Адашдигу сандиқларни йўқотиб қўйдик.

## **ҚАВОМИДДИН**

Олтин қайдা, тамогимиз<sup>2</sup> қора қайғидир,  
Совуқ тушса устимизни ёпаримиз йўқ.

## **ХОРАЗМШОХ**

Ана шундай, шаҳзода, сен олтин сўрайсен,  
Олтин керак эрса юртни озод эт ёвдан.  
Олтин бу — юрт, афсуски, кеч очилди кўзим,  
Надоматлар бўлғайки, тарк этдим Ватанини.

<sup>1</sup> Кало этиш — вояга етказиш.

<sup>2</sup> Тамоқ — овқат.

Шайтон йұлдан урди мени...  
Күнглим оралаб  
Ожиз бир ҳис шууримдан айлади жудо.  
Қандай буюқ давлат эрди, борҳо салтанат,  
Гул сочарди йұлларимга Мағрибу Машриқ,  
Оlam худди гардсиз кундай эрди ҳувайдо,  
Еру само чексиз эрди, қудратим бисёр.  
Энди мана гунг сахрода юпун, бечора,  
Оч бўридан кўрқа-қўрқа ұлмоққа етдим.  
Сенинг кучинг-қувватинг бор, шаҳзода, кураш,  
Кураш сўнгти томчи қонинг қолгунча танда.  
Аканг Жалолиддин қанотига кир,

ҚУТБИДДИН

Жалолиддин, Жалолиддин... Жонимга тегди,  
Қирқ түяга ортилган ул сандықларни-да  
Хадя этмоқ пайидализ Жалолиддинга.  
Йўқ, мен бунга йўл қўймаймен, йўл қўймаймен,  
йу-үк!

*Кетаңу. Бури увлаңы.*

Чоғланғандыңми яна мени емоққа, бури,  
Мендан бұлак жонзорт үйікми есанг дунёда.  
Менинг ахир, нимам қолди энді егулик,  
Бошдан-оёқ устихонмен, күруқ устихон.

### *(Өгүр үүтәләгү)*

КАВОМИДДИН

## **(құмғон ва сочиқ келтириб)**

Ёстиғидан бош күтәрди қүёш, онҳазрат,  
Айни вақти таҳоратдур, маъзур тутгайсиз.

## ХОРАЗМШОҲ

(құлини юваётиб)

Мен қүёшни күрмаяпман, нур йүқ оламда,  
Бизнинг қүёшимиз сұнған, бизни тарк этган,  
Ұзгаларнинг қүёши у сен айтган қүёш.

## ҚАВОМИДДИН

Ҳаммага тенг нур сочади қуёш, авф этинг.

### ХОРАЗМШОХ

Шундайдир деб үйлар эрдим мен ҳам илгари,  
Ҳамма учун баробар деб билардим нурни.  
Энди билсам ҳар кимнинг ўз куни<sup>1</sup> бўларкан.  
Тақдир экан у қуёшнинг оти, ҳа, тақдир.  
У нур сочиб турган маҳал олам мунаввар,  
Атрофингда хешу ахбоб гирди-капалак.  
У сўнгандаги еру кўкни қопларкан зулмат,  
Совуқ ранга айланаркан кўқдаги қуёш.  
Бизнинг қуёшимиз сўнган, сўнган, шаштдор.

## ҚАВОМИДДИН

Сўнган эрса, уни баттол Чингиз сўндирган.

### ХОРАЗМШОХ

Йўқ, уни мен сўндирганмен, ўз қўлим ила,  
Булулардан асрароқча уни аҳд айлаб,  
Минг-минг тўрга ӯраб-чаңдиди ташлаганменки,  
Маҳобатга чидай олмай сўнди оқибат.  
Сўнган эрса магар бевақт кимнинг қуёши  
Билки, ўзга эмас, ўзи унинг қотили.

## ҚАВОМИДДИН

Энди қайта нур сочмасми бизларнинг қуёш?

### ХОРАЗМШОХ

Бу саволни менга берма, менда шуур йўқ,  
Мен зулматнинг чинлигини билурмен ёлғиз.

*Шиддатли туёқ товушлари эшишилади. Шахдам одимлар билан Жалолиддин кириб келади. Ота-бола илиқ омонлашадилар.*

Йўлларингга интиқ, эрди менинг кўзларим,  
Дийдорингни кўрмай ўлмоқ, ҳадигим эрди.  
Шукур, сени кўрдим, энди Азроил келса,  
Кўлларига тутгум ўзим хаста жонимни.

<sup>1</sup> Кун — қуёш.

## **ЖАЛОЛИДИН**

Бу оролда нима қиссин, ота, Азроил,  
У жон олиб юрар гавжум қишлоқ, кентларда.  
Гурристонга айлантириди гулистонларни.

## **ХОРАЗМШОХ**

Таъна тошин отишингни билардим, ўғлим,  
Не сўз десанг ҳақ, эрурсен, айбга иқорлик  
Ила сенга юкинмоқда нотавон кўнглим.

*(Гулхан яқинига ётган қуруқ дарахт шохасини  
қўлларига олиб)*

Бу қақшаган қуруқ ўтин бир вақт ям-яшил  
Дарахтнинг қўл етмаган шохаси эрди.  
Бутоқлари булбулларнинг эрди ошёни,  
Япроқлари еллар ила қуриб сухбатлар  
Кийлашарди боқийликнинг қўшиқларини.  
Илдизларин бор-йўқлигин олмай ёдига  
Осмонга бўй чўзар эрди мағрур ва шодмон.  
Буронларни писанд этмас эрди мутлақо,  
Гулдираклар, чақинларни илмай назарга  
Офатларга кўкрак керар эрди мардана.  
Келгиндилар илдизларин чопдилар бир кун,  
Кесиб-кесиб ташладилар томирларини.  
Шунда ҳамки, у фарзона кўкка бўй чўзиб,  
Оlamга тик боқар эрди киборлар ила.  
Билмасдики, ҳаёт йўқдир илдизсиз, ерсиз.  
Мана бугун қуруқ ўтин унинг танаси,  
Унга таъна этмоқлиқдан энди борми суд,  
Ёниб адo бўлмоқ унинг сўнгги шеваси,  
Улоқтиргил гулханга-да, айтгил алвидо.

## **ЖАЛОЛИДИН**

*(ўтиинни авайлаб ерга қўяди)*

Дилда умид дарахти яшар безавол,  
Япроқлари унинг кўркам, ям-яшил эрур.  
Илдизлари пайваңд юрак томирларига,  
Шохалари сарин елда турар шовуллаб.  
Ундан униб чиқар минг-минг кучатлар ҳали,  
Пайдо бўлар ер юзида сонсиз ўрмонлар.  
Куридим деб нола чекманг, ўксиманг, ота.

## **ХОРАЗМШОХ**

*(руҳияти кўтарилиб)*

Шу бир оғиз сўзинг дармон бўлди танимга,  
Яна равшан тортди сұнаётган кўзларим.  
Шукур, белга қувват бўлар ўғлим борига,  
Сўзларимга қулоқ солгил энди, жон болам.

*(Султонлик камарини қўлига олади)*

Далда берсин юрагингга шоҳлик камари,  
Султон энди менмас, сенсан, белингга бойла.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Йўқ, отажон, шоҳлик менга даркор эмасдур,  
Шоҳ ўзингиз, гар салтанат, тож-тахт абасдур.  
Менга қилич-қалқон бўлса, от бўлса басдур!

## **ХОРАЗМШОХ**

Чин ўғилсен, хатоимни тузатгил ўзинг,  
Пароканда бўлган элни, қўшинни эт жам.  
Кўрсинки халқ салтанатнинг султони бордур,  
Кўрсинки эл, барқарордур туғи ўлканинг.  
Аълоиддин ўлган билан ўғли ҳаётдур.

*(Шоҳлик камарини Жалолиддиннинг белига  
бойлаб қўяшилар)*

Қутлуғ бўлғай!

## **ШАҲОБИДДИН ВА ҚАВОМИДДИН**

Қутлуғ бўлғай, муборак бўлғай!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(ўз-ўзига)*

Бу не шоҳлик, на тахти, на салтанати бор,  
Бу не шоҳлик, ёв оёғи остида диёр  
Топталса-ю оёқ-қўли занжирбанд бўлса.

Усти юпун, қорни очу йули банд бұлса,  
О, мунча ҳам күпдир күхна фалак, үйининг!

### ХОРАЗМШОХ

Хаёлингда кечаётган түгёнларни бос,  
Бевош үйлар оёғига урабил тушов.  
Афсуски, мен ҳаёт отлиғ асов тулпорнинг  
Жиловини қариганда тута билмадим.  
Адаштирди йўлдан мени Чингизнинг макри,  
Тушганимни билмай қолдим унинг домига.  
Ҳаммасига сабаб бўлди бир маъшум мактуб.

*(Йўтмол азоб беради)*

Хат ногаҳон тушиб қолди менинг қўлимга,  
Ўқиб хушдән айри тушдим яшин ургандек.  
Чингизхонга битилган бу мактуб остига  
Имзо чеккан экан менинг вазир-вузорам,  
Энг ишонган саркарда-ю бош аъёnlарим.  
Улар юртни Чингизхонга инъом айлашиб,  
Мунтазирлик ила уни кутганларини  
Ўқидиму карвонидан адашиб қолган  
Ёлиз одам куни тушиб бирдан бошимга,  
Элни ташлаб чиқиб кетдим, йўқ, қочиб кетдим.  
Кейин билсам сохта экан у лаънати хат,  
Ёзган экан уни Чингиз айғоқчилари.  
Мен алдандим, ҳа, алданиб қолдим Чингиздан,  
Аммо энди сен алданма, алдана кўрма.

*(сукут)*

Ибн Умар тирик эрса ҳурматини тут,  
У бағоят имонли ва улуғ аллома.  
Онангни ва болаларни эҳтиёт айла,  
Кенжа уканг Комронни қилгил тарбият,  
Гар боладур, худди катталардек зийрақдур.

*(ҳолдан тояди)*

Бақосиз деб сultonликни айламагил рад,  
Бир қўл керак юртга ҳозир қувватли, дадил,  
У сендуурсен, отанг сўзин ерда қолдирма!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(уни юпатиб)*

Майли, ота, мен розимен, сизнингча бўлсин,  
Энди менинг сўровимни айлангиз бажо,  
Олиб кетай сизни бундан, ёнимда бўлинг.

## **ХОРАЗМШОҲ**

*(кўзига ёш олиб)*

Мен кўп узоқ йўл юрдим гоҳ, отда, гоҳ, яёв,  
Сўқмоқларда оёғимни тилди тиканлар.  
Изгиринда совуқ ялаб кетди юзимни,  
Саратонда баданимни куйдириб кўйдим.  
Таъқиб этиб келди йўлда доим оч бўри,  
Юрсам юрди, турсам турди тишин кўрсатиб.  
Кўп заҳматлар ила келдим сунгти манзилга,  
Мен йўлимни юриб бўлган бебаҳт одаммен.  
Менинг гўрим шу оролдур, шу бегона қум.

*(Шаҳобиддин ийғисини яшира олмайди)*

Сендан ўғлим, илтимосим шуки, юзма-юз  
Туриб олиш Чингиз ила, ул маҳлуқ ила.  
Кўрсин, кўриб қўйсин бордур менда ҳам ўғил!!!  
Энди боргил, мен розимен, сен-да рози бўл.

*(гулдирак гуриллаайди, чақмоқ чақади)*

Хайр, ўғлим, алвидо!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Хайр, хайр, отажон!

*Кетаги. Отнинг жаҳл билан кишнагани эшитилади. Қоронгулик чўкади. Шаҳобиддин шамни ёқиб қўяди. Бўри увлайди.*

## **ХОРАЗМШОҲ**

Мана энди келавергил бўри, мен тайёр,  
Ҳеч вақо йўқ энди этсин танимдан бўлак.  
Келмасанг гар сен томонга борамен узим,  
Ўзим, узим... Егил мени аҳдингда туриб.

*(судрагиб қум томонга силжийди)*

## **ШАҲОБИДДИН**

Ҳазрат, тинчланинг, ҳазрат...

*(Шоҳ сурдаришига давом этаги ва ҳолдан тойиб мукка тушади. Шаҳобиддин билан Қавомиддин уни кўтариб, ўриндиқча ётқизадилар)*

## **ХОРАЗМШОҲ**

Шамни яқин келтир, Шаҳобиддин, қайдасан,  
Нурни қўрай энг сўнгги бор, келтир яқинроқ,

*(Шаҳобиддин шамни унинг юзига яқин олиб боради)*

Нечун шамни келтирмайсен, кўзларим илҳак,  
Ёки сен ҳам энди мендан ўғирдингму юз?

## **ШАҲОБИДДИН**

Ёниб тураг шам, онҳазрат.

## **ХОРАЗМШОҲ**

Демак табиат  
Дариф тутди шуъласини сўнгги лаҳзада.  
Бу жамики гуноҳларим учун тангрининг  
Мендан олган қасосидур, бош жазосидур.  
Менинг умрим сўнди, лекин айтишингча шам  
Сўнганий йўқ, инсон борки, демак у ёнар.  
Аммо ҳеч ким менинг каби сўнгги лаҳзада  
Нурсиз, юртсиз ва кафансиз қолмагай... Хайр!

## **ҚАВОМИДДИН**

*(томирини ушлаб)*

Тамом. Водариф!

## **ШАҲОБИДДИН**

Уз ерига сифмаган шоҳ, алвидо.

## ҚАВОМИДДИН

Ер юзига даҳшат солган султон, алвидо,  
Бойликларинг сифмас эди ёйса оламга.  
Энди эрса ётурсен бир парча ерга зор,  
Кафан бўлсин сенга менинг эски яктағим!

*(Яктағини ечиб устига ёпиб қўяди. Қоронғулик  
қуюқлашади. Оғир мусиқа садолари остида  
олис-олисдан шуъла тарашиб, Она ва ҳур  
қизлар кўринади)*

### ОНА

Олис орол, сенга оқар ҳазин хаёлим,  
Армонларим ёмғир бўлиб ёғилар сенга.  
Силсилага солса агар қўксингни шамол,  
Билки, менинг ўқинч тұла нафасимдур ул.  
Манзил бўлдинг сен патлари юлинган қушга.  
Очиқ қолди унинг жойи менинг бағримда.  
Олис орол, менинг каби бедор бўл, бедор.

### ҲУР ҚИЗЛАР

Олис орол,  
Бизлар каби  
Бедор бўл, бедор!

### ОНА

Узоқ денгиз, сенга оқар бугун үйларим,  
Ҳаёт недур, аср-аср ўзинг гувоҳсен.  
Бугун-да бир фожеага келганда тұқнаш  
Қирғоқларга урилдилар тұлқынларинг бот.  
Түғёнларинг урилмоқда қулоқларимга,  
Қушиғимни улай мен-да қўшиқларингга.  
Бир қўшиқки, ҳақиқатни оғоз айлагай;  
Айри тушса агар элдан шоҳ, бўлсин, гадо,  
Тириклиқда умри кечар дарбадар, абгор,  
Улиги ҳам хор бўладур, хор бўладур, хор.

### ҲУР ҚИЗЛАР

Улиги ҳам бор бўладур,  
Хор бўладур, хор!

## БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Чингизхон үз чодирига үгли Жұжи билан сұхбатда.  
У жаҳл билан Жұжини тергамоқда.

### ЧИНГИЗХОН

Ха, Ҳурғанжни сенга ато этдим олдиндән,  
У сеники бұлур маъмур ганжлари ила.  
Тезроқ құлға олмок учун нақди әхсонни  
Курашмоқнинг ўрнига сен нечун үз аканг,  
Үз уканг-ла олишурсен жиққа мушт бұлиб?  
Магар сени чақыртириб олмаганимда  
Бир-биирингнинг гүштингни ер әдінглар.

### ЖҰЖИ

Отей,  
Тирноқча ҳам айбим йүқдир. Чифатой...

### ЧИНГИЗХОН

Бас қил,  
Үз жигарин ёмонлашдан ор этмас тилинг,  
Икковинг ҳам бир күкракни эмиб ўсгансен.  
Қариндошдан яқын киши йүқдир одамга,  
Одам эрсанг, бошта күтар қариндошингни.

### ЖҰЖИ

Хали ҳам у чиқиб олган менинг бошимга,  
Яғир этиб юборди у менинг елкамни.  
Хилалайди мени нүқул, үлгудай кождур.  
Бостираман сувга дейди шахри Ҳурғанжни.  
Бунга асло йұл құймасмен... Менга ободу  
Күркем шаҳар даркор, харобатни найлагум.

### ЧИНГИЗХОН

*(шаштидан тушиб)*

Хожат эрмас сувга бостирымоқлик, сұзинг рост,  
Бусиз забт айламоқ даркор... Чифатой ноҳақ.  
Аммоки сен ҳақ эрсанг, не учун олти ой,  
Ярим йилдан бери олмассен қалъани?

## **ЖҮЖИ**

Тұпнинг ўқи кор этмайди деворларига,  
Үт қўйсанг ҳам ёниб кетмас дарвозалари.  
Одамлари қўрқув билмас...

## **ЧИНГИЗХОН**

Алжима, Жўжи,  
Тешмайдиган девори йўқ мўғул тўпининг,  
Олмайдиган қалъаси йўқ унинг! Эҳ, сенлар...

*(сукум)*

Четлаштиридим Ҳурганжни забт этмоқдан сени,  
Четлаштиргум ул белубоб Чигатойни ҳам.  
Бул юмушни топширурмен ўғлим Ўктояга,  
Ул қўрсатур сенларга не эрур жанг-ҳайжо,  
Худди қайсар түяни тиз чўктирган каби  
Ётқизар у тик қалъани бир ҳамла ила.

## **ЖЎЖИ**

Сен ҳам отей, ҳам қоонсан, сенда ихтиёр,  
Менинг ақдим ва кучимни камситмоқдикка  
Саъй кўргузсанг, бош эгмайин иложим қанча.  
Лекин Жайхун соҳилидан сўра, Жўжи ким,  
Тилга кирса агар унга тўкилган қонлар,  
Хазон япроғидай титрар фифондан борлиқ,

## **ЧИНГИЗХОН**

Тўкилган қон ила ўлчанурми ботирлик,  
Фарқи йўқми ботирларнинг қассоб, жаллоддан?  
Ботирликнинг нишонаси фақат зафардур.

## **ЖЎЖИ**

Худованди жаҳон дея ном олган афҳам<sup>1</sup>  
Туркон-хотунни мен асир этиб олганмен.  
Хоразмнинг даҳоси деб аталган пирни —  
Ибн Умарни мен енгиб, қатл этурмен.  
Бу зафардан нишонамасму?

<sup>1</sup> Афҳам — эътиборли.

## ЧИНГИЗХОН

(бақириб)

Йұ-ұқ! Хурганжни  
Хануз менға таслим этиб беролганинг йұқ,  
Лочинларга үхшаб қанот керолганинг йұқ.  
Арслонга мангзаб ташланмасанг үлжанғта  
Маңын этаман кирмоқлигингни сенинг жанғта!

## ЖҰЖИ

Отей, узр, кеч бир қошиқ қонимдан.

## ЧИНГИЗХОН

Тилим —

Бало, тишим — қалъа, деган нақл бор бунда.  
Үз бошингга үз тилингдан бало ёғдирма.

(сүкүт)

Айтдиғим, Хурганжни Үктой забт этур илло,  
Синдирур шаҳарнинг сангар<sup>1</sup>-тааррузини<sup>2</sup>.  
Бутқул гулом айлаб сенинг илгингта берур,  
Сенинг бўлур Хурганж боқий, сеники бўлур.  
Аммо ҳокимини мутлақ үзидан қўйгум,  
Номи ҳоким бўлур унинг, үзи қўғирчоқ.  
Сен иккинчи шахс бўлиб гўё саройда  
Унга тобе кўринасан, асли үзинг шоҳ...  
То унгача сенинг бошқа юмушларинг бор,  
Синд дарёси сори қўшин тортурмиз икков.  
Айлаюрмиз Жалолиддинни онда торож.  
Хозир эрса сен бор...

(Жұжи маъюс юриб кетабошлайды)

Айтғил, менинг олдимга  
Зудлик ила келтирсунлар Туркон-хотунни.

<sup>1</sup> Сангар — тош.

<sup>2</sup> Таарруз — қаршилик.

## **ЖҮЖИ**

*(үз-үзига)*

Мақтров сүзин әшитмадим отейдан сира,  
 Балли, үғлим дея бир бор елкамни қоқиб,  
 Күнглим күттармади тоғни талқон этсам ҳам.  
 Балки шундоқ қылғани ҳам яхшидур... Шернинг  
 Бошин силаб сен яхвисан демайдилар-ку.  
 Аммо шак йүқ шернинг марди майдонлигига.

*(кетағи)*

## **ЧИНГИЗХОН**

Чок-чокидан сүқилтирдим сұзана-юртни,  
 Энди уни оёқларим остига олиб,  
 Шундайин бир тепкилайки... Абжали чиқсин!

*Туркон-хотунни олиб қырадилар.*

## **ЧИНГИЗХОН**

Қалай кечар тутқындағи умринг, малика,  
 Базми жамшидларни роса соғингандаурсен...

## **ТУРКОН-ХОТУН**

Күнгил олиш учун чақыртиргандаурсан,  
 Мақсадингни очиқ-ойдин айтавер.

## **ЧИНГИЗХОН**

Яхши.  
 Сен үзингни дунёдаги барча хотинлар  
 Орасида эңг оқила, эңг құхди үйлаб,  
 Эркак зоти бұлсын, аёл бұлсын — борини  
 Олиб ташлаган бир тирноғингча күрмадинг.  
 Аслида сен бир ажуза<sup>1</sup> әрдинг такаббур.  
 Сенинг кибр тұла күнглинг ҳатто үз үғлинг —  
 Шохни бадарға этмоққа күргузгач майл,  
 Күролмагач үз бурнингдан нарини күзинг,

<sup>1</sup> Ажуза — кари кампир.

Сени аёлларнинг зўри дебмас, шўри деб,  
Энг тубани, энг пасткаши деб айтмоқ даркор.

### (сукум)

Сенинг ила сузлашурдин тилим ор этур,  
Бир саволга жавоб бер: шоҳ ганжи қаёндур?  
Хазинани қайга яширгансен?

## ТУРКОН-ХОТУН

Ганжни шоҳ,  
Ўзи ила олиб кетган, огоҳ эрурсен.

### ЧИНГИЗХОН

Хотун! Менинг кўзларимга чанг сепа қўрма,  
Мени алдар тулки ҳали туғилгани йўқ,  
Қирқ туяга юклаб кетган сармоясин шоҳ,  
Минг туя ҳам кутаролмас қолган ганжини.  
Қани ўша, уни қаён яширгансен, айт!

## ТУРКОН-ХОТУН

Неки қолган эрса чиқиб қочмас Ҳурганждан...

### ЧИНГИЗХОН

Қочган! Борин сен қочтириб юборгансен, сен,  
Хазинани ўз қўлинг-ла гумдан этгансен.  
Ё топасен уни, ёки...

## ТУРКОН-ХОТУН

Устихонимдан  
Бўлак менинг ҳеч вақом йўқ.

### ЧИНГИЗХОН

Уни итларга  
Едирамен! Йўқ, ит ундан ҳазар этгуси.  
Жажжи набирангнинг мурғак юрагин юлиб,  
Ит олдига ташлатамен.

## **ТУРКОН-ХОТУН**

Йўқ-йўқ, энг сўнгти  
Илинжимдан жудо этма, бағрим тиғлама,  
Норасида набирамда — Комронда не айб?

## **ЧИНГИЗХОН**

Набирангнинг жони ширин эрса ганжни бер.

## **ТУРКОН-ХОТУН**

Айтдим-ку, йўқ менда дунё.

## **ЧИНГИЗХОН**

Хотун! Эсинг йиф,  
Сўнгти марта сўраймен: ганж-хазина қайдা?

## **ТУРКОН-ХОТУН**

Билмаймен.

## **ЧИНГИЗХОН**

Сен билмайсенму?

## **ТУРКОН-ХОТУН**

Ёлғон сўйласам  
Майли, мени ўлдирақол.

## **ЧИНГИЗХОН**

Йўқ, сен ўлгансен,  
Тирик бир мурдасен ночор, сенга пичоқ ҳайф.

*(навкарларга)*

Олиб киринг қочоқ шоҳнинг кенжа ўклини.

*Навкар чиқади.*

## **ТУРКОН-ХОТУН**

Ихтиёри бўлса эрди дунёнинг менда  
Бор олтини, кумушлари, инжу дурларин  
Оёғингта тўкар эрдим набирам учун.

Эҳтимолки, ушанда ҳам юмшаш ўрнига  
Тош қотарди сенинг бағриңг, дұнарды музга.

*Күғирчоқдай кийинтирилган етти-саккиз яшар болани — Комронни олиб кирадилар. У Туркон-хотуннинг бағрига отиласы.*

### **КОМРОН**

Бувижоним!

### **ТУРКОН-ХОТУН**

Нури дийдам.

### **КОМРОН**

Қопу олдида

Икки құмри үйнаб юрган экан, бувижон.  
Мен югуриб құмриларнинг олдига бордим,  
Улар мендан қочмадилар, биз учов бұлиб,  
Түйіб-түйіб үйнаб олдик ҳовуз бўйида.  
Ҳар кун бирга үйнаймиз деб келишиб қўйдик,  
Улар бирам чиройлики, бирам яхшики...

### **ЧИНГИЗХОН**

Алвидо айт болакайга бетавфиқ хотун,  
Қўйиб юбор... Айт, қошимга келсун яқинроқ.

### **ТУРКОН-ХОТУН**

Бор, Комронбек, унинг раъйин синдирсанг бўлмас.

*Комрон олдин бормоқчи булади. Кейин таққа тұхтаб қолади.*

### **КОМРОН**

Йўқ, бормаймен... Унинг кўзи ёмон, бувижон.

### **ЧИНГИЗХОН**

Жаллод!

*(Жаллод киради)*

### **ЧИНГИЗХОН**

Бола кўксини ёр, буғли юрагин  
Ит олдига ташла!

## ТУРКОН-ХОТУН

Фалак, менинг құксим ёр!

## КОМРОН

Қумриларга айтинг, буви, тездә келаман.

*Жаллог болани күтариб олиб чиқади. Туркон-хотун беҳуш үйқилади. Уни судраб олиб чиқадилар. Боланинг қаттиқ үйғлагани эшишилади. Беихтиёр Чингизхон сес-канади.*

## ЧИНГИЗХОН

Нега этим жимиirlади, нечун сескандим,  
Юрагимни раҳм ели ораладиму?  
Ё дилимни аччиқ фифон яраладиму?  
Ожиз ҳислар, нари кетинг, сизга ўрин йўқ,  
Сартовулнинг қиличидан ўлди Тўлихон,  
Энг севимли ўғлим, бағрим, тахтим вориси.  
Унинг бошин қўргич-қаратқига санчганча  
Менга юборганда Жалолиддин, ушанда  
Шоҳ тухумин қуритмоққа жонимни тикиб,  
Ал-қасос деб суғургандим тифимни қиндан.  
Бугун менинг илгимдадур шоҳнинг ёш-ёш  
Хотинлари, бир-биридан сулув қизлари.  
Ҳар бирини бир тўп мўғул олдига ташлаб  
Ғажитсам-да босилмас, йўқ, босилмас тафтим.  
Қонларини ичаюрмен гўдакларининг,  
Оналарни соchlаридан осурмен дорга.

Чингизхон «Она» сўзини тилга олганида таниш мусиқа чалиниб, *Она ва ҳур қизлар пайдо бўлади.*

## ОНА

Оналарни дорга осмоқ ваҳший ниятлар  
Ичра энг ваҳшийси эрурким, ёт асли инсонга.  
Сен инсонми? Қасбинг форат ва торож эрур,  
Наҳот қонга тўймас сенинг шабқўр кўзларинг.  
Қасос кунин яқинлигин үйламасмусен,  
Шум бошингни мажақлагай тақдир тошлари.

## **ХУР ҚИЗЛАР**

Шум бошингни мажақлагай  
Тақдир тошлари.

### **ЧИНГИЗХОН**

Сизлар кимсиз ва қаёқдан бўлдингиз пайдо,  
Хой, ким бор?

### **ОНА**

Қўй, эшиитмагай сўзингни ёвар,  
Мен ўзингга қайтаргайман овозларингни,  
Мен Онамен, қудратимга менинг поён йўқ.

### **ЧИНГИЗХОН**

Онамисен? Хўш, сен кимнинг онаси дурсен?

### **БИРИНЧИ ҚИЗ**

У утларнинг, майсаларнинг туққан онаси.

### **ИККИНЧИ ҚИЗ**

Ирмоқларнинг, дарёларнинг онаси дир у.

### **УЧИНЧИ ҚИЗ**

Элатларнинг, овулларнинг волидаси дур.

### **ҚИЗЛАР**

У бизларнинг, ҳаммамизнинг Онажонимиз.

### **ОНА**

Мени, мендек оналарни қон қақшатган шоҳ,  
Хону амир — тождорларнинг ёвуз номлари  
Юракларда не уйғотар нафратдан бўлак.  
Сенларни ҳам туққан, улғайтирган оналар,  
Улғайтириб ўз соchlарин юлган оналар.  
Қабрида тинч ётмагандур, тинч ётмас онанг,  
Сенинг қилимишларнинг учун онангнинг руҳи  
Ҳали фифон кўтаражак, оҳлар уражак.

## **ЧИНГИЗХОН**

Хүкм чиқар сен ўз фарзандларинг устидан,  
Сени хароб айлаганлар ўз фарзандларинг.  
Үшаларга от аввало таънанг тошларин,  
Мени тергамоқдин, зоро, ўзингни тийтил.

## **ОНА**

Сени тергар дақиқалар ёқангдан тутиб,  
Сени ўзи сўроқ қилар, айблар замон.  
Сени тергаш учун эмас, қоралаш учун,  
Сенга лаънат айтиш учун келганмиз бизлар.

## **ҲУР ҚИЗЛАР**

Сенга лаънат айтиш учун  
Келганмиз бизлар.

## **ЧИНГИЗХОН**

Бас! Кесаман тилларингизни.

*Қилич кўтариб Онага ташланмоқчи бўлади. Аммо қанадайдир куч қиличини орқага қайтаради.*

## **ОНА**

Менинг кўксимдан  
Миноралар ўсиб кўкка бўй чўзган эрди,  
Улар тошга айланган дил умидаларимдур.  
Сен уларнинг ёнида қон ва ғам лойидан,  
Каллалардан маҳобатли минора қурдинг.  
Энди яшар ёнма-ён шу икки минора —  
Менинг умидаларим ва сен тўккан қон рамзи.  
Биттасига боқиб ором олар замонлар,  
Биттасига боқиб кўздан оққувси қонлар.  
Сенга сўнгсиз лаънат тошин отур инсонлар.

## **ҲУР ҚИЗЛАР**

Сенга сўнгсиз лаънат тошин  
Отур инсонлар.

## **ЧИНГИЗХОН**

Писанд эрмас менга тошлар, мен баланддамен,  
Менинг халқим ўз ошёнин юксакда қурган.  
Бошқа халқлар унга хизмат айламори шарт.

## **ОНА**

Яхши-ёмон халқ йўқ, бани башар теппа-тэнг,  
Халқнинг бири баланд, бири турмас тубанда.  
Олий ирқмиз дея даъво этган подшолар  
Оқибат ўз халқларининг бошин едилар.  
Халқлар тинчлик истайдилар, соғлик, омонлик,  
Сенга уҳшаш урушқоқлар қўмсайдилар қон.  
Лекин сенинг қонингни ҳам тўкарлар албат.

## **ЧИНГИЗХОН**

Йўқ, мен дунё тургунича турамен, билгил,  
Бу дунёю у дунёда менга ўлим йўқ.

*(сукут)*

Саркор Иҳтиёриддиннинг сўзи ёдимда,  
Унингча мен ўлармишмен юртимдан йироқ.  
Йўқ-йўқ, она юртимга мен ғалаба бонги,  
Зафар қуий остида шод қайтиб борурмен.  
Куним битгач, жисмим тупроқ ила қўшилур,  
Аммо жоним ўтар менинг голиб түғимга,  
Ўлим билмай жоним абад түғимда яшар.  
Түғдан туриб мен юртимни олға бошлармен,  
Түғда туриб забт айлагум бутун дунёни,  
Ер усти-ю ер остига ҳокимлиғ этгум.

## **ОНА**

Сендан олдин Искандар ҳам шундай деганди,  
Ўлар чоғи қўли очик кетди, билурсен.

## **ЧИНГИЗХОН**

У Искандар, қўли очик кетса кетгантур,  
Мен Чингизмен, Чингизхонмен!!!

## **ОНА**

Ҳа, сен Чингизсен,  
Сенинг коринг татовулдир<sup>1</sup>, ажал уруғин  
Сочмоқ пешанг, кунни тунга айлантирмоқка

---

<sup>1</sup> Татовул — зулм, босқин.

Хүп устаси фарангдурсен, зулматга эшсен.  
Энг қоронғу тун бор йилда — дайжурдир номи,  
Энг узун бир тун бор йилда — номидир ялдо.  
Сен бизларнинг кунларимиз, тунларимизни  
Айлантирдинг буткул ялдогаю дайжурга,  
Лек ҳидоят чироги бор улус илгида,  
У ёритиб турар халқнинг турар йўлини.  
Тун ортидан кун келадур, шуъла келадур,  
Сен қўлларга солган кишан ана ўшандা  
Ёниб эриб кетажақдур, эрк муҳаққақдур.

### (сукум)

Тенгсиз олов ёнур, ёнур шаҳру қишлоқлар,  
Аммо элни ёқиб бўлмас бошдин то оёқ.  
Иккинчи бир олов ҳам бор — қасос олови!

### БИРИНЧИ ҚИЗ

Жавволадай<sup>1</sup> қўкка ўрлар қалблар ёлқини,

### ИККИНЧИ ҚИЗ

Бир-бирига туташганча гуриллаб борар.

### УЧИНЧИ ҚИЗ

У ловуллар, туғён урап.

### БИРИНЧИ ҚИЗ

Чўнг олов ёнар.

### ОНА

У ёқиб кул айлар сенинг тожу тахтингни.

### ХУР ҚИЗЛАР

У ёқиб кул айлар сенинг  
Тожу тахтингни.

*Чақмоқ чақиб, Она ва ҳур қизлар ғойиб бўлишади.*

<sup>1</sup> Жаввола — олов тили.

## **ЧИНГИЗХОН**

*(бироз бұшашиб)*

Дарвоқе, ут ёнар... Ёнар үнгү сұлымда,  
Бу хотуннинг сұзлари ҳам үтдай күйдірар.

*(Ұзиғаги рұхсизликни қувиб, қатъий оқанга)*

Йүк, оловда мен ёнмасмен, үтдан қурқасмен,  
Менинг жисим тош-метиндей, пұлатдай маҳкам.

## **ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ**

Қалъа олдиға жангдан ғалаба билан қайтган сарбозлар, уларни құтлагани келған одамлар тұпланишынан. Карнай-сүрнай садолари янграйди. Масхарабозлар, раққосалар үйин тушадилар.

## **БИРИНЧИ САРБОЗ**

Сұзларимга менинг құзим гувоқлик берур,  
Ёфий учун сичқон ини бұлды минг танга.  
Енгілмас деб ном қозонған Чингизхон бұлса,  
Жуфтагини ростлаб қолди қуёнга үхшаб.

*(Йиғилғанлар «ховва, ховва» дея гапи्रувчиларнинг  
сұзларини маңқуллаб, кулғи ва шұх овозлар билан  
үз севинчларини изҳор этиб тұрадилар)*

## **ИККИНЧИ САРБОЗ**

Юриб оёқ учларида писиб бордик-да,  
Тунда таппа босдик ухлаб ётган ёфийни.  
Хурраклари қолиб кетди бүғизларида,  
Биттаси-чи, иштонини қулиға олиб,  
Ура қочди ташлаганча сархуш хотинин.

## **БИРИНЧИ САРБОЗ**

Чингиз ила Жалолиддин олишди якка,  
Үт чақнади икковининг қиличларидан.

Шундайин бир қулочкашлаб урдики оғам,  
Учиб кетди қари шайтон қўлидан шамшир.  
Чингиз қочди, ҳа-ҳа, қочди калтак зарбидан  
Эси оғиб қолган довдир болага ухшаб.

### ИККИНЧИ САРБОЗ

Жалолиддин унга қараб отди арқонни,  
Сиртмоқ бориб нақ бўйнига тущди, ёпирай.  
Энди тамом дедим, тамом, бизники зафар,  
Чунки сиртмоқ солинганди унинг-бунингмас,  
Чингизхоннинг ўз бўйнига — хоқон бўйнига.  
Аммо қари тулки сиртмоқ тушар чоғида.  
Бош бармоғин ипга бундай ўтказган экан.

### БИРИНЧИ САРБОЗ

Бармоғи-ла ечди маҳдуқ арқонни, қаранг,  
Улоқтириб ташлади-да уни бўйнидан  
Фойиб бўлиб қодди бирдан қоронгулиқда.  
Уни қанча изласак-да фойда бўлмади,  
Черигини аммо янчдик, қириб ташладик.

### ИККИНЧИ САРБОЗ

Ўлганда ҳам учмас энди тамға сингари  
Чингизхоннинг бўйнидаги сиртмоқ излари.

### ҚАРИЯ

Энди Чингиз оёғига керак бир тушов,  
Эшак этиб минар уни ҳали йигитлар.

(кулғи)

Жалолиддин билан Ёвқоч ботир кирағи.

### ЖАЛОЛИДДИН

Юзингизда бир беғубор табассум кўриб,  
Сўзингизда кўриб фурур тошқинларини  
Кўнглим ичра пайдо бўлган нурларни айтсам  
Тавсифига унинг кечакундуз етмагай,  
Лекин ҳали гал келмаган сўз лашкарига,

Кўнглингизда саф-саф бўлиб турсинлар сўзлар,  
Ишлатурмиз биз уларни яхши кунларда.  
Бугун саф-саф жангга кирсинг жасур сарбозлар,  
Тин олмасдан ишласинлар қиличларимиз.  
Шамол каби отларимиз учқур бўлсинлар,  
Кўчки каби отилсин ўқ тўплар оғзидан.  
Тушса ҳамки сиртмоқларга Чингиз бош бермас,  
Балки унинг сиртмоғидан Она-еримиз  
Бўғилганча адо бўлиб борар кун сайин.  
Бу сиртмоқдан дараҳтлар қуримоқдалар,  
Сомон янглиғ сарғаймоқда гуллар, майсалар.  
Ҳаттоки кенг дара-ю даشت, саҳро бўғилиб,  
Худди қари кампир каби бужмайиб турса,  
Энди кўзин очган гўдак бешик ичида  
Нафаслари қайтиб, титраб биф-биф йиғласа,  
Нечун тиғга айланмасин бизнинг мўйимиз,  
Қаҳримиздан қонхўр Чингиз лашкари нечук  
Парчаланиб кетмасин худ ўқ еган тошдек.  
Акс ҳолда кўр бўлгани яхши кўзимиз,  
Шал бўлгани яхши оёқ-қўмларимизнинг.  
Гар ҳаммамиз битта бўлиб Чингиз сиртмоғин  
Узолмасак, уни буткул ернинг юзидан  
Худди тердан доғни ювган каби сидириб  
Ташломмасак, ҳаром бизга одам деган ном,  
Ҳаром бизга оналарнинг берган оқ сути.

*(Одамларга яқинроқ бориб)*

Боринг энди, қалқон бўлсин кўксингиз юртга,  
Кўнглингиздек ҳушёр тортсин қорачуғингиз.  
Тилингизнинг учларида қолган қўшиқлар  
Эрта-индин оқ тонгларда қанот қоқсинлар.

*Одамлар унинг сўзларини маъқуллаб, ола-ғовур ичи-  
да тарқаладилар. Жалолиддин билан Ёвқоч ботир ёл-  
ғиз қолади.*

**ЁВҚОЧ БОТИР**

Армон менинг вужудимни қамраб борадур,  
Қонлар эмас, оташ ёнар томирларимда.  
Занкижанинг ўйилган ул кўзлари менга  
Ўч ол, ўч ол ёғийдан деб айтгандай бўлар.

Қандай шаҳло эди, ахир, унинг кўзлари,  
Худди чўлпон каби айлар эрди жилвалар.  
Улар мангу порлайди деб ўйлаган эдим,  
Шуъласидан маст бўларман дердим бир умр.  
Ёкий ўйиб ул кўзларни мени кўр этди,  
Зимиштонга айлантириди ёруғ дунёни.  
Ҳаммасига мен айбдор, ҳа, мен айборман,  
Асролмадим Занкижамни, муҳаббатимни.  
Унинг жангта киришига нечун йўл қўйдим...

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Занкижанинг кўзларини ўйган билан ёв  
Севги кўзин ўябилмас. Севги кўзлари  
Шундайин бир пок нурларнинг соҳибиурким,  
Кор этолур унга на тиф, на ўқ, на оғу.  
Севингизнинг кўзи демак доим очиқдур.  
Унинг ила боқиб еру осмон рангига  
Кўп рўшнолик курур ҳали юракларингиз.  
Асириқдан озод этиб олдинг ёрингни,  
Унинг юмуқ кўзларини кўзингга суртиб,  
Сев ёрингни, бутун жону танинг ила сев.  
Севги кўзи очиқ бўлган қизни камситиб,  
Ожиза деб айтмоққа йўқ, ҳеч кимнинг ҳаққи.

*Мулозим кирағи.*

### **МУЛОЗИМ**

Бир нотаниш, шубҳали зот олинди асир,  
Жавоҳирга, олтинларга тўла сандиги.  
Ёлиз Сизга айтадиган сўзи бор эмиш,  
Кирмоқ истар асир Сизнинг ҳузурингизга.

*Жалолиддин «кирсин» деган ишорани қиласи. Қўллари боғлиқ Хўжа Бадриддинни олиб киришади. Сан-дикни ҳам келтиришади.*

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Шубҳали зот бу сенмидинг, Хўжа Бадриддин,  
Бу ёқларга сени қайси шамол учирди?

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

*(сангиққа ишора қилиб)*

Бу отангиз қирқ туяга ортмоқлаб кетган  
Сандиқларнинг биттасидур, уни мен топдим.  
Унинг дуру жавоҳири ила жаҳонни  
Бошдан-оёқ кийинтирмоқ, тўйдирмоқ мумкин.  
Уни сизга топширмоқни фарз деб англадим,  
Неучунким, сиз ворисисиз бу лаълу дурнинг.  
Не заҳматлар ила бунда етиб келганда  
Асир этиб олди мени сарбозларингиз.

*Паришон ҳолда Занкижа киради. У пайпаслаб одим-лайди.*

### **ЗАНКИЖА**

Мен қайдамен, эшитилар кимнинг товуши,  
Бу товушнинг озори кўп қулоқларимга.  
Сўйлаётган кимса кимдур?

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Занкижа, жоним,  
Нечун ўксик кўнглинг яна бўлди безовта,  
Чодирингни тарк этишга не қилди мажбур?

### **ЗАНКИЖА**

Қошимга кел, қўлингни бер, менинг ботирим,  
Қўлларингга суянмасам қулашим аён.  
Бошларимдан қайноқ сувлар қуйғанларида,  
Сочим кесиб, қўзларимни ўйғанларида,  
Фойибона шу қўлларга қўлимни бериб,  
Юрагимга журъат олдим, руҳимга далда.  
Ёвуз овоз худди қайноқ қўроғошин бўлиб,  
Фавқулодда қулоғимга қуюлган бу дам  
Яна шу қўл асраб қолди мени қулашдан.

*(сукум)*

Гарчи номин эшитишга йўқдир тоқатим,  
Ўтинамен, аммо айтинг, қаршимда турган  
Кўмир каби қора шарпа кимнинг арвоҳи?

*Хўжа Бадриддин ҳаяжонга тушади. Занкижа сеска-ниб кетади.*

Мен-ку кўриб турмоқдаман сени, нобакор,  
Тулки каби минг алфозга киришинг бекор.  
Юзингдаги ниқобингни йиртамен ўзим,  
Сен уйдирган кўзим каби қонлидур сўзим.

### **ХЎЖА БАДРИДДИН**

Ёлғон, ёлғон! Бу аёлнинг сўзи фирт тухмат,  
У адашиб мени бошқа хаёл этадур.  
Унга қандоқ ишонурмиз кўзи бўлмагач.

### **ЗАНКИЖА**

Менинг ерга оқиб тушган қора кўзларим  
Қора тупроқ қучоғида тутмишдур макон.  
У тупроқнинг остларида туриб дунёнинг  
Яхши-ёмон одамларин кўрар кўп аниқ.  
Мену мендек кўзи оқиб тушган кишилар  
Кўзи ила Она-замин кўрар оламни.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Бу маҳлуқнинг кўзларини энди мен ўяй,  
Ҳўқиз каби бақиртириб қонига бўяй,  
Ки, дунёга келганига бўлсин пушаймон.  
У Ўтрорга маҳфий мактуб йўллаб, сотқинлик  
Ва хиёнат ботқоғига ботган оніда  
Топширилса эрди магар менинг қўлимга  
Чиритардим суюгини ўша ботқоқда.  
Ўшанда ҳам сувдан қуруқ чиқди бу баттол,  
Келиб-келиб Занкижани... Эҳ, илон, илон!

*Хўжа Бадриддинга ташланади.*

### **ЗАНКИЖА**

Шошма, сўзим айтиб олай.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Сўйла, Занкижа.

## **ЗАНКИЖА**

Фунча очган гул умримни толтагач Чингиз  
Чури этиб қўйди мени битта нўёнга.  
Мен үзимни үлдирмоқнинг пайида эрдим,  
Заҳарли ул ҳаёт ичра излардим заҳар.  
Шундай аччиқ-заққум кунда Ҳўжа Бадридин...  
Кўриб қолган эди кўзим ногаҳон унинг  
Итдек ялаб турганини Чингиз ялорин.  
Удир ёвга топиб берган олтин конларин,  
Удир она-болаларни қатл эттирган.  
Удир ёвни бошлаб борган Ҳурганж устига.  
Мен қасд этдим бу соткинни үлдирмоқликка,  
Йўлларига фойибона қурдим тузоқлар.  
Илон ёғин ялаган бу иблис чап берди,  
Ва Чингизга ўйдиртириди менинг кўзимни.

## **ХЎЖА БАДРИДИН**

*(Жалолиддиннинг оёғига йиқилиб)*

Туҳматларга қурбон этманг мени султоним,  
Сиз адолат офтобисиз, мен бир қулингиз,  
Оёғингиз ўпай, рухсат айланг шоҳаншоҳ.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Сенинг умринг иборатдур оёқ упишдан,  
Энди сени ўлим кутар, ўтмас кўзёшинг.

## **ХЎЖА БАДРИДИН**

Шундайми? Ҳуп, үлдир, үлдир. Дунёга келиб,  
Мен ватандан нима кўрдим? Фақат дардисар...  
Нима топдим фарзанд бўлиб, ахир, бу юртта?  
Кўзёшини кўравериб юрагим зада,  
Тоқатларим тоқ бўлди, тоқ. Мен бу дунёга  
Кўз ёшини кўрай дебмас, ҳаёт шаробин  
Сипқорай деб келганмен, ҳа, сипқорганмен ҳам.  
Лекин сендан, сенинг отанг илидан эмас,  
У хўрлади мени, менинг ота-бобомни,  
Амал берди оёғимга етмаганларга.  
Менга на ер берди, на сув, на мулк-мудора,  
Чингизхоннинг даргоҳидан топдим баҳтимни.  
Отангнинг бул сандифини сенгамас, йўқ-йўқ,

Элтар эрдим унга — олампаноҳ, хоқонга.  
Буни сендан тортиб олур эртага Чингиз,  
Ана шунда у ёд айлар мени ҳам албат,  
Эста олур риёзатли заҳматларимни.  
Мен итоат эттирганмен унга Үтрорни,  
Ҳурганжни мен тиз чўктириб берганмен унга.  
Қари отанг тагига сув қўйган мемман, мен.  
Енгилмас деб ном олган чўнг салтанатингнинг  
Жон томирин қирқдим пинҳон пичофим ила.  
Худди ари ини каби бузиб саройни  
Тұс-тұполон қилдим, остин-устун айладим.

### ЖАЛОЛИДДИН

Сен Ватанинг ёвларига хизматинг айтиб,  
Гердаюрсен, уялмассен, ҳамиятинг йўқ.  
Ким дон берса сен ушанинг товуғудурсен.  
Тилга олдинг ҳали Она кўз ёшларини,  
Қўравериб уни ҳар кун бўлмишсен зада.  
Ахир, сену сенга ўхаша сотқинлар макри  
Юрагига ханжар каби санчилиб турса,  
Ўғлим дея суюб-сийлаб эркалагани  
Хоин бўлиб чиқса, қалбин пора айласа,  
Кўзларидан қонли ёшлар отилмай нетсун!  
Ул ёшларнинг ҳар томчисин кўзга суртмоқдан,  
Ҳар томчисин дил қатига пайванд этмоқдан  
Сен маҳрумсен. Сен маҳрумсен Она сўзини  
Тилга олмоқ ифтихори, севинчларидин.  
Ўз дўстини соттганларни кўп кўрган дунё,  
Хотинини соттганларни оз кўрган эмас.  
Ўз боласин соттганлар ҳам бўлган, кўрганмиз,  
Ўз танини соттганлар-ку ҳадсиз-ҳисобсиз.  
Сенинг макринг ошиб тушди уларницидан,  
Сен Онантгни сотдинг, туқсан Онантгни сотдинг.  
Қора иблис ўз кўксини эмаётганин  
Билса эди мушфик Она, ё сени бугиб  
Үлдиради гўдак чоғинг, ё ҳущдан айри  
Ўз соchlарин ўзи юлар эди аламдан.  
Чумолининг, қўнғизнинг ҳам бор ўз онаси,  
Онаси бор чархи дунда бори жонзотнинг.  
Бори она меҳри ила тирик ва боқий.  
Энг ашиаддий йиরтқич ҳайвон ҳам ўз онасин  
Бағрин тилмас, қорнин ёрмас, ёвига бермас.  
Онасидан юз ўтирган, унинг кўксига  
Оёқ босган яккамараз хоинга ўлим!

## **ХҮЖА БАДРИДДИН**

Үлдир, аммо бордир сени үлдиргувчи ҳам,  
Ўлаётиб жанозангни ўқиб кетурмен.

## **ЗАНКИЖА**

*(Хўжа Бағриғдиннинг рӯпарасига келади)*

Онасидан юз ўтирган сотқинга ўлим!

## **ҲУР ҚИЗЛАР ОВОЗИ**

Онасини ёвга сотган  
Хоинга ўлим!

Занкижа бошини ғоз тутиб, ҳур қизлар овози келган томонга кетади. Ёвқоч ботир унга талпинганича қолади. Хўжа Бағриғдинни олиб чиқадилар.

*Мулозим киради.*

## **МУЛОЗИМ**

Можария султонидан элчи келибдур.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Айт, кирсин.

*(Элчи киради)*

## **ЭЛЧИ**

Салом қабул айлагайсиз Можар элидан,  
Элки, Сизга хайриҳоҳдур, кўнгли Сиз тараф.  
Чингизхонга сиз етказган илк талофат  
Кўп сарафроз этмиш бизнинг султонимизни.  
Келтирғанмен онҳазратдан илиқ қутловлар.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Можария султонига ташаккур.

## **ЭЛЧИ**

Ул зот  
 Бирлашмоқни Сизга лутфан таклиф этадур.  
 Икки давлат құшинларин якқадам этиб,  
 Чингиз сари юриш қилмоқ истагимиздур.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Эндими? Мен мактуб йүллаб сизга интизор,  
 Мадад күтганимда, ахир, қайда әдингиз?  
 Ъқ-яроғим тугаб, отим чарчаб қолганда,  
 Шаҳрингизнинг дарвозасин қоққанда әлчим,  
 Уйқудан бош күттармаган султонингизнинг  
 Кўзи энди очилдиму?

## **ЭЛЧИ**

Аччиқ таъналар,  
 Дашномларга Можария лойик эрмасдур.  
 Султонимиз Сиздан аниқ жавоб кутадур.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Жавобим шу: султонингиз борлиғ лашкари,  
 От-улови, тож-тахтини менга топшурсин.  
 Шунда етмас ерингизга Чингиз қадами,  
 Можария хавф-хатарсиз яшар осуда.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Гап тахтдами, ахир...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(кеескин сұзини бұлиб)*

Хұп, борди-ю бирлашсак,  
 Минг-минг сарбоз, лак-лак құшин түплай олсагу  
 Фармон берса икки ёндан унга икки тахт,  
 Қай бирига қулоқ солур бечора черик?  
 Йўқ, құшинга ягона құл керак, ягона.

## **ЭЛЧИ**

Маъзур тутинг, можарларни билмас экансиз,  
 Ўз тахтини ўзгаларга бермоқ одати  
 Уларга ёт, можар ўз кучи, қудрати-ла  
 Қодир эрур ҳар қандайин ёвни енгмоққа.  
 Бирлашмоқлик истагини ожизлиқдан деб  
 Тушунганлар адашурлар.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Можарияни  
 Қарам қилмоқ фикри бизга ёт деб үйлайман,  
 Чўнг, мустаҳиқ икки маъво Хоразм, Можар.  
 Қадим битта қавм бўлган эканмиз, қондош,  
 Яна ҳамдам бўлсак қандай сара, кўп яхши.

## **ЭЛЧИ**

Нечун унда тахтимизни талаб этурсиз?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(жаҳлга миниб)*

Можар султонига айтар бўлак сўзим йўқ.

## **ЭЛЧИ**

Афсус бўлғай. Лекин билинг, Можариянинг  
 Кучи худди Хазор тўлқинидай чексиздур.

*Элчи таъзим бажо этиб, виқор билан чиқиб кетади. Музaffer Malik асабий ҳолатда кириб келади.*

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Қулоқ эшиитмаган гап бу, кўз кўрмаган гап,  
 Сарҳангларга бўйсунмаса, ахир, сарбозлар,  
 Ахли навкар тиф ўқталса саркардасига,  
 Бу қўшиннинг заволидан нишонамасму?!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ойдин сўзла сўзинг, Малик, не ҳол юз бермиш?

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Кўзим тушиб қолди сарҳанг ила сарбознинг  
Ўлжаки устидаги мубҳам можаросига.  
Шунчаки бир баҳсдур деб ўйладим аввал,  
Ўтиб кетаётган эдим қилмайин парво.  
Бирданига кўпайишиб қолди сарбозлар,  
Бир-бирининг ёнин олиб сарҳанг устига  
Таъна тошларини тинмай ота кетдилар.  
Сарҳанг буйруқ берар эди тарқалинг дея,  
Кўпайишиб борар эди сарбозлар билъакс.  
Мен ҳам буйруқ бердим сарбозларга устма-уст,  
Ҳеч бирори тингламади аммо сўзимни.  
Қўшин ичра кўтарилди алқисса низо.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Йўқ, эртакдур айтганларинг Музатфар Малик,  
Ишонмасмен, ишонмасмен қулоқларимга.  
Сарҳангга тик қарамоқдин ор этган сарбоз  
Бугун келиб энди унга муштин ўқталса,  
Буйругини бажаришдан бўйин товласа...  
Йўқ, ёлғондур, уйдирмадур сенинг айтганнинг.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Мен ҳам истар эдим унинг ёлғон бўлишин,  
Афсус бўлғойким, бори чин.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Боиси недур?

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Кечаги жанг чоғи қўлга кирган ўлжалар  
Сарбозларнинг ўртасида ол-ол этилган.  
Бир мири ҳам берилмаган саркардаларга,  
Улуши теккан эмас сарҳангларга мутлақо.  
Шундан тепа сочи тикка бўлиб сарҳанглар  
Зуғум ўтказганлар сарбозларга бир талай.  
Аҳли сарбоз тўнни кийиб олган тескари,  
Ўлжа боис чиққан оддий ғавғо ўт олиб,  
Исён алангаси ўрлаб бормоқда кўкка.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Сарбозларга ўлжаларни ким ҳадя этган?

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Мен. Уларга эрк бердим ўлжа бобида.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Сен? Эрк бердинг черигингга? Ўлжа устига  
Сенинг амринг билан ташландими сарбозлар?

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Улар олмаганды, ўмаради сарҳанглар,  
Қаппайтириб кетардилар ҳамёнларини.  
Семиз қоңдан фарқлари йўқ...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(тумтоқиб)*

Нима деюрсен?  
Оқни қора демоқдиқдин ор этмасмусен.  
Ҳарб илмида якто, алгу ўқтам сарҳанглар  
Дарз кетмаган устунлари эмасму юртнинг,  
Улармасму қўшин қўзи, ақли, шуури?  
Қандоқ ҳаддинг сифди аразлатиб уларни,  
Ўлжаларни сарбозларга очиб-сочмоққа.  
Бемаслаҳат иш қилибсен, саҳв этибсен,  
Тонг-ла ўтру ўзбидигу бўлиб кетибсен.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Жанг тақдирин ҳал этгувчи сарбозлар эрур,  
Жон олиб жон бергувчилар улар — сарбозлар!

*(сукум)*

Мен-да улар каби аввал эрдим бир сарбоз,  
Жоним имма-тешик бўлиб кетса ҳам жангда  
Қилич ўйнатмоқдин қайтган эрмас қўлларим.  
Бир томчи сув илинжида қўзим жавдираб,

Дарё булиб күринганда даштларда сароб,  
Еңий куршаб олганида ёхуд турт ёндан,  
Пойимда ҳам, устимда ҳам ёнганида үт,  
Мени ўлим чангалидан сарҳангар эрмас,  
Ўз тулпорим олиб чиқкан, ўз ақлим, кучим.  
Кеча жангда ўлим билан келиб юзма-юз,  
Тизза бўйи қон кечганин кўргач сарбознинг,  
Тайёр эрдим ҳар бирини кўксимга босиб,  
Ҳар бирига дунё молин ҳадя этмоққа.

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Сарҳангар-чи? Улар жангга кирмадиларми,  
Олов ичра жон олиб, жон бермадиларми?  
Сен ўзинг-чи? Уст-бошингга сачраган учқун  
Ҳали-ҳануз ўчган эрмас, куйиб борасен.  
Сарбозга эрк бериб, кимни тийиб борасен?  
Сарҳангарни қарши қўйдинг ўзингга, бизга.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Низо чиққан қўшин руҳи оқсар савашда,  
Оқсоқ руҳнинг на қайнови бўлар, на чўғи.  
Сарҳангарнинг кўнглидаги мавжлар ўрнида  
Музлар пайдо бўлур, музлар... О, Ёвқоч ботир,  
Сен не қилиб қўйдинг, уйла, не қилиб қўйдинг?

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Сарбозларнинг кўнглин овлаш гуноҳ саналса,  
Бу гуноҳни такрорлашга яна тайёрмен.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Йуқ, гуноҳинг ювасен сен бошқа алфозда,  
Муросага келтирасен уларни ўзинг.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Қандоғ қилиб?

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Берган ҳукминг бекор этасен.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Йүқ, мен ундоқ қилолмаймен.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Амр этамен!

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Ха, сен амр этадурсен, ахир, султонсен,  
Султонларнинг амри вожиб бўлур, билурмиз.  
Бажо айлаб келдим неки буюрсанг, айтсанг,  
Аммо бу гал сўзинг ерда қолмоғи аён.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

*(Жалолиддинга)*

Исён сардорларин бунда олиб келганмен,  
Қилишлари учун балки жавоб берурлар.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Олиб киргил ҳузуримга уларни тезроқ.

*Музатфар Малик чиқади.*

Улар ила гап қисқа бўлур.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Ёраб, бу не ҳол?!

*Музатфар Малик ва соқчилар қуршовида сарбозлар  
киришади.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Исён кўтарган жасурлар ҳали сенларму?

## **БИРИНЧИ САРБОЗ**

Исён эмас, сарҳангларга ҳақ сўзни айтдик.

## **ИККИНЧИ САРБОЗ**

Оч кўзлари, ахир, қачон тўяр ўлжага?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Улар ёмон, сенлар яхшисанлар, шундоғми?

## **УЧИНЧИ САРБОЗ**

Сарғангларнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам бор.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Жим! Ким ҳуқуқ берди сенга сарғангни айблаб,  
Тилингни бир қарич қилиб гапирмоқликка.  
Мен сенларни жазолаймен қилмишларинг чун.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Уларда айб йўқ.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Буларни олиб чиқингиз  
Ва айлангиз банди зиндан.

## **САРБОЗЛАР**

Не учун? Сабаб не?

*Сарбозларни олиб чиқадилар.*

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

*(сукутдан сўнг, қатъий оҳангда)*

Бизга имдод бўлиб келди дўстлик, жондошлик,  
Ундан руҳу қувват олдик музтар дамларда.  
Парчалашга уни ёғий этди ожизлик,  
Бироқ уни сенинг ўзинг емирмоқдасен.  
Ҳозиргина илдизига ўз қўлинг ила  
Икки марта болта урдинг, у дарз кетди, ҳа.  
Бирлик истаб келган қардош Можар элидан  
Тахт талаб этдинг, ҳамкорликни раҳ қилдинг.  
Мен зарбадан ўнглолмайин турганда ўзни  
Ул дўстликка сен иккинчи болтани урдинг.  
У мажруҳдир энди, мажруҳ... Ҳа, энди сенинг  
Ҳузурингда қолмоғлигим мушкулдир, мушкул.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Сенинг, менинг, бизнинг холис дүстимиз битта,  
У ҳам бұлса халқимиздир, она халқимиз.  
Уни ёфий талаётір, бұғызлаётір,  
Юрагига санчаётір минг-минг наштарлар.  
Жонимизни унга малҳам эта билмасак,  
Дүстлигимиз унга сұяңч бұлолмаса гар,  
Бундайин жон, бундай дүстлик кимга ҳам керак,  
Тил борарми уни дүстлик дея аташга?  
Сен гапирған маломатлар, аччик гиналар,  
Күнглинг ичра ёттан қора үкінч тошлари  
Халқ ташвиши, халқнинг ғами-оҳи олдида  
Бир урвоқдир, уни зухұр этмоқ тилга ор.  
Оғир-оғир сұқмоқлардан оша-тирмаша  
Катта йұлға чиққанида бизнинг халқимиз  
Ички гина-қудуратлар, ғараз низолар  
Ҳар гал уннинг оғеғига уради тушов.  
Икки одам орасига түшган совуқлық  
Не-не дилдә музлар пайдо қымлоғи мүмкін.  
Ва биләкс икки жоннинг дүстлик тафтидан  
Оташ олур халқнинг совуқ қотган ҳаёти.  
Үз халқига сұянади асл сарбозлар,  
Сарбоз — халққа, халқ — сарбозға эш бұлмоғи  
шарт.

Дүстлик — элу юрт жонига дармонлиғ демак,  
Бусиз дүстлик қуруқ бир сұз, қуруқ бир хитоб.

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Уни қуруқ сұзға айлантирган мен эмас.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Эсингни йиф, нималар деб вадирайпсан,  
Аччик қилиб ё чиндан ҳам кетмоқчимисан?

## **ЁВҚОЧ БОТИР**

Ха, кетаман!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ахдингдан қайт!

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Шайтонга ҳай бер.

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Тушунамен, Чингиз шохи сингани билан  
 Боши унинг омон эрур, тишин қайрайдур.  
 Шундай тийра дамда сени ташлаб кетмоқлик  
 Менинг учун күп оғирдир, лекин на илож.  
 Кутмаганда чил-чил синди күнгил шишаси,  
 Уни қайта тиклаб бўлмас. Хайр, мен кетдим.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Тўхта! Бизга англатиб кет, қаён борурсен?

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Қаён борур шаъни тахқирланган саркарда,  
 Унинг Она тупроғидан бўлак не бойлиқ,  
 Не мулки бор... Туқсан юрти унинг тутқиндир,  
 Ўз уйининг қопулари унинг учун берк.

*(сукут)*

Дашт-саҳролар маскан бўлур менга, эҳтимол,  
 Отим мени ора йўлда қолдирмас шояд.  
 То тирикмен, шамиширимни қўлдан қўймасмен,  
 Онам учун ва Занкижам учун, юртим учун  
 Ёғийлардан уч олурмен қайларда бўлмай.

*Кета бошлиди. Яна уни Жалолиддиннинг овози тўх-  
 матади.*

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Шошма! Айтгил, унудингми ичган онтингни?  
 Учаламиз ака-ука булиб умрлик  
 Қалбимизни бир-бирига пайванд этганда,  
 Қўллардаги тифимизни уртага қўйиб,  
 Онтимииздан ёритганда булатли кунни  
 Юзларингда кўринган нур оманатмиди?  
 Ўз тувишган укаларим ўтирганда юз,

Сенга оға бұлганимдан севинганларим  
Пуч экан-да? Жаҳлинг устун экан онтингдан,  
Үлмай туриб қасамини бузган сен бұлдинг.

### ЁВҚОЧ БОТИР

Қасам... Билсанг үшанда мен дунёга келиб,  
Илк бор баҳтли сезган әдім үзимни, илк бор.  
Сендей улуғ саркардага ука бұлганим,  
Сени оға демоқ баҳти, энтикишлари,  
Севинчлари ёр бұлгани учун тақдирга,  
Мен раҳматлар айтар әдім кечаю-кундуз.  
Қиличим ҳам енгис күчар эрди жанг ҷоғи,  
Писанд этмас эрдим асло дайди үқларни.  
Сенинг номинг айтиб ёрат эрдим қуршовни,  
Сенинг учун гирдобраларга үзни урадим.  
Ва номингдан илхом олиб енгардим ғовни,  
Тулпоримга ҳамиша ёр эрди зафарлар.  
Лекин бутун күнглимдаги чүрга сув сепиб,  
Қасамни сен буздинг, оға!

(сукут)

Ҳали ҳам кечмас  
Сарбозларни маҳрум этма инъомларидан,  
Мени юзи қаро қылма улар олдида.  
Ташлатмагил зиндонга ул гуноҳсизларни.  
Аввалидек қанотингда бұлурмен ҳар дам,  
Яхши-ёмон кунларингда ёнингда ҳамдам.  
Сарбозларни ранжитмасанг, үкситмасанг бас.

### ЖАЛОЛИДДИН

(узоқ сукутдан сұнг)

Йұқ. Шарт құйса орага ким хосияти кам,  
Ақа-ука бұлиб бұлмас шарт құйиб, алқол.  
Бу шартингни бажарсам мен балки сен яна  
Бошка бир шарт үйлаб топурсен. Йұқ, сұзим-сұз,  
Амрим бажо айла, берган ҳукминг бекор эт.

### ЁВҚОЧ БОТИР

Начора. Үз онтимизни буздик үзимиз,  
Кондошликтинг иртиёқи<sup>1</sup> бизга ёт экан.

<sup>1</sup> Иртиёқ — осойишталик.

Балки тұғри келмагандир бизнинг қонимиз,  
Мен сарбоздан чиққан одам, сиз аслзода.  
Кім биладир, менда эрур балки маъюблік<sup>1</sup>,  
Илик беріб саройга мен балки сахь этдім.  
Лекин зарра ачинмасмен ўтган кунларга,  
Учовлон бир киши бўлиб довонлар ошдик,  
Босқинчидан юртимизни этдик ҳимоя.  
Ачинамен фактад гардсиз туйгуларимнинг  
Оёқ ости бўлганига, топталганига.  
Ачинамен мен сизларга худди ўзимга  
Ишонгандек ишонганим, суюнганимга.  
Ул соддадил сарбозларга ачинар дилим,  
Мукаррам деб билур, ахир, улар сизларни.  
Сизлар бўлса...

**(қўл силтаб)**

Майли, тақдир экан. Хайр!

*Кетади. Оғир жимлик чўқаги.*

**ЖАЛОЛИДДИН**

Сарбозларни тинчит бориб, Музаффар Малик,  
Дучор бўла кўрмасинлар улар қаҳримга.

**МУЗАФФАР МАЛИК**

Ёвқоч ботир лойик, эрур жазога.

**ЖАЛОЛИДДИН**

Йўқ-йўқ,  
Ҳар не қилса ул инимдур...

**(сукум)**

Бор, Малик, тез бор.

*Музаффар Малик кетади. Жалолиддин чуқур ўйга  
толади. Дилни эзувчи ҳазин мусиқа қулоқча чалинади.  
У бора-бора кучаяди. Она ва ҳур қизлар кирағи.*

**ОНА**

Юрак-бағрим эзіб-эзіб келди бир нидо,  
У фифоннинг ўзи эрди, эрди ўқирик.

<sup>1</sup> Маъюблік — айбдорлик.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Менинг күнглим юрагингга пайванд эрканким,  
Эшитибсен дилимдаги пинҳон оҳларни.  
Она-замин, сенга ҳамма нарса аёндур.  
Бирдек кўриб турар кўзинг чину ёлғонни.  
Менинг айбим нимадур, айт, нечун баҳтим кож?

## **ОНА**

Сенинг кучинг ўзингга ҳам дўстдур, ҳам душман,  
У жанглардан олиб чиқур сени музaffer.  
У жисмингга ва руҳингга баҳш этур қанот,  
Шу боисдан ўзингга дўст дедим кучингни.  
Душманлиги шундаки, сен унга ишониб,  
Назарингта имлаюрсан пасту баландни.  
Инсон ила қувватлидур инсон боласи.  
Инсонларсиз сенинг кучинг оний бир шамол,  
Шатир-шутир чопқиллар-да ўтар-да кетар.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Не ёмонлиғ қилдим инсонларга, билмасмен,  
Бир пособон деб билдим ўзни инсон зотига.

## **ОНА**

Ўзингга ҳам уни пособон дея билдингму?

*(сукум)*

Пособон эрур аҳли инсон бири-бирига,  
Бири суяр иккинчисин. Сен ҳам суянчга  
Муҳтоҷдурсен, гар сultonсен, гар паҳлавонсен.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ҳа, таянчга муҳтоҷдурман, жуда муҳтоҷман,  
Гоҳ муаллақ сезадурман ўзни беафзо.  
Гоҳ, беҳудуд кўринади кўзга ғам дашти,  
Кипригимга инган намга гоҳ, қўлим парда,  
Гоҳ, тишлармен уҳ, демоққа келган тилимни.  
Ёв уқидан майиб-мажруҳ, бўлган қалъалар  
Менинг кўксим эрур, менинг жисмим, юрагим.

Бу ҳам етмагандек икки күзим, водариг,  
Душман эрур бир-бирига, айблар бир-бирин,  
Бири тайёр күр этмоққа иккинчисини.  
Укам Құтбиддин құксимга үқталар пичоқ,  
Укаларим Оқшох, Пиршох, мени ұлдирмок  
Қасди ила тузиб фитна изғиб юрарлар.  
Ү ёқда кин, риё, бунда — құшында низо...  
Бу дахр аро нетмоқ қерак, не қылмоқ даркор?

### ОНА

Эңг аввало қанотларинг бут бұлмоғи шарт,  
Тарк айлаган қанотингни қайтар, бор, қайтар.

### ЖАЛОЛИДДИН

Йүқ, қайтариб олинмагай туф деган туфик,  
Бир қанотдан айрилганим билан үлмасман,  
Сұзларингни рад эттаним учун авф айла.

*(Сұхбаттаға қулоқ солиб турған қыздар орасыда  
безовталиқ)*

### ОНА

Ана, қора булут қоплаб келар осмонни,  
Ёмғир каби қалқимоқда киприкларда нам.  
Гүлдираклар гумбирлайди сенинг бошингда,  
Гүлдираклар, чақын-яшинлар.

### ХҮР ҚИЗЛАР

Гүлдураклар гумбурлайди  
Сенинг бошингда.

### ОНА

Ой қыздарим, ёмғир қүйса ивиб қолманглар,  
Барингизни олай, келинг, қучоқларимга.

*Она ҳур қыздар томон յориб күздан ғойиб бұлади.*

### ЖАЛОЛИДДИН

Тұхта, Она-замин!

*(сукум)*

Кетди.

*(Маъюс ўлтиради, сўнгра жунбушга келади)*

Қула, эй фалак!

*Музaffer Малик киради.*

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Изн айла, олиб келдим нохуш хабарлар,  
Ёвқоч ботир ила кетиб қолди қўшини,  
Ўн минг сарбоз кетди унга эргашиб, ҳайҳот!

### **ЖАЛОЛИДИН**

Ўзингни бос, Малик.

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Бот-бот дўмбира чалиб,  
Қора қарғалардай гувлаб келмоқда ёғий...

### **ЖАЛОЛИДИН**

Улар қора қарға бўлса, сен шерсан, Малик,  
Кўлингга ол шамширингни қани, шерона.  
Менинг қолган ҳар бир жангчим ўн сарбозга тенг,  
Ҳар бири бир арслондур қонларга ташна.

*(Қўшинга мурожаат этади)*

Эй, сиз қалби оташ бўлиб ёнган йигитлар,  
Эй, сиз баланд чўққиларда үсган бургутлар,  
Эй, сиз менинг жигарларим, ёвга ташланинг,  
Уринг, янчинг, қирон солинг босқинчиларга!

---

## **Х О Т И М А**

*Мұқаддимағаги охирғы ҳолат — Жалолиддин хаёл ичра паришон турибди. Үқларнинг тинимсиз овози эши-тилади. Ойчечан киради.*

### **ОЙЧЕЧАН**

Жоним болам, домга тушиб қуршовда қолдик,  
Қил устида турар хотинингнинг ҳаёти,  
Ёғий ханжар үқталмоқда болаларингга,  
Хотин-халаж қий-чувидан титрар еру кўк.  
Сендан ўғлим, энг сўнгти бор ўтингчим бордур,  
Уни адо айламоққа куч топ ўзингда.  
Ўлганимиз яхши ёвга асир тушгандан,  
Балиқларга ем бўлайлик — дарёга оқиз.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Нималарни эшитмоқда қулоғим, ёраб,  
Кар бўлганим яхши эрди.

### **ОЙЧЕЧАН**

Сен мард ўғлимсен,  
Ёшлигингдан шу дамгача сени мард кўрдим.  
Ҳаётимнинг сўнгига ҳам мард кўрай сени,  
Фақат шунда тинч ётарман у дунёда мен.  
Тез бўл, бизни ўз қўлинг-ла дарёга оқиз,  
Хотинингнинг илтижоси, хоҳиши ҳам шу.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Мени армон ўтларига ташламанг, Она,  
Шафқат билмас қайнаб ётган ёвуз гирдобрлар.

### **ОЙЧЕЧАН**

Аммо Чингиз чангалидан афзалдур гирдоб,  
Гирдоб мазах этмас, гирдоб шармисор этмас.  
Оч йўлбарсдай бир ҳамлада ютар-да қўяр.

*Музаффар Malik киради. Жалолиддин ишора ила унга гапиришга рухсат бермайди.*

У ютмоқда қалъаларни, кентларни бир-бир,  
У ютмоқда чаманларни, гулу боғларни.  
Одамларнинг умидлари, ёргуғ орзулар,  
Оташ каби ҳовур сочган нафасларини,  
Юздан ошган оталарнинг охлари ила  
Норасида болаларнинг шұх сасларини  
Ютмоқда у, бұлды демас, түймоқни билмас.  
Хурганждан то Ҳазор буйи Абесқунгача  
Ястанган ер тушиб борар унинг домига.  
Бир зарраси әрүр өрнинг бизнинг жонимиз,  
Үпирлиб тушдик сувга — тезроқ чұқтиргил.

### **ЖАЛОЛИДИН**

Ёраббий! Ким үз онаси, хотин, боласин,  
Үз жигарин үз құли-ла ташлар гирдобга.  
Дүнё пайдо булиб бундай үғил күрганму,  
Бундан кейин құрарму? Йүқ, үзи үлмайин  
Ташламагай онасини гирдобга ҳеч ким.  
Рұзи маҳшарда мен, ахир, гуноҳларим-чун  
Не деб жавоб берурмен, не айтурмен, эвоҳ!

*Ойчечан үғлени узоқ бағрига босиб тұрады. Пешонасадан үпади.*

### **ОЙЧЕЧАН**

Үғлим, сендан миннатдормен, рози-ризомен,  
Хайр, энди... Биз учун ҳам ёвдан қасос ол.

*(сүкүт)*

Болаларнинг олдига мен борайин тезроқ,  
Сұнгги құшиғимни айтиб юпатиб қўрай,  
Сұнгги марта бир-бирларин үпид тўйсинлар.

*Ketagi.*

### **МУЗАФФАР МАЛИК**

Фақат сенинг онанг қодир бундай мардликка,  
Афзал кўрар асириқдан шаҳид үлимни.

### **ЖАЛОЛИДИН**

Сен бор, қулай бир жой танла гирдобга яқин,  
Бизни күтгил дарёнинг тез оқар жойида.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Сен уларни ростдан ҳам...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бор, буйруқни бажар,  
Үша жойга оқ отимни олиб боришин.

## **МУЗАФФАР МАЛИК**

Кўзим чиқсун кўргунича бундай даҳшатни.

*Ketagi.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен уларни оқизишим даркор дарёга,  
Сувга чўкар менинг тоза, оқ армонларим.

**(сукум)**

Кечир она, кечир мени ёrim, фарсандим,  
Халос этолмадим сизни ажал илгидан.  
Кечир мени туққан элим, она Хоразм!  
Ўз кўксимни сенга қалқон этмоқ истадим,  
Аммо уни ўқ-пайконлар этди чил-пора.  
Ўзимиздан чиқкан ўклар ўзимга тегиб,  
Бағримни қон этмасайди, менинг бу кўксим  
Ҳар қандайин ёв ўқига бермасмиди дош.  
Кўзимизни бекитмаса эди қўлими,  
Зулматларга ташлай олармиди бизни ёв.  
Уфқларни кўриб равшан, тун бағрин тилиб,  
Ёругликка чиқолмасми эдик топиб йўл.  
Тагимизга сув қўймасак бир-бирилизнинг,  
Бир-бирилиз пайимизни қирқмасак агар,  
Имонимни кафил қилиб айтоламанки,  
Юртни сувга бостиrsa ҳам минг марта ёғий  
Бизни асло фарқ этолмас эди, йўқ, асло!  
Сув остида қолиб кетмас аммо бу тупроқ,  
Туғёнлари гирдбларни енгар бир куни.  
Қайта фунча очар нурга ташна чечаклар,  
Тўйиб-тўйиб нафас олар эркин юраклар.  
Шунда улар албат бизни ёдга олурлар.

Кимлар айблаб бизга таъна тошин отурлар,  
Кимлар олқаб, шод айларлар рухларимизни.  
Тонглар отар, тонглар отар, иқбол тонглари!

*Кетади. Чингизхон, Жўжи, нуёнлар кирадилар.*

### ЧИНГИЗХОН

Қўлга тушди энди сартнинг ўғли бегумон,  
Тузофимдан асло чиқиб қоча олмагай.  
Гар ӯзини ташлар бўлса дарёга, уни  
Тўлқинлару наҳанг-наҳанг балиқлар ютар.  
Аммо уни қўлга олмоқ даркор тириклай  
Болалари, хотинлари, ҳарами билан.

*Чапа-нүён киради.*

### ЧАПА-НҮЁН

Олий қоон, кеч бир қошиқ қонимдан менинг,  
Амринг адo айламоққа етмади қурбим.

### ЧИНГИЗХОН

Тезроқ сўйла.

### ЧАПА-НҮЁН

Қочиб кетди.

### ЧИНГИЗХОН

Қочди? Қаёққа?

### ЧАПА-НҮЁН

Отини у сувга урди, от сузди-кетди,  
Бизнинг отлар сузолмади, сузгани оқди.  
Ана, сузиб кетиб борар ҳамон отида.

### ЧИНГИЗХОН

*(дарёни кузатиб)*

Ўқ ёмтирини нечун ёғдирмадинг устига?

## **ЧАПА-НҮЁН**

Уст-устига үк ҳам отдик, нафи бўлмади.

## **ЖУЖИ**

Отей, рухсат айла, отим дарёга солай,  
Уни қувиб етурмен ва банди этурмен.

## **ЧИНГИЗХОН**

Сенми? Унга етолмайсан, оқиб кетурсен,  
Жалолиддин бошқа, унинг йўриғи бўлак,  
Ўзининг ҳам, отининг ҳам бордур қаноти,  
Ўғлинг бўлса бўлсин экан Жалолиддиндай!

*(сукум. Чапа-нүёнга)*

Хотинлари, болаларин асир олдингму?

## **ЧАПА-НҮЁН**

Ҳаммасини сув қаърига чўқтириди ўзи.

## **ЧИНГИЗХОН**

Сувга энди чўқтирамен мен сени мажхул,  
Жунатамен сени ўша гирдоб қаърига.  
Мен соҳилга қувиб келдим уни талатуп,  
Охир уни чайнаб сенинг оғзингга солдим,  
Сен шуни ҳам ютолмадинг галварс, бир қоп эт.

*(сукум)*

Аввал ваъда бердинг шоҳни топиб келмоққа,  
Тополмадинг. Кейин ганжин топамен дединг,  
Тополмадинг. Энди бўлса...

## **ЧАПА-НҮЁН**

Сўзинг ҳақ, қоон,  
Шаштим йўқдир энди менинг аввалгилардек,  
Сенинг хизматингда умрим ўтиб соб бўлди.  
Талабингни бажармоққа ярамай қолдим,  
Қарив қолдим шекиллик... На илож, аммо бил,  
Ҳар қандайин ёш паҳлавон ҳам Жалолиддинни  
Асир этиб ололмасди, ола билмасди.  
Шу йилдирим деганлари, ҳа, йилдирим шу.

### *(сүкүт)*

Барибир мен айбормен, яхши қол, қоон,  
 Лойиқдурмен жазолашга ўзимни ўзим.  
 Мени сувга чўқтиromoққа амр этиб юрма,  
 Ўзимни мен сувга ташлаб ўзим ўлдиргум!

*Ketagi.*

### **ЖЎЖИ**

Тұхтат уни, отей!

### **ЧИНГИЗХОН**

Йұқ, у ұлиши керак.

*Мулозим киради.*

### **МУЛОЗИМ**

Кунчиқардан Ёвқоч ботир бостириб келди,  
 Сон-саноқ йұқ лашкарида, отлари минг-минг.

### **ЧИНГИЗХОН**

Ёвқоч ботир! Бунинг бириң енгсанг бошқаси  
 Пайдо бұлар, рұпаратанған чиқар бир дамда.  
 Аламзада Жалолиддин тинч ётармиди,  
 Унинг билан бұладиган жанг ҳали олдда.  
 Булар бисёр, уруги күп экан бу халқнинг...  
 Аммо юлдузлардек сонсиз бұлғанида ҳам  
 Барин қириб ташламоққа қодир лашкарим.

*Ketadilap. Сарбозлари, халқдан ишилган ишитла-  
 ри билан Ёвқоч ботир киради.*

### **ЁВҚОЧ БОТИР**

Қасос олмоқ пайти келди, азиз дүстларим,  
 Жавоб берар ёғий барча қилмишларига.

### **ОДАМЛАР**

Қонга-қон, жонга-жон!

## ЁВҚОЧ БОТИР

Қарор топур ҳақиқат,  
Она-ерни қутқазурмиз, озод этурмиз.

*Мусиқа. Она ва ҳур қызлар пайдо бұлади.*

## ОНА

Ёвқоч ботир, үғлим, омад сенга ёр бўлсин,  
Аждоҳларнинг қиличини чулға шарафга.

## ҲУР ҚИЗЛАР

Аждоҳларнинг қиличини  
Чулға шарафга.

## ОНА

Фарзандларим, жигарларим, үғил-қызларим,  
То тириксиз, тобе бўлманг босқинчиларга.

## ҲУР ҚИЗЛАР

То тириксиз тобе бўлманг  
Босқинчиларга.

## ОНА

Мен сизники, боғлар, тоғлар, сизники эрур,  
Мен сизники, дашт, саҳролар сизники эрур,  
Мен сизники, мен сизники, мен сизникимен!

*Гулдурак гумбирлаиди, чақмоқ чақади. Ноғора саголари жанг бошланганидан дарак беради.*

## ОДАМЛАР

*(Қасамёд)*

Она-замин, сенинг меҳринг дилимизда жо,  
Йўлимизни ёритгувчи машъала — зиё,  
Ёвни янчиб, сени озод этмоққа борҳо,  
Онт ичамиз, онт ичамиз,  
Онт ичамиз, онт!

*Борлиқни ҳаётбахш кўшиқ садолари чулғаб олади.*

## **ҲАЙРАТЛИ ДУНЁ...**

*(Давоми)*

Энди гапнинг буёфини эшитинг.

Синд бўйидаги бемисл саваща жон сақлаб қолган бир қисм навкарлар дарёни базур кечиб ўтиб, ўзларига келишгач, не қилишни билолмай паришон бўлиб турганларида тўлқинларга тўш уриб келаётган оқ отни кўриб қолдилар. Англадиларки, бу султон Жалолиддиннинг машхур оти. Унинг ёлларига ёпишиб, гоҳ гирдабларга тушиб, гоҳ юзага қалқиб чиқиб келаётган султонни кўришгач, диллари равшан тортиб, ёрдамга ошиқиб ўзларини дарёга отдилар.

Султон соҳилга яқинлашиб қолган эди, ўзи томон келаётган навкарларни таниб, толиққан билакларига қайта куч инди, буни сезган тулпорнинг ҳам синаёзган шаштига қайта жон кирди.

Жалолиддин ва унинг навкарлари эсон-омон соҳилга чиқиб одилар. Султон дубулга ва совутию бошқа оғир кийимларини дарёга ташлаб юборган, навкарлари каби сарпойчан эди, лекин бу ҳеч бирорининг қувончига соя ташлолгани йўқ, сабабки, султон бошининг омонлигидан ортиқроқ давлат бормиди бу пайтда!

Дам ўтмай қуролсоз уста Муҳиддин уларга келиб кўшилди. Саваш олдидан ўлжа талашиб аразлаб кетиб қолган саркардаларни кўрибоқ уста ўзича сол ясаган, захира қурол-аслаҳаларни унга юклаб дарёдан олиб ўтган, чанглазорда яшириб қўйган эди. Султон буни эшитиб ичида шу қадар қувондикни, юз-кўзларида табассум (камдан-кам бўладиган ҳолат) балқиди.

Навкарлар ҳозиргина бошларидан кечирган фожеаларни гўё унутишган, мисли ҳаётга янгидан келгандек диллари ҳуррам эди.

Аммо уларнинг қувончлари узоққа бормади...

## **ТАНИШ, НОТАНИШ ЙУЛЛАРДА**

*(Романдан парча)*

### **1. АРСЛОНГА... БЎРИ ҲАМЛАСИ**

Рай Рапа кеч ётган бўлса-да эрта уйғонди. У Синдинг нариёғидаги жангнинг нима билан тугашини ил-

ҳақ кутаётган, кимнинг қули баланд келаркан деган хаёlda тунни бесаранжом ўтказган эди.

Ким ғолибу ким мағлуб, у шуни билмоғи зарур, шунга яраша қадам ташламоғи керак. У авваллари Хоразмшоҳдан чўчирди. Шатра вилоятига бир қунмас бир қун чанг солади, мени таҳтдан ағдаради деб хавфсирарди. Энди Хоразмшоҳ, ўйқ. Аммо унинг ўғли Жалолиддин... Мабодо у мӯғулларни енгадиган бўлса, уша хавф хавфлигича қолади. Агар Чингиз ғолиб келгудек бўлса, у ҳам барибир Шатрани тинч қўймайди, аммо йирикроқ ўлжалар хаёлида уни четлаб ўтиши ҳам мумкин.

Хоқон ҳозир тўқ, нафсини қондиришнимас, эртани кўпроқ ўйлади, арқонни узунроқ ташлайди. Жалолиддин эса оч, у тезроқ қорнини тўйғазиш фамида, ўлжа қаттами-кичикми, танлаб ўтирадиган аҳволда эмас. Демакки ундан кўпроқ қўрқулик...

Рай Рапа ана шундай хәёллар гирдобида оқаётганинда айғоқчи Синд бўйидан у интиқ кутаётган хабарни олиб келди. Савашда Жалолиддиннинг бели синди, ҳазрат, деди у, Чингиздин қочиб, бизим қирғоқча ўтди, эрса, афтода мушукдек дийдираб ўлтирур...

Хурсандлигидан нонуштани ҳам унугтган Рай Рапа беш минг пиёда аскар, саф-саф суворийни Синд сари бошлади.

Султон Жалолиддин бундан аллақачон хабар топган, уста Муҳиддин келтирган яроғлар билан черигини қуроллантириб, пистирмага яшириб улгурган, ўзи хос навкарларини олиб ёв ўйуни пойлаётган эди.

Рай Рапа ўз рақибини бир қисм навкар бошида қўриб, энди унинг жони менинг илгимда, деб ўйлади ва Жалолиддинни тириклайн ушлаб, Чингизхонга совфа қилиб юбориши, шу йўл билан Хоқон ишончига киришни ният қилди.

Кун пешиндан оққан, осмон сербулут, Синд сершовкин эди. Рай Рапа Хоразм подшоҳини ўз қаршисида, оддийгина кийим-бошда қўриб истеҳзо билан деди:

— Ҳали шуми аҳволинг, мақтовли султон?

— Бўрининг ўлгиси келса, арслон ила ўйнашур, — деди султон ясатиғлик от устида керилиб ўлтирган Рай Рапага синчковлик билан боқиб.

Рай Рапа жавоб қайтаришга энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, дағъъатан кўксига камон ўқи қадалиб, кўз олди қоронғилаша бошлади. Ўқни Жалолиддин отганини қўриб қолоди, холос...

Ўз ҳукмдорининг ўлганини кўрган Шатра аскарла-

ри саросимага тушган аснода пистирмадаги черик ўқ-дек отилиб чиқди-да барини ўраб олди. Бирор ёфий аскари ажал домидан омон чиқолгани йўқ.

Султон Жалолиддин Шатра вилоятини қўлга ки-ритди.

## 2. АДРДАГИ УЧРАШУВ

Шатранинг қулаши Қалор вилоятининг ҳукмдори Қубача кунглига фулгула солди. Султон Жалолиддин Шатрадан сунг унинг мулкларига мана-мана чанг со-ладигандай бўлаверди. Безовта кунларнинг бирида султон Жалолиддиндан мактуб олди.

Мактуб бирлашувга даъват эди. Хоразмни вайрон эттан оғат сизнинг ҳудудингизга-да яқинлашиб келмоқдадур, дейилганди унда, вақт боринда яқдил ва як-қадам бўлмоқлиқдин ўзга чора йўқтур.

Қубача мактубни қайта-қайта ўқиб чиқди. «Якка-дам бўлмоқлиқни» у менга бўйсунгил, деган маънода тушунди. Мени фафлатда қолдириб, туйқус ҳужум қилмоқчи деган хаёлга ҳам борди.

Ўзи султон Жалолиддинга туйқус ҳамла қилмоқ бўлди. Мактубга жавоб йўллаш ўрнига саваш истаб қўшин юборди. Илк тўқнашувдаёқ қўшини мағлубиятга учради. Ваҳимага тушган Қубача Ҳинд султони Элтутмишни қора тортиб унинг ҳузурига борди.

— Имдод айланг, султон, — деди унга ўзи шарафи-га ўтказилган ҳашаматли қабулдан сунг, — хос лашка-рим савашда нобуд бўлди, эмди Жалолиддинга фақир бас келабилмасмен, они фақат Сиз даф қилаолурсиз, фақат Сиз...

Қубачанинг фикрича, султон Жалолиддин рақиби-дан енгилган оч қузғун, ўнгу сўлга чанг солишдан ўзга кори йўқ, бугун Қалорни эгалласа, эртага Ҳинд сори тўпиниб келур...

Элтутмиш Қубачанинг сўзларига ишонди. Ё таслим бўл, ё савашга чиқ, деб Жалолиддинга элчи юборди. Султон Жалолиддин элчини отга тескари миндириб келган жойига жўнатди. Элтутмиш фазаб отига миниб, юз минг кишилик қўшин, лак-лак суворий ва филларни Шатра томон сурди.

Йўл ярмига еттанида эшитдики, Чингиз қўшини Синдан утиб, Лаҳорга яқинлашиб келган, султон Жалолиддин Элтутмишга бўлган фаразини бир чеккага қўйиб, мўгулларни бу тупроқдан қувиб ҳайдагани кетган.

Бу хабардан сүнг Элтутмиш отининг жиловини тортди.

— Султон Жалолиддин бизга ёғий эрмас, — деди Қубачага, — билъақс у Чингиз қиличидин бизни асрарувчи қалқондур. Имдодни сенга бермасмен, Қубача, йўқ, эмди мен мұғулга бас кела оладурғон якка-ёлғиз саркарда, навқирон шоҳ Жалолиддин Мангубердини құллагаймен, илгимдин келгонича онга имдод айлагаймен!

Бу пайтда мұғуллар султон Жалолиддин билан олишмоқни кейинга суриб орқаларига қайтиб кетган эдилар. Султон Жалолиддин отининг бошини Элтутмиш сари бурди.

Қалорга яқин келиб кўрдикি, Элтутмиш лашкари бутун бир адри қоплаб, дарё йўлидаги тўғондек ҳайбат тўкиб турибди.

Оққан дарёнинг тўсиқларга бош урмоқдан ўзга чораси йўқ, султон Жалолиддин лак-лак ёғий қўшинию қутуриб турган филларни писанд этмай Элтутмиш чегригига қилич солди.

Элтутмиш... чегригига савашни тўхтатиши амр этиб, ўзи отдан тушиб, кучоқ очиб султон Жалолиддин сари келаберди...

### 3. СЕВГИ РИШТАСИ

Малика хотуннинг Хўй қалъасига келганига етти кун бўляпти. Пойтахт қалитини султон Жалолиддинга топширган ҳам, Хўй қалъасига ўтиб шу ерда макон тутишни ундан сўраган ҳам Малика хотуннинг ўзи.

Султон Жалолиддин унинг талабини қондирди — ўз ҳимоясига олиб, хавф-хатардан йирокроқ қалъада жойлаштириди. Лекин Маликанинг талаби шунинг ўзигина эдими? Бу талаб тагидаги нозик туйфу — Малика кўнглида пайдо бўлган муҳаббат эпкинини Жалолиддин сезмадимикин?

Табриз дарвозасини очиб беришга Маликани ундан ган куч ҳам аслида шу эмасмиди?

Хоразм қўшини Табризни қамал этган вақтда Озарбайжон отабеги Ўзбек — Малика хотуннинг эри одатдагидек масти аласт, кайфу сафо оғушида эди. Мамлакат тизгини Малика қўлида, қўшинга эса вазир қўмондонлик қиласарди. Қалъа қамал қилинган ондаёқ вазир қўшинни оёққа турғизди.

Дарвоза олдидағи илк жангни қалъа девори устида туриб пинҳона кузатган Малика оқ отли султонни, унинг ўлимларни писанд этмай қилич сермашини кўр-

дию бу паҳлавонга Озар қүшини бас келолмаслигини сезди. Ва яна сезидики, султон фақат ҳарбу зарбдагина якто эмас, унинг кўриниши ҳам айрича, Юсуфдек кўхлик, шунқордек шиддатли, арслондек ҳашаматли эди. Маликанинг кўнгли жиз этди.

У шуни ҳам англадики, султон Жалолиддин Озарбайжон таҳтига минса, мамлакат кучли ва ишончли қўлга ўтиб, юртда тинчлик, осойишталик қарор топади. Бундай паҳдавон подшоси бўлган салтанатга ёйий яқин йўламайди. Ва... севги риштаси икки дилни бирбирига боғлашига шубҳа йўқ...

Малика хотун ўз ҳусни ҳар қандай эркакни ҳам ром этилишига ишонарди. Ўзининг гўзаллигини, қадди-қоматининг зеболигини биларди. Эрининг қўли қадаҳдан бушамайдиган бўлиб қолгач, мамлакатни бошқариш Малика қўлига ўтдию кўп шоирлар унинг ақлу камоли, ҳусну жамолини мадҳ этиб, қасида устига қасида ёздилар. Агар султон Жалолиддиннинг кўнгли тош бўлмаса...

Дарвазаси ланг очилган қалъага жанг-жадалсиз кирган султон Маликага иззат-хурмат курсатиб, уни Хўй қалъасига ўз илтимосига кўра жунатиб қуяқолди... Малика отабек Ўзбек Табризни ташлаб қочганини айтиб боши очиқдигига шама ҳам қилиб кўрди, аммо сultonдан садо чиққаний йўқ.

Энди Малика уйлаб уйининг тагига етолмайди. Султон Жалолиддин унинг майлини аниқ сездими, йўқми, агар сезиб ҳам рўйхушлик кўрсатмаган бўлса, бунга чора топиш қийин. Лекин у Малика туйгуларини сезмаган бўлиши ҳам мумкин-ку...

Малика ўй-хаёлдарёсида оқа-оқа охири султонга мактуб битишга, унга ўз юрагини очишига қарор қилди.

Орадан ўтган ун кун Маликага ўн йилдек туюлди. Нихоят... унинг итижолари султон юрагига етиб борди — Табриздан Хўй қалъасига совчилар кириб келишди.

Аслида султон Жалолиддин сўнгги салжуқий султон Тўғрул III нинг қизи, узоқни кўроладиган сулув Малика ни ёқтириб қолган, аммо у отабек Ўзбекнинг никоҳида бўлгани учун ўз кечинмаларини ошкор қилмаганди.

Отабек ҳали ҳам Алинжи қалъасида яшириниб ётибди. Шундай эса-да тўйгача бир гап бўлар деган хаёлда Жалолиддин Маликага совчи қўйган эди...

\* \* \*

Муҳтарам китобхон! Шундан кейинги воқеаларга қизиқсангиз, мен Сизга навбатдаги саҳифаларни (охиригача) ўқиб чиқишини тавсия этган бўлардим.

# ЁТ ХУЖРА

*Икки қисмли тарихий фожеа*



## **ҚАТНАШУВЧИЛАР**

Жалолиiddин МАНГУБЕРДИ — сұнгти Хоразмшоҳ  
Иbn АММОР — ҳужра соҳиби, муфассир — (Қуръо-  
ни каримни тафсир қилувчи)

САЪЛАБА — унинг хотини

Абу ЗАЙД — унинг ўғли

УМАЙЯ — унинг қизи

АБУТОЛИБ — ўрам волийси

Иbn ХАЛЛОЖ — оқсоқол, собиқ сарбоз

САЙФИЙ — оқсоқол, собиқ девон муншийси

СОЛМОН — қўшни йигит

## БИРИНЧИ ҚИСМ

*Кавказортининг тоғлиқ мусулмонлар қишилоги. Шом пайти. Тоғ этаги, жилга бўйига кичик ҳужра. У ёнмаён иккита хонадан иборат. Биринчи хонанинг устун ва деворларига турли ашъёлар — исириқ, дўмбира, қилич, қубуз, чала рангтасвир асарлари, айрон ҳалтаси, буш қафас илиб қўйилган. Сандиқ устига кўрпап тўшаклар таҳланган. Ўртада хонтахта. Унинг устида гафтар, парқалам. Китобдонда Қуръони карим. Чекка-гаги ўчоқда олов ёниб турибди. Оловга яқин шолчага беҳуш ярадор йигит омонат ётқизилган. Саълаба қийиқчани сувга ботириб, йигитнинг пешонасига босади. Умайя ўчоқка ўтин қалаяпти.*

### САЪЛАБА

*(қизига)*

Ким бўлса ҳам Яратганинг баңдаси эрур,  
Гуноҳларин азобини тортар эҳтимол.  
Эҳтимолки, ёвузларнинг қаҳрига учраб,  
Ноҳақ жабру жафоларга бўлгандир дучор.  
Риёкорнинг юзларига уҳшамас юзи,  
Бахилликнинг нишони йўқ қиёфасида.  
Ёмонликка қобил бўлмас бундайлар асло.

### УМАЙЯ

Аммо акам важоҳатин кўрдингиз, эна,  
Тайёр эди еб қўймоққа шўрликни гўё.  
Журалари, ўртоқлари ила ҳай-ҳайлаб,  
Олиб келди аллақайдан уни опичлаб.  
Тапп эткизисб ташлаб кетди худди буюмдай.  
Бу ўзи ким, қайдан келиб қолди, билмасак.

### САЪЛАБА

Биласан-ку, жоним қизим, аканг феълини,  
Муз устида юрган одам каби бекарор.

Қачон тойиб кетишини бир Оллоқ билар.  
Шошиб қайта кетганини айтгани ҳам йүқ.  
Кошки эди келақолса отанг гузардан.

### (хұл қиийқчани янгиламоқчи бўлади)

Муздек сувдан тағин пича келтиргин, қизим.

*Умайя құзадан ликопчага сув солиб, энасига узатади, құзи ҳамон беҳуш ётган үигитга тушиб, құнглида қалати ҳиссиёт сезади.*

### УМАЙЯ

#### (ұз-ұзига)

Сухайлга үшшар экан... Кечир, худойим,  
Худди уни құрган каби қалқди юрагим.  
Аммо уни бу дунёда энди құрмоқ йүқ.

*(Оёқ товуши эшишилаги. Умайя үзини құлга олиб, энасига)*

Адашмасам, хайриятки, отам келдилар.

*Ибн Аммор киради. Кутылмаган манзараны қуриб, ҳайратга тушади. Ярадор үигитни құздан кечириб, са-вол назари билан бир хотини, бир қызига қараиди.*

### САЪЛАБА

Шундоқ беҳуш ҳолда олиб келди үғлингиз,  
Аллақайға чиқиб кетди тез жаҳл билан.  
Бу кимдур деб сұрашга ҳам бўлмади фурсат.

*Ибн Аммор үигитга яқин келиб, тикилиб қараиди.*

### ИБН АММОР

#### (ұз-ұзига)

Бугун тонгда ҳужрамизга бирдан инди нур,  
Унинг бурчак-бурчаклари ёришди, иллох.  
Кичик ҳужра кошонага айланди гүё.  
Мен қасрда турган каби сездим үзимни.

Хайрли кун бұлар бугун дея үйладим,  
Билдим, келар ҳужрамизга азиз бир меҳмон.  
Нече йиллар күтдим унинг қелмоғини мен,  
Йулларига интиқ-интиқ тикилдим узоқ.  
Ҳеч күтмаган эдим аммо бехуш меҳмонни,  
Үйлардимки, буюк бұлар меҳмон, күп буюк.

### **САЪЛАБА**

Тавба, бирдан нима бўлди сизга отаси,  
Кўзингизда сирли маъно борга ўхшайди.  
Назаримда юзингиз ҳам қизарib кетди.

### **УМАЙЯ**

Бу йигитни танийсизми, ота?

### **ИБН АММОР**

Йук, қизим,  
Танимайман.

*(бориб уст-бошини тузатиб қўяди)*

Танимоқни истайман, аммо.

### **САЪЛАБА**

Нечун? Қайдин пайдо бўлди бундай қизиқиш?

### **ИБН АММОР**

Билурсанки, бордур китоб — номаи аъмол,  
Пешонада нимаки бор, унда битилмиш.  
Бироқ уни шарҳ, этмоқдан бандаси ожиз.  
Ул китобни фаришталар шархлай олурлар.  
Мен қулогим тутгувчимен фаришталарга,  
Улар менга аъмоллардан сўйларлар гоҳи.  
Бугун тонгда қулогимга келди суюк сўз,  
Турғил, йулга боққил, деган хитоб эшилдим.  
Куни билан йулга қараб турт бўлди кўзим,  
Сўнг гузарга чиққан эдим бардошим тугаб.  
Эшилганим самовий сўз рўёби шулким,  
Тангрим бизга юбормиш бир мажруҳ, бандасин.

Демакки, биз Оллоҳ, изни билан, Саълаба,  
Нажот бўлмоғимиз даркор беҳуш йигитга.  
Иншоолло, хосияти сероб бўлажак.

(эшикка бетоқат қараб)

Тезроқ келақолса эди ўғлим Абу Зайд.

## УМАЙЯ

Бузуқ эди акам Абу Зайднинг авзойи,  
Ўлдирмоққа шай эди бу йигитни гүё.

## САЪЛАБА

Мусоғирга ўхшар йигит, биздан эмасдур,  
Ўғлимиznинг мусоғирда қандай қасди бор?

## ИБН АММОР

Ер юзида неки одам бордур, жон бордур,  
Бир-бирига боғлиқ эрур то нафас қадар.  
Бул буржида турган билан ернинг сен ва мен,  
Бошқа буржда турганлардан эмасмиз айри.  
Гарчи дунё поёнсиздур, ададсиз ҳудуд,  
Аммо Оллоҳ таоло учун у битта вужуд.  
Дунё ўзи бизникига ўхшаш бир ҳужра,  
Фарқи шуки, томи осмон, саҳни нурдай кенг.  
Бир-бирига гоҳи кўмак, гоҳ зиён бериб,  
Бир оила бўлиб яшар унда одамзод.  
Бу йигитнинг Абу Зайдга аммо даҳли йўқ,  
Бу мен кўпдан кутаётган меҳмондур балки.

(йигитнинг ҳолатини кўздан кечириб)

Бу йигитнинг жароҳати оғирга ўхшар,  
Шифо топиб қолар магар Худо хоҳласа.  
Қани, менга ёрдамлашиб юбор, Саълаба,  
Ўтказайлик уни ички холи ҳужрага.

*Икковлашиб ўйигитни кўтаришади, ичкарига элтишади.*

## УМАЙЯ

(үз-үзига)

Үзи айтган дунёдек кенг отамнинг феъли,  
Ҳар кишида кўрмоқ истар яхшилик файзин.  
Ёш бошимга кўрдим, аммо, ушбу дунёда  
Яхшилар оз, жоҳиллар кўп, золимлар кўпдур.  
Сухайлни ўлдирган ҳам шулар, золимлар,  
Урушқоқлар, қонга ташна махлуқлар эрур.  
Улар сира туролмаслар қирғин-қиронсиз,  
Яшолмаслар одам қонин оқизмасалар.

(сукум)

Сухайлнинг орзулари нурдай пок эди,  
Севги билан йўғрилганди жони ва қони.  
Иккаламиз битта вужуд эдик, бир вужуд,  
Унинг бошин кесган қилич мени-да тилди.  
Энди мен-да ўлик жонман, судурим яшар,  
Эвоях, менга нега керак энди бу судур!

*Отилиб ташқарига чиқиб кетади. Ибн Аммор кира-  
ги. Үчокқа ўтин ташлаб, хонтахта олдига келиб ўти-  
ради. Қуръони каримни қўлга олиб, тавоф этади.*

## ИБН АММОР

Ҳаёт нима, сўрадилар Расууллоҳдан,  
Расууллоҳ, айтди: Ҳаёт Оллоҳ, неъмати.  
Инсонларга берар уни Оллоҳнинг үзи.  
Ва Оллоҳнинг үзи уни қайтариб олар.  
Магар Оллоҳ, изн бермас эрса ҳеч кимса  
Олабилмас бу неъматни қилич, ўқ, ила.

(сукум)

Сирли ўхшар бу нотаниш йигит ҳаёти,  
Қайси йўлу сўқмоқлардан ўтиб келди у.  
Бир нур кўрди менинг қўзим унинг юзида,  
Нурки, оқиб келмиш гўё тиник осмондан.

*Қаттиқ ҳаяжон билан Абу Зайд кирағи. Унинг қў-  
лига тилла камар. Ярадорнинг жойида ўқлигини кў-  
риб, жони халқумига келади.*

## **АБУ ЗАЙД**

Қанидур у? Ё ҳушига келгач қочдими?  
Нега жимсиз, жавоб беринг ота, қани, у?

## **ИБН АММОР**

Ўзингни бос, қўп ҳовлиқма, ўғлим, оғир бўл.  
Қочгани йўқ, У шу ерда. Ҳамон бехущдур,  
Ичкарида асрар уни энанг бетоқат.

## **АБУ ЗАЙД**

Менинг энам уни асрар? Бу не бедодлик?  
Уни асраш эмас, чопиш, ўлдириш керак.

*(ичкари ҳужрага шошади)*

## **ИБН АММОР**

Тўхта. Чопма ичкарига болакай янглиғ,  
Ярашмайди отга тойнинг қилифи, ўғлим.  
Сен йигитсан, не қилсанг-да йигитча қилғил.

## **АБУ ЗАЙД**

Ўлдираман уни йигит бўлганим учун,  
Ўлдирмасам... Йигитлигим бекор.

## **ИБН АММОР**

Мард йигит  
Ўлдирадми беҳуш ётган одамни ҳеч вақт.  
Сен мард бўлиб, номардларнинг ишини қилма.

*(Абу Заид ўйланиб, бир дам иккиланиб қолади)*

Аввал менга воқеани тушунтири, ўғлим.  
У ким эрур? Қайдан? Уни яралаган ким?  
Ўлдирмоққа уни нечун шошар қўлларинг?

*(қўлига ишора қилиб)*

Ва айт, у не камар эрур?

## **АБУ ЗАЙД**

*(қўлида камарни ушлаб турганини энди сезиб улоқтирмоқчи бўлади)*

Уники.

## **ИБН АММОР**

*(йўл бермай)*

Тұхта, уни улоқтирма.

*(камарни ўғлининг қўлидан олиб, диккат билан кўздан кечиради. Ўз-ўзига)*

Подшоҳ, камари!  
Демакки, у шоҳ! Демакки, ушалар орзу.

*(ўғлига)*

Билурмисан, қайси юртнинг подшоҳи эрур?

## **АБУ ЗАЙД**

*(энсаси қотиб)*

Хоразмшоҳ.

## **ИБН АММОР**

*(ниҳоятда жўшиб)*

Нима дединг? Хоразмшоҳми?!  
Жалолиддин Мангуберди ўшами ҳали!!!

## **АБУ ЗАЙД**

Ҳа-ҳа, ўша. Бошлаб келди уни ажали,  
Энди тирик чиқабилмас бизнинг ҳужрадан.

## **ИБН АММОР**

*(ўғлининг сўзларига эътибор бермай, ўз-ўзига)*

Минг шукурки, уни бизга етказди Худо!

*(шоҳлик камарини авайлаб хонтахтага қўяди.  
Шошиб ўғлига ўғирилади)*

Нима бўлган унга? Қайда, қандай учратдинг?

### **АБУ ЗАЙД**

*(бадтар жаҳли чиқиб)*

Бунинг сизга қандай даҳли, не қизифи бор?  
Сиз яхиси, менинг йўлим тўсманг, қўйворинг,  
Уни ўлдирмасам мени армон ўлдирад.

*(яроғини кўтариб, шиддат билан ичкарига  
кирмоқчи бўлади).*

### **ИБН АММОР**

*(эшикни кўкси билан тўсиб)*

Бул ҳужрага ўлигимни босиб кирасан.

*(Абу Зайд юзини тескари ўгиради)*

Абу Зайд, эсингни йиғ, отангман, отанг!

*Ота сўзини эшишиб, Абу Зайд унга икки қадам  
яқин боради, Ибн Аммор келиб, қўлини ўғлининг елка-  
сига қўяди.*

Гарчи олов булиб ёнар сенинг юрагинг,  
Кел, ўлтиргил ўтга яқин, ўчоқ бошида.  
Хаёлларинг тиниқади боқсанг гулханга.

*(ўғлини гулханга яқин ўтқазиб, ёнидан ўзи  
жой олади)*

Энди гапир. Юрагингни менга — отангга  
Очмасанг, сен қандай ўғил, мен қандай ота.  
Бир бошидан гапир, ўғлим, қулоғим сенда.

### **АБУ ЗАЙД**

*(гулханга тикилганча)*

Уч-тўрт йигит тоғ йўлида кетиб бораардик,  
Куриб қолдик дупур-дупур чопган отларни.

Назаримда ўнми-үн беш мұғул биз томон  
Оқ от минган суворийни қувиб келарди.  
Учиб келар эди оқ от худди йилдирим,  
Үқ отарди орқасига қайрилиб қочок.  
Тап-тап құлар эди унинг үқидан мұғул,  
Хар дақиқа борар эди ора очилиб.  
Холдан тойди чоғи мұғулларнинг отлари,  
Оқ от минган йигит анча олислаб кетди.  
Қувар эди уни мұғул шундай бұлса-да,  
Үқ отарди орқасидан унинг пайдар-пай.  
Оқ от ногоҳ тисарилиб сапчиdi тикка,  
Бошин згиб ётиб қолди йигит згарга.  
Аммо жуда бало экан оқ от. Бир пасда  
Әгасини олиб кетди қоя ортига.  
Йұлдан chalғиб орқасига қайтди мұғуллар,  
Ким экан деб биз изладик қочган йигитни.  
Топдик уни ичкарида — булоқ буйидан.  
Майса узра ётар эди ҳушидан айри.  
Бизни күриб типирчилаб кишинади оқ от,  
Хиёл күзин очди йигит, күрди бизларни.  
Жалолиддин дея олди холос ва яна  
Хушдан кетиб қолди.

### ИБН АММОР

Сиздан мадад истаган,  
Сезганки, сиз аҳди ислом, мусулмонларсиз.  
Хұш-хұш, кейин нима бұлди?

### АБУ ЗАЙД

Унинг кимлигин  
Ошкор этди белидаги анави камар.

(сукут)

Шоҳ эканин билгач, қасос үтида ёндим,  
Үлдирмоқчи бұлдым уни үша заҳоти.  
Йұл бермади жүраларим.

### ИБН АММОР

Тұғри қилишган.

## **АБУ ЗАЙД**

Тұғри әмиш...

*(қони қайнаб)*

Унга одам үлдириш мумкин,  
Бизга эса мумкин эмас уни үлдирмоқ...  
Шу түримі?

*(үзини құлға олишга ҳаракат этиб)*

Сизча тұғри қилишган... Тавба!

## **ИНБ АММОР**

Олиб келиб уйда гүмден қилай дебсан-да.

## **АБУ ЗАЙД**

Худди шундай. Бу қотилни уйда қолдириб,  
Кетген здим Мен Солмонни бошлаб келгани.  
Уйида ийқ, экан Солмон, афсус. Лекин мен  
Солмонсиз ҳам уни сүйиб ташлайман.

## **ИБН АММОР**

Бас қил!  
Энди менга аёң әрүр қаҳринг боиси,  
Энди аниқ күрмоқдаман ичи-ташингни.  
Сен қонга қон сұраяпсан Сухайл учун.

## **АБУ ЗАЙД**

Сухайлни үлдирдилар хоразмийлар.

## **ИБН АММОР**

Жангда ҳалок бұлды Сухайл. Ва бир үзимас,  
Шаҳид кетди Сухайлдай не-не йигитлар.

## **АБУ ЗАЙД**

Демакки...

*(иҷкарини кӯрсатиб)*

Бу жавоб берар барчаси учун,  
Қони билан жавоб берар.

**ИБН АММОР**

Уруш қурбонсиз  
Бўлмас, ахир. Уларнинг ҳам кўпи қирилди.

**АБУ ЗАЙД**

Аммоқи бу... Сухайлни қатл этишга  
Шахсан буйруқ берган ўзи, бошин кесдирган.  
Сен ҳам буни эшитгансан, ота!

**ИБН АММОР**

Урушда  
Нима бўлмас, ўғлим, оти учсин урушнинг.

**АБУ ЗАЙД**

Урушни ким бошлади? Ким қон истаб келди?

*(яна ҳужрани кӯрсатиб)*

Мана шу... Ҳа, бош айбдор удир, факат у.

*(сукум)*

У бостириб келмагандა дўстим Сухайл  
Умри хазон бўлмас эди очилмасидан.

**ИБН АММОР**

Билурсанки, жасур ва пок ўша дўстингни —  
Сухайлни кам кўрмасдим сендан. У ҳам бир  
Ўғлим каби менга азиз, муҳтарам эди.

*(сукум)*

Ү акаси Солмонга ҳеч ўхшамас эди,  
Қалби нурдай тозалигин биларди ҳамма.  
Энди уруш сабабига келсак...

## АБУ ЗАЙД

Йўқ, ота,  
Керак эмас. Сабаб билан менинг ишим йўқ,  
Мен биламан Сухайлни хоразмликлар  
Қонин тўкиб, бошин кесиб ташлаганини.  
Шундан бўлак ҳеч нарсани билмайман, ота,  
Ва билишни истамайман, истамайман, йўқ.

## ИБН АММОР

*(аста Куръони карим турган жойга яқин бориб)*

Оллоҳ, таоло нозил айлаб оятларини  
Адолатни олқанг деган бандаларига.  
Адолатни олқаганлар Оллоҳни олқар.

*(Абу Зайд отасининг сўзларига қулоқ тутмабошлайди)*

Расулуллоҳ, Мұҳаммадни тусиб йўлини  
Киритмади аҳди мушрик Каъбатуллоҳга.  
Ки Оллоҳнинг ғазабига йулиқди бари.  
Ҳар нарсани кўриб турар Яратган этам,  
Жазосини берар кимки кечса иймондан.  
Четда қолмас ғазабидан шоҳ бўлсин, гадо.  
Ёш бўлса-да иймон қадрин биларди Сухайл,  
Шаҳидини олган бўлсин жаннат бафрига.  
Аммо унинг ўлеми кўп сирлидир, ўглим,  
Узунқулоқ, гапларда туз бўлмас аксари.  
Сабр қилсак аён бўлар бари ҳақиқат.  
Ҳар номай ағъмолга бир қисмат битилган,  
Балки шундай шўрдир Сухайлнинг қисмати.

## АБУ ЗАЙД

Маъзур тутинг мени, ота, сиз бир бузрук зот,  
Хаёлингиз каби кенгдур сиздаги дониш.  
Бироқ ерда содир бўлган ёвузликларни  
Қисмат шу деб қабул этсан эгиб бошимиз,  
Жавоб бермас бўлса ёвуз ёвузлигига,  
Гуноҳкор ўз гуноҳига, қотил — қатлига,  
Унда бари тоза, ҳалол одамлар учун  
Ёруғ ҳаёт жаҳаннамга айланмайдими,  
Унда чиқиб кетмайдими меҳваридан ер?!

### **(сүкүт)**

Гарчи сиздек билгувчи кам Оллоҳ сўзини,  
Лекин ҳар ким биладиган ҳақиқат шуки,  
Хунга — хундир, жонга — жондир абадул-абад,  
Бундан қочиб қутгуолмас Хоразмшоҳ ҳам.

### **ИБН АММОР**

Қисматидан қочиб қайта борар бандаси,  
Бу дунёда чап берса ҳам жазога одам  
У дунёда қочабилмас боқий азобдан.  
Ҳар ким ўрар экканини, Оллоҳ изни шу!

### **АБУ ЗАЙД**

Истайманки, сиз паноҳга олган қотил шоҳ,  
Бу ҳаётда, шу ҳужрада тортсан жазосин.  
Уни бундан тирик қўйиб юборсан агар  
Қиёматда Сухайлга қандай қарайман?

### **ИБН АММОР**

Майли, ўғлим, сен айтганча бўлсин, розиман,  
Арзи ҳол эт аммо бориб аввал волийга.  
Бизнинг тоғлик ўрамга у бошдир ҳар қалай,  
Оқсоқоллар кенгашсину чиқарсан ҳукм.

### **АБУ ЗАЙД**

Керак эмас волийси ҳам, оқсоқоли ҳам,  
Қонга қону жонга жондир. Унинг ажали  
Солмон билан иккимизнинг қўлимиздадур.

### **ИБН АММОР**

Сен ўзингни Солмон билан тенг тутма, ўғлим,  
Бошқа жойдан олингандур Солмоннинг лойи.  
У маҳрумга ўхшар гоҳи фикр этмоқдан,  
Иш буюрар фақатгина билак кучига.  
Билак кучи билан бирга одам зотига  
Ақл кучин ато этган Оллоҳ таоло.  
Шунинг билан фарқланадур одам ҳайвондан,  
Боргил, ўғлим, волийга бор, арзи ҳол айла.

## **АБУ ЗАЙД**

Ота!

*(Саълаба киради)*

**ИБН АММОР**

*(Саълабага)*

Қалай унинг ҳоли-аҳволи?

**САЪЛАБА**

Жуда  
Оғир яраланган экан баҳтишур.

**ИБН АММОР**

Хүш-Хүш!

**САЪЛАБА**

Ҳамон беҳуш ётар. Гоҳ-гоҳ алаҳсирайди.

**ИБН АММОР**

Алаҳсираб нималар дер?

**САЪЛАБА**

Чингиз, Чингиз дер.  
Шерга үхшаб бўкиради гоҳи. Ё тавба!

**ИБН АММОР**

Кўп нарсага ақлинг етар сенинг, Саълаба,  
Китобни сув қилиб ичган отинойисан.  
Одам таниш бобида-ку балосан. Айтгил,  
Беҳуш йигит сенда қандай фикр уйғотди?

**САЪЛАБА**

Зоти буюк қўринади, мартабаси чўнг,  
Қўл етмас бир улуғлик бор қиёфасида.  
Менга шундай туюлди. Ё адашибманми?

## **АБУ ЗАЙД**

*(тоқати тоқ бўлиб)*

Ҳа, сиз жуда адашгансиз, эна. У қотил.

## **САЪЛАБА**

Қотил? Кимнинг қотили? У кимни ўлдирган?

## **ИБН АММОР**

*(ўғлига гал бермай)*

Абу Зайд, мен айтган ишни қил. Волийга бор,  
Бор, бор тезроқ, вақт зикдир.

*(ҳайрон бўлиб турган хотинига)*

Волийга бориб,  
Хабар бер деб айтаяпман бунга бор гапдан.

## **САЪЛАБА**

Отанг тўғри айтар ўғлим. Ҳушига келмай  
Ўлиб-нетиб қолса борми... Худо асрасин.

## **АБУ ЗАЙД**

Сифинаман отам билан сизга мен, эна,  
Аммо бугун нима бўлган икковингизга,  
Сизлар, ахир, ўзингизга ўхшамайсизлар.

## **САЪЛАБА**

Нима дединг?

## **ИБН АММОР**

Хафа бўлма.

## **САЪЛАБА**

Тавба де, ўғлим,  
Ўғил ота-онага шу сўзларни дерми?

## **ИНБ АММОР**

*(тапни буриб)*

Сен бор, ўғлим, вакт утиб боряпти, ахир.

## **АБУ ЗАЙД**

*(құл силтаб)*

Ә, деворга гапирганим яхши.

*(кетабошлайди)*

## **САЪЛАБА**

Эй, тавба,  
Шу гапирган ўғлимизми бизнинг отаси,  
Хеч ишонгим келмаяпти қулоқларимга.  
Ахир, қандай боодоб бир үғил эди бу.  
Паст тутдия иккимизни девордан...

## **ИБН АММОР**

Ә, құй,  
Ұқинмагил, үзи асли ёмон боламас,  
Хозир пича тили буйинсұнмас үзига.  
Бор, Абу Зайд, волий шу пайт уйида бұлар.

## **АБУ ЗАЙД**

*(жахлдан тушмай)*

Майли, сизнинг айтганингиз бұлсин, бораман,  
Аммо билинг, ноҳақ ҳукм чиқарса волий  
Бажараман үзим сизга айтган сүзимни.

*(үзига сиғмай чиқиб кетади)*

## **САЪЛАБА**

Тушунмадым, ўғлимизни нима жин урди,  
Ёки мендән бир нарсаны сақларсизми сир?

## **ИБН АММОР**

Нимани ҳам сир сақлардим сендан, Саълаба,  
Сир-синоат сиғарми бу кичик ҳужрага.

## **САЪЛАБА**

Шундайку-я... Лекин нега қотил деди у,  
Абу Зайднинг ичида гап кўпга ўхшайди.

## **ИБН АММОР**

Нима десам экан сенга... Урушда ҳамма  
Ахир, одам ўлдиради.

## **САЪЛАБА**

Савашганми бу?

## **ИБН АММОР**

Қизиқсан-а, хотин, ахир, томдан йиқилиб  
Тушмагандур, ярасини кўраяпсан-ку.

## **САЪЛАБА**

Кўраяпман, лекин ҳечам тушунмаяпман.

## **ИНБ АММОР**

Ўзим сенга тушунтириб қўярман ҳали,  
Аммо ҳозир сенга бўлак юмуш бор.

## **САЪЛАБА**

Айтинг.

## **ИБН АММОР**

Умайядан нотинч менинг қўнглим, Саълаба,  
Биласанки, ҳиссиёти унинг бир дарё,  
Шу дарёга фарқ бўлмаса дея қўрқаман.

## **САЪЛАБА**

Рост айтурсиз. Аввал ундоқ эмасди қизим,  
Ўзгарди у Сухайлнинг ўлимидан сунг.  
Бир йил ўтса ҳам орадан пасаймас ути,  
Ортиб борар қўзидағи алам кун сайин.  
Унаштириб қўймасак ҳам бўларкан... Вой-ей!

## **ИБН АММОР**

Қўй, Саълаба, оҳу-воҳнинг ўрнимас ҳозир,  
Фалокатнинг олдин олмоқ даркор.

## **САЪЛАБА**

Фалокат?

## **ИБН АММОР**

Умайяга ҳали кўзим тушиб қолувди,  
Бирор отган тошдай учиб чиқди ҳужрадан.  
Қайга кетди? Безовтадир кўнглим.

## **САЪЛАБА**

Эй, Худо!

## **ИБН АММОР**

Сен бор, қара кўча-кўйни, тун кириб келар.

## **САЪЛАБА**

Ўғлимизу қизимиизга кўз тегдими. Уф!

*(кетади)*

*Муazzин овози эшишилади. Ибн Аммор ўчоқ четигаги қумғонни олиб, таҳоратга чиқиб келади. Шом нағозини ўқий бошлиайди. Токчадаги ва хонтахта устигаги шамлар бирин-кетин ёқилади. Ибн Аммор юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан туради.*

## **ИБН АММОР**

Нима берар экан энди кираётган тун,  
Қандай сиру асрорига этаркан ошно.  
Инсоф бергил мусулмону номусулмонга,  
Ҳеч бандангни иймонидан айрма, Тангрим!

*Ичкари ҳужрадан деворга суюнганча Жалолиддин чиқиб келади.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(уэ-уэзига)*

Мен қайдаман, отим қани, қани қиличим?  
Бу не ҳужра, қайда унинг соҳиби? Ким бор?

*(кўзи ҳайратга жим турган Ибн Амморга тушади)*

Тушимми, бу, ё охират дунёсиdamан?  
Сен рўёми, фариштами ёки руҳмисан?

## **ИБН АММОР**

Иншоолло, ниҳояга етди тушингиз,  
Бир уйқудан уйғондингиз, ёмон уйқудан.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Кўз олдимга келди ҳазрат Нажмиддин Кубро,  
Худди уни кўргандекман.

## **ИБН АММОР**

Қуллук. Ул ҳазрат  
Пир эрурлар фақирга ҳам.

*(яқин бориб омонлашади, ўчоқ бошига суюб ўтказади)*

Ул мукаррам зот  
Шайх Куброни кўрган эдим илк бор Бағдодда.  
Мурид бўлиб ҳазратга мен қўл берган эдим.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(бироз ўзига келиб)*

Шаҳид бўлдилар.

*(Ибн Аммор юзига фотиҳа тортади)*

Тиф кўтариб мӯгулга тик боргандарида  
Ҳақ ўйлида бошларидан жудо бўлдилар.

## **ИБН АММОР**

Ёраб! Шундай зоти покни үлдирилар денг!

### **ЖАЛОЛИДДИН**

*(оғриқдан үртаниб)*

Аҳли ёвуз зот танирми.

*(у ёқ бу ёқни күздан кечириб)*

Дарвоқе, ҳужра  
Соҳиби сиз бўлурмисиз?

## **ИБН АММОР**

Шу кичик ҳужра  
Фақирники эрур, Ибн Аммор қамина.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Қуллуқ, Айтинг, Ибн Аммор, ҳужрангизга мен  
Қандоқ қилиб келиб қолдим? Сабабчиси ким?

## **ИБН АММОР**

*(Қуръони каримга ишора қилиб)*

Ушбу илоҳ, қалом — сўзга қасамки, ҳужрам  
Кутар эди кўпдан сизни... Хоразмшоҳни.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

*(оғир нафас олиб)*

Шоҳ, эмасман. Шоҳнинг бўлур таҳти, давлати,  
Менда эрса шу бўйимдан бўлак вақо йўқ.

## **ИБН АММОР**

Боғлаб бермас Оллоҳ таоло таҳтни сultonга,  
Келиб-кетиб турар султонларга таҳт, давлат.  
Иншоollo, таҳтда яна собит бўлурсиз.  
Маъзур тутинг, сўз очганим учун тож-таҳтдан,  
Рухсат этинг сизга сиҳат тилашга аввал.

*(Шоҳ камарини қўлига олиб)*

Елка ва қўл суягингиз лат еган қаттиқ,  
Қон саҷраган мана сизнинг камарингизга.

**ЖАЛОЛИДИН**

Камар... Демак, сиз огоҳсиз.

**ИБН АММОР**

Огоҳман, султон.  
Бу ҳужрадан ҳеч нарсани яшириб бўлмас,  
Деворининг қулоғи бор, томининг кўзи.

Хомуш ҳолда Умайя киради. Жалолиддин билан кўзлари тўқнаш келиб, беихтиёр бир дақиқа тўхтаб, сўнгра тез утиб кетгали ошиқади.

**ИБН АММОР**

Бемаҳалда қаёнларда юрибсан, қизим,  
Биласан-ку замон қалтис, не кўп саёқ кўп.  
Энанг сени излаб кетган эди.

**УМАЙЯ**

Меними?  
Мени ҳамон қизалоқ деб ўйлади энам.

**ИБН АММОР**

Эна деган ҳақ бўлур, бор, олдига боргил.

**УМАЙЯ**

Хўп, отажон.

*(кетаги)*

**ЖАЛОЛИДИН**

Фарзандингиз оқила ухшар.

## **ИБН АММОР**

Мудҳишиш пайтда келди булар дунёи дунга,  
Ҳар бирининг ёши бошида бордур минг ғавво.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ҳеч қачон ҳам осон бўлган эмас одамга,  
Илк қадамдан то сўнгиси қадар йўл оғир.

## **ИБН АММОР**

Аммо бизнинг асримизда тала-тўп кўпроқ,  
Қанча алам олиб келди бир Чингиз ўзи.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Гап Чингизда эмас, Ибн Аммор.

*(оғриқдан бўшашибу. Ибн Аммор кўмагига болишга  
ёнбошлийи)*

Аввал ҳам  
Чингиз янглиғ босқинчилар келган ҳаётга.  
Бироқ Чингиз ғалабага енгил эришди.  
Падаримиз алдандилар макрга афсус.

*(қийналиб)*

Макр... Шоҳлар алдангувчи бўлса макрга  
Улус боши ғам-аламдан чиқмас. Юрт ӯлар.

## **ИБН АММОР**

Мени маъзур тутинг, султон, аммо ўзингиз...  
Сиз макрга алдаммадим деёласизми?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Алданмаган бўлсан эди кош, Ибн Аммор.

*(Саълаба киради)*

## **САЪЛАБА**

Хайрият-ей, турибдилар меҳмон тушақдан.

## **ИБН АММОР**

Тепангизда мижжа қоқмай ўтирган «табиб»  
Саълаба шу.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ташаккур.

## **ИБН АММОР**

*(хотинига)*

Сен қайларда қолдинг,  
Умайянинг келганидә кун фира эди.

## **САЪЛАБА**

Мен бормаган жой қолдими уни ахтариб,  
Хавотирдан така-пуга бўлди юрагим.

## **ИБН АММОР**

Мен қизингнинг ўчоғидан хабар олайин,  
Сен яна бир табиблигинг қиласанг бўлмас.  
Оғриқ, азоб бераётир султонга.

## **САЪЛАБА**

Султон?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(шошиб)*

Ҳа, исмим шу... Султон исмим... Султонали.

## **САЪЛАБА**

Султонали... Ярашиқли исминг бор экан,  
Суягингнинг чатноғига топамиз даво,  
Қани, Султонали менга қўлингни курсат.

## **ИБН АММОР**

Бошланди.

**(Жалолиддинга)**

Сиз маҳкам бўлинг.

**(ўз-ўзига)**

Хотин-да, хотин.

**(кетади)**

## **САЪЛАБА**

**(Ярадорнинг бойлоголиқ қўлини пайпаслаб)**

Билагингга исириқнинг тухумин босиб,  
Зайтун мойи ила ишқаб бойлаган эдим,  
Не каромат кўрсатганин биламиз ҳозир.

**(Йигитнинг билагини бўшатабошлиди.  
Жалолиддин яна ҳушидан кетади)**

## **САЪЛАБА**

Вой, улмасам... ажраб қолди яна ҳушидан,  
Нима қилдим? Чақирсамми кекса табибни.

**(иҷкарига)**

Қизим, бирров буёққа чиқ. Умайя!

**(иҷкаридан овоз)**

Ҳозир.

**(иҷкарига)**

Ховонча ва исириқни келтиргил.

**(овоз)**

Яхши.

*Саълаба Жалолиддиннинг юзига совуқ сув сенади.  
Бир нималарни ўқийди. Темирни ўчоқда қиздириб, қўлига босади ва қайтадан боғлади. Жалолиддин ўзига келади.*

## **САЪЛАБА**

Мингта экан, Султонали, жонинг. Чидагил,  
Суягингни солиб қўйдим жойига. Сув ич,  
Муздаккина.

*Саълаба унга сув ичкизаётганига Умайя киради.*

## **УМАЙЯ**

Олиб келдим, эна.

## **САЪЛАБА**

Дарров тутаткил.

*Умайя исириқни тутатабошлайди. Ибн Аммор киради.*

## **ИБН АММОР**

Кароматдур Саълабанинг турган-битгани,  
Нафаси ҳам ўтқир эрур, қўли ҳам енгил.  
Боринг энди, дамингизни олинг, «табиблар»,  
Умайя, сен қозон-ӯчоқ тепасида бўл.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(Саълабага)*

Сизга ҳамда... қизингизга ташаккур.

## **САЪЛАБА**

Қуллук,

*(кетишади)*

## **ИБН АММОР**

Чиқиб ҳозир мен булатсиз кўкни қузатдим,  
Туш кўргандим, тутилмоғи керак эди ой.  
Ва үнгимдан келди тушим.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қизик... не бўлди?

## **ИБН АММОР**

Үн беш кунлик бўлган эди ой хўп тўлишиб,  
Еру кўкни турар эди ёритиб бирдай.  
Фавқулодда юзларига тортилди парда,  
Гўё калхат қанотлари қоплади ерни.  
Фингшиб ўтди ўнгу сўлдан ёқимсиз шамол,  
Унсиз фарёд чекар эди гўёки осмон.  
Тоғлар етим бола каби мунғайиб қолди,  
Йуқотдилар чунг қоялар салобатларин.  
Оёғимнинг остидаги ер бўлса худди  
Жарга келиб қолган отдай титранди гаранг.  
Узоқ давом эттани йўқ ернинг бу ваҳми,  
Кўтарилиди ой юзини қоплаган парда.  
Яна еру кўкни бирдай ёритди шуъла.  
Аммо энди икки-уч кун хансираиди ер,  
Вақт керак кўкнинг тинчиди олишига ҳам.  
Ваҳиманинг асорати дарров йўқолмас,  
Одамларга зиён-заҳмат етмаса кошки.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Озми ўзи одамларнинг ғам-аламлари,  
Дош беролар бу ваҳшатга фақат одамзод.

## **ИБН АММОР**

Тамом тўлди одамзоднинг сабр косаси,  
Тинкасини қуритди бу сўнгсиз урушлар.  
Қийин бўлди Озарга ҳам, Гуржистонга ҳам.

*Жалолиддин бошини кўтариб, Ибн Амморга синов-чан тикилади.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қийинлиги туғри, бироқ...

## **ИБН АММОР**

Хотиржам бўлинг,  
Сўзим сизга таъна эмас. Шунчаки айтдим.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Үхшамайсиз шунчаки гап айтувчига ҳеч,  
Не айтсангиз, тагида бир маъно кўраман.  
Бехудага айтдингизми ой тутилганин?

## **ИБН АММОР**

Тутилгани ростдур ойнинг.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Шубҳа қилмайман.  
Лекин сезиб турибманки, ой бир баҳона,  
Менга недир демоқчисиз. Айтаверинг.

## **ИБН АММОР**

Мен  
Узоқ тоғда яшаётган кекса одамман,  
Ҳеч рӯбарӯ келганмасман султонлар билан.  
Иситмангиз баланд ҳозир бунинг устига.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ҳечқиси йўқ, ақлу ҳушдан айирмаса бас.

## **ИБН АММОР**

Худди ҳаво қаби зарур одамга эс-ҳуш,  
Шоҳдарга-ку ҳар нарсадан муҳими шудир.  
Ўша бўлса ер юзида камаяр қирғин.  
Дейман, наҳот тоғли халқлар қироличаси  
Русуданнинг юрагига топмадингиз йўл.  
Оқибатда қонга тўлди дарё...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Русудан  
Рад айлашга журъат қилди даъватларимни,  
Қувлар бўлди мени, ахир, остонасидан.

## **ИБН АММОР**

Остонаяга лашкар тортиб келгансиз.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Тұғри,  
Мана, менинг лашкарим ҳам, үзим ҳам келдим,  
Бирлашайлық, құшилайлық, дедим мен унга.  
Ва дедимки, келаяпти устингга Чингиз,  
Бирлашмасак енгар сени бизни енгандек.

*(сүкүт)*

Сиз билурсиз, нима учун топталди Турон,  
Нима учун таслим бұлды ёвга буюк юрт.  
Тұрт іоз эллик қалъаси бор эди метиндең,  
Бирлашганда эди улар худди бир вужуд,  
Бир ёқадан бош чиқарыб кирсады жангта,  
Уни Чингиз ололмасди, ололмасди, йўқ.  
Нима қила олар эди Үтрор бир үзи,  
Самарқанднинг бир үзи ва Урганж бир үзи.  
Бухоро ҳам, Кешу Шом ҳам бир үзи, үзи.  
Ахир, улар битта буюк байроқ остида,  
Битта буюк мамлакатта мансуб эдилар.  
Афсус, улар ёвга қарши бирлашмадилар,  
Ва үzlари үzlарининг бошин едилар.

*(сүкүт)*

Русданга мен шуларни эслатдим. Айтдим:  
Гар тушмасин десанг Турон куни бошингта,  
Лашкаримга лашкаринг құш, дарвозантні оч!  
У рад этди. Дарвозасин ёпди маҳкамроқ.

## **ИБН АММОР**

Рад айласа, ҳақи бордур, у, ахир, қирол...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Эрта кунни күролмаган қирол қиролмас.  
Бир тасаввур этиб күринг. Бирлашды құшин,  
Бир-бирига құл бердилар асов дарёлар,  
Турли тиlda гаплашгувчи халқлар бир вужуд,  
Бир тани бир жон бұлдию ташланди ёвга.  
Ана унда босқинчы ва манфур Чингизга  
Сичқон ини бұлар эди минг танга.

## **ИБН АММОР**

Тұғри,  
Аммо сиздан чүчиб қолган Рұсудан.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мендан  
Хавфсирашга заррача ҳам йүқ әди асос.  
Керак эмас әди менга ўзганинг тахти,  
Менга фақат керак әди күч ҳамда имдод.  
Олишмоғим даркор әди мен Чингиз билан.  
Қон тұкишга мажбур этди мени Рұсудан.  
Аммо кириб борарканман шаҳрига ғолиб,  
Сезар әдим дилимда сулх иштиёқини,  
Рұсуданни қолдирмоқчи әдим тахтида.  
Аммоки у қочиб кетди. Мени уқмади.

## **ИБН АММОР**

Шоҳлар фақат шоҳлар билан гаплашадилар,  
Тил үтмаса гаплашурлар тиғ тили билан.  
Гаплашсалар әди шоҳлар қалб тили билан  
Унда ҳуда-бехудага түкилмасди қон.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қалб тили не деганидур?

## **ИБН АММОР**

Мана, иккимиз  
Мулоқотта кирған тил шу — қалб тили бұлур.  
Гүёки сиз шоҳ, әмассиз, иккимиз ҳам teng,  
Дилда неки бўлса, борин изҳор этамиш.  
Бунда на бир шумлик, на кин, на-да қабоҳат.  
Нега бир шоҳ, бир шоҳ билан шундай гаплашмас,  
Нечун бири иккинчисин таъқиб этади,  
Бир-бирининг мулкига кўз тикишар нечун?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Айтмоқчисиз мен бу ерга мулк истаб келдим?  
Кечирасиз, мен ўз мулким кўйи-ғамида

Сарсону саргардондирман, унга муштоқман.  
Уни ҳозир итлар ғажиб кемирмоқдалар.

### ИБН АММОР

Хафа қилиш ниятим йүқ, эди сизни ҳеч,  
Тилим ўзи шунаقا, сал қалампири бор.  
Итлар ғажиб ётмоқдадур юртимни дерсиз,  
Лекин уни ит олдига ташлаб қочган ким?

### ЖАЛОЛИДДИН

Отам деган сўзни менга айттирмоқчисиз,  
Уни айтмоқ менга осон дея ўйларсиз?  
Гарчи ота айбин демоқ ўғилга уят,  
Бироқ ундан қайга қочиб қутулар ўғил?!

### ИБН АММОР

Наҳот шундай улуғ бир шоҳ қўрқди Чингиздан?  
Ахир, сиз... ва сизлар нега қараб турдинглар?  
Маъзур тутинг, яна тилим қичиди.

### ЖАЛОЛИДДИН

Майли.  
Сезяпманки, ўғлингиз бор экан сизнинг ҳам,  
Айтинг, қулоқ тутасизми унинг изнига?  
У ҳам сизнинг амрингизга бўйинсунарми?  
Бошқа тилни қўйиб, сўйланг қалб тили билан.

### ИБН АММОР

*(бироз довдираб)*

Менинг ўғлим... Нима десам экан, ҳайронман,  
Сиз ўзингиз кўриб баҳо беринг яхшиси...  
Ҳозир келиб қолади у.

### ЖАЛОЛИДДИН

Ана шунаقا!  
Савол бериш осон, Ибн Аммор, кўп осон,  
Лекин жавоб бермоқ қийин, жудаям қийин.

Сиздай улкан алломанинг сўзига аммо  
Очиқ жавоб берилмас, инсофдан бўлмас.

**(оғриқ ичида оғир хаёлга берилиб)**

Менким, маълумингиз, шоҳга тўнгич ўғилман,  
Акадурман яхши-ёмон шаҳзодаларга.  
Бироқ мени валиаҳдлик мартабасига  
Отам лойиқ кўрмадилар.

**ИБН АММОР**

Сабаб?

**ЖАЛОЛИДДИН**

Сабаби  
Фанимларим шубҳа солиб отам кўнглига  
Дедиларки, Жалолиддин тахтинг эгаллар.  
Отам бунга ишондилар.

**ИБН АММОР**

Қандай разолат!

**ЖАЛОЛИДДИН**

Сўнг бостириб келганида Чингиз очофат,  
Дедим, ота, жам этайлик кучни бир жойда.  
Қўшиннинг эрк-ихтиёрин беринг қўлимга,  
Олишайин бир юзма-юз ул махлук ила.  
Отам рози бўлмадилар.

**ИБН АММОР**

Яна шубҳами?

**ЖАЛОЛИДДИН**

Ҳа, отамни чўчитдилар мендан — ўғлидан,  
Дедиларки, Жалолиддин Чингизни енгса,  
Тахтингни ҳам олар тортиб сенинг қўлингдан.  
Отам яна ишондилар фанимларимга,  
Сочиб-сочиб юбордилар қўшинни ҳар ён.  
Пароканда бўлиб қолди улуғ салтанат.

## **ИБН АММОР**

Надоматлар бўлғай!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Уруш бошланган чоғда  
Урганждамас, Самарқандда эди отамиз.  
Ўша ёқдан тўғри қочиб кетдилар.

## **ИБН АММОР**

Эвоҳ!  
Юрт подшоҳсиз, етим қолди?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ҳа, шундок, бўлди.  
Қочиб-қочиб бориб олис маҳов оролга,  
Хору забунликка ўзни маҳкум этдилар.  
Чақиртириб ўлимлари олдидан мени  
Энди шоҳ — сен дедилар ва камарларини  
Ечиб менга бердилар. Мен рози бўлмадим,  
Аммо сўнгги тилагим шу дедилар ўксиб.  
Рози бўлмоқлиқдан ўзга чорам қолмади.

## **ИБН АММОР**

Давлатингиз буюк эди, текурдилар кўз,  
Кўз тегмаса, эси бундоқ кетмайди шоҳнинг.  
Лекин бутун бўлса ҳамки сизнинг ақлингиз  
Чингизхондан панд едингиз...

*Сукум. Жалолиддин ингранади.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Панд егансан, денг.  
Синд дарёси бўйидаги сўнгги савашда  
Тузогига туширди у мени дафъатан.

## **ИБН АММОР**

*(қизишиб)*

Йўқ. Дафъатан эмас, йўқ, йўқ, тасодиф эмас,  
У сизни мот айлаган ўз режаси билан.

Тилдан тилга ўтган у жанг энди афсона,  
Умидимиз эди ўша афсона бизнинг.  
Аммоқи сиз ишончларни оқлолдингизми?  
Йўқ... у... Чингиз бало экан. Мугомбир экан,  
Устун келиб турганида сизнинг қўлингиз  
У устаси фаранг мақр-ҳийла ишлатиб,  
Лақ туширган сизни, ҳа-ҳа, роса ўйнатган.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

*(огриқ ва таънадан бўзариб)*

Бекор гап бу. Бир уйдирма... Уни қийратиб,  
Мен олдимга солиб қувдим. Қочди довдираб,  
Тумтарақай... Ўтакаси ёрилай деган.

### **ИБН АММОР**

Шундай қилиб кўрсатган у сизга ўзини,  
Оти билан Чингизхон-да, фирт тулки...

*(истеҳзо билан кулади)*

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Кулинг!  
Кулаверинг, кулиш осон...

### **ИБН АММОР**

Мен сиздан эмас,  
Кудим Чингиз найрангининг соддалигидан.  
У қочганча олиб борган сизни жарликка,  
Пистирмада ўзи қўйган лашкар оғзига.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Омад кетса шундай бўлар, Ибн Аммор.

### **ИБН АММОР**

Йўқ,  
Айбни тўнкаш ҳожат эмас омадсизликка.  
Бу касридур ўз кучингта мўсаймоқлиқнинг<sup>1</sup>.  
Ахир, Чингиз фақат сиздан ҳайиқар экан.

<sup>1</sup> Мўсаймоқ — ортиқ даражада маҳлиё бўлмоқ, ўзига).

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ибн Аммор, Чингиз ўлди, хабарингиз йўқ.

## **ИНБ АММОР**

А? Чинданам шу ялмоғиз ўлақолдими?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ха, Чингизнинг ўлгани рост.

*Жалолиддин маъюс тортуб, оғир ўйга толади.*

## **ИБН АММОР**

Магар рост бўлса,  
Юзингизда нечун шодлик аломати йўқ?  
Нечун аввалгидаң бадтар ғамга чўқдингиз?  
Юртингизни вайрон этган, неча элларни  
Ер билан бир қилиб яксон айлаган Чингиз  
Ўлсаю сиз... Тушунаман. Жароҳат. Лекин...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(гулханга боқиб)*

Тоғу тошлар аро кездим нечун дарбадар,  
Нечун кечдим дарёларни, денгизларни мен,  
Забт айладим нечун Озар, Афғон, Гуржини,  
Нечун қўшин йиғдим узоқ-яқин эллардан?  
Эҳ, бир олишмоқчи эдим Чингизхон билан,  
Эҳ, бир олишмоқчи эдим... Оғзидаң қонин  
Оқизмоқчи эдим унинг, ўша малъуннинг.  
Ўз ажали билан ўлди Чингизхон, афсус,  
Афсус, қасос нелигини кўрмасдан кетди.  
Чингиз қирди йигитларни, уларнинг ота-  
Оналари, хотинлари, болаларини.  
Гўдак кўкрагини ёриб, унинг юрагин  
Ит олдига ташлатди у... Жажжи юракни  
Ит еганин мазах қилиб этди томоша.  
Жавобини эса, афсус, олмасдан кетди.  
Тўғри, менинг унда-бунда қилган ғалабам  
Наштар бўлиб санчиларди чиркин қалбига.  
Ва мен бундан янада куч-кувват олардим.  
Шайланмоқда эдим унинг бошин янчмоққа,  
Аммоқи у энди йўқдур, у энди йўқдур.

**(сүкут)**

Мен Шом сари борарканман лашкар йиққани  
Чингиз ўлди деган хабар келди. Тұхтадим.  
Ва ўйладим. Олишаман энди ким билан,  
Кимга энди едираман қасос аламин.  
Кимни энди тавбасига таянтираман?  
Шу тариқа түшди құлдан тарвузим... Ҳа-ҳа,  
Шу тариқа учди рұхим алангалари.  
Оёқланған қүшинимни тұхтатдым йұлда,  
Совуқ замин оғушига чүқдім мақсадсиз.  
Совуганим менинг күриб совуди қүшин,  
Камарларин белларидан ечди сарбозлар.

**(сүкут)**

Энди құзим кеттан экан уйқуга, бирдан  
Күтарилди шавқин-сурон. Тепамга мұғул  
Нұёнлари келганини күриб қолдим-да,  
Пешахона олдидаги отимга миниб,  
Ҳаётимни топширдим оқ бедовга яна.  
Улар мени қувладилар келиб изма-из,  
Мен уларни бириң-кетин олдим нишонга.  
Сизнинг ушбу тоққа яқын келган чофимда  
Палахмоннинг тоши келиб тегди елкамга.  
Шундан кейин не бұлганин билмайман. Құзим  
Очганимда шу хужрада күрдім үзимни.

**ИБН АММОР**

Ұз суюкли фарзандларин асрайди Оллох,  
Дийдорлашмоқ пешонага ёзилган экан.

**ЖАЛОЛИДДИН**

Лекин ҳамон билолмасман халоскорим ким,  
Ким қутқарыб олди мени ёвнинг илгідан,  
Бу хужрага элтиб күйди қайси нажоткор?

**ИБН АММОР**

Хужрамизга олиб келган сизни үғлимдур.

**ЖАЛОЛИДДИН**

Сизнинг үғлингизми? Қани, борми шу ерда?  
Үғлингиз ҳам үзингиздай соф күнгил экан,  
Үзгаларга меҳрибон.

## **ИБН АММОР**

Ха, жу-да-а мерибон...  
Фикримни банд этар ўзга нарсалар, султон.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(оғриқ зўрини яширишга уриниб)*

Нима экан фикрингизни банд этган. Айтинг.

## **ИБН АММОР**

Хўп, айтаман. Бир ҳақиқат бордур азалий,  
У ҳам шуки, шон-шуҳратга учган подшоҳнинг  
Бир кун бориб қора бўлар манглайи албат.  
Истисно деб сизни бундан айтольмас бирор.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(тишини тишига босиб)*

Бундан чиқди шуҳратпараст эканман-да мен,  
Жуда қизиқ бўлди-ку бу...

## **ИБН АММОР**

Қизифи шуки,  
Шуҳрат учун керак экан сизга жанг-жадал,  
Чингиз билан олишмоқ ҳам аслида сизга  
Даркор бўлган экан, билдик, шон-шуҳрат учун.  
Чингиз ўлди, демак ўлди жанг шуҳрати ҳам.  
Воажабо, воажабо...

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(қаддини ростламоққа уриниб)*

Чингиз билан жанг  
Иблис билан жанг дегани, малъун билан жанг.  
Уни енгмоқ тенгдур енгмоқ билан риёни.  
Риё билан олишмоқ гар шуҳрат аталса,  
Мен розиман бу шуҳратга бурканса номим.

## ИБН АММОР

Чингиз ўлган билан демак ўлдими риё,  
Ер юзида камайдими жижжа ёвузлик?  
Чингиз сочган разолатнинг ургуларидаң  
Заҳар-закқум дараҳтлар униб чиқмасми?  
Чингиз ўлди дея қўлдан қилични қўймоқ  
Разолатта йўл очмоқлик билан баробар.  
Йўқ, сиз фақат Чингизни, ҳа, унинг ўзини  
Ўлдирмоққа қақд этгансиз. Уни ўлдирған  
Бир қаҳрамон сифатида номингиз қолса,  
Тарих шуни рақам этса... Сизга шу керак.  
Энди сизга иш қолмади, энди Чингиз йўқ.  
Фалсафани қаранг. Шуям гап бўлдию...

## ЖАЛОЛИДДИН

Мен  
Тарих учун эмас, юртим учун олишдим,  
Жон олиб, жон бердим юртим ва халқим дея.  
Чингизни ҳам тиз чўктириб сўймоқчи эдим,  
Халқим қони, юртим хуни, кўз ёши учун.  
Сиз бўлсангиз...

## ИБН АММОР

Қўшилмайман, фикрингизга, йўқ,  
Сиз айтган халқ ва юрт учун Чингиз хунимас,  
Эрк ва ҳурлиқ керак, сulton, озодлик керак.  
Синдиримоғи керак улар қуллик занжирин.  
Ўз еридан босқинчини қувиб чиқармоқ,  
Ўз ерига соҳиб бўлмоқ — улар орзузи.

(сукут)

Ҳалигина эсладик биз шайх Куброни,  
Ҳифзул Ватан — мин ал-иймон, деганлар ҳазрат.  
Яъни Ватан ҳимояси — иймон белгиси.  
Сиз Ватаннинг ҳимоясин қилмоқ ўрнига  
Қўлдан қилич ташласангиз Чингиз ўлди деб,  
Ватан ҳоли не кечади ёвлар илгидаги?  
Сизга Ватан керакми ё шухрат керакми?

## ЖАЛОЛИДДИН

Бу иккисин бир-биридан ажратиб бўлмас,  
Мағзин чақсанг битта эрур Ватан ва шухрат.

## ИБН АММОР

Янглишасиз, султон, ҳали ҳеч бир кимсага  
Шону шухрат Ватан ўрнин босолган эмас.  
Киндик қонинг тўкилган ўз юртинг тупроғи,  
Шу тупроқнинг битта ҳиди, бир дона гули  
Ҳар қандайин шон-шухратдан минг карра афзал.  
Сизлар бўлса... шаҳзодалар, султонлар, шоҳлар  
Шон-шухрат деб Хоразмни адо этдинглар.

## ЖАЛОЛИДДИН

(ўқ еган арслондай ўкириб)

Йў-ўқ!

*Жароҳати очилиб, ҳолдан кетади. Ибн Аммор ярасини боғлаб қўймоқчи бўлади, Жалолиддин ўйл бермайди. Оғир сукутдан сўнг давом этади.*

Не қилган бўлсан агар ёш жоним билан  
Хоразм деб қилдим, унинг баҳти деб қилдим.  
Уни деб чанг солдим Чингиз ўғилларига,  
Ул мақтанчоқ Тулихоннинг кесдим тилини,  
Нўёнларнинг бошин олдим, қўзларин ўйдим.

## ИБН АММОР

Булар бари шухрат қўшди шухратингизга,  
Сиз дарёга от солганда Чингиз тан бериб,  
Ўғлинг бўлса, бўлсин деган Жалолиддиндай.  
Эллар оша мардлигинги бўлгач овоза  
Эсанкираб кетдингиз маст-аласт шухратдан.  
Бу мастиликнинг оқибати эса маълумдур.

## ЖАЛОЛИДДИН

Қўшилмайман. Мағлубият мастиликдан эмас,  
Мағлубият иккиланиш, довдирашдандур.  
Иккиланган суворийнинг чопмайди оти,  
Довдираган шоҳнинг сўзи етмас қулоққа.

## ИБН АММОР

Шоҳнинг сўзи ўтмас бўлса, сизнинг сўзингиз  
Қиличдан ҳам ўткир эди. Лекигин нечун  
Бир сўз демай Урганжни тарқ этдингиз сиз ҳам?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Сўзлай десам Туркон хотун оғзимни ёпди.

## **ИБН АММОР**

Ишонмайман. Жалолиддин Мангубердининг  
Оғзин бирор ёпди деса ким ҳам ишонар.  
Сиз ўзингиз ёлиз йўлдан юрмоқни истаб,  
Бошқалардан устун кўйиб ўзни минг чандон,  
Унутдингиз, ёлиз отнинг чиқмайди чанги,  
Чиқса ҳамки, чанги, лекин чиқмайди донғи.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(ўқиниб, оғриқдан ўртаниб)*

Мен билмадим бу дунёда Оллоҳдан бўлак  
Кимга суюнмоғу кимга ишонмоқ мумкин?  
Кимни тоғим десанг, қулар тоши устингга,  
Қўл узатсанг, харсанглари тилар қўлингни.  
Кимга агар жондошим деб дилингни очсанг,  
Заҳарлайди дастурхондай очик дилингни.  
Сизга ёлғон, Ибн Аммор, менга эса чин,  
Сен дўстингми, акангми ё укангдан агар  
Устун бўлсанг бир қарич, бор-йўғи бир қарич,  
У сени ўн қарич ерга киритмоқ бўлар.  
Ўз галангдан бир погона баланд учсанг гар,  
Қанотларинг юлқиб-юлқиб, кўзинг чўқурлар.  
Оёғидан тортсак агар олға кетганни,  
Патларини юлсак агар баланд утганни,  
Шуҳратпараст десак уни ва худбин десак.  
Тушов урсак ўзимиз ўз оёғимизга,  
Икки дунё оқармайди косамиз бизнинг.  
Агар сиздай донишмандлар шуни билмаса,  
Салла ураб, олим бўлиб юргани бекор.

## **ИБН АММОР**

Ўз йўлига олимлик, ўз йўлига шоҳлик,  
Унинг бўлсин, бунинг бўлсин, нуқси йўқ эмас.  
Беайб фақат парвардигор. Сизга дил очиб,  
Ҳақ сўзларни айтганимдан пушаймоним йўқ.  
Кимдур кўтармаса машъял бу зулмат аро,  
Ёритмаса эл йўқотган сўқмоқ, йўлларни,

Бошламаса ботирларни қасос кунига,  
Эзилганлар бу дунёдан армонли кетар,  
Кўзи очиқ, кетар бари хўрлангларнинг.  
Босқинчилар зулми адад билмайди унда,  
Узоқ тушмас юртнинг оёқ-қўлидан кишан.  
Шуни айтмоқ учун сизни кутдим. Кўп кутдим!

*Умайя киради. Мұхум бир мусоҳаба кетаётганини сезиб, ўзини панага олади, сұхбатта қулоқ тутади.*

Сизни, султон, бир нарсадан этайин огоҳ,  
Менинг ҳужрам сизга ўлим ҳозирлаб турар.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

*(ҳайрон)*

Ҳужра... ўлим ҳозирлар? Қизиқ...

### **ИБН АММОР**

Ҳа, турфа  
Ўйинлари кўпдур кажрафтори-дунёнинг.  
Гал шундаки, менинг ўғлим сизни ул тоғдан  
Ўлдиргали олиб келган бизнинг ҳужрага.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Ўлдиргали олиб келган? Не учун?

### **ИБН АММОР**

Бизнинг  
Сухайл отлиғ бир ўғлимиз — куёвимизни

*(Умайя бир сесканади)*

Ўлдирганлар жангда сизнинг амрингиз билан.  
Унинг хунин талаб қиласиз сиздан Абу Зайд —  
Ўғлим... ҳамда Сухайлнинг акаси Солмон.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Шундайми?

## ИБН АММОР

Ха, шундай, султон. Хукм Оллоҳдан.

Жалолиддин базур қадам босиб, ичкари кириб кетди. Умайя бетоқат булиб, паришон ҳолатда олдинга чиқиб келади.

## УМАЙЯ

(ўз-ўзига)

Ҳужрамизда даволаймиз, мана, биз кимни,  
Мана, кимнинг ярасига излаймиз малҳам.  
Сухайлни ўлдирганга дармон бағишилаб,  
Унинг руҳин чирқиратиб турган эканмиз.  
Йўқ, энди бу даво топмас... Кечир, Сухайл,  
Мен алдандим. Ўладимки, бу бир мусофири.  
Энди бари аён бўлди. Бариси аён,  
Сенинг хунинг эвазига у хун берсин, хун.  
Мен бораман ҳозир аканг Солмон олдига,  
Ха, Солмонни менинг ўзим бошлаб келаман!

(кетабошлийди)

## ИБН АММОР

Тұхта, қизим. Жуда бузук авзойинг, не гап?

## УМАЙЯ

Не гаплигин сиз билурсиз, ота. Бу ҳужра  
Сирларини билгүвчисиз ҳаммадан аввал.  
Үндан огоҳ бўлурман мен ҳаммадан кейин.  
Агар мени қизалоқ деб ўйлар бўлсангиз,  
Қўрқаманки, сизга бўлган меҳрим дарз кетар.

## ИБН АММОР

Сендан пинҳон тутадиган сирим йўқ, қизим,  
Биласанки, жондан сени ортиқ севарман.  
Бироқ айтар вақти бўлур ҳар ҳақиқатни,  
Вақти келмай айтилган сўз чала туғилган  
Бола каби кўп азият келтирад үйга.

## **УМАЙЯ**

Бундан ортиқ, не азият бор яна, ота,  
Менга яна не ситами бор бу дунёнинг?

*(аччиқ-аччиқ үиғлайди)*

Хужрамизнинг тўридан сиз жой берган ўша  
Хоразмлик афтини йўқ, кўришга кўзим.

## **ИБН АММОР**

*(меҳр билан қизининг кўзёшларини артиб)*

Тинчлан, қизим, ўзингни кўп қийнайвермагил,  
Қийналмоқнинг кўз ёшидан булак нафи йўқ.  
Сен йиғлаган билан дунё ўзгара қолмас.

## **УМАЙЯ**

*(тагинда изтиробга тўлиб)*

Ишим йўқдур менинг дунё-пунёси билан,  
Бу еримни куйдирган дард ўзимга етар.  
Бу дунёдан одам кетса тамом экан-да,  
Бир чақалик ишимиз йўқ, экан Рух билан.  
Ўлган одам руҳи қанча чинқирса майли,  
Чин қанчалик топталса ҳам майли... Шундайми?

## **ИБН АММОР**

Ўзингни бос, Умайя.

## **УМАЙЯ**

Йўқ, тугади сабрим.  
Ортиқ бардош беролмайман майнавозликка.  
Ҳақиқатни айтмоғим шарт Солмонга ҳозир.

## **ИБН АММОР**

Аканг Абу Зайд волий олдига кетган,  
Оқсоқоллар жам бўлиб бир қарорга келсин,  
Ана ундан кейин...

## УМАЙЯ

Йүк-йүк! Волий, оқсоқол  
Ва бошқанинг даҳли йўқдур бу ишга, ота.  
Унга қандай жазо бермоқ бизнинг расомат.  
Солмон ўзи чиқарар энг одил ҳукмни.

(кетабошлайди)

## ИБН АММОР

Тұхта, Умайя.

## УМАЙЯ

Йүк,

## ИБН АММОР

Тұхта, Солмонга борсанг  
Хеч тузатиб бўлмас хато рўй берар.

## УМАЙЯ

Майли.

Қандай хато рўй берса ҳам майли. Энг оғир  
Хато содир бўлиб бўлган. Буёфи энди  
Баридур. Майли, осмон ерга қуласин!

(шигадат билан чиқади)

## ИБН АММОР

Бу ёшларга не жин урган.

(ўчоқ бошида маъюс ўтириб қолади)

Энди не бўлар?!

Даст ўрнидан туриб, қизини қайтариш мақсадига  
кучага отиласди. Хомуш ҳолда қайтиб киради.

Кетиб қолган... Нечун уни қўйиб юбордим?  
Кошки эди одамсифат бўлса бу Солмон.  
Паноҳингда ўзинг асра, бандангни, Оллоҳ!

## **И К К И Н Ч И Қ И С М**

Үша жой. Ибн Аммор хуфтон намозини ўқиб юзига  
фотиха тортади, ташқаридага одамларнинг ғангир-фун-  
тур овозлари эшитилади. Абу Зайд Абутолиб волий,  
Ибн Халлож ва Сайфий оқсоқолларни бошлаб киради.  
Ҳаммасининг авзойи бузук.

### **ИБН АММОР**

Туннинг юзи қора бўлса агар монеъ йўқ,  
Оқартира билмас они на куч, на ақл.  
Аммо одам юрагига тушган қорани  
Даф айламоқ мумкин бўлар ақлу хуш билан.  
Сизлардаги ақлу ҳущдан воқиф бўлсам-да  
Юзингизда жаҳл кўриб қора тун янглиғ  
Не дейишни билмай қолдим.

### **АБУТОЛИБ**

Қўй, Ибн Аммор,  
Ярашмайди соддаликка солсанг ўзингни.  
Юзимиизда жаҳл бўлса бесабаб эмас,  
Қани ўша Хоразмшоҳ, ўшандан гапир.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

*(қўлтиқтаёгини тўқиллатиб)*

Лол бўлмаган бўлса агар саволимизга  
Жавоб берсин.

### **ИБН АММОР**

Қандай савол?

### **САЙФИЙ**

*(чўрт кесиб)*

Сенга даҳли йўқ,  
Саволларга ундан жавоб олмоққа келдик.

*Жалолиддин аста чиқиб, зимдан сўзга қулоқ тутади.*

## **ИБН АММОР**

Жалолиддин ярадордур, жисми ногирон,  
Унга ҳозир савол эмас, малҳам керақдур.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Етар агар калимага айланса тили,  
Жавоб берсин бугун энди қилмишларига.

## **ИБН АММОР**

Эсингни йиф, Ибн Халлож, ахир, у шоҳ,-ку,  
Ҳамқишлоғинг эдимики, саволга тутсанг.

## **АБУТОЛИБ**

Ҳа, у шоҳдур, Ибн Аммор, лекин қандай шоҳ,  
У бостириб келган бизнинг юртга, унутма.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

У бостириб келмаганда мана бундай... шал,  
Қўлтиқтаёқ кўтаргилаб юрмас эдим мен.  
Чақир. Жони бўлса чиқсин. Салом берайлик...

*Оёқда базур турган Жалолиддин бор кучини йифиб,  
аста чиқади, узини хотиржам тутади.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Зуфум қилмоқ ўрни эмас Ибн Амморга,  
Кўряпманки, у нур каби покиза бир жон.  
Мана, ўзим чиқиб келдим ҳузурингизга,  
Не гап бўлса эшишишга тайёрман.

## **ИБН АММОР**

Булар  
Ўрамимиз волийси ва оқсоқоллари.  
Хув чеккада турган менинг ўғлим Абу Зайд.

*Жалолиддин ўз «халоскори»га зимдан боқади, унинг  
кузларида қаҳр-ғазаб кўради.*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(Ибн Амморга)*

Меҳмон қаби нечун турар у бир чеккада?

## **АБУ ЗАЙД**

*(пичинг билан)*

Отам сенга берса нетай уйнинг түрини,  
Ҳамма ҳурмат-иззат сенга, сен шоҳсан, ахир.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

*(заҳарханда билан)*

Шоҳ бўлганда қандоқ шоҳ-а, қандоқ саркарда,  
Поёндоз ҳам тушолмадик бундоқ йўлига.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(жахл билан)*

Жалолиддин Мангуберди исмим, чарх билур,  
Ер юзининг учдан бири менга мулк бўлур.  
Гарчи ёвлар мулки покни форат этмишлар,  
У меники, у туркники, Туронникидур.  
Хоразмдай буюк маъво менга тож берган,  
Маън этаман бехурмат сўз айтмоқни сизга.

## **АБУТОЛИБ**

*(оқсоқолларга)*

Адолатли сўз керақдур пичинг ўрнига,  
Ким қўйибди истеҳзони оқсоқолларга.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Абутолиб, волийлигинг пеш этма дарҳол,  
Ҳар қандайин сўз демоққа хақимиз бордур.  
Уни бизга маън этмоққа... бунда фатво йўқ.  
Ўзин тутишини қаранг, худ шоҳи олам,  
Э, ўргилдим мен сендақа қуруқ подшоҳдан.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(ғазабини босиб)*

Тұғри, менинг ҳозир на тож, на-да тахтим бор,  
На остимда отим бору на құлда тифим.  
Кучимни-да емирдилар жароҳатларим.  
Лекин менинг күзим ҳали узокни құрар,  
Сиз күрмаган уфқуларни илағашга қодир.

*(Ибн Халложга)*

Күриб тураг сенинг ичи-ташингни күзим,  
Күриб тураг қора дилинг, чиркин миянгни.  
Сенга ялоқ кераклигин қураяпман мен,  
Ялоқ берсам сенга учар эди унларинг.  
Афсус, сенга берадиган ялоқ йүқ ҳозир.  
Қон яламоқ бұлса ишиңг ялоқ не ҳожат,  
Мана, келу қонларини яла ярамнинг.

*(елка, құл ва оёқларига боғланған рұмолларни ечиб отабошлайды)*

Мана, сенга қон керакса, мана, ол, мана,  
Менга ортиқ керак әмас қоним ва жоним.

*Буни күриб Абу Зайд беихтиёр олдинга бир қадам юрады. Сүнг аранг үзини тұхтатиб орқасига тисарилады.*

## **ИБН АММОР**

*(Жалолиддинни сұяб)*

Жалолиддин!!! Жонингизга келсин раҳмингиз,  
Үз ярасин ким тирноғи билан қонатар.

*(иҹкарига)*

Саълаба, ҳой, Саълаба, чик, султонга қара,  
Астагфуруллох, воажаб!

*(Саълаба кирады)*

## САЪЛАБА

Нелар бўлмоқда?  
Ё тавба! Ким йиртди барин?

## ИБН АММОР

Ҳозир биласан,  
Ярасини бойла аввал, қонини тұхтат.

## ЖАЛОЛИДИН

Керак эмас, ҳожати йўқ.

## САЪЛАБА

(*Абу Зайдга*)

Қарашибор, ўлем.

(*Абу Зайд юзини тескари ўтиради*)

## ИБН АММОР

Ўзим сенга қарашибаман, қани, булақол.

Жалолиддин онанинг раъйини қайтаролмай унга буйсунади. Ибн Аммор иккалови султонни авайлаб, тұнка ўриндиққа сяб ўтқизишади. Үрингің бир қадар юқори жойлашганидан Жалолиддин гүё таҳтада ўтиргандаи таассурот туғиради.

## ЖАЛОЛИДИН

Неча йилки, кундуз бўлсин ва ёки кеча  
Қилич сопин қўйвормади менинг қўлларим.  
Кеча-кундуз ўлим билан келдим юзма-юз,  
Ўт ичида қолдим гоҳи, гоҳ чўқдим сувга,  
Паноҳида сақлар бўлса Оллоҳ таоло  
Йигитни ўт куйдиролмас, гирдоб ютолмас.  
Мен ўлимдан зарра бўлсин ҳайикқаним йўқ,  
Кўз кўради не ёзилган бўлса манглайга.  
Аммо ноҳақ айбу тухмат ўлимдан оғир,  
Тоқатим йўқ эшитмоққа ноҳақ сўзларни.

## **АБУТОЛИБ**

Сенга ноңақ сүз айтмоққа келганимиз йүк,  
 Үз оғзингдан эшитмоққа келдик бор гапни.  
 Аввало айт, Сухайлни нечун ўлтуртдинг?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Уруш билмас Сухайл ким ва бошқаси ким,  
 Олов қўпса ном саралаб ўтирас ажал.

## **АБУ ЗАЙД**

Тўғри, уруш жон танламас. Қўли, кўзи қон,  
 Лекин сен-чи? Сен одамсан, ахир, гар шоҳсан.  
 Сен билишинг керак кимни қатл этурсан.

## **АБУТОЛИБ**

Эшитдикки, жанг чофида йигитларимиз  
 Мағлуб бўлиб бари сенга асир тушмишлар.  
 Сен шуларнинг орасидан бўйинсунмаган  
 Бир нечтасин қатл этишга амр қилгансан.  
 Шулар аро бўлган эмиш бизнинг Сухайл.

## **САЪЛАБА**

*(гарангсиб)*

Сухайлни қатл эттирган ҳали сенмисан,  
 Қандай қўлинг борди уни ўлдирмоқликка?

## **АБУТОЛИБ**

У юлдузи эди ушбу масканнинг.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!

## **АБУТОЛИБ**

Фахр этарди унинг билан шу тоғли урам,  
 Унинг чизган суратлари ҳар кулбада бор.  
 Улар сурат эмас, ернинг оташ нафаси,  
 Бизни ўраб турган баланд тоғнинг ўзицур.

## **АБУ ЗАЙД**

Биз кўрмаган суратларни кўрар эди у,  
Кўрар эди етти қават осмонни.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!

## **АБУ ЗАЙД**

У нур ва ранг олар эди Арши аълодан,  
У шу ердан туриб кўрар эди Каъбани,  
Каъба узра жило берган Байтул-Маъмурни.  
У шундай бир сурат яратмоқчи эдики...  
Кўрар кўзи эди Сухайл Оллоҳнинг.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!

## **САЪЛАБА**

Ростингни айт, уни қатл этган сенмисан,  
Сенми Оллоҳ бизга берган нурни сўндирган?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(қийинчилик билан ўриндиқдан пастга  
тушаркан)*

Тиниқмоқда хира тортиб қолган хотирам,  
Жанг лаҳзаси тирилмоқда энди ёдимда.  
Неча кунлик саващдан сўнг тонгнинг устига  
Чиқиб мағлуб этдик бизга қарши черикни.  
Асир олдик Русуданнинг хос лашкарин.  
Асир тушган отлиқлардан шунда бир йигит  
Менга қараб бақирди бор овози билан.  
Дедиким, сен, Жалолиддин Чингиздан ёвуз,  
Чингиздан бешбадтар қонхўр босқинчиурсан.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ҳақиқатни айтган экан Сухайл, бале.

## **САЙФИЙ**

**(құтпуріб)**

Сен босқинчи бұлмай кимсан?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

**(Сайфига ташланмоқчи бұлиб)**

Бас қил!

## **САЙФИЙ**

Чиранма,  
Дағ-дағанғдан қимирламас битта мүйим ҳам.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Энди сенинг давринг үтди, шоҳлигинг битди.

**(хассасини күтариб Жалолиддиннинг устига  
бостириб боради)**

Омон қолган жойинг бұлса үзим ёраман.

## **ИБН АММОР**

**(йүлини тұсіб)**

Ибн Халлож! Эсингни йиғ, бунда мен соҳиб,  
Ҳаддингни бил, сен меҳмонсан менинг ҳужрамда.

## **САЙФИЙ**

Менинг ҳужрам дея бизга ҳакамлик этма,  
Халлож майиб бұлса менинг оёқ-құлым соғ,  
Менинг үзим бу қаттолнинг додин бераман.

**(Жалолиддинга хезланаги)**

## **АБУТОЛИБ**

Тұхтатинглар ғавғони. Бас! Сизларни оқыл,  
Оқсоқол деб бошлаб келиб хато қилибман.

Құл кучимас, ҳозир бунда керак тил кучи,  
Күп қоронғу нарсаларни ёритгувчи — тил.  
Султон жавоб бераяпти бизнинг саволга,  
Дилидагин айтсин, ахир, сўйлашга беринг.

### ЖАЛОЛИДДИН

*(Ибн Аммор ёрдамида юқорига кўтарилиб,  
ўриндиқча жойлашгач)*

Күп кўрганман сиз тоифа одамларни мен,  
Сиз нарсанинг ўзингина кўра оласиз.  
Кўзи бўлса ён-верини ҳайвон ҳам кўрар.  
Кўрганининг магзин чақмоқ баҳти йўқ унда.  
Бу баҳтдан сиз ҳам маҳрум экансиз буткул.  
Сизлар мени ўлдирмоққа тайёрсиз ҳозир,  
Ўйлайсизки, қатл этсангиз шу билан мен йўқ.  
Билмайсизки, менинг жисмим йўқолган билан  
Йўқолмагай Жалолиддин номим ҳеч қачон.  
Исму жоним муҳр этдим ўз еримга мен,  
Ўз боғларим, тоғларимга айладим пайванд.  
Қилич билан чопиб баланд қояларни ҳам  
Учқунларин манглайимнинг терига қордим.  
Қадамларим ўйгани рост харсанг тошларни,  
Қуласалар таҳт, саройлар, қасрлар ҳамки,  
Унинг мармар лавҳидаги изим йўқолмас.  
Токи ҳалқим яшар экан, унинг дилида  
Бир фарзанди бўлиб мудом яшарман мен ҳам.  
Демакки, тиф тортсангиз-да менинг бўйнимга  
Сизлар мени ўлдирмоққа қодир эмассиз.  
Шундай экан, нечун дашном, нечун дағдага,  
Мўрт хассани ерга урсанг, синади хасса,  
Қари тулки ёрилади шердай бўкирса.  
Сиз шундайин тоифасиз бадбаҳт туғилган,  
Баҳт нелигин билмай шундоқ ўтиб кетасиз.

*(сукум)*

Мени Чингизга тенг эттан ўша йигит-чи?  
У сизларнинг тоифага кирмас эди, йўқ.  
Кўрдим унинг кўзларида ўшандა бир ўт,  
Ёнар эди унинг қалби икки кўзида.  
Яшашга ҳам, ўлимга ҳам қодир эди у.  
У танлади иккисидан бири — ўлимни,  
Мен амр этдим ўлдирмоққа уни!

## **АБУТОЛИБ**

Ёраббий!

*(сукут)*

## **САЪЛАБА**

Қизимизга уни күёв қилмоқчи эдик,  
Фарзанд бўлар эди Ибн Амморга, менга.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сени баҳтдан жудо этган мана шу қотил,  
Буни ўлдирғаннинг кўкаради касови.  
Сен заҳарлаб ўлдир, уни, Саълаба, ўлдир.

## **ИБН АММОР**

Сен биронга ўлим тилаш ўрнига Халлож,  
Умр тила ўзингга, ҳа, умр тилагил.  
Сухайлни ўлдирмоққа амр этсада шоҳ  
Оллоҳ узи изн берган ҳукми олийга.  
Умри қисқа экан Сухайлнинг, нетайлик.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(хаёлга берилиб)*

Чингиз билан тенг этмаса эди мени у...

## **САЪЛАБА**

Чингиз деган билан Чингиз бўлиб қолмасдинг,  
Кечиримли бўлсанг пича нетарди.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Чингиз  
Номини йўқ эшиитмоққа тоқатим асло.  
Юз минглаган жонни курбон айлаган малъун  
Билан мени тенглаштириди. Ўзни йўқотдим.

## **САЙФИЙ**

Аввал бошдан шундоқсан-ку.

## **ИБН АММОР**

Алжима, Сайфий.

### **САЙФИЙ**

Абутолиб!

*(Жалолиддинни кўрсатиб)*

Айттил унга менинг кимлигим.

### **АБУТОЛИБ**

Саройда бу Русуданнинг муншийси эди,  
Қиролича қочиб кетгач қайтди ўрамга.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Нега менинг хизматимга ўтақолмадинг,  
Русудандан кўпроқ тўлар эдим балки ҳақ.

### **САЙФИЙ**

Сенга хизмат этганимдан кўра ўлганим  
Яхшироқдур. Форат этдинг сен бу ўлкани.  
Булар билмас Русуданга ёзган хатингни.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Неки амал этган бўлсан келиб дунёга  
Ошкордур дўстимга ҳам, душманимга ҳам.  
Олға-ортга юрар бўлсан бугун жанубда  
Эртагаёқ эшигади шимол, ғарбу шарқ.  
Русуданга ёзган хатим сирмас ҳеч кимга,  
Ўзгалардан яшиromoққа уни йўқ ҳожат.

### **САЙФИЙ**

Русуданга севги изҳор айлаб хатингда  
Тўй қилмоқчи бўлганингдан кўплар бехабар.  
Русуданнинг сенга жавоб хатин ёзган ким?  
Мунший Сайфий, яъниким мен. Тўйлар муборак!

## **САЪЛАБА**

Бир ўлимдан хабари йўқ мунший Сайфийнинг,  
Русуданни севиб қолган эдингми ростдан?

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Э, бу аввал севган Озар маликасини,  
Сўнг дилидан урган Гуржи қироличаси.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бунга эмас, сенга айтай она Саълаба,  
Сенга очай дилимни, сен, ахир, онасан.

## **САЙФИЙ**

Ишонма, бу она сўзин тил учи айтар,  
Ўз онасин дарёга фарқ этган одам шу.

*(Жалолиддин худди шерга ўхшаб ўкириб,  
жароҳатини писанд эттмай, Сайфий олдига  
бориб, бир қўли билан уни ёқасидан олади)*

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Сен онамга тил теккизма, теккизакўрма.

Сайфийни улоқтиради, у ўчоқ бошига бориб йиқи-  
лади, Жалолиддин ўз танидаги оғриқ зўридан букилиб,  
ўтириб қолади. Ибн Аммор ёрдамга шошади. Жалолид-  
дин унинг ёрдамидан фойдаланмайди. Аста-секин ўр-  
нидан туради. Бўлган воқеани ўксик-ўксик айтабош-  
лади.

Чингиз билан сўнгти жангда, дарё бўйида  
Фавқулодда уч томондан ураб келди ёв.  
Дарё пастда оқиб ётар эди буралиб,  
Қолмаганди шундан бўлак борар йўлимиз.  
Ё улмоқлик ёки ёвга асир тушмоқлик...

*(Абу Зайд ҳам таъсирланиб эшиштабошлайди)*

Асирикдан афзал билди онам ўлимни,  
Менга деди: сен отингни дарёга согил,

Сен-чи, она, дедим. Онам дедилар: Мени  
Үз қўлинг-ла оқизиб кет дарёга, ўғлим.  
Ўлган яхши шу Чингизга асир тушгандан.

### **САЪЛАБА**

Ва сен рози бўлдингми, а?

### **ЖАЛОЛИДДИН**

На илож!

### **САЙФИЙ**

У фарқ этган ўз онасин ўз қўли билан.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Фақат онамнимас, хотин, фарзандимни ҳам  
Оқизганман ўшал маъшум дамда дарёга.

### **САЪЛАБА**

Онанг жўмард эканларда.

### **АБУ ЗАЙД**

Довюрак экан.

### **САЙФИЙ**

Онанг-ку мард экан, аммо сен-чи?

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ха, сен-чи?  
Сен не учун ташлаб қочдинг уларни сувга?

### **САЪЛАБА**

Ибн Халлож, ўйлаб гапир, қочиш бошқадир,  
Дарёга ўз қўли билан оқизиш бошқа.

*(Жалолиддинга)*

Кўп савдолар тушган экан шу ёш бошингга,  
Эҳ, бу дунё, эҳ, бу дунё!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ўзни ўнглагач,  
Волидамнинг орқасидан шўнғиб дарёга  
Тулқинларнинг остларидан изладим уни.  
Суроқлардим гирдобрарнинг туби-тубидан,  
Тополмадим, тополмадим, топа билмадим.  
Мен дунёга келганимга ўксисб ийғладим,  
Лаънат айтдим тақдиримга, ийгит отимга.  
Фойдаси йўқ эди энди, ҳа, фойдаси йўқ.

## **САЪЛАБА**

Гар онангнинг ўрнида мен бўлсам шу зайл  
Балиқларга ем бўлардим асир тушгандан.

*(кутилмаганга ўклига юзлануб)*

Не қиласдинг, Абу Зайд сен, ўша аснода?

## **АБУ ЗАЙД**

Менми? Сени... мингаштирас эдим отимга.

## **САЪЛАБА**

Хотининг ва ўғлингни-чи?

## **АБУ ЗАЙД**

Йўқ, сизлар билан  
Оқиб кетар эдим мен ҳам. Сизсиз яшамоқ  
Азобидан ўлган афзал.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен-да шул ҳақда  
Ўйлаганман ул қирғоқда онам қошида.  
Оқиб ўлиб кетмоқ осон, Абу Зайд, осон,  
Аммо мени, бизни, элни шу ҳолга солган  
Ёвни ташлаб оқиб кетмоқ... Ундан уч олмай,  
Тиз чўктирмай уни ўлмоқ мумкин эмас, йўқ.

## **САЙФИЙ**

Қани, кимни тиз чўктирдинг? Русуданними?

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Озар шоҳи Отабекми бир ўч олганинг?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

На унда, на бунда ўчим бор эди менинг,  
Бўлган эмас орамизда зарра хусумат.  
Бильъакс бир-биримизга меҳр кургузиб,  
Неча замон маҳкам тутдик дўстлик риштасин.

## **АБУТОЛИБ**

Ул риштани нечун уздинг?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен узганим йўқ.  
Мушкул дамда икковидан ваҳдат истадим.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ваҳдат истаб ӯлдирдим де одамларни.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен  
Қон тўқмаслик учун битдим Русуданга хат,  
Жонимизни бир-бирига пайванд этмоқни —  
Русуданга уйланмоқни ихтиёр этдим.

## **САЙФИЙ**

Рози бўлса, майли, йўқса, қонин тўкасан?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Шундан бўлак чора ўзи қолмаган эди,  
Чингиз билан олишмокқа даркор эди куч.  
У қўл чўзган эди Озар ва Гуржи сари,  
Унинг қонли қўлларини кесмоқ шарт эди.  
Бунинг эса битта йўли бор эди — ваҳдат,  
Яъни бирлик! Афсус, мени тушунмадилар.

## **АБУТОЛИБ**

Мен ҳам сени тушунмайман. Озар ва Гуржи  
Не истаса ўзи билар. Ўз ҳолига қўй.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Гар сен мени тушунмасанг бундан ҳеч кимга  
Тирноқча ҳам озор етмас. Бироқ подшоҳлар  
Бир-бирини тушунмаса қўпар қиёмат.  
Ўз ҳолига ташлаб қўйсанг Озар, Гуржини  
Чингиз уни бўғиб ташлар мисоли аждар.  
Сўнг армани, ёқут, можар — ҳаммани бўғар,  
Бирлашсак-чи, бўғаолмас биттамизни ҳам.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сенинг турқинг совуқ эди, тифинг қонталаб,  
Мен кўрганман сени Қазвин остонасида.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Кўрган бўлсанг кўргандирсан саваш олдида,  
Ундан аввал Отабекка юбордим элчи.  
Айтдим. Келгил, бирлашайлик. Бирлашиш қайдা,  
Дарвозасин тақа-тақ у ёпди.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ёпса кет,  
Отиб, чопиб бирлашмоқлик — фирт аҳмоқлик.  
Кўнгил бўлса бирлашади одам, йўқса, йўқ.  
Гар касофат босиб ўша пайтда Қазвинга,  
Қизимни бир кўрайин деб бормаган бўлсам,  
Билмас эдим сенинг унда — Озар ерида  
Кўрсатган куч-хунарингни, қилиқларингни.  
У ерда ҳам мақр ишлатдинг. Маккор экансан.

## **САЙФИЙ**

Ибн Халлож, айт барини.

## **ИБН АММОР**

Хожати борми,  
Ҳолдан тойиб қолди султон бунинг устига.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қүйинг, айтсин.

### **САЙФИЙ**

Айт, ичингда қолиб кетмасин.  
 Аввал айт, бу қандай қилиб йўлдан оздириди  
 Отабекнинг рафиқаси — Маликани. Айт.  
 Ҳамма бало ана шундан бошланган.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!  
 Лашкар тортиб келганда бу Озар устига  
 Курганки, куч билан таслим айламоқ душвор.  
 Шундан кейин ўтган макр-ҳийла йўлига,  
 Севаман деб Маликани йўлдан оздирган.  
 Лаққа тушиб дарвозани очган Малика.  
 Озарни шуусул билан олган бу шайтон.

### **САЪЛАБА**

Сен аёлни алдадингми?

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Тангрига қасам,  
 Бунинг сўзи бошдан-оёқ сохта ривоят.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Айтдим, ўша муддиш пайтда Озарда эдим,  
 Барчасига мана шу кўз, қулоғим гувоҳ.  
 Ўша жойда оёғимдан ажрадим.

### **ИБН АММОР**

Сенинг  
 Адашгандир кўзинг. Қулоқ нени эшитмас.  
 Султон ундоқ қилганига ишонмоқ қийин.  
 Қани, келтир аниқ бирон далилинг бўлса.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Айтдим-ку бу Маликани домга туширган.

## **ИБН АММОР**

Далил?

## **САЙФИЙ**

Айт, ҳей, Малиқага уйланган де.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ха,  
Малиқага уйланганман.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ана далил, ол.

## **САЪЛАБА**

Никоҳингта олганмисан? Эл олдидан  
Ўтганмисан?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Гарчи изҳор мавриди эмас,  
Воқеани энди айтмай бўлмас.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Айт.

## **АБУТОЛИБ**

Ха, айт.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бирлашмоқни рад айлагач қайсар Отабек,  
Қарсиллатиб ёпгач қалъа дарвозасини,  
Мен шаҳарни қамал этдим.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!

## **ИБН АММОР**

Шошилма,  
Бердисини эшит, Халлож.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Неча куну тун  
Савашдик биз рақиб билан қалъа ташинда.  
Бир кечаси жангдан кейин қалъа ичидан  
Сирли йигит чиқиб келди менинг олдимга.  
Маликадан хат келтириди.

## **АБУТОЛИБ**

Ажабо!

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Хотун  
Киши бунга хат ёзганмиш.

## **САЪЛАБА**

Нега ёзмаскан,  
Юрак бўлмас аёлда деб сенга ким айтди?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Озар ҳақда гап очилган ҳамоно бунда  
Хаёлимга келди бирдан Малика хати.  
Фавқулодда ҳамёнимдан топдим мен уни,  
Ҳеч ёнимдан қўймай олиб юргувчи эдим.  
Мана уша мактуб. Она Саълаба, мана.

## **САЪЛАБА**

*(хатни олиб қўздан кечира бошлайди)*

Мухрли хат.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ўқи уни овоз чиқазиб.

## **АБУ ЗАЙД**

*(қизиқыш билан)*

Үқи, эна.

## **АБУТОЛИБ**

Қизик, үқи.

## **МАЛИКА МАКТУБИ**

Мұхтарам султон!  
 Балким менинг хатим ўқиб таажжуб этурсиз,  
 Очиқ сўзим балки сизга туюлар эриш.  
 Юрагимда неки бўлса айлагум иншо,  
 Хоҳ, маъқулланг, хоҳи менинг устимдан кулинг.  
 Мардлигингиз овозаси эллардан ошган,  
 Огоҳ, эдим мен ҳам Сизнинг қиёссиз акд,  
 Сизнинг Жайхун каби ўжар кучдан, қудратдан.  
 Аммо Сизни ўз кўзим-ла кўрмоқ баҳтига  
 Минг шукурким, Оллоҳ, бугун этди мушарраф.  
 Кузатаркан жангни, кўрдим Сизни оқ, отда,  
 Бир нур келди дарвозанинг тирқишиларидан.  
 Менинг кўзим, дилим, ақлим унга бўлди ром,  
 Оллоҳ, дедим, бу қандайин мусаффо шуъла,  
 Бу қандайин тизгинсиз куч, уммоний қувват.  
 Сизни комил этиб берган Оллоҳга қасам,  
 Ўзга бир шоҳ, ўйқ оламда Сиздай паҳлавон,  
 Сиздай доно, Сиздай марду Сиздай шиддаткор.  
 Ҳамлангиздан даф бўлажак Чингиз босқини,  
 Озарни ҳам ул оғатдан сақлагувчи — Сиз.  
 Гар ваҳдатни тан олмайди эрим Отабек,  
 Бироқ Сизга мадад қўлин чўзади Озар.  
 Эрта тонгда очилажак Сизга дарвоза,  
 Уни пинҳон мен очурман, қилинг марҳамат!  
 Юрагимнинг эшиклари ҳам очиқ Сизга,  
 Сизга чексиз эҳтиромлар ила Малика.

## **ИБН АММОР**

Қандай доно аёл экан Маликабону.

## **САЙФИЙ**

Қандай сотқин аёл десанг бўлар тўғрироқ.  
 Босқинчига дарвозани очган-а. Хоин.

## **САЪЛАБА**

Маликани мен хоин деб айта олмайман,  
У очдирган дарвозани Озарни ўйлаб.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Қўй, Саълаба, калласида унинг Озармас,  
Ишқ, майшат вассасаси бўлган, вассалом.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(Ибн Халложга)*

Беш дақиқа аввал мени чалпаб қорага  
Маликани йўлдан урдинг дея айбладинг.  
Унинг хатин эшитишинг билан турланиб,  
Маликани юзи қаро этмоқ истайсан.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Икковинг ҳам битта гўрсиз.

## **САЙФИЙ**

Қойил, ҳей, Халлож.

## **ИБН АММОР**

Қойил бўлсанг, сен бўлавер, Сайфий, аммо мен  
Калтабин деб айттим келар Ибн Халложни.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ибн Аммор, ғазабимни қўзитакўрма.

## **АБУ ЗАЙД**

Сен ҳамманинг ғазабини қўзитсанг яхши,  
Отам айтса дилидагин ёқмайди, а?

## **САЙФИЙ**

*(ҳайрон бўлиб)*

Сен ҳам бу султонни ёқлар бўлдингми?

## **АБУ ЗАЙД**

Фикрим айтдим, мен ҳеч кимни ёқлаганим йўқ.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен бироннинг ёқлашига муҳтоҷ эмасман,  
Неки қилдим, жавобини бераман ўзим.  
Мен фаришта санамайман ўзни, асрасин,  
Бандасида хатолик бор. Аммо Озарни  
Ҳийла билан олди Жалолиддин деса ким  
Оқни қора демоққа тенг. Манави кимса  
Кўролсайди бурнидан сал нарини агар  
Маликани сотқин демас эди.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сотқин у.  
Юртин сотиб, эрин сотиб сенга тегди-ку.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

У бажарди юрагининг айтганларини,  
Виждони не амр этса айлади адо.  
Мен таниган, севган барча аёллар ичра  
Малика энг юраклиси, зебоси эрур.  
У бир тулин ойдур, қолган барча гўзаллар  
Юлдузлардур атрофига унинг сочилган.

## **САЙФИЙ**

Юрагингдан урган экан.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!

## **САЪЛАБА**

Қанийди  
Аёлларни шу султонча севса ҳар эркақ.  
Ишқ нуридан баҳра олган аёлнинг — гулнинг  
Қолмас эди очилмаган битта фунчаси,  
Сўлмас эди ўндан бири очилмай туриб.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Эрларини банди зиндон эттириб бари  
Тегар эди мана бунга ухшаганларга.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Отабекни банди зиндон айладим, тўғри,  
Аммоқи сен не билурсан Отабекни мен  
Қатл этмоқчи бўлганиму Малика уни  
Мендан тилаб олганини дорнинг остидан.  
Шу тариқа ўтар бўлди бу ўжар шоҳнинг  
Қолган умри узи қурган зиндон ичинда.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сен бўлсанг айш этдинг унинг хотини билан.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Йўқ, Малика ортиқ шоҳга хотин эмасди.  
Маликани никоҳидан чиқарган сўнг у  
Биз тўй бердик элга манзур шаҳри Табризда.  
Энг муҳими бу эмасдур лекин.

## **АБУ ЗАЙД**

Нимадур?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Энг муҳими шу эдики, Отабек йўлин  
Инқирозга элтишини сезди Малика.  
У Туркистон юрагига Озар қалбини  
Қовуштирган ва Чингизнинг йўлин тўсишга  
Қодир бўла олган мард ва жасур аёлдир.

## **АБУ ЗАЙД**

Мен ҳам худди шундай фикр этурман.

## **ИБН АММОР**

Аммо

Биз не қилдик ўз юртимиз тақдири учун,  
Хозир унинг устидаги қора булутни  
Қувмоқдикка қодирмизми?

## **АБУТОЛИБ**

Қодир эмасмиз.

### **АБУ ЗАЙД**

Менинг ақлим таажжубда волий сүзидан,  
Волий ўрам боши эрур, шу ер отаси.  
Магарким, у ўз юртига келган оғатни,  
Касоғатни даф этишнинг йўлин билмаса,  
У қандайин волий бўлди, у қандай соҳиб?

## **АБУТОЛИБ**

Ибн Аммор, ўғлингга айт, тилини тийсин,  
Йўқса, жудо бўлар ўттиз икки тишидан.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Бу ҳужрада сўз янгради илк бор бежилов,  
Гўё кириб келди тоза баҳор нафаси.  
Қони қайноқ ёш йигитнинг ёниқ юраги  
Қабул қилмас иложисизлик ўқинчларини.  
Тўғри сўзнинг аччиғига чидамоқ даркор,  
Дарҳақиқат, юртбошилар қўрқоқ бўлсалар,  
Оғзидағин олдиради бечора улус.

## **АБУТОЛИБ**

Мени ерга уришга не ҳаққинг бор?

*(Абу Зайдга)*

Уни  
Ўлаётган чоғида сен елкангга ортиб  
Келганингнинг боисини тушундим энди.  
Тушундим мен нега уни даволар онанг,  
Нега отанг парвонадур унинг бошида.  
Сиз ўрамни топширмоқчи экансиз унга...  
Мен волийман бу ўрамга. Токим ҳаётман  
Волийликни ҳеч кимсага бермайман.

## **САЪЛАБА**

Тавба!

## **АБУ ЗАЙД**

*(Жалолиддинни кўрсатиб)*

Ўлдирмоққа олиб келган эдим уни мен.

## **АБУТОЛИБ**

Бўлмаган гап. Ўлдирмоққа мени тайёрсан.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(Ўрнидан базур туриб)*

Ибн Аммор, бир нафасга ижозат айланг,  
Миям ортиқ дош беролмас, кирай ичкари.

*(қаддини рост тутишга ҳаракат этиб, ичкари  
киради)*

## **ИБН АММОР**

Саълаба, бор, ёрдам керак бўлар султонга.

## **САЪЛАБА**

Рухсат айла, икки оғиз сўзим бор.

## **ИБН АММОР**

Кимга?

## **САЪЛАБА**

Гап эгасин топиб олар.

## **ИБН АММОР**

Майли, қалта қил.

## **САЪЛАБА**

Шу чоққача билганим йўқ, ким бу ногирон,  
Ким бўлса ҳам, ахир, одам боласи, дедим.

Ярасига малҳам бўлмоқ истадим унинг,  
Энди билдим шоҳ эканин шону шавқатли.  
Лекин волий сўзи ўқдай тешди жонимни,  
Хизматимга тухмат қилди. Волий бўлар деб  
Даволаган эмишман-а, қандай разолат.

### **АБУ ЗАЙД**

Ота, қайтиб олсин Абутолиб сўзини.

### **САЙФИЙ**

Нега қайтиб олар экан, у ҳақдур.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале!

### **АБУТОЛИБ**

Бу ҳужрага кирибоқ мен сезган эдимки,  
Айрича бир иззат билан қуршалган султон.  
Ўлқамизни форат қилган бўлса беаёв,  
Сухайлни ноҳақ қатл айлаган бўлса,  
Мажруҳ этган бўлса неча-неча халложни,  
Ва сиз уни ўтирангиз бошга кўтариб.  
Хуш, бу ненинг белгисидур?

### **ИБН АММОР**

Одамлиқдантур.

### **АБУТОЛИБ**

Йўқ. Оёққа турғизмоқчи буласиз уни,  
Истайсизки, яна отга минсин.

### **ИБН АММОР**

Ёмонми  
Отга минса?

### **АБУТОЛИБ**

Боракалло. Бу энди чин сўз.  
Ана, нени истайсиз сиз, нени қўмсайсиз.

## **САЪЛАБА**

Үлай агар шу гап келган бўлса калламга.

## **АБУ ЗАЙД**

Үлдирмоқлик уни ёлғиз ниятим эди.

## **ИБН АММОР**

Ёлғон сўзга ўрин бўлган эмас ҳужрамда,  
Шу пайтгача неки айтсам бунда чин бўлди.  
Ҳозир айтар сўзим бундан эмас истисно.  
Чин сўзимдан Каломуллоҳ бергай шаҳодат.

*(сукун)*

Абутолиб туғри айтди. Менинг умидим  
Шуки, Жалолиддин турсин тезроқ оёққа.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Мақсадинг не?

## **АБУТОЛИБ**

Айтдим-ку мен.

## **САЙФИЙ**

Астағфуруллоҳ!

## **АБУ ЗАЙД**

Сўзларингга тушунмадим, ота.

## **АБУТОЛИБ**

Биласан,  
Жуда-а яхши биласан сен отанг ниятин.  
Лақиллатолмайсан мени, гўллигинг ёлғон.

## **АБУ ЗАЙД**

Ёки тезроқ сўзингни айт, ота, ёки мен  
Бу волийни ҳужрамиздан ҳайдайман ҳозир.

## **АБУТОЛИБ**

Чиранма, ғоз.

### **ИБН АММОР**

*(овозини кўтариб)*

Бас қилинглар! Оlam қонга ғарқ,  
 Эрта-индин сен ҳам, у ҳам, мен ҳам — ҳаммамиз  
 Қолажакмиз келаётган тӯфон ичинда.  
 Қиёматдан унинг асло фарқи бўлмагай.  
 Унда сенинг волийлигинг топади барҳам,  
 Унда сенинг ўрамингдан қолмас ном-нишон.  
 Самарқандни супурди у, Урганжни ёқди.  
 Бухоронинг кулларини совурди кўкка.  
 Энди навбат бизга келди, бизларга келди.

## **АБУТОЛИБ**

Самарқандни, Бухорони Жалолиддининг  
 Нега сақлаб қололмади зўр сulton бўлса?

### **ИБН АММОР**

Йўл берсалар сақлаб қолар эди муҳаққақ.  
 Йўл берайлик энди унга бизлар лоақал.  
 Улуғларга қасамки, йўқ ҳозир Туронда  
 Жалолиддин каби бир шоҳ, мард нажоткор.  
 Уни иўмлаш даркор мӯғулларнинг устига,  
 Уни қўмлаш даркор бир жон ва бир тан бўлиб.  
 Чингиз ўлган билан ўлмас унинг йўриғи,  
 Ўғиллари бордур тажжол бири-биридан.  
 Жалолиддин Мангуберди олдида аммо  
 Улар бир оч бўридиirlар, бу эса шердур.

## **САЙФИЙ**

Ҳой, ошириб юбординг, ҳой.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ўша баттолни  
 Нақ бўлмаса Искандарга чиқарасан-а.  
 Ўзи тураг бир нафасда ўлай-ўлай деб.

## **АБУ ЗАЙД**

(ўз-ўзига)

Қанча олис отам билан булар ораси,  
 Осмон билан ерча келар фарқи, ёпирай.  
 Отам ўйлар миллатини, ерни, дунёни,  
 Ўзларининг ковакларин ўйлайди булар.  
 Мен буларни оқсоқол деб — оқил одам деб  
 Билар эдим. Ҳаммасининг ичи пуч экан.

## **АБУТОЛИБ**

Мен волийман, қарор этдим. Хоразмшоҳни  
 Қўл-оёғин боғлаб Русуданга элтаман.  
 Аламини олсин ундан қироличамиз.

## **ИБН ҲАЛЛОЖ**

Тахтин ташлаб қочиб қетган Русудангами?

## **САЙФИЙ**

Ўз тахтига яна уни олиб келамиз.

## **ИБН ҲАЛЛОЖ**

Саройда сен яна мунший бўлиб оласан,  
 Иштаҳанг зўр, Сайфий. Волий, сен ҳам балосан.  
 Русуданга ялтоқланиб, Хоразмшоҳни  
 Тутиб келдим демоқчисан. Мукофот олиб,  
 Волий бўлиб қолмоқчисан ўлгунингча то.  
 Лекин мен-чи? Мен нималик бўламан? Йўқ-йўқ,  
 Оёғимни тўлаб берсин аввал бу золим,  
 Қайтарсан ўз аҳволига мажруҳ жисмимни,  
 Ана ундан кейин ўйлаб кўрамиз, Уни  
 Нетмоқ керак?

## **АБУТОЛИБ**

Оёғимни тўласин дерсан,  
 Товонига ақча сўраб олмоқчисан?  
 Мен бераман сенга қанча ақча керакса.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Баланд кетма волий, ақчанг ардона қолсин,  
Синдириғим керак оёғини мен унинг.  
У ҳам чұлоқ бұлиб юрсин худди менингдек.

## **АБУТОЛИБ**

Яхши. Сенинг арзингни мен айтиб құраман.  
Русуданга. Ибн Аммор, олиб чиқ уни.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ишим йүқдир, волий, менинг Русудан билан,  
Мен шу ерда синдираман унинг оёғин.

## **САЪЛАБА**

Вой, ұлмасам, тушимми бу ёки ўнгимми,  
Шунча ёвуз бұладими одам боласи.

## **АБУТОЛИБ**

Ибн Аммор, чақир уни. Олиб кетаман.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Хеч қаерга обкетмайсан.

## **АБУТОЛИБ**

Сұзим қонундир,  
Мен волийман.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Волий бұлсанг үзингта.

## **АБУТОЛИБ**

Бас қил,  
Йұқса сени банди зиндон этаман ҳозир.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Мени, собиқ сарбозни-я?

## АБУТОЛИБ

Сарбоз бўлсанг сен  
Бир пайтларда бўлгансан-да, энди ҳечқимсан.

## ИБН ХАЛЛОЖ

Ҳечқимманми сенга ҳали? Сен волий бўлиб  
Юрганингда қаппайтириб қорнингни бунда,  
Мен жон олиб, жон берганман.... Ҳечким эмиш-а.  
Кўрсатаман ҳозир сенга ҳечқимлигимни.

*Жазаваси тутиб, волийга ташланади. Волий унинг  
бошига мушт туширади. Икковининг орасига бошқа-  
лар тушиб, тўс-тўполон кўтарилади. Жалолиддин чи-  
қиб келабошлидиги.*

## ИБН АММОР

*(бўғизлашаётгандарни ажратиб)*

Тили бўлса деворининг сўйласин ҳужрам,  
Бул тариқа худбинликни кўрганми экан.  
Қулоқларни оғритгувчи бирон оғир сўз,  
Ёки кўзни намлагувчи совуқ бир назар,  
Дилни яра айлагувчи мухорабани  
Эшитмаган, кўрмаган бу кулбаи эҳсон.  
Ҳис қдолса эди бугун эшитганларин  
Уятидан қулагаб кетар эди дафъатан.  
Надоматлар бўлғай, аммо, шу девор янглиф  
Сизларда ҳам йўқ, ор ҳисси, уят туйфуси.

## ЖАЛОЛИДДИН

Деворингнинг қулоги бор, Аммор, ҳисси бор,  
Ҳушу беҳуш ётганимда эш бўлди менга.  
(Сенсиради деб оғринма, тилга шу қулай).  
Деворинг бор экан хазин-хазин талқини,  
Балки сендан, Саълабадан, ота-бувангдан  
Қабул қилиб олгандурлар угли куйларни.  
Уни менга аста-аста чалиб бердилар,  
Сингди куйлар синиб кетган суюкларимга,  
Сўнаётган кўзларимга, қонли танимга.  
Жоним чиқиб ҳалқумига келган аснода  
Куй юмшатиб ўз жойига қайтарди уни.

Сен бұлсанг бу деворларда туйғу йүқ дейсан,  
Сұзларингни рад айлайди жисм ила жоним.  
Сенинг хужранг бугун күрган, эшитганларин  
Бириң қўймай авлодларга сўйлаб беражак.

### **САЙФИЙ**

Девор сўйлар бўлса сенга осон тутмайман,  
Маҳобатли деворлари Урганж, Хиванинг,  
Самарқанду Бухоронинг миноралари,  
Емирилган қалъаларнинг кунгурулари  
Бир сўзласа борми, оҳи оламни тутар.  
Сўйласалар қочоқ отанг қўрқоқдигини,  
Туркон хотун макри, сенинг ёвузлигингни  
Ер ёрилар деворларнинг масхарасидан.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Бале! Бунинг отасини, қўрқоқ шохни айт,  
Вой, қўрқоғей, хумпар шоҳей... Шунинг ўғли-да.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Ёзғирмоққа қодирмассан менинг отамни,  
Сен иккита оёғингни эплай олмасдан  
Сал шамолга биттасидан ажраб қолибсан.  
Алоуддин Хоразмшоҳ — падари бузрук,  
Чексиз ерда баланд тутиб ислом турини,  
Салтанатнинг шухратини дунё юзига  
Ёйиб, номин пойдор этган мукаррам зотдур.

### **САЙФИЙ**

Шу мукаррам зот Чингиздан чўчиб қочди-да.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Мунший булсанг, ғовлаб кетган саводинг бордур,  
Хаёт илми, само илмин балким билурсан.  
Билурмисан, фил сичқондан қўрқар, сичқондан,  
Қўрқар кириб кетишидан қулоқларига.  
Мен падарим қусуридан юмолмайман кўз,  
Ўртангандаго гоҳи тунлар осмонга боқиб,  
Шуъла сочиб турган ойга боқаман узок.

Хар гал унинг доғларига кўзим тушганда  
Мен эслайман падаримни, унинг доғини.  
Ойнинг доғи шуъласига монеъ бўлмас,  
Ахир, у ой, нури билан, доғи билан ой.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Жиндак нури бўлган бўлса шоҳ отангнинг  
У ҳам сўниб қолди олис орол қаърида.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Кўз кўр бўлса, бунга шуъла айбдор эмас,  
Бегубор кўз равшан кўтар яқин-йироқни.  
Исфаҳонда қад ростлагай қаср-мадраса,  
Қурмоқдадур уни меъмор ал-Паҳлавон.  
Қурилишга мен ўтгиз минг динор ажратдим,  
Ҳам воз кечдим уни дея Ироқ божидан.  
Хоразмшоҳ мадрасаси таратгувчи нур  
Аълоиддин шуҳратининг ёғдуси бўлур.  
Сенинг кўзинг уни кўрмоқ завқидан маҳрум.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Менинг кўзим кўтар бироқ бошқа нарсани.

### **САЙФИЙ**

Айт, Халлож, кейин гапни мендан эшитар.

### **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сен оқизган қон дарёсин кўтар кўзларим,  
Сен ёндирган шахарларнинг тутунин кўтар.  
Сухайлнинг очиқ кетган кўзин кўраман  
Ва кўраман Қазвиндаги оёқ қонимни.  
Барчасига сен айбдор, отанг айбдор.

### **САЙФИЙ**

Тўхта, энди буёғини мендан эшитсин.  
Отанг қуруқ бўйи билан қочмаганини  
Тан оларсан. Қирқ туяга ортиб олтинни  
Ўзи билан олиб қочган. Элнинг нонини  
Туя қилган дея ана шуни айтади.  
Бу ҳам ойнинг доғими, а? А?

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сайфий, бале!

### **САЙФИЙ**

Эшитдикки, ўлимининг олдидан отанг  
Олтинларни сенга берган. Ҳаммаси сенда.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Офтобга мушук бекор чиқмайди. Буни  
Абу Зайд уйга бекор олиб келмаган.  
Ҳамма олтин шу ҳужрада. Ҳиди келмоқда.

### **АБУТОЛИБ**

*(уз-ўзига)*

Ҳа, рост, унинг олтинлари шу ҳужрададур,  
Ҳовуч-ҳовуч, ялтирир-юлтири. Ана баҳт қуши.  
Энди буни Рұсуданға олиб бормайман.  
Алдаб-сұлдаб олтинларин оламан хаппа,  
Сұнг ошига аста унинг соламан заҳар.

### **АБУ ЗАЙД**

Етар. Ортиқ чидаң бўлмас бу тубанликка,  
Шармандали томошани бас қилмоқ даркор.  
Бормайман деб айтдим, ота, оқсоқолларга,  
Бор, бор, дея қўймадингиз. Мана, натижа!

## **ИБН АММОР**

Билиб бўлмас, ичиладур одам оласи,  
Баъмани бир қенгаш бўлар деган эдим-да.  
Булар бўлса...

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Нима қилдик?

### **САЙФИЙ**

Нима қилибмиз?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ибн Аммор, сен булардан күп ҳам ранжима,  
Одамлардан хафа бўлсанг арзийди. Булар  
Бори-йуги волий экан, оқсоқол экан.

*(қаттиқ иўталиб)*

Ҳаммадан ҳам ошиб тушди манави мунший,  
Аммо бало экан. Худди тулкининг ўзи.

## **АБУТОЛИБ**

*(ялтоқлик қилиб)*

Тулкидан ҳам кўра кўпроқ бўрига ўхшар.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бўри дегин. Балки сўзинг ҳақдур, сен волий,  
Сен биласан, қўл остингда кимлар яшайди.  
Ким тулкию ким бўридур ва ўзинг кимсан  
Сенга бари аён эрур. Эътиrozим йўқ.

## **САЙФИЙ**

Волий, энди бўри бўлиб қолдикми? Аблаҳ!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ўзингни бос, мунший, ҳозир хурсанд бўласан,  
Мен ёнингни олсам агар, бил, бежиз эмас.  
Яширмайман, қойил қолдим туллаклигингта,  
Дарҳақиқат, қирқ туялик олтинлар менда.

## **САЙФИЙ**

Ана, Ибн Халлож, менинг айтганим келди,  
Сен бўлсанг, бир ишондинг, бир ишонганинг йўқ.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ҳозирда ҳам ишонгим йўқ. Лақиллатмоқчи  
Бизларни у.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

О, лақиллаб бұлған одамсиз,  
Сездім буни сиз әшиқдан кирган заҳоти.  
Лекин менга ишонмасдан чакки қиласиз,  
Айтганим рост, бары олтін менинг құлымда.

*(құлтығидан оғзи бурмали бежирим  
халтачани чиқарады)*

Исботига, мана, хамир учидан патир,  
Олинг!

*(бір ҳовуң олтін тангаларни сочиб юборады)*

## **САЙФИЙ**

Айтдим. Айтдим сенга, эй, Ибн Халлож!

*Сайфий ва Ибн Халлож үзларини олтін тангалар  
устыға ташлаб, бір-бираидан құпроқ териб олмоқчи  
бұладилар.*

## **АБУ ЗАЙД**

*(үз-үзиге)*

Мана, кимлар раҳнамолик этарлар бизга,  
Кимлар бизга бурч, иймөндән үгіт берурлар.  
Агар юрар бұлсак шулар бошлаган йүлден  
Биз шұрликлар жардан бұлак қайға борамиз.  
Оқыл экан Жалолиддин сұлтон. Бизларға  
Бу юхолар башарасин күрсатди аниқ.

## **САЪЛАБА**

Олтін құрсын, жинни этса одамни шундай.

## **ИБН АММОР**

Бас қилинглар! Мен сизлардан ҳазар этаман,  
Хайф сизге бұ оқ соқол ва бу оқ салла.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сенми бизга дашном қилган?

## САЙФИЙ

Хақорат этган  
Сенми бизни? Олган бұлсак, мана, беш-олти  
Танга оддик. Аммо сен-чи? Султоннинг барча  
Олтинига күз тикқансан.

## ИБН ХАЛЛОЖ

Олиб ҳаммасин  
Яширгансан хотинингнинг бўғчаларига.

## САЪЛАБА

Вой, кazzоблар, тухматчилар.

## ИБН АММОР

(ўзини бошқара олмай)

Яширган бўлсам  
Олтинларни, бўғчалардан чиқиб қочмайди.  
Хеч қаёққа чиқиб қоча олмас ҳужрадан.  
Мана, бўғча, мана, сандик,

(очиб, нарсаларни уларнинг олдига отабошлайди)

Кўрпа-ёстиқлар,  
Қара ва ол, титкилаб кўр астарларини.

(ичкари ҳужрага кириб, турли ашёларни олиб  
чиқиб, сочиб отади)

Мана, олтин, мана, олтин. Олинг, иблислар!

## САЪЛАБА

Вой, отаси, сал тинчланинг.

(Ибн Аммор Сайфий билан Ибн Халложни  
ёқаларидан тортиб, ашёлар устига энгаштиради)

Энгаш, энгаш, кўр кўзларинг билан кўриб ол.

## **АБУ ЗАЙД**

*(Сайфий ва Ибн Халложни куч билан отасининг  
қўлидан ажратиб оларкан)*

Ота, бу кир ёқаларни қўйиб юборинг,  
Ифлос этманг қўлингизни. Кўзим очиб мен  
Бу дунёни кўрганимдан бери билурман,  
Покроқ нарса йўқдур сизнинг қўлларингиздан.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

*(Буткул ҳолдан тойганча)*

Кечир, мени, Ибн Аммор, шаккоклигим-чун,  
Сени хафа қилишимни билганимда мен  
Ўлай агар, йўқ нарсани бор деб айтмасдим.  
Кўрсатмоқчи бўлдим булар ичи-ташини,  
Пушаймонман лекин энди қилган ишимдан.  
Сендай пок бир одамни мен ранжитиб қўйдим.

## **САЪЛАБА**

Уни ўқинтирган сенмас, мана булардур.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бу учовлон сафсатабоз экан ва лақма,  
Бир-биридан ўзар экан луттибозлиқда.  
Қирқ туялик олтин ҳақда ривоят тўқиб,  
Авом ичра тарқатган ҳам шундай лақмалар.  
Қочаётган одам наҳот қирқ туя билан  
Жангир-жунгир юрар экан карвонга ухшаб.  
Олтинларни суйган одам ўлимдан қўрқмас,  
Олтинни деб, мол-дунё деб кечар жонидан.  
Менинг отам эса ўйлаб ўзин жонини  
Олтинларни ташлаб чиқиб кетди бадарға.  
У жон таслим этар экан оролда ғариб,  
Жасадига кафан тополмаган шаштдорлар.  
Сизлар эса ривоятлар тўқийсиз бунда,  
Йўқ олтинлар тўғрисида латифа айтиб.  
Ўйнатасиз ўзгани ҳам, ўзингизни ҳам.  
Бу хужрага қандай келиб қолдим, билмайман,  
Нимам бордур бунда хаста жонимдан бўлак.  
Маликанинг мактубию ўн-ўн беш танга  
Қай тариқа чўнтағимда қолган, ҳайронман.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

*(Сайфийга)*

Лақиллатар бизни деган эдим-ку.

## **САЙФИЙ**

Унинг

Сўзларига ишонмагил. Шоҳ бўладию  
Бўлмайдими хуржун-хуржун олтин-кумуши.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Менга ҳозир на мол қайгу ва на жон қайгу,  
 Кулаб кетди мен ошмоқчи бўлган тоғ, довон.  
 Мен юрмоқчи бўлган сўқмок, йўлни босди сув,  
 Мен ўтмоқчи бўлган ўрмон ўтларда ёнди.  
 Мен қўрқмайман на оловдан ва на-да сувдан,  
 Ўтни, селни кечиб олис-олис юрмоққа,  
 Уфқларга етмоқдикка топарман хуруж.  
 Нима бордур аммо ўша уфқ ортида,  
 Ўтда ёнган ўрмонлардан кейин нима бор?  
 Менинг ақлим, тафаккурим, қалбим, хаёлим  
 Бу саволга тополмагай тузукроқ жавоб.  
 Уфқлардан нари гоҳи кўринар бўшлиқ,  
 Рангиз, нурсиз, диёнатсиз совуқ бир маъво.  
 Файрат билан олға юрган одамни куриб,  
 Йўл бўлсин деб сўрасангиз ундан ногаҳон,  
 У бўшлиққа кетаяпман деса, бўшлиққа,  
 Ҳойнаҳой сиз уни жинни атайсиз. Чунки  
 Эслик одам бўшлиқ сари юрмагай ҳаргиз.  
 Тан бераман, гоҳ, кўзимга чалинар бир нур,  
 У зулматнинг бағрин тилиб ялт этиб кетар.  
 Мен кўнглимга юр, етайлик шу нурга дейман.  
 Кўнглим айттар, боқий эмас ул нурнинг умри.  
 У мисоли бир тонг қадар қисқа, омонат,  
 Ва кўнглим у томон сира-сира талпинмас.

## **ИБН АММОР**

*(гина-кудуратни унумтиб)*

Бўшлиқни ҳам гул-гулзорга айлантиргувчи  
Аввал Оллоҳ, қолаверса одам зотидур.

Бироқ Турон келажаги сиз айтган янглиғ  
Рангсиз, нурсиз бир маъвога ўхшамагай, йүқ.  
Ўтиб кетар шамол каби бу қонли кунлар,  
Ўтиб кетар бу босқинчи, золимлар бари.  
Яхши давру давронларга бизлар етмасак,  
Етар бизнинг неваралар, сўнгти авлодлар.  
Лекин улар бизга қандай баҳо берурлар,  
Не қилдик биз улар учун, не қила олдик?

### ИБН ХАЛЛОЖ

*(тоқати тоқ бўлиб)*

Не қил дейсан?

### САЙФИЙ

Бўлса экан менда баҳт қуши  
Ол деб уни авлодларга учира қолсам.

### ИБН АММОР

Үз нафсиға қул бўлганлар бунга қодирмас,  
Мен билурман, аммо, бордур шундай одамлар  
Ўзи учун яшамаслар, уларни Оллоҳ,  
Юборгандур ерга ўзга одамлар баҳти,  
Саодати ташвишида ёнсинлар дея.  
Бўлмасайди агар шундай одамлар, унда  
Авлодлар ўз аждодларин номини тилга  
Олмоқдикка ҳазар этур эдилар, ҳазар.

### САЙФИЙ

*(Жалолиддинни курсатиб)*

Айтаётган одамингнинг биттаси шуми?

### ИБН АММОР

Ҳа, шу.

### ИБН ХАЛЛОЖ

Қойил.

## **САЙФИЙ**

Сенинг миянг айнибди, Аммор,  
Хали шуми келажакни яратгувчи зот?

*(аччиқ-аччиқ қулагы)*

Келажак уёқда турсин, ахир, бу ҳозир  
Кириб бўлди бор одамни, ўлдириб бўлди.

## **ИБН АММОР**

Сен ҳаётни ўз тарозинг билан ўлчама,  
Сенинг тошинг ўз каллангни ўлчашга етар.  
Волий! Бизнинг ўрамга сен бошлиқ эрурсан,  
Ўзинг айтдинг, сўзинг қонун бўлмоғи керак.  
Мард йигитлар оз эмасдур бизнинг ўрамда,  
Жам бўлсинлар Жалолиддин қўли остида.  
Аминманки, буни куриб бошқа ўрамлар  
Ва элатлар жилға каби оқиб келурлар.  
Ҳадемай бир дарё пайдо бўлар, бир дарё!

## **САЙФИЙ**

Ва у бизни фарқ айлагай.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Аввал волийни  
Ямлаб ютар...

*(сукумт)*

## **ИБН АММОР**

Сўйла, волий.

## **АБУТОЛИБ**

Мен не қилурман  
Йигитларим агар бунинг қўлига берсам?

## **ИБН АММОР**

Сен волийсан.

## **АБУТОЛИБ**

Волийлигим кейин бир чақа,  
У ҳукмрон бўлиб менинг бошимга чиқар.

## **ИБН АММОР**

Демакки, сен ўз ўрнингдан қўрқасан.

## **САЙФИЙ**

Ха-ҳа,  
Қўрқади у амалидан ажраб қолишдан.

## **ИБН АММОР**

Сен ҳам Сайфий, Русуданга умид боғлайсан,  
Тахтга тезроқ қайтсаю у сен яна бориб,  
Мунший бўлақолсанг дарҳол. Демакки, сен ҳам  
Ўтиражак ул ўрнингдан қўрқувдадурсан.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Ҳа, қўрқади. Агар султон оёққа турса,  
Рууданга қаёқда тахт.

*(Сайфийни қўрсатиб)*

Бунга йўл бўлсин,  
Фишт муншийлик. Эчкини гар шамол учирса,  
Сичқонни сен осмонда кўр. Тамом, вассалом.

## **ИБН АММОР**

Тушунарли. Сен ўзинг-чи, сен, Ибн Халлож,  
Сен нимангни йўқотишдан қўрқасан, ахир?

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Йўқотганман аллақачон энг муҳим нарсам —  
Оёғимни. Бу йўқотган. Бунда учим бор.  
Фалабасин эмас, йўқ-йўқ, бу султоннинг мен  
Ўлимини тилайман, ҳа, ўлимини.

## **ИБН АММОР**

Хүш,  
Шундоқ экан, нима бұлар султон тақдири?

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Битта йұл бор — ұлим.

## **САЙФИЙ**

Шундан бошқа йұл үйкедур.  
Хозир, шу тун-оқшомдаёқ уни ўлдириб,  
Русудандан олмогимиз керак суюнчи.

## **АБУТОЛИБ**

*(ұз-ұзига)*

Хозир ұлиб кетса нима бұлар олтинлар,  
Икки-уч күн ҳаётини сақлашим керак.  
Олтинларин олай, сұнгра олиб бошини.  
Хадя қилиб юборайин қироличага.

*(Сайфийга)*

Үлдирмоққа шошиб уни нима қиласыз,  
Русуданга ёқадими, үлдирсак, үйкми.  
Балки уни тирик құлға олмоқны истар.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Абутолиб, шумликни қўй. Сўзимиз сўздир,  
Хозир үлдирмасак уни сунг кеч бўлади.

## **АБУТОЛИБ**

Үлдирмоққа йұл қўймайман, волий сўзим шу.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сен биласан, мен жаллод ҳам бўлганман бир вақт,  
Донг таратган эдим кесиб не-не бошларни.  
Сен истасанг, истамасанг, мана, пичогим,  
Халкумини шарт кесаман.

## **АБУ ЗАЙД**

Пичоғингни сен  
Қинига сол. Жаллод эмиш...

## **ИБН АММОР**

Султон тақдири  
Аслин олсак ҳаммамизнинг тақдири миздур.  
Ўзимизни ўлдирамиз уни ўлдирсак.  
Биз-ку кичик урам, аммо кўп эл-элатлар  
Миллатларнинг иқболига зомин бўлурмиз.  
Ана шунга йўл қўймайлик десак султонни  
Учқур отга миндирайлик, йилдирим отга!

*(сукут. Оқсоқолларнинг юзларида норозилик аломатлари)*

Сизлар буни истамайсиз. Нечун? Сабаби —  
Сизлар пачоқ, одамларсиз.

## **САЙФИЙ**

Ҳаддингдан ошма.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Сенга бизлар — оқсоқоллар пачоқ бўлдикми?  
Сенинг ўзинг бутунмисан? Э, ўргилдим  
Сенингдақа бутунлардан.

## **ИБН АММОР**

Бутунманми, йўқ,  
Ўз қадримни ўз қорнимдан баланд тутарман.  
Сизнинг учун қорнингиздан баланд нарса йўқ,  
Унга қурбон этасизлар қадр-қимматни.  
Қадрин билмас одам билмас Тангрисини ҳам,  
Унга ётдур мустақиллик ва эрк туйғуси.  
Унга мансаб бўлса, бўлса мол-дунё... Сизлар  
Ва сизларга ўхшаганлар токим бор экан,  
Аҳли туркнинг бирдам, озод бўлмоғи мушкул!

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Мен ўзимни биламан. Ҳа, ўзгалар дардин  
Сен чекавер. Тоқатим йўқ ади-бадига.  
Сайфий, бунга гап қотганинг ўзи ахмоқдир,  
Оломонни йифайлик, юр, ўрамга чиқиб.

## **АБУТОЛИБ**

Нима дединг?

## **САЙФИЙ**

Ибн Халлож тўғри айтади,  
Ўзи буни бурда-бурда қилар оломон.  
Ибн Халлож, кетдик.

## **АБУТОЛИБ**

Тұхтанг. Сизники эмас,  
Меникидур оломон. Мен халққа хұжайин.  
Ҳаққингиз йўқ оломонни йифишга.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Оббо,  
Икки энлик хат ёзиб оломонингга...  
Бир қилмаган ишим сенга тиз чўкмоқ эди.  
Юрей, кетдик, Сайфий.

## **САЪЛАБА**

Қора тун, бемаҳалда,  
Инсофданми оломоннинг тинчини бузмоқ?

## **САЙФИЙ**

Кейин хурсанд бўлар ҳозир бузилса тинчи.  
Султон,

*(масхараомуз таъзим этиб)*

Рухсат айла ўзинг, халққа борайлик  
Ва у келиб гўштинг есин. Кетдик.

## **ИБН ХАЛЛОЖ**

Юр, тезрок.

*(кетагилар)*

### **САЪЛАБА**

Нималарни кўрар қўзим ва қулоқларим  
Нималарни эшитмоқда? Эй, одамлар-а!

*(кетаги)*

### **АБУТОЛИБ**

Бу тентаклар ҳеч нимадан қайтмайдилар-а,  
Мен тез бориб тухтатайин уларни.

*(кетабошлайди)*

### **ЖАЛОЛИДДИН**

*(жароҳатдан букилаётган елкасини тиклаб)*

Шошма!

Тұхтатишнинг ҳожати йүқ. Майли, борсиналар,  
Оломонни тұпласиналар. Ахир, сенинг ҳам  
Муддаоинг фарқ, этмайди уларницидан.  
Сен ҳам мени ўлдирмоққа шошиб турибсан,  
Қаллобликни сезмайдилар дея ўйласанг,  
Янглишасан. У кетгандар очиқ хунхорлар,  
Сен яширин хунхорсан. Сен чаёнсан. Заҳринг  
Сочмоқликка пайт пойлайсан. Отам саройи  
Тұла эди сенинг каби чаёнларга. Мен  
Хұб билурман ҳунарларинг сен чаёнларнинг.

### **АБУТОЛИБ**

Бу не тұхмат менга султон? Сенинг ёнингни  
Олғанимнинг раҳматими бу?

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Сен раҳматни  
Русудандан эшитасан. Қочган жойидан  
Топиб унинг оёғига йиқил. Бор, югур!

## **АБУТОЛИБ**

Шундайми? Сен Русуданнинг олдига югур,  
 Ё югурма демасанг ҳам қироличага  
 Аллақачон юборганман одамларимни.  
 Эрта пешин ё намозшом улар етказар  
 Русуданга сенинг қўлга тушганлигингни.  
 Ва Русудан қайтиб борар дарҳол пойтахтга,  
 Сенинг таҳтга ўтқазган ул қўтирчоғингни  
 Хиппа бўғиб саройни у эгалаб олар.  
 Худ шу пайтда у мендан бир совға олажак,  
 Бир совғаким, қиёси йўқ, яъниким бошинг!  
 Ҳа, бошингни юборман Русуданга мен.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ў, сен бунинг эвазига бўйинг баробар  
 Олтин олиш умидида ҳаприқсанг керак.  
 Лекин билки, кўп подшоҳлар унча марҳамат  
 Кўрсатмаслар сотқинларга.

## **АБУТОЛИБ**

Сотқин эмасман.  
 Содик эдим Русуданга, ҳозир ҳам унга  
 Садоқатим исбот этиб турибман.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

### **Аммо**

Қиролича билурки, сен аввало турксан,  
 Мусулмонсан. Сену менинг шажарамиз бир,  
 Бир лайфамбар умматимиз. Қайда бўлсак-да,  
 Ҳар тарафга шоха ёйиб кетган эрсак-да,  
 Бир илдииздан куч оламиз, ахир, ҳаммамиз.  
 Менинг бошим олиб борсанг қироличангта  
 Сотқин бўлмай ким бўлурсан? Худо асрасин,  
 Сени йўлдан қайтариш ё кунглинг юмшатиш  
 Учун буни айтганим йўқ. Сотқинлигингни  
 Ўзингга бир эслатмоқчи будим мен, холос.  
 Нени ният этган бўлсанг йўлингдан қолма.

## **АБУТОЛИБ**

Динимиз бир бўлган билан йўлимиз бошқа,  
 Тилимиз бир бўлган билан дилимиз бошқа.

Сен истайсан шоҳ бўлмоқни жумла жаҳонга,  
Мен истайман Русуданнинг қули остида  
Волий бўлиб турмоқликни ўрамга муқим.  
Сен истайсан қалъаларни забт этмоқни,  
Мен истайман: ҳеч ким мени забт этмасин.  
Ушбу йўлда қалқонимдур менинг Русудан,  
Аввал-охир умримни мен унга тикканман.  
У бор бўлса, мен ҳам борман, у йўқ, бўлса, йўқ.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

У йўқ, ҳозир, демак сен ҳам қолдинг муаллақ.

### **АБУТОЛИБ**

У бор! Уни яширганмиз ишончли жойга,  
Сен бостириб кирганингда пойтахтимизга,  
Кўп аъёнлар ва волийлар қатори мен ҳам  
Қиролича ҳузурида — саройда эдим.  
Мен маслаҳат бердим унга қайга қочмоқни,  
Ўзим ҳамроҳ бўлдим унга манзилга қадар.  
У кутмоқда эди сенинг таназзулингни,  
Биз ҳаммамиз бедор шуни кутмоқда эдик.  
Кутганимиз келди охир.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Ўғри мушукдан  
Русуданнинг, сенинг қандай фарқинг бор, малъун.  
Мушук писиб, кўзларини ўлжага тикиб,  
Сўлагини оқизганча ямлаб тумшуғин  
Қулай пайтни пойлаб ётар, ахир, панада.

### **АБУТОЛИБ**

Йўқ! Адашдинг. Қўлимизни қовуштириб биз  
Гар үтирган бўлсақ, сен бу ҳужрада ҳозир  
Яраланиб тўрга тушган бури мисоли  
Қон оқизиб турмас эдинг оғиз-бурнингдан.  
Билар эдик, сен юрасан тез араб сари,  
Қўлга олмоқ бўласан Шом мамлакатини.  
Билар эдик, таъқиб этиб сени изма-из  
Келар мўғул нўёnlари орқангдан сассиз.  
Хос навкарлар, йигитларни биз ҳам саралаб,  
Пистирмага жойлаб қўйдик келар йўлингда.  
Сен тузоққа тушганингни билмай ҳам қолдинг.

## **АБУ ЗАЙД**

Ёлғон! Үзим күрдим уни булоқ бүйида,  
Үлдирмоқчи эдим дархол кимлигин билгач.  
Шу ниятда олиб келдим уни ҳужрага.  
Құлға туширганмишсан-а.

## **АБУТОЛИБ**

Бизнинг йигитлар  
Бир лаҳзага уни күздан қочирганида  
Сен гүёки келган каби ёрдамга ногоҳ  
Құлға олдинг буни. Балли сенга, Абу Зайд.

## **АБУ ЗАЙД**

Мақтовингни пишириб е. Билсам шуларни  
Уни олиб келишимдан олдин ҳужрага  
Үйлар эдим обдон нетмоқ кераклигини.  
Рост бұлса гар менинг бугун эшитғанларим  
Қилиб құйған ишим учун қиёматтacha  
Ёнарман бир үт ичидә.

## **АБУТОЛИБ**

Ёнсанг, ёниб үл.  
Үз ишингни бажардинг сен. Менинг құлымга  
Шоҳни олиб келиб бердинг. Шоҳнинг үзини!

## **АБУ ЗАЙД**

Берганим іүқ ҳеч кимсани ҳали құлингга,  
Лекин ҳозир туёғингни шиқиллатмасанды,  
Тутқазаман құлингта мен қалланғни олиб.

## **ИБН АММОР**

Абу Зайд, сен ушла уни, уйдан чиқарма,  
Оломоннинг олдига мен бориб келгунча.

## **АБУТОЛИБ**

*(бир сапчиб эшикнинг олдига борганча)*

Ушлаб бұпсан. Яқынлашма. Йұқса, пичоқни  
Мен күксига отаман бул chalажон шоҳнинг.  
Яқынлашма. Бу қаримсоқ, отанғдан олдин  
Оломоннинг олдига мен үзим бораман.  
Йигитларим ҳужрангга үт құядылар, үт!

*(кемади)*

## **АБУ ЗАЙД**

Ота, рухсат айла, уни тутиб ўлдирай.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Кераги йўқ! Кераги йўқ, мени деб ўрам  
Одамларин ўлдиromoқни.

## **АБУ ЗАЙД**

Сени деб эмас,  
Ўлдираман уни шаъним тўккани учун.

## **ИБН АММОР**

Шошма, ўғлим. Ақду зако қочар шошганда,  
Шошилганда дадил тушмас ерга қадаминг.  
Мен борайин оломоннинг йифинига. Сен  
Бунда бўлгил.

*(четга чақириб)*

Синглинг кетган Солмон уйига,  
Ҳали замон у балони бошлаб келади.

## **АБУ ЗАЙД**

*(шошиб)*

Синглим кетган Солмонга?

## **ИБН АММОР**

Ҳа. Умайя менинг  
Сўзларимга қулоқ солмай чиқди-да кетди.

## **АБУ ЗАЙД**

*(типирчилаб)*

Эҳ, Умайя, эҳ, Умайя...

## **ИБН АММОР**

Тинчлан, Абу Зайд,  
Ҳар нарсага ўзинг бунда бўлгил кўз-қулоқ.

### **(Жалолиддинга)**

Султон, энди ичкари кириб,  
Ором олинг бир пас. Осон эмасдур, ахир,  
Дош бермоқдик тан ва дилнинг жароҳатига.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Жароҳатлар еявериб жисмим ва дилим  
Пишиб кетган менинг, худди оловга тушиб,  
Ўзи олов бўлиб кетган сопол сингари.  
Тушларимга кирадиган бўлди сўнгти пайт  
Самандар қуш. На ўт, на сув унга писандур,  
Чақмокдан-да, довулдан-да ҳайиқмасдан у  
Манзил сари учаверар, учаверади.

### **ИБН АММОР**

Утдан, сувдан одамларнинг макри ёмондур,  
Одам деган офатга тенг офат кўрмадим.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Оллоҳ, таоло яратганда одам зотини  
Бўлур ерда у мукаррам ҳалифа деган.  
Одамдаги ақл қайси жонзотда бордур?

### **ИБН АММОР**

Туғри, султон, одам ақли, шуурига тенг  
Келадурган неъмат йўқдур оламда бошқа.  
Аммо шайтон йўлдин урар одам боласин,  
У лойлатар тиниқ ақл чашмаларини.  
Тафаккурнинг чироқларин пуфлаб ўчириб,  
Зимистонга айлантирап нурли йўлларни.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Одам зоти қачон устун келар шайтондан,  
Яшайдими ё ҳамиша ундан алданиб?

### **ИБН АММОР**

Иймон нури ёритганда одамлар кўнглин  
Одам устун келар иблис лайндан албат.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қачон шундай бұлар, Ибн Аммор, а, қачон?

### **ИБН АММОР**

Буни Оллоҳ билар, султон.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Аммоқи, одам  
Ұз хатосин юклайверса шайтон бүйніга,  
Тан олмаса ұз нұқсини ұзи ва бари  
Хатолари учун үзин айбламаса,  
Сиз айтган күн келмас, Ибн Аммор, ҳеч қачон.  
Ҳалим бұлиб юрадилар атрофимизда  
Иблисста дарс бергувчи шум одам-шайтонлар.  
Ана шулар яхшиларни макр турига  
Ұрайдилар, күзларини бойлайдилар ва  
Чоху жарға ташлайдилар. Шайтондан күра  
Одам учун хавфлироқдур одам-шайтонлар.  
Оғимдан күп олдилар менинг-да улар,  
Мен ҳам улар ҳийласига күпда алдандим.  
Не қилайлик, Ибн Аммор, хом сут эмғанмиз.

### **ИБН АММОР**

Ұқынмоқдан күра фахр этмоққа лойик  
Ишларингиз күпдур, султон Жалолиддинсиз!

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Тангрим берган эди менга бемисл имкон —  
Кучу қувват, кескир қилич ва учқур бедов.  
Узоқдарни күргил дея күз берган эди,  
Сұзларимни эшит дея берганди қулоқ.  
Дарё каби мавжли қалб ҳам берган эди-я.  
От устида турган ёвга қилич урганда  
Уни булиб иккига то әгарга қадар  
Кесиб борар эди тиғим. Эллик, юз нафар  
Ёвни биттә қилич сирмаб қириб ташлашга  
Қодир бұлған билан әлни озод этмоққа  
Қодир бұла олмас эсанг, ул кучу ул от,  
Ул қиличдан не фойдадур, курашдан не наф?!

## ИБН АММОР

Дев бұлса ҳам битта одам не қила олур,  
Күпчиликнинг ишидур жанг. Фақат күпчилик  
Булиб ёвни енгмоқ мумкин. Бошқа йұли йұқ.

## ЖАЛОЛИДДИН

Күпчиликда эмасдур гап, ахиллиқдадур,  
Олиб күринг подани сиз, пода күпчилик.  
Лекин унда муҳим нарса йұқдур: мақсад йұқ,  
Эзтиқод йұқ, демак, олис-олисда ёниб,  
Борар жойни курсатгувчи машъала йұқдур.  
Гап булиши мумкин эмас шуур ҳақида,  
Баъзи құшин шохи ўткир подага ұхшар.  
Менинг учун құшин — одам, мақсадлари бир,  
Эзтиқоди битта, бутун, ахил одамлар.

## ИБН АММОР

Шундай бұлса құшинингиз, нечун ёғийдан  
Енгилдингиз?

## ЖАЛОЛИДДИН

Ахил бұлган чөғларда бизлар  
Енгдик мудом. Енгдик. Олинг, Парвон жангини,  
Үн карра күп зди биздан ёғий чериги,  
Оз бұлсак-да ахил, пұлод бир жисм здик.  
Буни күриб бизга Оллоқ малоикларни  
Юбордими, бир сарбозим үн, юзга ұхшаб,  
Күпайғандан күпайғандай тұлиб ишончга,  
Ёпирилдик ёғийга ва Чингизнинг үғли  
Тұлихонни ер тишлатдик.

(сукут)

Аммо бизларни  
Ул ахиллик сұнг тарқ этди. Омад тарқ этди.  
Парча-парча бұлиб кетди ул пұлод жисм.  
Нечун сизга бу гапларни айтадурман мен,  
Нечун сизга очадурман сирим, қалбимни?  
Шу учунким, тушундиянгиз мени сиз ҳа, ҳа.  
Англадингиз куашлардан недур мақсудим,  
Не деб ошдым дарё, денгиз, тоғу тошларни.

Бирлашмоқлик ғолибият эканлигини,  
Бирлашмаслик мағлубият эканлигини  
Худди менинг үзим каби курганингиздан,  
Худди менинг сўзимдек сўз деганингиздан,  
Малҳам топганини дилим яраларининг,  
Уқ, тўпларнинг наърасидан караҳт бўлган  
Қулоқларим очилганин яширомайман.  
Отам агар сизнинг каби фикр этганда,  
Сизнинг каби уйлаганда бошқа подшоҳлар,  
Чингиз еримизга оёқ босолармиди?!  
Шаҳзодалар ва аъёнлар сизнинг ақднинг  
Ўндан бирига гар эга бўлсалар эди,  
Барҳам топар эди саройларда адоват,  
Подшоҳларнинг вақти ўзни қўриқлашгамас,  
Халқ баҳтини қўриқлашга бўлар эди сарф.  
Насиб этса эди менга иккинчи умр  
Ва Оллоҳга мумкин бўлса илтижо этмоқ,  
Сўрар эдим сизга ўғил бўлиб туғилмоқ,  
Сизга фарзанд бўлмоқ баҳти-саодатини.  
Афсус, одам бу дунёга бир бор келади,  
Шамол каби у ҳам ўтди-кетди бир пасда.

### ИБН АММОР

(*кўзлариаги ёшни яширишга уриниб*)

Ундай деманг; султон, ҳали узоқ яшарсиз,  
Озод этмоқ юртингизни, банди юртларни,  
Иншооллоҳ, сизга насиб айлагай.

### ЖАЛОЛИДИН

Шукур,  
Мен туғилдим озод юртда, буюк маъвода.  
Кўзим очиб кўрдим уни эркин ва шодмон.  
Бироқ энди кўзим юмар чоғимда уни  
Босқинчилар қўлида бир қул каби кўрмоқ  
Азоблари, ўқинчлари, армонларига  
Дош бермоқлик жон бермоқдан оғирдур менга.

### ИБН АММОР

Иншоолло, озод бўлар юртингиз яна,  
Дейдиларким, оққан дарё оқмайин қолмас.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Қачон озод бұлар? Ва ул дарё мавжлари  
Яна қачон қувонтирап эркин дилларни?  
Ва ким озод этар уни? Кимлар ёғийни  
Итдек қувиб ҳайдайдилар тупротимиздан?  
Жавоб тополмайман ушбу саволларга мен.

## **ИБН АММОР**

Сиз үзингиз уни озод этурсиз, султон.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ёлғон ярашмайды сиздай доно одамга,  
Менинг умрим тугади. Ҳа, шу кичик хужра  
Менинг сұнгти манзилимдур. Ушбу үт, үчоқ,  
Бу ашёлар энди ёруғ дунёда менинг  
Сұнгти марта куриб турған мұхібларимдур.  
Сұнгти марта куриб турған одамларим — сиз,  
Сиз ва сизнинг үғлингиздүр  
Айтди, үлдирмоқчи экан Абу Зайд мени,  
Айтинг унга, мен розиман, майли, үлдирсін.

## **ИБН АММОР**

Бизни эзманг, уялтиранг, султон.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Ахир, у  
Ошкор этди ниятини, сиз эшитдингиз.  
Бир малъуннинг құлларида үлгандан кўра  
Шу үғлингиз үлдиргани мени яхшидур.

## **АБУ ЗАЙД**

Үлдирмоқлик... Үч олмоқчи эдим.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Энди-чи?  
Нечун энди кўзларингда кўринар үйлар?  
Маслаҳатим сенга, йигит, үйланма. Мендан  
Сухайлни қатл этганим учун қасос ол.  
Ором олсин үч истаган сенинг кўнглинг ҳам,  
Мен ҳам қоним билан ювай ул гуноҳимни.

## **АБУ ЗАЙД**

Сухайлни ўлдириб сен Оллоҳ олдида  
Катта гуноҳ қилдинг. Энди Оллоҳнинг ўзи  
Ҳисоб-китоб этар савоб-гуноҳларингни.  
Мен ҳам уни тортиб кўрдим ўз тарозимда,  
Тоши оғир келди савоб турган палланинг.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Демак, мени ўлдирмайсан, шундайми?

## **ИБН АММОР**

Султон!..

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Афсус.

## **ИБН АММОР**

Нечун султон, нечун афсус-надомат,  
Сиз сабабки, ўғлим қалби оламнинг сирли,  
Нозик-нозик садоларин илғади.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Бундан  
Не фойдадур, Ибн Аммор? Ҳаёт садосин  
Нозиклигин қанча билса агар Абу Зайд  
Шунча қийин бўлар унга. Ахир, отасиз,  
Истамайсиз ўғлингизнинг ҳалокатини.

## **ИБН АММОР**

Тушунмадим.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Оқил, зукко одамсиз, Аммор,  
Ер остида илон юрса, кўрар кўзингиз.  
Қачон ёмғир ёфишию ой тутилишин,  
Зилзиланинг бўладиган муддатини ҳам

Биласизу ўғлингизни не күтәр ахир  
Билмайсизми? Сақланмоқчи бўлсангиз ғамдан,  
Айтинг Аммор, тезроқ мени ұлдирақолсин.

### **ИБН АММОР**

Хушингизга чанг солибди жароҳатингиз,  
Йўқса, бундай сўзлар айтиб менинг қалбимни  
Тифламоқдан ор этарди тилингиз, султон.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Бутун умрим давомида ақлим, шуурим  
Ҳозиргида тиник бўлган эмас, ишонинг.  
Гарчи таним жароҳатли, жисмим ногирон,  
Аммо миям ногиронмас, балодай ишлар.

### **ИБН АММОР**

Ичкарига олиб кирай, бир пас дам олинг.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Бир пас дам дeng. Керакмайди. Энди буёғи  
Абадийлик уйқу бўлар ўзи шундоқ ҳам.  
Ибн Аммор, муфассирсиз, Китоб нима дер,  
Рўзи Маҳшар қачон келар?

### **ИБН АММОР**

Оллоҳ билади.  
Аниқ вақти ёзилмаган бирон китобда.  
Нечун буни сўрадингиз?

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Рўзи Маҳшарда  
Дийдорингиз кўрмоқликни сўраб Оллоҳдан  
Илтижолар қилиб турган бўлса бирор, у —  
Мен бўлурман, мен. Мендан рози бўлгайсиз.

### **ИБН АММОР**

Кўп яшайсиз ҳали, нечун рози-ризолик?

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен ўзимни ёш кетдим деб айта олмасман,  
Юз ийл яшаб бир нүктада мукка ўтирган,  
На ўзига, на ўзгага на бир имдоди,  
На малоли тегмаганлар, на-да жаннатий,  
На дўзахий одамларни ёши кетди деса,  
Эҳ, бечора, деса бўлар. Менинг ёш умрим  
Бир асрмас, кўп асрлар шодлигини ҳам,  
Фамини ҳам тотган узун умрга ўхшар.  
Ҳар нарсанинг ибтидоси, интиҳоси бор,  
Сўнг манзилга етиб келди умрим карвони.  
Хайр, энди, Ибн Аммор!

*(Ибн Аммор билан қучоқлашиб, уни узоқ ўз бағридан юбормай туради)*

Сиздан розиман.

## **ИБН АММОР**

Қайдан келди сизга бундай хазин фикрлар,  
Ўрамимиз одамлари яхши одамлар.  
Тингламаслар волийни ҳам, оқсоқолни ҳам,  
Ҳозир бориб ҳақиқатни айтсам уларга  
Келадилар бари сизни тавоғ этгали.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Мен бирордан қўрқиб яшаб ўрганмаганман,  
Волий бўлсин, ўша икки оқсоқол бўлсин,  
Кўзларимга кўринмаслар бир чивинчалик.  
Мусобаҳа қилмоққа ҳам арзимайдилар.  
Аммоқи мен очилсин деб бори ҳақиқат,  
Улар билан бир очиқча баҳс айламоққа  
Топа олдим ўзимда куч ва сабр-тоқат.  
Ўрамингиз бошқа оддий одамларини  
Кўрмоқдаман сизнинг қиёфатларда, Аммор.  
Сизни кўрдим, шунинг ўзи басдур!

## **ИБН АММОР**

Дам олинг,  
Бир пиёла чой иссангиз, ором олсангиз,  
Оғриқларни унугтасиз. Саълаба сизга  
Муолажа қиласиз бироз.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Хожати йўқдур,  
Саълабага айтинг менинг ташаккуримни.

*(ичкарига кириб кетабошлайди. Тұхтайди.  
Орқасига ўгирилиб, яна Ибн Амморга яқин келади)*

Ибн Аммор, айтгандингиз, Нажмиддин Кубро  
Муридисиз. Мен бир фарзанд ҳисоби унга.  
Ният этган эдим умрим бўйи хизматин  
Бажо қилмоқ, зикрин тиљдан туширмасликни.  
Қонин тўкиб, қатл айлаган бўлса ҳам ёғий  
Руҳин поймол этолмагай ул зоти покнинг.  
Сиздан истак шуки, Ибн Аммор, гоҳ-гоҳи  
Мен учун ҳам Унинг Руҳин айлангиз дуо.  
Мендан унга бир ояти карима ўқинг!

*(Ибн Аммор ҳаяжонини яширомлади)*

Яна битта истагим бор, айбга санаманг.

## **ИБН АММОР**

Эшитаман, султон.

## **ЖАЛОЛИДДИН**

Отам хоки — оролда,  
Ўз юртидан узоқларда ётар кафансиз.  
Онам, ўғлим, хотинимни ютган гирдоблар  
Қай қирғоққа отгантурлар жасадларини.  
Қай қушларга ем бўлдилар юртдан узоқда.  
Мен ҳам бугун узоқдаман түкқан еримдан,  
Худди улар каби очиқ кетмоқда қўлим.  
Ҳаётда-ку сира тузук яшай олмадим,  
Ўлимим ҳам аҳмоқона экан, водариф.  
Бир нодоннинг қўлларига тутқазмоқ учун  
Шунча жангдан омон олиб чиқибман бошим.  
Лак-лак сарбоз орасида, майдонда эмас,  
Шу ҳужрада ўлиб кетмоқ.. Эҳ, тақдир, тақдир!  
Уч-тўрт танга қолган бўлса чўнтагимда, гар,  
Менга қабр ясатинг-да қафандаб кўминг  
Тоғлар кўпдур чор-атрофда. Менинг жасадим

Баландроқ бир жойга қүйинг. Ватаним  
Томонидан эсіб келар бұлса шамоллар,  
Қабрим четлаб ұтmasлар деб умид қиласман.  
Бор истагим шудир сизга. Алвидо, Аммор!

*Аста-аста қадам ташлаб, бошини тик ва мағрур  
тұтғанча ичкари ҳужрага кириб кетады.*

### **АБУ ЗАЙД**

Жазм этганга үхшайды у мұдхиш бир ишга,  
Бул ҳәётда қолгуси йүк үхшайдур ортиқ.  
Наҳотки, у үз-үзини үлдирмоқчи?

### **ИБН АММОР**

Йүк.  
Жалолиддин үхшашы йүк кучли даҳодур,  
Бил, даҳолар үз-үзини үлдирмайдылар,  
Даҳоларни үлдирарлар.

### **АБУ ЗАЙД**

Ажаб фалсафа...

### **ИБН АММОР**

Тепасига ёвуз бир құл келиб дағъатан  
Бұғзига тиғ уришини сезаяпты у.  
Үша ёвуз Солмон эрур.

### **АБУ ЗАЙД**

Дарвоқе, Солмон...

### **ИБН АММОР**

Сен бир қадам жилма бундан үғлим, Абу Зайд,  
Хұжрамизда юз бермасын мұдхиш фалокат.  
Бирор билан олишмоққа ҳозир султоннинг  
На ҳоли бор, на бор эрүр құлда яроғи.  
Үнга ҳозир хезланса ким иснодға қолар,  
Бироқ Солмон үч истайды, иснодни билмас.  
Хүшөр бұлғыл, жон үғлим. Мен кетдім. Оломон  
Йиғилғандур. Тинчитмасам уни бұлмайды.  
Ва ишончли йигитларға айтиб султонни  
Яширмасак бұлмас күзден йироқроқ, жойга.

## **АБУ ЗАЙД**

Боринг, ота.

## **ИБН АММОР**

Тушундинг-а?

## **АБУ ЗАЙД**

Жуда тушундим.

## **ИБН АММОР**

Боракаллс йишонаман сенга, омон бўл.

*Кетаги. Абу Зайд оёқ учига бориб ичкари ҳужрани кузатади. Ҳаво айниб, момақалдироқ гумбирлайди, чақмоқ чақади. Абу Зайд ташқарига мўралаиди, кўнглига хавотир тушади. Ўчоққа ўтиң ташлаб, гулханни гуррillатиб ёқади. Девордаги суратларга разм солади. Биттасини қўлига олади.*

## **АБУ ЗАЙД**

Эҳ, Сухайл, Сухайл... Сен сингари мен ҳам  
Бир қонхўр деб ўйлар эдим Жалолиддинни.  
Босқинчи деб атагандা уни Русудан  
Қувватлаган эдим мен ҳам қироличани.  
Энди билсан...

*Тўс-тўполон билан Солмон, унинг кетидан Умайя киради. Солмоннинг соchlари ўсиқ, ёқалари чок, камарига қилич ва пичоқ осиғлиқ.*

## **СОЛМОН**

Қани ўша? Қаёқда ўша?

## **УМАЙЯ**

*(ичкарини кузатиб)*

Ичкарида, бу ҳужрада бўлиши керак.

*(кетаги)*

## **СОЛМОН**

*(пичогини ялангочлаб ичкарига йўналади)*

Ҳаҳ, қотил шоҳ. Қилғилийкни қилиб энди сен  
Беркиндингми хотинларга уҳшаб. Мен сени...

## **АБУ ЗАЙД**

*(йўлина тўсиб)*

Тўхта, Солмон, шошма.

## **СОЛМОН**

Абу Зайд, тўсма йўлимни,  
Укам қони қон сўрайди.

## **АБУ ЗАЙД**

Тўғри, қонга қон  
Удумда бор. Лекин...

## **СОЛМОН**

Ие, лекин нимаси?  
Қонларига унинг ташна менинг ханжарим.

*Абу Зайдни силтаб йикитаги. Ичкарига кираётганнига Абу Зайд унинг оёғидан осилиб тўхтатаги.*

## **АБУ ЗАЙД**

Шошма, аввал мени эшиш.

## **СОЛМОН**

Сўзга ҳожат йўқ.

## **АБУ ЗАЙД**

Ундай дема. Эшиш аввал.

## **СОЛМОН**

Абу Зайд, сени  
Жин урдими, еб қўйдингми ақдлингни ёки?

## **АБУ ЗАЙД**

Менинг ақлым жойидаадур.

## **СОЛМОН**

Унда юбор.

## **АБУ ЗАЙД**

Йүк.

Қүйиб юбормайман сени унинг олдига.

## **СОЛМОН**

*(бақириб)*

Абу Зайд!

## **АБУ ЗАЙД**

Қүй, бақирма.

## **СОЛМОН**

Зайд?!

## **АБУ ЗАЙД**

Сендан аввалроқ

Үлдирмоқчи эдим үзим.

## **СОЛМОН**

Нима тұхтатди?

## **АБУ ЗАЙД**

Аввали сенга хабар берай дедим ахдимдан,  
Тез уйингга бордим. Йүқсан. Гузарға чиқдим.  
У ердан ҳам тополмадим. Сунг бунда келиб,  
Үлдирмоқчи бұлғанимда тұхтатди отам.

## **СОЛМОН**

Отам дейсан бурни оққан болага ўхшаб,  
Сен йи-гит-сан! Отанг эса...

## **АБУ ЗАЙД**

Солмон! Отамга  
Тил тегизма. Отам менинг құзимни очди,  
Хақиқатни курсатди бор буй-басти билан.

## **СОЛМОН**

Нима экан ул ҳақиқат? Сухайлни у  
Үлдирмаган эканми? А?

## **АБУ ЗАЙД**

Үлдиргани рост.

## **СОЛМОН**

Унда яна қандай ҳақиқати қолди, Зайд?

## **АБУ ЗАЙД**

Гапиргани бер.

## **СОЛМОН**

Керакмас. Мен ва сен учун  
Бир ҳақиқат бордур, холос. Бу Хоразмшох,  
Сухайлни қатл айлаган. Тамом.

## **АБУ ЗАЙД**

Солмон, сен...

## **СОЛМОН**

Тамом. Бошқа сүзлай күрма. Акс ҳолда мен  
Сухайлни севганингта шубҳа қиласан.

## **АБУ ЗАЙД**

Солмон!!!

## **СОЛМОН**

Тамом.

## **АБУ ЗАЙД**

Хеч нарсадан хабаринг йүқдур,  
Имкон бергил, айтай сенга билғанларимни.

## **СОЛМОН**

Билганларинг ўзингники, менга керакмас,  
Менга фақат хуни керак Хоразмшоҳнинг.

## **АБУ ЗАЙД**

У шу ерда, ҳеч қаёққа қочиб кетмайди,  
Жуда оғир яраланган, йўқдур мажоли.

## **СОЛМОН**

Ҳали сенинг унга раҳминг келаяптими?  
Унга, ўша Сухайлни қатл этганга-я?

## **АБУ ЗАЙД**

Гап раҳмда эмас, Солмон. Ахир, Сухайл...

## **СОЛМОН**

Тамом. Ҳали Сухайлга, шаҳид укамнинг  
Рұҳига тош отмоқликқа борарми тилинг?

## **АБУ ЗАЙД**

Бош эгаман Сухайлнинг рұхи олдида,  
Шу рұх ҳақи, керак бўлса жоним бераман.  
Лекин, бир айб утган билсанг Сухайлдан ҳам.

## **СОЛМОН**

Оғзингни юм. Агар яна сайраса тилинг,  
Уни кесиб ташлайман мен.

## **АБУ ЗАЙД**

Эҳтиётин қил  
Ўз тилингнинг. Сен биласан, қаҳрим ёмондур,  
Сабримнинг ҳам чеки бордур, жинимга тегма.

## **СОЛМОН**

Мен эмас, сен қўзғаяпсан барча жинларни,  
Агар жонинг керак бўлса, йўлимни тўсма.

## **АБУ ЗАЙД**

Сўзларимни эшитмасанг... Кет бундан!

## **СОЛМОН**

Нима-а?

Уни ёқлаб, мени бундан қувмоқчимисан?  
Мени, Солмон полвонни-я? Ҳа, энди билдим,  
Сотилгансан сен қотилга.

## **АБУ ЗАЙД**

Бас қил!

## **СОЛМОН**

Сотилгансан.

Нималарнинг эвазига сотдинг сен Руҳни,  
Нима билан ёпақолди оғзингни бу шоҳ?

*(Абу Зайд үз қулоқларини бекитади)*

Фойдаси йўқ, ёпма энди қулоқларингни,  
Тамом. Ортиқ чирқиллатма укам руҳини,  
Ўрин йўқдур бунда унинг суратларига.

*(девордаги суратларни узиб-юлқиб  
туширабошлайди)*

## **АБУ ЗАЙД**

Тұхта. Бас қил. Жинни бұлма. Уканг руҳини  
Мен эмас, сен ўзинг чирқиллатдинг, сен ўзинг!

## **СОЛМОН**

Сүңгти марта айтаман: қоч йұлимдан.

## **АБУ ЗАЙД**

Сен қоч,  
Сени одам ҳисоблаган мен ўзи аҳмоқ.

## **СОЛМОН**

Одам бўлмай қолдимми мен энди сенга, а?  
У шоҳ, қотил одаму мен ҳайвон, шундайми?  
Бари аён бўлди энди, барчаси равшан,  
Сен балки бу шоҳга синглинг сотмоқчи дурсан?

## **АБУ ЗАЙД**

*(мувозанатини йўқотиб)*

Сен ҳайвонсан, ҳўқизсан сен. Фақат шоҳинг йўқ.

## **СОЛМОН**

*(Абу Зайдга ташланиб)*

Мана сенга, ҳайвон, мана ҳўқиз, мана шох.

*(бир неча жойига пичоқ уради. Абу Зайд  
йиқиласди)*

Тамом. Сенинг ҳақинг шудир. Сотқин.

*(ичкарига йўналади)*

Энди гал

Қотилга. Мен ҳозир унинг қонин ичаман.

*(хужра эшигини тепиб очганча ичкарига кириб  
кетади)*

## **АБУ ЗАЙД**

*(жон таслим қиларкан)*

Қутқазинглар Жалолиддин Мангубердини!

*(шошиб Умайя киради)*

## **УМАЙЯ**

Ака! Нима қилиб қўйдим! Вой, акажоним!

Ўчоқдаги олов пасайиб, коронгулик чўқади. Момо-  
қалдироқ гуриллаб, чақмоқ чақади. Сурункали ёмғир ёға-  
бошлиди. Ўчоқда ўйлт-йилт этиб, битта ўтин ёна-  
ди. Ёнаверади! Бутун воқеа давомида чалингган мусиқа  
авжига чиқади.

## СЕН ХОРАЗМ МАЛИКАСИСАН...

(Кинодостондан)

Гуржистон остонаси. Жалолиддин қароргоҳи.

Жалолиддин гуржи қўмондони Шалвани сўроқ қилмоқда. Шалванинг қўли орқасига боғланган.

Шалва:

— Сўзларимга ишон, султон. Сенга тан бердим. Мени қанотингга ол.

Жалолиддин:

— Сен ўз элдошларингта қарши қилич кўтарурмисен?

— Элдош ҳар хил бўлар. Мен малика Русуданни чалғитган, Гуржистонни номусдан ўлдирган қўмондонларга қарши ўт очурман.

Шараф ал-мулк:

— Султон, у ўз сўзини не ила исбот этур?

Шалва:

— Султон мени қандоқ синов этсалар, тайёрмен.

Жалолиддин:

— Темур Малик, Шалвани ёнингга ол.

Шалванинг қўлларини бўшатишади. У чиқади. Темур Малик киради.

— Бир киши асир олинди, онҳазрат.

— Гуржиларданми?

— Кўринишидан гуржига ўхшамайди. Гапиртира олмадик. Гунг ва лол. «Асир»ни олиб киришади.

Жалолиддин (уни бошдан-оёқ кузатиб):

— Сен на гунг ва на лолсен. Сўйла.

«Асир»:

— Элчига ўлим йўқ, султон. Гар ўзимни лолга солмас эрсам, хузурингизга кирмоғим амри маҳол эрди. Ўзингизга айтадурган гапим бордур.

— Гапир.

— Мени Бадриддин ал-Амид юбормишдур. Малика Моҳира бону онинг манзилгоҳидаадур.

— Моҳира бону? Бадриддиннинг қўлида? Ёлғон,, Хотинимни ўз қўлларим ила дарёга чўктирганмен.

— уни дарёдин Бадриддин ал-Амид қутқариб олмиш. Малика ҳаёт, султон. Мана бу узукни танирсиз?

Жалолиддин узукни күздан кечиради.

— Моҳира бонунинг узути...

Жалолиддиннинг кўз ўнгидан онаси ва хотинлари-ни дарёга чўктириши, Моҳира бону ва унинг қўлидаги узук билан боғлик манзаралар ўтади.

— Сени бунда юборишдин Бадриддиннинг мақсади недур?

— Буюк Хоқон шартини сизга етказиши ва тил то-пилса маликани ўзингизга қайтариш, сulton...

Жалолиддин, Темур Малик ва Шараф ал-мулк бир-бирларига қараб оладилар.

Жалолиддин:

— Сен айтган ул манзилгоҳ, қайдадур?

«Асир» (Жалолиддинга харитани топширади).

— Мана шул жойдадур.

Жалолиддин харитани кўздан кечиради. Пайт пой-элчи сўзини давом эттиради.

— Бугун чошгоҳда сизни кутгайлар. Ёлғиз ўзингиз этиб боргайсиз. Бормас эрсангиз малика қатл этилгай.

Элчи чиқади. Жалолиддин чуқур ўйга толади. Тинчлик кунлари, дарё сайли, овдан қайтиб Моҳира бонунинг олдига кийик ташлаттганлари кўз ўнгидан ўтади. Вазирга дейди:

— Отни тайёрлашсин, ҳозироқ йўлга чиқурмен.

Темур Малик:

— Шошма, сulton, шошма. Фикр эт, олар сенга тузоқ қурмишлар.

— Тузоқ қурмишлар деб Моҳирамдин — севгимдин воз кечайинми?

Шараф ал-мулк:

— Рухсат айланг, сulton, аввалинда ўшал нобакор айтқан жойга мен борайин, неки шарти бор, эшитайин.

— Йўқ, вазир, оларга мен ўзум борурмен.

Темур Малик:

— Фалокат юз берур эрса, қўшиннинг ҳоли не кечур, не-не машаққатлар ила ўзунг оёққа турғизган салтанат ҳоли не кечур, сulton?!

— Менинг ўз ҳолим-чи, они ўйламасмусен, Темур Малик? Бир ўлиб-тирилган суюклим, жоним-жаҳоним ёв илгига эрса, они нобуд қилюр эрсалар, мен қандоқ яшармен, қандоқ бош кўтариб юрармен? Қандоқ, қандоқ?

— Моҳира бонуни қутқариш чорасин қилурмиз. Илонларни ўз инларида ўлдирурмиз.

— Олар сен ўйлаганчалик содда эрмаслар. Қилич кутармасингдин олдинроқ маликани нобуд этурлар. Хо-

лиси калом, мен ўзум борурмен. Дағи эшитурмен, шартлари недур? Мен кетдим.

Ташқарига отилиб чиқади. Кетидан Темур Малик югуряди.

— Тұхта, султон, тұхта.

Шаршара ёнида уни қувиб етади.

— Мени үлдириб, үлигімнің устидин үтиб борурсен. Ажал домига ўзингни ташлашиңгга йұл құймасмен.

— Йұлымни тұсма, Темур Малик. Раъйимни қайта-ришга ортиқ урина құрма. Эрса, ўзингдин күр.

— Майлиға, не бўлса ўзимдин кўрдим.

— Шундоқми?

— Шундоқ.

Жалолиддин Темур Маликнинг ёқасидан олади.

— Менга монъелик қылмоққа ҳақинг йўқ.

Темур Малик ҳам унга қўл кўтаради.

— Ҳақим бор. Мен сенинг дўстингмен, қаринда шингга томошабин бўлиб туролмаймен.

Улар бўғишадилар. Бир-бирининг кўксиларига чанг соладилар. Темур Малик Жалолиддинни қаттиқ силкитаркан бўғилиб дейди:

— Унутма, султон, юрт сенга умид кўзини тиккан. Сенсиз Чингизга ким бас келур, элни ким озод этур, ким?

Жалолиддин Темур Маликнинг сўзларидан юмшагандай бўлади. Темур Малик султоннинг ёқасини қўйиб юборади.

— Мени кечир, султон. Сенга — шоҳга қўл кутаришга журъят айладим.

Жалолиддин олдида тиз чўқади.

— Кечир! Аммо дағи ўтиниб сўраймен, борма. Маликани озод айлаб, қошингга олиб келишга ваъда берурмен.

Жалолиддин бир сўз демай шаршара тагига бориб бошини сувга тутади. Темур Малик ҳам шовуллаётган шаршарага ўзини уради. Сув пардалари ичидан чиқиб қарасаки, Жалолиддин йўқ.

— Султон? Қайдасен, султон?!

\* \* \*

Тоғ ораси. Уч-тўрт чодир. Соқчилар. Сой бўйидаги чодир олдида Бадриддин, соқчилар ва навкарлар. Харсанг устига қумсоат қўйилган.

Бадриддин:

— Айтилган вақт бўлди. Аммо ундин дарак йўқ.  
1-сарбоз:

— Келиши керак. Минг қылса хотини...

2-сарбоз:

— Келишидин келмаслиги аниқ. Подшоҳга битта хотиннинг баҳридин ўтиш нима деган гап.

Соатдан тинимсиз қум тўкилмоқда.

Бадриддин:

— Ширин Фарҳодга қандоқ бўлса, (чодирни кўрсатиб) у Жалолиддинга шундоқ. Келмай иложи қанча.

Тоғ тепасидан соқчи хабар беради.

— Келяпти.

— Битта ўзими?

— Битта ўзи.

Узоқдан Жалолиддин кўринади. Моҳира бонуни чо-дир олдига олиб чиқишиади.

Бир-бир босиб келаётган Жалолиддин. Кўзларига бир ишониб-бир ишонмай турган Моҳира бону. Шод-лиги ичига сифмайтган Бадриддин.

Жалолиддин яқин келиб тўхтайди.

Моҳира бону:

— Султоним!

Уни тўхтатишади.

Жалолиддин маликанинг кўзларига узоқ тикилади. Хотинини соғ-омон кўрганлигидан хурсандлиги бир сония кўзларида акс этади.

— Келишингга заррача шубҳам йўқ эрди, султон, — дейди Бадриддин.

— Тезроқ шартингни айт.

— Аввало, буюк Хоқон саломин қабул қилгайсен...

Жалолиддин (сўзни бўлиб):

— Шартни айт!

— Буюк Хоқон сен ила сулҳ тузмоқни фикр айлар.

— Яъни?

— Яъниким, Синд дарёсин бўёғи сенга, ўёғи буюк Хоқонга.

Моҳира бонунинг борлиғи қулоққа айланган.

Жалолиддин:

— Бу сенга ўшаган ватанфурушларнинг унга бер-ган маслаҳати бўлса ажаб эрмас. Менга ярим Ватан эрмас, бутун Ватан керак. Гурганж манимдур, Хива манимдур, тенги йўқ шаҳру қишлоқлар манимдур. Хо-жангта айт, қонга — қон, жонга — жон!

Моҳира бону ҳаяжонда.

Бадриддин:

— Дағи бир фикр эт, султон. Урушларга, қон тўкишларга барҳам бермоқ вақти келди. Сулҳга рози

бұл-да, ана, хотинингни бағрингта ол, үз қаламравинг-да бұлажак ерларда айшингни суриб юравер.

— Сенға үхшаганларгина ватанини сотиб айш қила-дилар.

— Демакки, буюк Хоқон шартига күнмайсен?

— Ҳеч қачон!

Моҳира бону Жалолиддин сари интилади.

— Султоним!

Бадриддин ишораси билан уни құйиб юборишағы. Моҳира бону эрининг бағрига отилади. Севинч, соғинч ва аламдан тұлиб-тұлыб йиглаёттан хотинининг сочла-рини силарқан Жалолиддиннинг кипригига ҳам нам инади.

Моҳира бону:

— Яратганга шукур. Диідорингизни күриш насиб айлади. Энди ўлсам армоним йўқтур.

— Тинчлан, жоним, ўзингни бос.

— Сизни бир күрмоқ умидида неки қийноқ бор, чидағым. Чұлларда, саҳроларда ажал домига тушганла-римда Сизни күрмоқ умиди ярамга малҳам бұлды. Ово-зингизни бир әшитмоқ илинжи ҳолдин тойған аёқ-ларимга күч берди. Сизни соғ-омон күрган күзларимдин айланай.

— Ўзингни бос, жоним, душманларга сир берма.

— Олар чиндан ҳам сулҳ тузмоқчилар. Сұзларига қулоқ тутгай эрдингиз.

— Ишонма. Манғурларга ишонма.

— Гарчи қийналдым, аммо сизнинг олдингизда виж-доним поқдур. Бадриддин урди-сұқди, аммо иффатим-га тегмади. Тепамда Худо бор!

— Сенға ишонамен, лекин сен буларга ишонма. Олар менинг құл-оёғимни боғламоқчилар, әвазига Хоқондин амал ва мартабалар, мукофотлар олиш пайдалар.

— Ёвларингиз бениңдөй күп, султоним, сулҳга рози бўлгайсиз...

— Билурмен, олар сенинг шуулингта тажовуз эт-гантар, сенинг тилларинг ила үз сұзларин айттирмоқ-далар. Унутма, сен Хоразм Маликасисен, бошингни баланд тут. Хоқон билурки, бир кунмас, бир кун мен онинг додин берурмен. Тупроғимиздин қувиб чиқар-масдин қўймасмен. Ондин, турли ярамас усулларни қўллагайлар, ўйин қилгайлар.

— Мен бошингизнинг омон бўлмоғин ўйлармен, холос. Минг қиласа-да аёлмен. Сиз шоҳсиз, не қилур-сиз, ўзингиз билурсиз. Аммо оларнинг режалари кўп

хатарлидур. Булар Бағдоддин, халифа қошидин келурлар.

— Бағдоддин??!

— Ҳа, Бағдоддин.

Бадриддин бу сўзларни эшитиб, қўлига камонни олади. Шу пайт дара томондан эгасиз отлар елиб кела бошлиди. Ҳамманинг фикри шу томонга жалб бўлганида тоғнинг бир томонидан Темур Малик ва Шалва, иккинчи томонидан Шараф ал-мulk ўз чериллари билан бостириб тушиб келадилар. Олишув бошланади. Бадриддин пайт пойлаб Жалолиддинга ўқ узади, ўқ эрини тусган Маликага келиб қадалади.

— Алвидо, султоним, алвидо!!!

— Кўзингни оч, Моҳира, кўзларингни оч.

Бадриддин қочади. Шалва уни қувиб кетади. Жалолиддин Моҳира бону жасадини кўтариб чодирга олиб киради. Куз ёшларини тиёлмайди. Улик малика кўксига бош қўяди: Моҳирам, балоларга кўксини қалқон айлаган Моҳирам!!!

Шалва Бадриддинни тутиб келади.

Темур Малик:

— Қойилмен сенга, Шалва.

Темур Малик Бадриддинга ташланмоқчи бўлади.

— Рухсат айла, султон, бу маҳлуқнинг кўзларин ўяй.

Жалолиддин:

— Олдин қилмишига икрор бўлсин. (Бадриддинга) Халифанинг оёгин ўпдим де.

Ўлишига кузи етган Бадриддин бошини роз тутиб дейди:

— Ҳа, билиб қўй, буюк Хоқон халифа или сенга қарши иттифоқ тузган. Сенинг кунинг битган.

— Кимнинг куни қачон битишини ёлғиз Оллоҳ билур. Сенинг кунинг эрса, Ватанни сотган онингдаёқ битган. Сен тирик мурдасен.

— Ҳа, мен ватанни сотдим. Сотдим. Дунёга келиб мен ватандин нима кўрдим? Унга фарзанд бўлиб нима орттиридим? Сенинг отанг ўтрорнинг бообру кишилари бўлмиш отамни, бобомни ўлдиртди. Менинг оёғимга етмаганларга амал берди, мартаба берди. Ўйламадики, бу дунё қайтар дунёдир. Отанг тагига сув қўйган менман. Ўтрор дарвозасини Хоқонга очдириб берган менман. Момонг Туркон хотуннинг, сингилларингни Хоқон олдига олиб борган менман...

Жалолиддин:

Сен Ватаннинг ёвларига хизматларингни айтиб гер-

даюрсен, уялмассен, ҳамиятинг йўқ. Ким дон берса, сен үшанинг товуғидурсен.

Шалва:

— Султон, бизга сотқинларни қоядан улоқтириб ўлдириш одати бордур, уни жазолашни менга бер. Каф-казчасига бир қоядан улоқтирайин...

Жалолиддин ишораси билан Шалва Бадриддинни орқасига телиб олиб чиқади. Тоғ ортига ўтказиб, отга миндириб дейди:

— Хизматимни унутма...

Бадриддин отга қамчи босади.

\* \* \*

Ҳамадон яқинида Жалолиддин қароргоҳи.

Дарвеш Жалолиддин Мангубердига Нажмиддин Кубро матонати ҳақида сўзлаб бермоқда.

Жалолиддин:

— Хўш, кейин не бўлди, тезроқ сўйла, дарвеш.

Дарвеш:

— Муғул шаҳзода шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларига киши юбориб дедиким, шайх оёқ остида қолмасун, айтсун, неки ихтиёр айлар, бажо этурмиз.

Шайх дедилар:

— Мен бир ўзим эрмасмен, шерикларим бордур.

Шаҳзода даги деди:

— Яхши. Юз кишисин олуб, истаган томонига равона бўлсун.

Шайхдин жавоб келди: «Шерикларим юздин кўпдур».

Шаҳзода деди:

— Хўп. Минг кишисин ёнига олсун.

Эрса шайх ҳазратлари жавоб бердилар:

— Йўқ, мен юртимни, халқимни ташлаб ҳеч қаён кетмасмен. Яхши — ёмон кунимда бирга бўлган халқим ила бир томчи қоним қолгунича бирга бўлурмен! Шу ватанда туғилибмиз, шу ватанда үлурмиз!

Шайх ҳазратлари шундек деб муборак қўлларида байроқни баланд кўтариб, қилич сермаб майдонга чиқдилар.

Воажаб! Ҳазрат кутарган ул байроқдин тарам-тарам шуъла тараалар, кўзлари қамашган мӯгуллар саф-саф орқага чекинар эдилар. Надоматлар бўлгайким, ул шуъладор байроқни туйқус бир мӯғул поймол айлагач, қалъани бирдан қоронгулик қоплади. Ёғий қўли баланд келиб, ҳазрат шаҳид бўлдилар.

Жалолиддин:

— Минг йилда дунёга бир келадурган бундай комил инсонни, авлиёи кабирни қатл этсалар-а... Дунё кажрафтормигининг чеки-чегараси борми?

Дарвеш:

— Ҳазрат бақога рихлат қилишлари олдидан мұғул байробин ёғий илгидин тортиб олмишлар ва пора-пора қилмишлар. Ҳазрат ёғий байробин шундоқ қаттиқ чан-галлаган эканларки, жон берганларидин сүнг бармоқларин кесуб они олмишлар.

Дарвеш пиқ-пиқ ыйғлайды. Жалолиiddин нидо қиласы:

— Ёраб!!!

## СҮНГСҮЗ

Майофарикин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффарга Жалолиддин Мангуберди ҳалокатини хүшхабар тарзида етказдилар. Суюнчи олишни истаганлар ўзларича фикр юргизиб, ал-Малик ал-Музаффар ўз душмани вафотидан шодумон бўлади деб ўйлаган эдилар. Бундай мулоҳаза юритишлари умуман бесабаб эмас эди. Майофарикин ҳукмдори билан сulton Жалолиддин ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлар ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиқмаган эди.

Лекин хабар етказувчиларга зарбоf тун кийишлар насиб этмади, аксинча улар ҳукмдорнинг фазабига учрадилар, ал-Малик ал-Музаффар уларга деди:

— Жалолиддин Мангуберди вафотидин мени шод бўулур деб ўйладинглар-му? Ақлу фаросатларинг етмадимики, ул буюк сulton менга, бизларга ёғий эрмас эри, билъакс ул олий зот барча аҳли мусулмонга соябон, бизим ила мӯгул ўртасинда турғон тоғ эрди. Суянч тоғимиздин жудо бўлдик. Сизлар эрса... Эҳ, ноқис бандалар, ноқис бандалар.

Ал-Малик ал-Музаффар ўзаро бўлиб ўтган тўқнашувларни замона ғадорлиги деб атади ва мамлакатда сурункали мотам эълон қилди.

Сulton Жалолиддин жасадини Майофарикинга келтириб, қалъя яқинига дағн қилдилар. Бир вақт келиб ёғийлар сulton суягини хорламасинлар деб ер баробарида текислаб қўйдилар.

Майофарикин ҳукмдори олдиндан кўрганидек мұғуллар оёғи бу тупроққа ҳам етди, бу заминнинг олий қасрлари, нилий гумбазлари харобага айлантирилди. Мұғуллар Жалолиддин Мангуберди қабрини кўп изладилар, аммо топа билмадилар.

Шундан сўнг сulton Жалолиддин Мангуберди ўлмаган, у тирик, ерга берилган жасад бошқанини бўлган деган гап элда овоза бўлди, оғиздан-оғизга ўтиб, узоқ-узоқларга тарқалди.

Гоҳ, у юртда, гоҳ, бу мамлакатда мұғулларга қарши исён кутарилса, дедиларки, бу сulton Жалолиддин иши, у бор, у барҳаётдир!

Исфаҳон атрофида бўлган бир саваш қаҳрамони ўзини Жалолиддин Мангуберди деб атагач, аҳли музулмон буюк сultonнинг тириклигига имон келтириди!

Зеро, буюклар ўлмайдилар!

\* \* \*

Сизга демоқчи бўлганларим ана шулар, азиз китобхон.

Яна шуни ҳам таъкид этишни истардимки, ушбу китобни чиқаришга менинг ҳамқишлоқларим — Хива туманидаги Абдулла Авазов маҳалласи аҳли ўз улушини қўшиб хайрли иш қилгани унугилмас яхшилик бўлди. Ўз миллий қаҳрамони — Жалолиддин Мангуберди руҳи покига ватандошларининг эҳтироми белгисидир бу!

Эзгу ишларингизда буюкларнинг руҳи қўллагай, Оллоҳ ёрингиз бўлгай!

*Сизнинг Эркин САМАНДАР*

## **МУНДАРИЖА**

Хайратли дунё ( <i>муаллиф сүзи</i> ) . . . . .	5
Аждодлар қиличи ( <i>шеърий тарихий драма</i> ) . . . . .	13
Хайратли дунё (давоми) . . . . .	144
Ёт ҳужра ( <i>икки қисмли тарихий фожеа</i> ) . . . . .	149
Сен Хоразм маликасисан... (кинодостондан) . . . . .	261
Сүнгсүз . . . . .	269

**Эркин САМАНДАР**  
**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ**  
**Наср ва назм**  
*Тарихий фожеалар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1999

Муҳаррир А. Бобониёзов  
Рассом И. Воҳидов  
Бадиий муҳаррир Ф. Башарова  
Техник муҳаррир Д. Габдрахманова  
Мусаҳҳих, Ж. Тоирева

Теришга берилди 21.06.99. Босишга рухсат этилди 9.12.99. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табори 14,28. Нашриёт ҳисоб табори 13,5. Адади 5.000 дона.  
Буюртма № 4740. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41-уй.**